


Карим МАХМУДОВ

# Межмейтлема







Фалсафа фанлари номзоди, доцент Карим Маҳмудов 1926 йилда Андижонда туғилган. Унинг «Ўзбек таомлари», «Қизиқарли пазандалик», «Очил дастурхон», «Нон — азиз ризқ-рўзимиз», «Тансиқ таомлар», «Турмуш зийнати» каби 20 дан ортиқ китоблари нашр этилган. Шунингдек, мазкур китобларнинг баъзилари қардош республикалар нашриётлари томонидан ҳам чоп этилган.

Карим МАҲМУДОВ

# Меҳмоназлима

(Ўзбек меҳмоннавозлигининг нафосати,  
одоб ва эътиқодий томонлари  
тўғрисида мушоҳадалар)

НР - 27004



TOSHKENT HABBIYOT AKADEMIYA  
URGANCH FILIALI  
AKBOROT RESURSI  
MARKAZI  
200 йил

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1989

36500

Таҳрир ҳайъати:

Ҳамид ЖАЛОЛОВ, Шавкат МИРАЛИМОВ, Нуъмон НАСИМОВ,  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ (масъул мухаррир), Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ,  
Асрор САМАД.

4403060000 — 109  
М —————— 89 — без объявл.  
356 (04) — 89

ISBN 5 — 633 — 00569 — 4

© Издательство «Ёш гвардия», 1989. (Издаётся на основании договорного заказа творческого объединения «Нур» Ташкентской организации союза журналистов Узбекистана).

## МУАЛЛИФДАН

«1966 йил, апрель, Тошкент», дейши билан дархол зилзилани эслаймиз. Табиий оғат одамларни бир-бирларига янада меҳр-оқибатли, қадрдан қилиб қўйди. Рўзгори омон, хонадони соғ, бошпанаси бутун қолган оиласлар уйи вайрон бўлган оиласларни бола-чақалари билан қабул қилиб, уйларининг тўрини бўшатиб бера бошлидилар. Касал ва жароҳатланганларга раҳм-шафқат кучайди. Қардош республикалардан дўстларимиз гишт, тахта, бетон ва бошқа қурилиши материалларини поездларда ва ҳатто самолётларда олиб келишиб, кўплаб уйлар қуриб бердилар. Тошкентликлар ҳам мезбонликни бажо келтириб, ҳалқимиз гоятда меҳмондўст эканлигини намойиш этдилар. Ана шу воқеа мени палаткада ўтириб асар ёзишимга туртки бўлганди.

Ҳар бир ишни бошлаш қийин, бошласангу битказмай ташлаб кетсанг — хайф, увол. Шундақа мулоҳазалар билан ўтирган эдим, радиодан қўшиқ янгради:

«Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўймас эса вайронадир кошона ҳам...»

Бир хонадон бола-чақалари билан бирга нонушта қиляпти, бирининг қўлида пиёла: чойнинг шамаси тик туриб, шифобаҳи ичимлик ичиди айланниб сузади... Бека энди ҳўйлайман деб турганида кўзи тушади-ю, юзида чироқдай ёнган табассум билан оила аззоларига кўрсатиб:

— Шама тик турди, демак, бугун меҳмон келади бизникига.

Яна бир ҳовлида мусичалар дон талашишяпти.

— Ойи, ана уни қаранг, — дейди бола.

— Вой жониворлар-ей, — она юзи қуёшдай чарақлаб кетади-да, эшик супуришга тушади, — югур, дадангга хабар қил, меҳмон келиб қолиши эҳтимоли бор.

Бирор эрталаб туриб туш ўгиради: «Эмиш, тушимда, йўл-йўл алак чопон кийибман — узоқдан азиз меҳмон келиб қоладиёв».

Дарахтдаги ҳакка: «шақ-шақ-шақ» қиласди, айвонда ўтирган кампир:

— Оғзингга мой, мой! — хитоб қиласди-да: — Меҳмон келишидан дарак беряпти жонивор, — деб қўшиб қўяди.

Узоқ ўтишидан бўён одат тусига кириб кетган ана шундай тушунчалар бор эл орасида. Бундай тушунча ҳалқимиз

азалдан мәхмөннавоз эканлигидан, мәхмөн күтишга ҳамиша ҳозири-нозирлигидан бир дарак әмасми?!

Бундан ташқари, яна мәхмөн шаңнуга қанчадан-қанча шеңр, ривоят, әртак ва мақоллар түқилганини айтмайсизми! Ана шуларни түплаб, ўрганиб чиқиб, мулоҳаза қилинса-чи? Бироқ, бу — келажак иши. Ҳозир мен тетапоя рисоламни етаклаб кенг күчага бошлияпман. Бұ жуда чиройли, охирі бепоён катта күча... Пойдевори маҳкам, осмонұпар турлы бинолар, мевали ва манзарали дараҳтлар қатор түриб гүркірайди, йўловчилари әркин ҳаракатда, күчанинг номи «Мәхмөндүстлик» эмиш.

Әнді бир чеккадан «Ендағтар» иморатига қарайлек-чи:

«Үз күнглинг тиламаган таомни мәхмөн дастурхонига қўймоқ ёки ўзига раво кўрilmаган нарсани унга совға қилмоқ — менсимагандек бўлишини унутмаслик керак. Чунки керак бўлмаган нарса бари бир ташлаб юборилади-да, кераксиз нарса билан мәхмөн кўнглини олдим, деб ўйлашни халқимиз ёмон кўради». Испани билмайман. Чойхонада гаплашиб ўтирган бир чөлнинг гапи бу.

Андижонлик дўстим Аҳмаджон хотинига бундай насиҳат қўилгани қулогимга эшишилди: «Бир ошлиқ масалликни милтиқнинг ўқидай эҳтиёт қилиб қўйгин. Эшикли уй, мәхмөн келса, додға қолмайсан!»

Асакалик шинаванда йигит Азимжон бир группа йўловчиларни тўхтатиб, чойхонага таклиф этарди: «Бизнинг иссиқ кўк чойни ҳам ичинг, сўнг бориб Марғилоннинг муздек луччак шафтолиларидан ҳам енг, иккаласи чанқоқни баббаравар босади. Иннайкейин, Фарғонанинг Теракмозор чойхонасида девзира паловдан тановул этиб, тўғри Шоҳимардонга чиқиб бораверасизлар, қани юринглар чойга!»

«Езёвоннинг қоқ ўртасидан ўтган катта йўл бўйига қоюн-тарвуз эккан дехқон Ашурбой бобо тўхтаб ўтганларга ўз қўли билан қовун сўйиб бераркан. Одамлар миннатдорчилик билдириб йўлга чиқишганда, бобо дер-экан:

— Буёғи Қўйқонга кетгунча, буёғи Анжанга етгунча авизиз ширин бўб борса бўғанида, болам!»

Бу гапни менга шу йўлдан кўп қатнайдиган Маҳмуджон исмли бир шоғёр бола айтиб берди.

Самарқандлик Талъат исмли акахонимизнинг гапи: «Ишдан бўш вақтимни кўпроқ уйда ўтказаман. Деразадан қараб ўтирасам кўча бир дарё мисол, одамлари — балиқ. Кўз қармогимни ташлаб мәхмөн овлайман, ҳар куни битта-иккита белқилтириғи илинади-да, баҳтимга».

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими, машҳур пазанда Маматхон aka Соқиев шогирдига одоб ўргагарди: «Чойхонага кирган мәхмөнларга пешвоз чиқиб: «Келинглар!» — деб яхши жойга ўтириб овқат ейишларини таклиф этсангиз, бир парча этингиз кетиб қолмайди, балки бир қанча эзтиқодингиз қолади оламда машҳур бўлиб, ўргилай!»

«Ендағтар» иморати катта ва хоналари кўп экан. Эшигганларимни келтираверсам Сизни зериктириб қўяман чоги. Бошқа уйларга ҳам кираверайлик-чи.

— Ўзбекнинг таҳмонида саккиз-ўнта охори тўкилмаган атлас ва баҳмал кўрпалар, катта парқу болишлар, ҳар бири беш метр келадиган якандозлари бўлади.

— Намунча?

— Меҳмон, меҳмонлар келганда остига тўшаш учун!

— Ҳар бир хонадонда ўн-ўн бешта чойнак, ўттиз-қирқта пиёла, шунча коса, лаганлардан ҳам шунча бўлади.

— Намунча?

— Меҳмон, меҳмонлар олдига ҳар турли таом олиб чиқиши учун!

— Бисотида икки-учта чопон, беш-ўнта дўппи, шунча кўйлак, қийиқчалардан ҳам шунча.

— Намунча?

— Меҳмон, меҳмонлар эгнига эзгулик ниятида кийдириб қўйиш учун!

Бобокалонларимиздан қолган одатга кўра ёз меваларию куз неъматларининг энг сараларидан олиб қиши билан то баҳоргача сақлаймиз, бу ҳам меҳмон учун.


Кўп меҳмон чақириб яхшироқ сийлашга қаратилган бу одат тарихий ва этнографик ривож асосида таркиб топган. Аҳамият берганмисиз, аксарият уйларнинг ички кўриниши кўп токчалик ва кўп таҳмонлик қилиб қурилган. Токчаларда идиш-товоқ, таҳмонлардаги сандиқлар устида қават-қават кўрпаҷалар... Шу сабабли ўзбекнинг тор уйига юзта меҳмон келганда ҳам шошиб қолмайди, юз кун тургандага ҳам малол келмайди.

«Меҳмоннома»нинг отаси бу — кундалик меҳмоннавозликни канда қилмай, минглаб меҳмонлар даврасида бўлиш ва ақли қаймоқ кексалар билан сұхбат қуриш бўлса, онаси эса шаҳар ва қишлоқларга бориб халқнинг урф-одат ва анъаналарини ўрганишадир.

Ҳаёт муҳитидан кечадиган меҳмондўстлик халқимизнинг кўп асрлар давомида таркиб топиб, тажрибасидан ўтиб барчага манзур бўлган прогрессив ва демократик характердаги анъанасидир, шу билан бирга у улкан одоб, ахлоқ ва нафосат мактаби ҳамдир.

Меҳмондўстлик бамисоли бир булоқки, унда дўстлик, ўртоқлик, одамгарчилик, инсонпарварликни шакллантирадиган, шахсан покизалик, тадбиркор-чаққонлик, ахлоқан теран ва турмушга нафосат назари билан қарашини гарбияладиган бир зам-зам қайнайди. Ана шу булоқдан қўлимдаги қаламимчалик кичик бир ирмоқ очиб жонажон республикамизнинг 50 йиллик юбилейига тўёна қилмоқ ниятида эдим, лекин, минг афсуски, турғунлик давриларида нашриёт ва мағкуравий ишларнинг бошида турган бир кимса ундов белгисига ўхшаши ола таёғини осмонга кўтарди-да, пешонамга ўқталиб, қани ўтиб кўр-чи, дегандек йўлимни тўсган эди.

Мана энди ўзбек халқининг тарихи, анъаналари ва урф-одатлари қандай бўлса шундай ёритиладиган ва равнақ топадиган йўлига яна яшил чироқ ёқилди. Ва мен ҳам ушбу китобимни меҳмоннавоз халқим эзтиборига эзгу ниятлар билан ҳавола этаётирман.



Хонамиз дўстлар оёғидан топар нуру зиё,  
Уй — фонус, меҳмон шаму, мей эса  
парвонаман.  
Меҳмон ҳар қанча турса хизматин айлай  
бажо,  
Кетса меҳмон, мен мисоли мажнуни  
девонаман.

*Домла Мир Хаттот.*

**МЕҲМОНДЎСТЛИК БЎЛСА ИШИ –  
ОЛИЙ ФАЗИЛАТЛИ ЎША КИШИ**  
**(Ўзбек меҳмондўстлигининг ажойиб  
хислатлари ва тарбиявий аҳамияти  
тўғрисида)**



## МЕҲМОННАВОЗЛИК — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Еру биродар, қариндош-уруг ва дўстларнига тез-тез бориши-келиш қилиб туришни энг яхши инсоний фазилатлардан бири деб билади ҳалқимиз. Ўз уйига келган ҳар бир меҳмонни яхши мезбонлар очик кўнгил билан кутиб олишлари ҳам бир фазилатdir.

Дарахтки бор, унга қуш қўнади, уйки бор, демак, унга албатта меҳмон келади. Меҳмондўстлик наинки инсонийлик боғидир, балки шу боғнинг энг ширин мевасидир.

Илгарилари огоҳлантирилмасдан ҳам хоҳлаган вақтда мезбонникига ташриф буюрилаверилар эди. Баъзан меҳмондорчилик жуда авжига миниб узоқ давом этганидан ҳалқ орасида: «Яхши меҳмон уч кунлик» деган нақл ҳам пайдо бўлган, лекин бундан, меҳмондорчилик чегараланган экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Меҳмондорчиликнинг вақти-соати меҳмоннинг хоҳиш-ихтиёри ва мезбоннинг иззат-икроми билан белгиланади.

Ариқчадан сув ўтмаса гиёҳ қовжираб қолганидек, уйига меҳмон келмаган киши одамгарчилик дарёсидан баҳра ололмай қолади. Бирорни илиқ илтифот билан кутиб олган киши эса ўзига бўлажак ана шундай илтифотлар ҳосили учун кўчат эккандай бўлади. Шу сабабли ҳамма ҳалқларда бўлгани каби, ўзбекларда ҳам меҳмонни анвойи таомлар билан зиёфат қилиш одати бор. Ўзбекистонда ана шундай таом паловдир.

Азиз меҳмонга бир қисим серлассат ош едириб юбормаган хона-дон бўлмаса керак Ўзбекистонда.

Ҳар бир шаҳарда меҳмонга тегишли илтифот кўрсатиш йўлида ҳамда мезбон яшаб турган жойнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш мақсадида палов пиширишнинг кўпдан-кўп усуллари мавжуд бўлган. «Фаргона палови», «Самарқанд палови», «Бухоро палови», «Хоразм палови» кабилар шулар жумласидандир. Ҳозир 60 та палов тури мавжудлиги бизга маълум. Палов пиширишнинг янгича усуллари эндиликда ҳам келиб чиқяпти. Чунончи, байрамларда ва азиз меҳмонлар учун тайёрланадиган «Маъмурчилик палови»ни олайлик. Ушбу вариантнинг ўзига хослиги шундаки, паловнинг бошқа алоҳида турларида ишлатиладиган беҳи, тухум, нўхат, майиз, саримсоқ ва шу каби масаллиқлар бир қозонда пиширилиб, битта палов таркибида тортилади ва дастурхонга қўйишда ошнинг юзи таркибидаги масаллик билан чиройли қилиб безатилади. Шу паловнинг вужудга келиши ҳам меҳмонга ҳурмат ва эҳтиромнинг ҳамда маъмурчиликнинг ифодасидир.

Барча халқларда қайнона билан чиқишмайдиган келинлар, күёвлар борлиги сир эмас. Шу нарса ўзбекда ҳам бор, аммо овқат ейилаётган жойга кириб келган меҳмонни «қайнонаси севадиган киши» деб қабул қиласиз. «Яхши меҳмон ош устига келади» деган нақл ҳам бежиз айтилмаган, бу гаплар меҳмон хижолат тортмасин учун айтилган.

Дунёда абадий қолиб бўлмасликни ҳамма билади. Халқимиз орасида шундай кишилар борки, бирон катта иш қилиб ном қолдира олмаса ҳам меҳмоннавоз бўлиш билан шухрат қозониши мумкин. Мен ўз кузатишларимдан биламанки, меҳмон кутишда республикамиздаги ҳар бир область ва районнинг ўзига хос одатлари бор. Дастурхонга албатта палов тортишдан ташқари, Тошкентда, масалан, қази-қартали норин тайёрлаш ва хушбўй фамилчой дамлаш одат тусига кирган. Фарғона водийсининг ҳамма районларида ва Самарқандда меҳмонга даставвал иссиқ кўк чой берилади. Андижон, Ўқон, Марғилон, Фарғона ва Наманганда меҳмонга чой берилгач, кашнич, район солинган ва қатиқланган мастава, сўнгра девзира гуручдан лола ранг қовурма палов тортилади. Бу шаҳарларда меҳмон дастурхонига патир ва жizzали нонлар, анвойи ҳўл мевалар, оқ кўнгилликнинг рамзи сифатида сут, қатиқ, қаймоқ қўйилади.

Келган меҳмонга дарҳол қатиқ таклиф этиш ёки нонуштасига албатта қатиқ бериш, айниқса, Наманганда яхши одат тусига кирган. Сабаби, бу ерда мезбонлар қатиқ ичишининг инсон учун кўпгина фойда келтиришини назарда тутадилар: қатиқ организмни заарли бактериялардан тозалаш ва ҳазм таомлик хусусиятларига эга. Шу билан бирга узоқ жойдан келиб сув ва ҳаво ўзгартирган кипини лоҳас бўлишдан ҳам сақлади.

Самарқандда меҳмонни ширин-шарбат ҳўл мевалар, машхур пўлодий ва осиёй нонлар ҳамда қаймоқ билан сийлаш, сўнгра эса мурч сепилган чучвара ва тўғрама палов билан зиёфат қилиш одати бор.

Бухорода майиз палов ва яхлит қилиб пиширилган барра кабоб, областнинг чорвадор районларида эса янги сўйилган қўзи гўштининг шўрваси ва кабоби меҳмон ҳурматининг рамзига айланиб кетган.

Сурхондарёликларга қўноққа борсангиз, хушбўй кўк чой билан бирга арча ўтинида пиширилган тандир кабоб келтириб, ҳурматингизни жойига қўядилар.

Хоразмликлар меҳмонни тилёрап қовунлар, махсус тайёрланган палов билан сийлашади.

Қорақалпоқнинг балиқ кабоби билан кулчатойини еган меҳмон ўёққа яна боришини орез қилиши турган гап.

Қўон, Фарғона ва Андижонда яхши бир одат бор. Меҳмон келган хонадонга ҳурмат юзасидан қўшнилар дастурхон чиқаришади. «Меҳмон ўз ризқ-рўзи билан келади» каби нақллар, эҳтимол, шу одатнинг таъсири туфайли пайдо бўлгандир.

Ўзбеклар учун меҳмоннинг муҳими ёки номуҳими, каттаси ёки кичиги деган гап бўлмайди. Остонадан қадам ранжида қилган ҳар қандай киши бир пиёла чой ичиб кетишга ҳаққи бор, чунки у меҳмон-да! Шунинг учун биз ҳаммавақт меҳмон кутиб, уни сийлаш учун ҳозири-нозир бўлиб турамиз.

Қарияларимизнинг ёшларга қиласиган бир насиҳати ҳам бор: «Ҳаммавақт ёдингда бўлсинки, тушликка овқат пиширсанг кўпроқ қил, чунки тушингга кирмаган киши меҳмоннинг бўлиб қолиши мумкин, — бирга баҳам кўрасан». Ўзбекда яна шундай тушунчалар бор:

«Икки кишилик овқатга уч киши түяди, уч кишилик таомда беш кишининг ризқи бор...» Бу ҳам халқимизнинг бағри кенглиги, меҳмонсеварлигидан яна бир дарак әмасми!

Ўзбек меҳмондорчилигида қайси уйга қадам қўйманг, дарҳол дастурхон ёзилиб, ширинлик келтирилади. Дарҳақиқат, ширинлик ва қандолат дастурхоннинг кўркидир. Овқатланиш қоидасига кўра, овқатдан илгари ширинлик истеъмол қилиш иштаҳани қирқади, дейишиди. Лекин меҳмон дастурхонига ширинлик қўйиш иштаҳани бўғиш учун қилинмайди. Бу меҳмондорчилик ширин бўлишига ишора ва меҳмон хуш кўрилганлигининг рамзидир. Одатда дастурхонга турли хил қиём, ҳолва, қанд-қурс сингарилар қаторида туршак, майиз, писта, бодом, жийда ва ёнгоқ каби қуруқ мевалар қўйилади. Ҳозирги вактда ажойиб конфетлар, тортлар меҳмон дастурхонини янада серфайз қиласи.

Ўзбекларда меҳмонга сарпо кийдириш одатининг икки маъноси бор. Бири — ўзининг яқин кишисига, қариндошига сарпо кийдирганда узоқлашмаслик, бегоналашмаслик, ҳамжиҳатлик истаги билдирилади. Иккинчиси — бегона кишига сарпо кийдирилса у билан дўст-



лашганлик билдирилади. Сарпо кийдириш одати келиб чиқишининг иккита ривояти бор. Бири — бойроқ хонадон камбағалроқ оила билан қуда-анды бўлмоқчи, шунда бечора хонадонга масаллиқ жўнатган ва бошдан-оёқ сарпо кийдириган, токи у тўйда ва бирон издаҳомда меҳмонлар ҳузурида қудага «тeng» эканлиги билиниб турсин. Эндиликда эса озиқ-овқат ва кийим-кечак масаласида одамлар бир-бирларидан баланд-паст эмаслар. Шу сабабли сарпо тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Тўйларга янги туғилган чақалогидан то ўлиб кетган бобосигача латта-путтани кўпайтириб юбориш ва арзимаган матаҳ учун ўртада гинахонлик келиб чиқишига сабабчи бўлиш мантиқа мос эмас.

Иккинчи ривоят: Чўлда бир-бирига қарама-қарши томондан келайтган икки йўловчи учрашиб қолади. Иккаласига ҳам сув керак. Шунда бири: «Сен шу ерда сўқмоқдан адашмай турасан ва менга овоз бериб, чақириб-нетиб жуда узоқлашиб кетмаслигимни таъминлайсан, мен эса атрофдан қудук қидираман», дейди.

Улар навбатма-навбат у томон, бу томонга юриб-елишиб, гоҳ бири, гоҳ иккинчиси излаб охири сувга этишади. Шунда бири донороқ экан, дейди: «Сен бўлмасанг мен ҳалок бўлар эдим, мен туфайли сен ҳам омон қолдинг, мен «сен» бўлдим, сен «мен» бўлдинг. Кел, шу воқеани эслаб қолиш учун кийимларимизни алмаштирамиз. Менинг танамдаги уст-бош сеники бўлсин, сен эса ўз кийимингни менга ечиб бер». Ҳар иккала йўловчи бош-оёқ лиbosларини бир-бири билан алмаштирадилар, бир-бири билан оға-ини тутинадилар ва ўз йўлларига равона бўладилар.

Сарпо кийдириш удуми ўшандан келиб чиққан бўлиб, меҳмондўстликда ҳақиқий дўстлашишнинг, қариндошга айланганликнинг, ёки қадрдон бўлиб қолганликнинг рамзий ифодаси ҳисобланади.

Шу сабабли чет әллардан, қардош республикалардан келиб элимизнинг меҳмони бўлган кишиларга ҳам миллий уст-бошлар кийдирилади, бу асрий меҳмондўстлигимиздан келиб чиққан ажойиб анъана! Меҳмонга нисбатан эзгулик нишонаси бу!

Меҳмоннавозликнинг яна бир томони борки, кўпроқ меҳнаткаш одам меҳмондўст бўлади.

Нега? Чунки ҳалол меҳнат нони ғоят лазиз, уни меҳмон билан бирга баҳам кўрган киши ҳузур-ҳаловат кўради, хордиги чиқади. Аксинча, меҳнатсиз топилган нонни киши бемалол ея олмайди, қимтинади. Шундай экан, албатта у буни бошқалардан ва демак, меҳмондан яширишга ҳаракат қиласи. Мабодо шундай бебилиска топилган нон меҳмон дастурхонига қўйилган тақдирда ҳам лутфи-қарамни кўзлаб эмас, балки, уни «ҳалоллаб олиш» учун, йўқ деганда, ўзини хижолатдан чиқариб, «юз очиб олиш» учун қўйилади. Бизда зийрак ва ҳалол меҳмонлар меҳнатсиз топилган дастурхондан ҳазар қиласи.

Яна бир гап, айниқса ўзбекнинг дехқони меҳмонни хўп күш кўради. Сабаб? Дехқон пешонасидан оқиб тиззасидан томган тер дурданалари эвазига саҳий тупроғимиз чинакам инжу яратиб беради. Меҳмон дастурхонига қўйиладиган аввойи таомларнинг масаллигини ердан ундириб олуви ҳам ана шу бободехқон! Элимизнинг хушҳаволиги, сувларимизнинг шифолиги, дехқоннинг миришкорлиги, тупроғимизнинг бойлиги — ширин-шарбат мевалардан тортиб ёғлиқ паловгача ҳамма ноз-нельматларни сероб бўлишига имкон беради. Мана шу ҳол дехқон меҳмондўстлик фазилатини касб этишига сабаб бўлади.

Меҳмон — мўътабар бир зот, бинобарин уни кутиб олуви мезбон уқувли, яхши фазилатли бўлиши керак.

Меҳмон-мезбонлик алоқаларининг кўнгилни равшан ёки хира қиласиган томонлари бор. Истрофкунандалик, манманлик, лаганбардорлик ва тилёғламалик, хасислик қилиш, таъмагир бўлиш кўнгилни хира қиласиган томонларидир. Кўнгилни равшан этадиган томони эса одамгарчилик қилиш, инсонпарварлик, ахилликни мустаҳкамлаш, сахий, одобли, хуштабиат ва хушмуомала бўлишдир. Биз ана шу салбий томонларини йўқотиш ва ижобий томонларини кучайтириш орқалигина ёшлирамизни меҳмоннавозлик руҳида тарбиялай оламиз.

Одамгарчиликнинг әнг яхши ва асосий белгиларидан бири меҳмондўстлик бўлиб, бу — муруват боги ва ҳиммат бўстонидир. Ана шу боғдан назокат мевасини узуб хуштавозелик лаганига тузаб, инсонпарварлик дастурхонига қўйиши халқимиз олий фазилат деб билади.

Меҳмондорчиликнинг тўғри, қоидали ижро этилиши борасида бобокалонларимиз доим ғамхўрлик қилиб келганлар. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонини кўздан кечирсангиз, меҳмоннавозлика ўта ортиқча истрофкунандалик кони зиён эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Модомики, дейди Навоий, киши олдига дастурхон солинар экан, бир кишига ўнта қўй сўйиш билан унинг иззатини «қоидали» бажо келтириб бўлмайди, балки мезбон манманлик ва шуҳратпрастликка юз тутгани аён бўлади:

Бир улким киши бўлса меҳмон санга.  
Қилиб сели истроф түгён санга.  
Йўқ ойини иззатфизолиг учун,  
Ки шуҳрат била худнамолиг учун.  
Бирор олиға хон чу келтурғасен,  
Киши бир, vale ўн қўй ўлдирғасен. (68. 772)<sup>1</sup>

Яна шундай мезбонлар ҳам бўладики, аксинча, ғоят хасислик қилиб меҳмонга ҳеч нарса илтифот қиласайди. Меҳмоннинг иштаҳаси очилиб, ичи куйиб кетаётган бўлса ҳам, мезбон хасислик қила беради. Англаш зарурдирки, мусофирни (меҳмонни) таомдан бенасиб қилиш шуҳратпараст ва манманлик қилувчи мезбон ишидан ҳам баттар шумлик бўлади, дейди Алишер Навоий:

Яна бир бу ким ҳар қачон келди зайф,  
Анга қилғасен бермайин туъма, хайф.  
Мусофир ичин куйдириб иштаҳо,  
Вале йўқ сенинг буҳлинга интиҳо.  
Раво кўрмагинг анга маҳрумлик  
Эрур бурноғидан батар шумлик. (68. 772)

Меҳмоннавозликнинг Навоий талаб этган қоидалари бундай: Меҳмонни даставвал лутф билан кутиб олиб, иззат ва ҳурматини жойига қўйиши зарур. Истроф қилмаслик, хасис бўлмаслик жоиздир. Мезбон озми-кўпми, нимаики нарсаси бор экан, борига барака деб, меҳмонга хуш келадиган таом пишириб, очик чехра билан олиб чиқиб дастур-

<sup>1</sup>. (68. 772) Биринчи рақам фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги тартиб номери, иккинчи рақам шу адабиётнинг саҳифа номери.

хонга қўйсин. Лекин, ўз дастурхони бадалига меҳмондан бошқа бирор нарса таъма қилмасин ва унга ҳеч қандай мажбурият юкламасин. Мана ўқинг:

Бурун лутф бирла тарабнок қил,  
Не ироф қилғил, не имсоқ қил,  
Емакка анча ҳарна дархўр эса,  
Сенга доги неким мұяссар эса,  
Очиқ юз била чек аниңг қошиға,  
Вале истама музд подошига. (68. 773)

Зиёфатни ана шу қоидалар асосида ташкил эта олсанг, мезбонлик да сенга таҳсинар үқиш керак. Бироқ бундай мезбонлар жуда камдан-кам учрайди, агар бўлса уни оламдаги әнг доно одам деб аташ керак, дейди мавлоно:

Зиёфат бу нав бўлса ойин санга,  
Керак мезбонликда таҳсин санга.  
Бу янглиғ киши мезбон камдуурур,  
Агар бўлса донои оламдуурур. (68. 773)

## МЕҲМОН НЕГА ҲУРМАТ ҚИЛИНАДИ?

Халқимиз меҳмон келишини кўпгина яхшиликларнинг рамзи деб билади. Меҳмон келганда у билан ҳол-аҳвол сўрашиб, самимий сухбатлашади. Узок-яқиндаги дўст-биродарлар эсга олинади. Меҳмон мезбонга қариндош-уруг ва дўстларнинг илиқ муҳаббати ҳамда саломини топширади.

Шундай ҳам бўладики, уришиб қолганлар меҳмон келиши туфайли ҳам ярашиб оладилар, ўтган дилсиёҳликлар, оиласи жанжаллар унутилади, араз, гиналар барҳам топади. Ҳурсандчилик, шод-хуррамлик, аҳиллик бошланиб кетади. Шунинг учун ҳам меҳмонни севамиз, худди Умар Ҳайём айтганидек:

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,  
Аҳил кишиларга олов ҳам осон.

Халқ ҳикматларидан бирида шундай дейилади: «Меҳмонинг душман бўлганда ҳам ҳурматини жойига қўй. Ҳатто қўлида болта тутган дараҳт кесувчига ҳам дараҳт соя солиб туради». Шунинг учун бўлса керак-да, бир хонадонга келган меҳмон у ҳовлидан бу ҳовлига чақирилиб, унга иззат-икром кўрсатилади. Бу ҳам бежиз әмас, чунки бегоналар меҳмон туфайли танишишиб, бир-бирларини дурустроқ билбилиш имконига эга бўлишади.

Үйига кўп ва тез-тез меҳмон келиб турган кишининг жамоат, маҳалла-кўй ўртасида обрўси янада ортади, негаки, меҳмондўстлик кишидаги худбинлик каби ярамас хусусиятлар ўрнига колективизм, инсонпарварлик, одамгарчиллик каби ижобий хислатлар, қўполлик, қўрслик сингари ёмон қиликлар ўрнига хушфеъллик ва хушмуомалалик каби яхши сифатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлади. Одоб-



сиз киши меҳмон олдида одоб сақлайди, беҳаёлар ҳаёли бўлишади, акс ҳолда бундай шахслар уятга қолишади. Барча бир-бирини қандай ҳурмат ва эҳтиром қилиш кераклигини амалда кўрсатишга тиришади.

Ҳар қандай баджаҳл мезбон ҳам, меҳмон олдида мулоим, хуштавозе бўлишга ҳаракат қиласди. «Сен-сенлашиб» гапиравчилар ҳам меҳмоннинг ҳурмати учун ўзаро «сизлашиб» муносабатда бўлишади. Ота-боболаримиздан қолган яхши одатлардан бири шуки, меҳмон келган уйда ўшқириб гаплашиш, шовқин солиш, унинг ҳузурида адидади айтишиш, уришиб қолиш ўёқда турсин, ҳатто кесатиб гапириб ҳам бўлмайди. Оила аъзоларини, ўз боласини ҳам жеркиш уят ҳисобланади, ҳатто мушукни «пишт» дейиш, чироқни «пуфлаб» ўчириш мумкин эмас, чунки сал нарсага меҳмоннинг кўнгли озор топиши мумкин. Унга озор бермасликка интилиш эса одамларни қовуштириб меҳр-оқибатли қиласди, дўстлик ва биродарликни келтириб чиқаради, оиласда бир-бирига меҳрибонлик, севги-муҳаббатни янада кучайтиради.

Меҳмон келиши озодаликка ва шахсий покизаликка ҳам сабабчи бўлади. Ивирсиқ жойлар тартибга солинади. Уй-жой, ҳовли ва кўчади.

лар супурилиб, сув сепилади. Идиш-товоқларни ва барча уй анжомларини аввалгидан ҳам озодароқ тутишга ҳаракат қилинади. Мәхмөн ҳам, мезбон ҳам ораста кийиниб оладилар. Тутилмаган буюмлар мәхмөн келган күндан бошлаб ишга солинади. Хуллас, мәхмөн келган уйнинг чироги равшан ёнади. Мәхмөннинг яхши ният билан берган ҳар бир маслаҳати инобатсиз қолдирилмайди. Мәхмөн маслаҳатининг сид-қидиллиги, мәхнат эвазига берилган мукофотга ўхшайди.

Мәхмөн олиб келган нарса бизда табаррук ҳисобланади. Нозу неъмат келтирган бўлса «мозор босди» деб кўзларга суртиб ейилади ва оз-оздан бўлса ҳам қўни-қўшни ва бола-чақаларга улашилади.

Мәхмөннинг келиши айниқса ёш болалар учун жуда қувончли воқеа бўлади, улар ўз ўртоқларига: «Бизникига мәхмөн келди», деб айтишади ва севинишади. Мавлоно Фазлий айтганидек:

Келди ёдинг кўнглима, ашким<sup>1</sup> югуруди ҳар тараф,  
Тифлга<sup>2</sup> одат зрур, келганда мәхмөн ўйнамоқ.

Чунки мәхмөн келиши билан болаларга нисбатан муҳаббат ва диққат-эътибор янада кучаяди. Уларнинг ўқиши, ҳунар ўрганиши, оила юмушларига ёрдам берадиган бўлиб қолганликлари мақталади.

Мәхмөн келишининг шундай яхши томонлари бўлганлиги учун ҳам биз мәхмөндўстмиз. Мәхмөндўст бўлиш хушфеъл, хушчақчақ, одамшаванд ва мард кишиларга хос хусусиятдир.

Шоир Махтумқули қуйидаги мисраларни бежиз ёзмаган эди:

Номард юрар мудом ўлимдан қочиб,  
Уйига келганга заҳарин сочиб.  
Мард йигит мәхмонга қучогин очиб,  
Номарднинг мәхмондан қочишин кўринг.

Негаки, мард одамнинг кўнглида ғарази бўлмайди. У сипо, ювош, оғир, мақтанишни билмайдиган киши. Мәхмөн ҳам мардларни, мардлар ҳам мәхмөнларни севади. Шунинг учун ҳам мәхмөндўстлик мардлик рамзиdir.

Мәхмөнни ичкиликсиз ва ҳатто яхши таомсиз ҳам хурсанд қилиш мумкин. Хушмуомалалик, назокат ва самимийлик бу ўринда мезбонга қўл келади. Халқимиз: «Буғдои нонинг бўлмаса, буғдои сўзинг бўлсин», дейди. Бунга доимо амал қилиш керак. Халқимиз орасида мезбонлик қоидаларини тўғри адо этубчи мәхмөндўст одамларнинг сон-саноғи йўқ. Уйига қачон борманг, доимий тайёргарлик кўришга имконият топа олмаган бўлсалар-да, ғоят эҳтиром билан кутиб оладиган, барчага баробар муомалада бўладиган, мәхмөнларнинг кўнглига қараб иш тутадиган, ҳатто ёт одам ташриф буорганида уйининг тўрини бўшатиб бериб, илиқ илтифотини аямайдиган кишилар жуда кўп. Шундай яхши фазилат дарёсини лойқалантирувчи, мәхмөндорчилик одатини шахсий манфаатпарастликка айлантирадиган, келган мәхмөнларнинг қўлига қарайдиган, келтирган нарсасига қараб муомала қиласидиган, ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида мәхмөн чақирадиган, хуллас, мәхмөндўстликка иснод келтирадиган айрим шахслар ҳам учраб туради. Яъни бундай, мәхмөн олиб келган совғанинг

<sup>1</sup> Ашк — кўзёши.

<sup>2</sup> Тифл — ёш бола, гўдак.

баҳосига қараб муомалада бўладиганлар, бесовға келганларга эътибор бермайдиганлар оз бўлса-да, бор. Шундайлар эсдан чиқармасинларки, тариҳда дастлаб мавлоно Абдулқодир Мирзо Бедил одамни «Ҳазрати Инсон» деб атаган эди. Сизникига ана шу Ҳазрати Инсоннинг бир намояндаси меҳмон бўлиб келди, чунки Сиз ҳам Ҳазрати Инсон авлоди бўлганингиз учун келди. Меҳмон келтирган нарсасига қараб мезбонлик қилиш инсонийлик эмас. Билингки, манфаатпараматлик адват оташдонидир.

Халқимиз томонидан асрлар давомида мукаммаллаштирилиб, сайқалланиб келинаётган энг мўътабар одатни — меҳмондўстликни баъзи бирорвлар шундай шахсий манфаат йўлига буришса, яна баъзилар диний урф-одатларни бажо келтирадиган маросимларга айлантириб юборадиларки, бу ҳам салбий бир фактdir.

Шунингдек, меҳмонни кийган кийимиға қараб тоифага бўлувчилар ҳам катта хато қиласди. Меҳмон ким ва қанақа кийинишидан қатъи назар, бари бир у меҳмон, у инсон. Эски даврларда меҳмонни бой ва камбағалга бўлиш одати бўлган.

Воқеа. XIX асрнинг охирларида тошкентлик хумдончи бойлардан бири Тожибоявачча тўй қилиб шухрат қозонмоқчи бўлади, келган меҳмонларни бой ва камбағалга бўлиб ўтқизади, бойлардан ортган сарқит овқатни камбағаллар дастурхонига қўйдиради.

Тўйга ўша даврнинг алломаларидан Мирза Али Махсум ҳам таклиф этилган бўлиб, келса, меҳмонлар бой ва камбағалга ажратиб ўтқизилаётганини кўради. Аллома тўйдан чиқиб, тўй қилувчининг дарвозасига бир парча қофоз ёпиштириб кетади. Тўйга келувчилар ёзувни ўқиб тўйхонага кирмай кетаверадилар.

Дарвозага ушбу шеър ёпиштирилган эди:

Бой келса, болохонага дейдилар,  
Камбағолни — отхонага, дейдилар.  
Тўйингиз «муборак бўлсин» Тожибой,  
Худойим берсин сизга дўзахдан жой!

Меҳмондўстлигимизни ярамас одатлардан арасасак, уни янги мазмун ва янги шаклда ривожлантирсак, бу — кишиларни, айниқса, ёшлиарни хушмуомала, одамшаванда, инсонпарвар ва колективист қилиб тарбиялайди. Меҳмондорчилик одамларнинг бир-бирлари билан иноқ-иттифоқ бўлиб яшаш учун, биргалашиб дам олишларини ташкил қилиш учун, қариндош-уруг ва дўстларнига тез-тез борди-келди қилиб туриш учун энг яхши воситалиги сақланади.

Меҳмонни ўзбек шунинг учун ҳам севадики, меҳмондўстлик катта бир одоб-ахлоқ мактаби. Бир томондан у кишини қобил, зийрак, хушфеъл, лутф-карамли, меҳр-муруватли, зако-истеъоддли қилиб тарбияласа, иккинчи томондан, рўзгоршунос бўлиш, уй тутиш, таом тайёрлашни билиш, расамадли ва покиза бўлишга ўргатади. Меҳмоннинг ҳаловатбахш сұхбатини айтмайсизми!.. Буниси — кишини характерда шинаванда, одамшаванда, сұхбатда шакаргуфттор, улфатижон бўлишини шакллантиради.

## МЕҲМОНДЎСТЛИК ТЎГРИСИДА МАҶОЛ ВА РИВОЯТЛАР

Ўзбек халқи ўзининг оғзаки ижоди билан ҳам маданият ҳазинасига салмоқдор ҳиссалар қўшган. Шундай ижоднинг бир тури мақоллар ва ҳикматли сўзлар бўлиб, шулар орасида меҳмон, мезбон, меҳмондўстлик ҳақида айтилганлари ҳам кўп. Улар ахлоқ ва одобга тааллуклилиги, тарбиявий аҳамиятга эгалиги билан эътиборимизни ўзига тортади. Эслатиб ўтиладиган шу мақол ва ривоятлар турмушдаги характерли ҳодисаларни, майший ҳаётда содир бўлган воқеаларни, айрим кишиларнинг яхши фазилатлари ёки ёмон одатларини умумлашган хуносаларда ифодалаб беради. Албатта меҳмон-мезбонлик тўгрисида ҳалқимиз асрлардан буён ижод этган афоризм, ҳикматли сўз, ибора, мақол ва ривоятларнинг сон-саноги йўқ. Булардан айримларинигина келтирамиз. Меҳмонлик ва мезбонлик вазифаларини ўтаганда ёшлиаримиз шуларга эътибор қилсалар, одамийлик фазилатларини эгаллай борадилар.

Олайлик, меҳмон таклиф асосида ҳам, ўз ихтиёри билан ҳам келиши мумкин.

Таклифингиз билан келган меҳмон ўз ихтиёри билан кетади, ўз ихтиёри билан келган меҳмон эса, сизнинг ижозатингиз билан кетади. Халқ орасида бу ҳолатга бағищланган шундай мақол бор:

«Келмоқ — ихтиёр билан,  
Кетмоқ — ижозат билан».

Меҳмоннинг тасодифан келиб қолиши натижасида уйида нозу неъматлар ҳозир эмаслигидан мезбон ташвишга тушиб қолмаслиги учун у озгина нарса билан ҳам меҳмонни курсанд қилиш мумкинлигини доимо эсда тутиши зарур, деган маънода халқ ушбу мақолларни айтган:

«Меҳмон келар эшикдан,  
Ризқи келар тешикдан».

Еки:


«Йўқча гуруч ош бўлур,  
Меҳмон кўнгли шод бўлур».

Үйингизга келган меҳмон уятчан ва одобли бўлади, шунинг учун: «Меҳмон сўраб емайди», «Сўраб бергунча уриб бер», деган иборалар ҳам доим мезбоннинг ёдида бўлиши зарур.

Баъзан меҳмон зиёфатга таклиф этилади-ю, унинг ихтиёрини ўзига қўймай, эътибори бошқа нарсаларга тортилади. Шундай мезбонлар ҳам бўладики, юқорида айтганимиздек, меҳмондорчиликдан ўзини кўз-кўз қилиш, мақтаниш учун фойдаланишади. Шундайларга қаратади:

«Меҳмонга ош қўй,  
Икки қўлини бўш қўй».

дейди донолар.





Одамлар ҳар хил бўлишади-да, бир хиллари борки, «қўли очик», меҳмондан ҳеч нарсани аямайди. Нимаики бор, меҳмон учун ёзилган дастурхонга қўйишга интилишади. Ўзга тоифадаги шахслар ҳам борки, пасткашлиқ, қизғанчиқлик, хасислик ботқоғига ботган, арзимас нарсаларни ҳам ҳисоб-китоб қиласидиган, «олсам бермасам, есам ўлмасам» қабилида иш тутадиган бўлишади. Одамгарчиликни бир ошам ошга алмаштирадиганлар ҳам йўқ эмас-да! Шунақаларга қаратса ҳалқ:

«Шовла кетса кетсин,  
Обрў кетмасин»,

ёки яна:

«Қопнинг уни кетса-кетсин,  
Одамнинг бурди кетмасин»,

деб тарбиялайди.

Хуллас, юқорида келтирилган ҳамма мақолларнинг маъноси «Меҳмон отангдан улуг» мақоли билан якунланади.

Меҳмонга нисбатан нечоғлик ҳурмат, эҳтиромли бўлиш зарурлиги шулардан маълум.

Ривоятлар ҳам ҳайтий, ижтимоий тарихий ҳодисалар билан боғлиқ ёки урф-одат орқали майдонга келади ҳамда уларнинг ибратли томонлари, тарбиявий аҳамияти катта ва таъсирли бўлади.

Халқ оғзаки ижодида меҳмондўстликка оид айтилган бир талай ривоятлардан бу ўринда фақатгина тўрттасини эслатиб ўтмоқчи эдим.

Биринчи ривоят. «Банди ўз қотилининг меҳмони».

Қадим замонларда бир подшо фуқароларидан бирини ўлим жазосига ҳукм килган экан. Маҳбус дор остига келтирилиб, халойик олдида ҳукм ўқилгач, унга охирги сўз берилпти.

— Нима орзунг бор эди, гапириб қол, — дебди унга қараб подшо.

Маҳбус жуда чанқаганлигини айтгандан сўнг, халққа мурожаат қилиб:

— Илтимосим шуки, шоҳ ўз кўллари билан менга бир пиёла сув тутсалар, — дебди.

Маҳбуснинг ўлим олдидаги оддий илтимосини бажо келтириш қоида бўлгани учун подшо бир пиёла сувни олиб маҳбусга ичирибди. Ташиналиги қонган маҳбус раҳмат айтибди ва дор томон аста қадам босити...

Шунда халойик орасидан бир доно чол чиқиб тўсатдан подшога мурожаат қилиб қопти:

— Э, шоҳим! Бу банди сенинг қўлингдан бир пиёла сув ичиш бидан меҳмоннингга айланиб қолди-ку. Халқимизда эса «Меҳмон отангдан улуғ» деган гап бор. Энди сен уни ўлдирмассан деб ўйлаймиз, — деганида, халойик ларзага келипти, чолнинг донолигига ҳамма қойил қолиб, сўзини тасдиқлапти. Подшо эса нима дейишини билмай лол қопти, кейин тан олиб: «Бўйнидан сиртмоқ олинсин», деб буйруқ беришга мажбур бўлган экан.

Шу воқеадан кейин, бу шоҳ жуда золим бўлишига қарамай халойик уни «меҳмондўст одам» деб мақтайдиган бўлиби.

#### Иккинчи ривоят. «Хафаликни меҳмон сезмасин».

Кунлардан бирида саёҳатга чиққан бир киши шу шаҳардаги дўстиникига ҳам кириб ўтмоқчи бўлади. Келса, хонадонда йиги-сифи, қий-чув кўтарилимоқда экан. Мезбонлар меҳмонни кўришлари биланоқ ўзларини босадилар, меҳмон қадам ранжидасидан хурсанд эканликларини билдирадилар, уларнинг ҳамма хатти-ҳаракатлари меҳмонни яхши кутиб олишга каратилади. Меҳмон бирор соатдан кейин хайрлашиб чиқиб кетади. Гузар бошига етмасдан яна ўша ҳовлида йиги овонини әшитади. Ажабо. Қайтиб келиб аста деразадан қараса... Э воҳ! Меҳмон келиши олдидан мезбонларнинг боласи ўлиб қолган экан.

Меҳмонимиз «қутлуғ қадам келмаганлигига» пушаймон емасин, бевақт келганига афсусланмасин, ўлим ҳак, тирилтириш мумкин бўлмагандан кейин, саёҳатга чиқиб кўнглини хушлаб юрган бир кишининг бизга қўшилиб хафа бўлишидан не фойда, деган андиша билан бу яхши мезбонлар ўликни яшириб, ўз меҳмонининг хурсандчилигини кўзлаган эканлар.

#### Учинчи ривоят. «Хасислик белгиси».

Қадимда бир Ҳорис исмли бой бўлиб, мабодо бир меҳмон чақиргудек бўлса катта зиёфат қилганини, кўп маблағ сарфлаганини ҳамиша миннат қиларкан. Дўстлари унга бу хасислик бўлади, ундан қилма, дегудек бўлса, Ҳорис:

— Меҳмонлар дастурхонига не-не таомларни бир йўла тўкиб ташлайман-у, яна нега хасис бўларканман, — деб ҳеч кимга сўз бермас экан. Бир куни меҳмондорчиллик пайтида ўша Ҳорис меҳмонларга қараб, бирига: «Лабингизга ушоқ ёпишиб қопти», деса, иккинчисига: «Қошингизда қил турипти», учинчисига эса: «Ўзлари ош ошашга

жуда уста эканларда-а», деб танбех беря бошлабди. Шундан кейин бир киши уни четга чақириб олиб: «Мана кўрдингми, ҳар бир меҳмоннинг оғзига ва қўлига қараб қандай таом еяётганларини назарингдан ўтказиб ўтиришнинг ўзи — хасислигингниң бир белгисидир», деган экан.

### Тўртинчи ривоят. «Олийҳиммат Хотамтой».

Бир одам жуда бой бўлишига қарамай, ғоят даражада хотамтойликда ном чиқарган экан. Меҳмондорчиликни тез-тез ташкил қиласар, ҳар бир зиёфатга ўнлаб қўй сўйдирар, юзлаб-юзлаб кишиларни меҳмон қиласар, нотанишларга ҳам, камбағалларга ҳам қимматбаҳо совғалар берар экан. Мурувватлигидан асло мақтантамайдиган ва сарфлаган маблағини сира миннат қилмайдиган бу одамнинг Сахийиддин Эҳсон исмига жамоат яна Хотамтоий таҳаллусини қўшиб айтаркан. Бир куни одамлар унга хушомадгўйлик қилишиб: «Дунёда сиздан ҳам олийҳимматлироқ одам бормикин-а?» — деб сўрашипти.

Сахийиддин Эҳсон Хотамтоий:

— Бор, — деб жавоб берипти ва ҳикоя бошлабди: — Кунларнинг бирида мен овга чиқиб адашиб қолдим, тунда бир чўпоннинг кулбасига қўндим. Чўпон мени кабоб билан меҳмон қилди. Таом шу қадар лаззатли эдики, ҳузур қилиб едим, тўймадим. Уйга қайтгач, худди шунаقا кабоб тайёрлашни аҳд қилиб қўйдим. Бу таом нимадан, нечук тайёрланганини сўрадим. У, таом қўй гўштининг пуштмагиз қисмидан димлаб тайёрланганини айтди.

— Ғоят хушбўй ва лаззатли, — деб қўйдим ўзимча.

Мезбон ташқарига чиқиб кетди, анчагина фурсатдан сўнг сопол лагандада тўлатиб боягидек кабоб келтириди. Ҳайратда қолдим. «Буни қаердан олдингиз?» — деб сўрашга истихола қилдим. Ҳалқимизда «Узумини ёю, боғини сўрама» деган ибора бор әмасми. Таомдан яна тановул этгач, кайфиятимга кайфиятлар қўшилди, ўша кулбада тунаబ қолдим. Эрталаб кетмоқчи бўлиб ташқарига чиққанимда, ерда сўйилган қўйларнинг қонини-ю, ўчоқ бошида чўпон хотини бешта каллани куйдириб ўтирганини кўрдим. Шунда сир менга аён бўлди. Карабонинг манзур тушганини сезган мезбоним чиқа заҳоти бешта қўйнинг ҳаммасини сўйган, ҳар биридан фақат пуштмагиз қисмини олиб яна худди ўшандай кабоб тайёрлаб келган. Мана буни олийҳимматлик деса бўлади. Мен-чи, у даражага эришишга ожизлик қиламан. Ҳар қанча меҳмон кутган бўлмайин ва зиёфатларимга юзлаб қўйлар сўйилиб кетган бўлса-да, бунинг ҳаммаси бойлигимнинг мингдан бир улушини ҳам ташкил этмайди. Аммо менинг чўпон мезбоним эса бир марта ҳузур қилиб овқатланишм учун камбағал бўлишига қарамасдан бисотида бор беш қўйнинг ҳаммасини сўйиб юборди.

Хотамтойлик ва олийҳимматликда ўша чўпон менга пир бўлади, деган экан Сахийиддин Эҳсон Хотамтоий. Абдураҳмон Жомийда худди шу ривоят мазмунида бир байт бор:

Агарда уйидан чиқариб берса,  
Бору йўқ яримта нонини гадо.  
Ярим хазинасин берган подшода.  
Сахийлик бобида шу гадо аъло.

Юқорида келтирилган ривоятларни халқ мәхмоннин севиши, сахий бўлиш, одамгарчилик қилишининг аҳамиятлилигини кўрсатиш учун яратганлиги аниқ. Эҳтимол, бу ривоятлар бўлган воқеаларнинг ифодасидир, эндиликда, мажозий маънога эга бўлиб қолгандир. Лекин, қандай бўлмасин, ривоятлар ҳам мақоллар сингари ҳикматлидир ва ота-боболаримиздан мерос — мәхмондўстлик анъанасини давом эттираётган биз янги авлод шулардан ибрат олмоғимиз жоиз.

## МЕҲМОНДЎСТЛИК ТЎҒРИСИДА БИРОР МАНБА ИЗЛАБ...

Мәхмондўстлигимиз тўғрисида ўтмишда албатта китоб ва рисолалар ҳам ёзилган бўлиши турган гап. Бирок, буларни қидириш энди бошланди деса бўлади. Ҳали кўп изланишлар қилиш керак.

Мәхмондўстлик тўғрисида бирор манба излаб кўхна обидалар мақони Самарқандга борган эдим. Ҳарқалай, мәхмондўстлик тўғрисида ёзилган биттагина рубоийни кўлга киритдим.

Ҳурматли кексаларимиз билан сұхбатда шу нарса аниқландикни, қадим замонлардан бўён мәхмоннин самарқандликлар худди нон-насиба каби ҳурмат қиласлар эканлар. Мәхмонга атаб атайин, махсус патирилар пиширилган, нонни тайёрлаётганда юзини хамирдан нақшли кунгурадор қилиб безаттганлар. Ҳатто, баъзан ноннинг юзига шеърий мисралар ва азиз мәхмонларнинг номлари битилган. Мәхмонлар кетар пайтда, ҳамроҳ бўлсин, деб байт битилган ва чиройли безатилган нонлар уларнинг кўлига тутқазилган. Ушбу нонларни мәхмонлар эҳтиёт қилиб, мисоли бир санъат асари каби ўз уйларининг деворларига осиб кўйганлар. Яхши мәхмондорчиликда эсдалик бўлган нон яна безак вазифасини ҳам бажариб турган.

Самарқанднинг ҳар бир маҳалласидаги уста нонвойлар мәхмонга атаб нон ёпиш ва безатишнинг турлича усулларини кашф этишган ва бу борада бир-бирлари билан мусобақа ҳам ўйнаб туришган.

Нонлар бир йўла уч вазифани ўтайдиган қилиб тайёрланган, яъни таомлик вазифасини, сўнгра юқорида айтганимиздек, юзига шеър ёзилган ва гул солинган бадиий асар вазифасини ва ниҳоят идиш вазифасини ҳам ўтаган. Чунончи, катта мәхмондорчиликда ва тўйларда нонларнинг бетига ош, гўшт, мева-чева, қанд-қурс қўйиб дастурхонга тортилган. Бу одат ҳозир ҳам бор. Нонларимиз: патир — қирғоқлари бўртган, ўртаси нағисрок, яъни бамисоли лаган-товоққа, кулча эса ликопча, тақсимчага ўхшатиб ясалганининг боиси шу.

Самарқанд нонларининг тури кўп бўлган, чунончи: нони Осиёй, нони Пўлоти, нони Тафтон, нони Тафтони ду без, нони Кўлободи, нони Забони гов, нони Заргарон ва ҳоказо, бироқ, бизгача уларнинг номигина етиб келган, фақат икки хил (Осиёй ва Пўлоти) ҳозир ҳам тайёрланади. Келган мәхмонларга худди шу хил нонларни совға қилиш одати ҳанузгача сақланган.

Хўш, шеърий парчанинг нонга нима алоқаси бор?


Хошияларига ушбу рубоий ёзилиб, юзи силлиқ қилиб пиширилган патир нон мәхмон дастурхонига қўйилган.

«Шуд мунаввар аз кудуми дўстон кошонаам,  
Хона фонуз аст, меҳмон шаъму ман парвонаам.  
Токи меҳмон хаст, ман бажону дил хизмат кунам,  
Рафт меҳмон, ман мисоли Мажнуни девонаам».

Таржимаси:

Хонамиз дўстлар оёғидан топар нурӯ зиё,  
Уй — фонус, меҳмон шаму мен эса парвонаман.  
Меҳмон ҳар қанча турса, хизматин айлай бажо,  
Кетса меҳмон, мен мисоли Мажнуни девонаман<sup>1</sup>.

Бу рубоий муаллифи ўтган асрнинг охирги йилларида яшаган самарқандлик машҳур ҳусният устаси Домла Мир Хаттотдир. Уни топиш ва муаллифини аниқлашда отахонларимиздан Султонмурод ота Носиров ва хаттотнинг эваралари бўлмиш Абдулаҳад aka Воҳидовлар ёрдам беришди. Домла Мир Хаттот ўз рубоийсини Самарқанд-



<sup>1</sup> Шеърни шоир М. Васфий таржима қилган.

нинг тахта қофозларига кўп нусхада битар ва уни уйининг тўрига ёпишириб қўйишни ҳар бир одам зўр шараф ва ифтихор ҳисоблар экан.

Хўш, бу шеър патир юзига қандай сиёҳ билан ёзилган, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, хаттотлар асосан тўрт хил: қора, қизил, сапсар ва заъфар сиёҳ ишлатишган, олдинги уч хилидан бир томчиси ҳар кишига зарар қиласди, лекин заъфар сиёҳ эса, аксинча фойдалидир. Ушбу сиёҳ тропик ва субтропик мамлакатларда ўсувчи заъфарон гулидан тайёрланади: Қуритилган тоҷ-барглар шакар ёки асалли гулобга ивитиб қўйилади, бир оз тургач илашимлик тўқ сариқ сиёҳ ҳосил бўлади. Бунда битилган хат тилласимон ярқироқ бўлиб чиқади.

Заъфарон ғоят хушбўй ва мазали гул бўлиб, Ўрта Осиё, Кавказ ва бошка Шарқ ҳалқлари уни ўз таомларига қўшган ва ҳаётларида дори-дармон сифатида ҳам кенг қўлланилган. Чунки заъфарон киши ички аъзоларини мустаҳкамлайдиган, кўзни равшан қилиб, парда тушиш касалидан асрайдиган, юракни яшнатиб, киши чехрасини очадиган, нафас олишни енгиллаштирадиган, ошқозон ва жигарга ҳам яхши, шифо бўладиган ўсимлик эканлиги тўғрисида табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино кўп ажойиб фикрларни айтган эди.

Бинобарин, ҳалиги рубоий патир юзига қамиш қалам билан худди шу хил сиёҳда ёзилган бўлиши табиий ҳолдир.

Меҳмондўстлик тўғрисида Домла Мир Хаттотнинг ушбу асарини ганчкор усталар ҳам қўллаган эканлар. Самарқанднинг Ялангбек маҳалласидаги хонадонлардан бирининг токча пештоқида ўша рубоидан ганчга ўйилган намуна ҳануз ҳам бор. Яна бир хонадонда Хаттот шеърининг духоба сўзанага тикилган нусхасини ҳам кўрдим. Ана шу шеър оғиздан-оғизга ўтиб, то ҳанузгача дастурхон устида азиз меҳмонлар шарафига сон-саноқсиз маротаба айтилиб келаётиди. Балки бу рубоий бир неча авлодни меҳмоннавозлик руҳида тарбиялашга восита бўлаётгандир, десак хато қилмасмиз, негаки самарқандлик мезбонлар меҳмонни ҳамон илгаригидек очиқ чехра, нафосат ва такаллуфлик билан қарши олишади, меҳмон келган хонадондаги севинч оламга сифмай кетади.

Ҳархолда, кечаси тимқоронгуда юрган кишининг кўзи очиқми, юмуқми — унинг фарқи йўқ. Одам қоронгидаги узоқ вақт яшаса вахшийлашиб кетармиш... Агар инсоният оловни кашф қиласмаганда жамият ҳозиргидек равнақ топармиди, йўқми? Йўқ, албатта, инсон оловсиз, ёруғликсиз, нурсиз яшай олмайди. Зероки, Домла Мир Хаттот меҳмонни нуру зиё таратувчи шамга қиёс қиласган экан, демак, ўзбек меҳмонсиз ўтган ҳаётини қоронгуликда ўтган дамлар деб ҳисоблайди.

Меҳмондўстлик азалий анъана сифатида ҳануз ҳам давом этмоқда. Меҳмоннавозликни замонамиз ижодкорлари ҳам тараннум қилиб келишяпти. Шулардан бири Нормурод Нарзуллаев шеърига эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Тонгда эсган сабодирман, меҳмон кутиб,  
Тордан чиқкан садодирман, меҳмон кутиб,  
Меҳмон, дерлар Шарқда, улуг отангдан ҳам,  
Дўст йўлига зиёдирман, меҳмон кутиб.

Меҳмон келса ризқи келур эшик хатлаб,  
Остонада садодирман, меҳмон кутиб.

Не миллат бор, не халқ, элат — бағрим очик,  
Құвноқ, уйғоқ дарёдирман, меҳмон кутиб.

Танисиқат, хотиржамлик — әл давлати,  
Дунә ичра дунёдирман, меҳмон кутиб.

Ошиқларга құнглым совчи, әлчи ўзим,  
Мехр, вафога ошнодирман, меҳмон кутиб.

Ўзбекнинг бир танти ўғли Нарзий куйлар,  
Бу умримдан ризодирман, меҳмон кутиб.



Ишим бўлур меҳмон хизмати,  
Жонимга жо унинг миннати.  
Меҳмоним кофурми ва ёки диндор,  
Бу томони билан нима ишим бор?!

Камолиддин Биноий

МЕҲМОН КУТИБ  
ТОЛМАБСИЗ —  
УМР БЎИИ ҲОРМАЙСИЗ  
(Мезбоннинг вазифалари тўғрисида)



## МЕҲМОН НЕГА КЕЛАДИ-Ю, НЕГА КЕЛМАЙДИ?

Инсоннинг хулқ-атвори, одамларга бўлган муносиб қобиллиги, ширинасўзлиги, дилкаш, хуштаъблиги, лутф-кароматлилиги, одамохунлиги каби бир қатор хислатларини жамлаб ранго-ранг очилиб турган чаманзорга қиёс қиласа бўлади. Одамни одам ана шундай хислатлари учун қадрлайди. Ўйига меҳмон келмай қолса, одамлардан ўпкалай бермай, ҳар ким ўзига, одоб-ахлоқига назар ташламоги жойиз, ноxуш фазилатларига барҳам бериб, гулдай очилса чаманзорга ким кирмайди дейсиз!

Ўзекнинг ўзига хос нозик табиатлилигининг бир томони шундаки, одам ўлик илонга қўнган пашшадан қандай ҳазар қиласа, халқимиз баъзи тунд, юзида гараз аломати бор, бадбўй, зохир ва мумсиқ кимсалар билан улфат бўлишдан қочади. Мезбоннинг кўпчиликка малол келадиган одати бўлса, бундайлардан ҳам меҳмон юз ўгиради.

Бодом доналари орасида битта-яримта аччиқ магизлиги чиқиб қолганидек, меҳмондўст халқимиз ичидаги баъзан меҳмонни малол кўрадиган одамлар ҳам учраб қолади. Бундайларникига ҳам меҳмон қадам ранжида қилмай қўяди. Меҳмонни малол кўрган одам ўзи ҳам меҳмон бўлганда малол келишини ўйлаши керак. Яна меҳмон ҳалол меҳнат қилмайдиган шахслар дастурхонидан ҳам ҳазар қиласи.

Бизда меҳмондўст бўлолмай қолган, мезбонлик шарафидан бебаҳра бўлган одамларни ёлғиз қовжираган дараҳтга ўхшатишади. Уни кесиб келиб иморатга ишплатай десанг, бир ўзи на тўсин, на устун бўла-

ди, уни фақат ўтин қилиб ёкиш керак. Меҳмоннавоз бўла олмаган киши таниш-билишларига ана шу ўтингдай тутаб: «Биз сизга нима ёмонлик қилувдик, келмайсиз, қорангизни кўрсатмайсиз, бормисиз ўзи?!» — қабилидаги таъналар қилмасин. Борлиги кўриниб турибди-ку!

Хуллас, меҳмон кутадиган киши умид билан инсофлилик чашмасидан сув ичиб, инсонийлик дараҳтидай гуркирасин, токи меҳмон унинг соясидангина эмас, балки ширинаханлик — анвойи меваларидан ҳам баҳра ололсин.

Ўтмиш одамлари халқقا бир неча кун тўй берар әдилар, деган гапга энсам қотарди, «ҳашамага бало борми, бир кунда кузатиб қўя қолишса бўлмасмикин», дердим.

Зилзиладан сўнг тўққизинчи қаватдан уй олган бир дўстим:

— Ҳовли тўйини қандай ўтказсам экан, уй тор, чакирадиган меҳмонларим юздан ортикроқ, алоҳида тўйхона, меҳмонхоналар ҳам куришмапти-да, — деганида, мен иложини топиш учун:

— Ҳовли тўйини ҳар куни кечкурун ўн бештадан одам чакириб, биринчи куни — ҳамкарабаларингни, иккинчи куни — дўстларингни, учинчи куни — қариндошларингни ва ҳоказо... бир ҳафтада ўтказсан, — деб маслаҳат берганимни ўзим ҳам билмай қолибман.

Кичик майдондан ҳам ҳайратлантиарли ҳосил оладиган дехқонлар бор. Мезбонлар борки — тадбиркор, уйи тор бўлса ҳам бағри кенг.

Ўзи пасткаш, лекин меҳмон ҳузурида бойлиги билан мақтанадиган шахслар ҳам бўлади. Буларникига яхши меҳмон бир келади-ю, кейнинг сафар ўйланиб қолади. Саъдий Шерозий қўйидаги байтини ана шундай мезбонларга қаратса айтган бўлса керак:

Паст кишини молу дунё кўтармас бешак,  
Эшак атлас тўқими билан ҳам эшак.

Кўриниб турибдики, мезбонлик баҳтига сазовор бўлишлик жуда қийин ва катта бурч адо этишни талаб қиласди. Шу сабабли, ҳали меҳмонхона кўрмаган ва умрида ўзи бирор марта ҳам меҳмон кутишга улгурмаган ёшларимиз учун мезбонлик вазифаларининг айрим томонлари, қоидалари ва йўл қўйилиши эҳтимол бўлган хатолар тўғрисида эслатиб ўтаман.

Айтайлик, уйингизга меҳмон келди. Сиз уни лойиқ эҳтиром ва ҳурмат билан қарши оласиз. Дастурхон ёзиб, бисотингизда неки яхши нарса бор — ўртага қўясиз. Аслини олганда, меҳмон сизнинг ош-нонингизни деб эмас, ўзингизни деб, сизнинг одамохунлигинги, яхши қиликларингизни, хушфеъллигинги қумсаб, сухбатингиз орзузида соғиниб келади.

Сизнинг ҳам шу кунги барча ҳаракатларингиз, фикру зикрингиз фақат бир нарсага — меҳмонни иложи борича яхши кутишга, уни хушнуд қилишга қаратилади.

Мезбоннинг бундай самимияти, меҳмондўстлиги жуда яхши фазилат. Халқимиз орасида меҳмон кутишни, мезбонликни қойилмақом қилувчи кишилар жуда кўп. Бу хил фазилатга эга бўлган киши дўст-ўртоқлари, қариндош-уруғлари, таниш-билишлари, ҳамкаслари олдиди ҳурмат ва эҳтиромга лойиқдир. Уни ҳамма қўмсайди, унинг сухбатидан баҳраманд бўлишни кўп одам орзу қиласди.

«Қобуснома»нинг «Меҳмон чакириш ва меҳмон бўлиш ҳақида» ги бобида ёш мезбон учун шундай насиҳат ёзилган: «Эй фарзанд, меҳмонга миннат қилмагин, очиқ юз билан гапиргил. Ҳар бир киши сенинг меҳмонинг бўлса, шодлик билан таомингни есин. Лекин ўзинг набизни кам ичгил, меҳмондан илгари маст бўлмагил ва ҳаммавақт очиқ юзли бўлгил, кулиб тургил. Аммо беҳуда кулма, кўп қулиш бир навъ девоналиkdir» (62. 51 — 52).

Лекин шуни айтиш керакки, баъзи кишилар меҳмон кутиш тартиб-қоидаларини, мезбонлик вазифаларини яхши билмайдилар.

**Воқеа.** Бир куни янги турмуш қурган икки ёшнига меҳмон бўлиб боришимизга тўғри келди. Мезбонимиз бизни олдиндан таклиф қилиб қўйган бўлса ҳам, уйдагилар шошиб қолиши. Очифини айтсак, биз ҳам, мезбон ҳам анча хижолатда қолдик. Бу ерда ёш мезбонимизнинг хатоси шуки, у бизни меҳмонга таклиф қилишга қилган-у, аммо бў тўғрида уйдагиларига ҳам билдирамаган, ўзи ҳам бамайлихотир юраверган. Натижада меҳмондорчилик кўнгилсиз ўтди. Булар янги турмуш қурган икки ёш (таниш одамлар бўлганлиги сабабли исмларини тўла ёзмай, фақат бош ҳарфларинигина кўрсатдим), яъни Ф... жон ва С...хонлар эди. Ўз турмушларида биринчи марта меҳмон кутишлари... Воқеа бундай содир бўлди.

Ф...жон бизни дарвоза олдидаги кутиб олди-ю, жуда шошиб қолди, югуриб ичкарига кириб кетди.

— С...хон, ҳо С...хон! Тез бўлинг, тезроқ бўлинг! — қичқираради у.

— Ҳа, нима бўлди, тинчликми ўзи?!

— Меҳмонлар келиши, меҳмонлар!

— Вой, шўрим! Ҳаммаёқ ивирсик, айтиб қўймабсиз-да, тайёргарлик кўриб қўяр эдим.

Бу диалогни ташқарида дангал эшитиб туардик. Ўнгайсизликни енгиш учун ҳовлини тузилиши, дараҳтларнинг экилиши, яна алланималар тўғрисида сўз қотишардик. Биримиз жуда зарур ишимиз борлигини, бормасак сира иложи йўқлигини уқтириб баҳона қила бошладик. Биримиз эса ҳалқа-ҳалқа папирос тутатар эдик.

Ичкаридан: «Вой, мен нима қилай бўлмаса», деган овоз эшитилди, бу албатта С...хон эди. У ташқари чиқиб биз билан кўришган бўлди, юзидаги ясама табассум яққоҳ сезилиб туарди.

Халқнинг «Чақирган жойга бор, чақирмаган жойда нима бор?» — деган мақоли амрига келганда, бизнинг бу хонадонга қадам ранжидамиз тасодифий бўлмай, уч кун илгари куёвнинг ўзи «келинчак қўлидан чой ичиб кетишга» таклиф этган эди. Бу ҳам — меҳмондорчиликнинг бир тури. Келдик, ичкарига ҳам кирдик.

— Оббо, сизлар-ей, зап келдиларинг-да, кутавериб кўзларимиз тўрт бўлди. С...хон! — деб чақирди у қаллигини, — опкелинг!

Келин қўлидаги қошиқ-вилкаларни шарақлатиб столга қўйгач, «энди нима қилай» деган маънода эрига қаради.

— Ие, ҳа-ҳа-ҳа! Опкелавермайсизми?!

— Чойними, Ф...жон ака?

Иигит эшитмасликка олиб ёлғондан йўталди. Иргиб туриб буфетни очди.

— «Кемага тушганларнинг жони бир» дейишади, энди шу уйни кема деб фараз қиласверасизлар, капитани мана бу, у столга тўрт юлдузлик конъяқ қўйди, — етмаса, «пойтахт»исидан ҳам таги мўл.

С...хоннинг ори келди шекилли, эрини имлаб чақириб олди. Қуёв-келин ошхонага кириб олиб, овоз чиқариб маслаҳатлашишарди.

— Энди нима қиласиз, Ф...жон ака?

Лекин эр ўзини тутиб туролмади.

— Дард қиласиз, бало қиласиз! Меҳмонларнинг олдига дастур-хонни шундай ёзарканми?!

— Ўзингиз-чи, ўзингиз?!

Қўл ювмоқчи бўлиб ошхонага кирганимда иккала қўлини белига тираб әрига ўшқираётган С...хоннинг вужуди худди «Ф» ҳарфига ўхшаб туради.

Меҳмонлар ўтиришмасданоқ шишаларингизни мақтаб кетдингиз. «Пойтахти» эмиш, «Капитани» эмиш! Тўй куни ютиниб ўтирганингизни сезувдим-а, мана бугун ўшанинг хуморисидан чиқмоқчи экансиз-да! Гап шу ерга келганда уларнинг кўзи менга тушди. Хижолатпазлик...

Бу оиласадаги можаро йўқчиликдан келиб чиқмади, улар тайёргарлик кўрмаган бўлсалар-да, ҳамма нарса муҳайё эди, бироқ шу неъматларни меҳмонлар олдига чиройли қилиб қўйишини билмай шошиб қолишдан келиб чиқди.

Иллат шундаки, ёш оиласадарда таом тайёрлашни билмаслик, меҳмонни кўнгилдагидек кутиб ололмаслик оқибати эр ва хотин ўртасида келишмовчилик, дилсиёҳлик, катта жанжаллар чиқиб кетишига сабабчи бўлади. Мана шундай келишмовчиликлар йигилиб-йигилиб ситамга айланаб кетади. Рўзгоршуносликни билмайдиган ва мезбонлик вазифасини ўтай олмайдиган шундақа ёш оиласадар мустаҳкамлана олармикан?

**Факт.** Судъя дўстим ўзаро гурунглардан бирида хизмати тўғрисида сўз очилиб кетиб, ажralиш учун ариза кўтариб келаётгандарнинг анчаси янги турмуш қурганлардан иборат эканини ва ширин оиласанинг бузилишига кўпинча арзимас сабаблар кўрсатилаётганини ҳикоя қилиб қолди. Шундан кейин у кўрган биронта «иш» билан танишиб чиқишига ижозат сўрадим. Мана ўша «иш»нинг мазмуни: К. жон билан Р. хон бир-бирларини «айблаб» характерлари тўғри келмаганлиги ҳақида баробар ариза беришган.

Қуёв келинни овқат пишира олмасликда айбласа, келин ҳам қуёвни ўтиш ёриб бермасликда айблайди.

Дастлабки можаро узилган тутганинг ўз вақтида қадалмаганидан келиб чиқсан.

Икки ёш турмуш қуришларидан олдин беш йил давомида бир институтда ўқишган. Доим бирга юришган, бирга дарс тайёрлашган, кино, театр дейсизми, ҳатто ошхоналарда ҳам бирга овқатланишган. Шу бирлик бир-бирларига маслаҳатгўй, раҳнамо, иноқ дўст бўлишга, кейин эса севишиб қолишгача етган. Институтни битиришгач, уларнинг никоҳ тўйи ҳам бўлиб ўтган. Беш йил... Севиб қолиш учун етарли муддат. Беш ой... ажralиб кетиш учун муддат бўлламайди, балки ажralishnинг муддати бўлмаса керак. Булар боламиз бўлмади деган сабабни ҳали ўртага ташлай олишмайди. Характерлари келишмаган эмиш. Ғоят қизиқ бир факт. Беш йил мобайнида характерлари мос кепти-ю, оила қургач беш ой ўтмай келишмай қопти! Худди шу келишмай қолишлик заминида турмуш икир-чикирлари ётади. Бир вақтлар иккалалари ошхоналарда овқатланишиб юрганларида: «Уйланганларидан кейин ўзимизга ўзимиз таом тайёрлай олармикинмиз, ҳурматли дўстларимиз бизнига меҳмон бўлиб келишса, биз ҳам мана

шу чаққон официантка каби уларни кутиб ола биламизмикин?» — деб ўйлашмаган бўлсалар керак. Балки улар уй юмушларини «ойимлар бажарадилар» деб юришгандир. Хулласи қалом, узилган тугманнинг ўз вақтида қадалмаганидан келиб чиққанига ўхшаш арзимас кўнгилхираликлар йиғилиб-йиғилиб бир-бирига дўст, ҳатто ишқу муҳаббатли икки ёш ажralиб кетиши учун суд маҳкамасига келишларига сабаб бўлган. Гап характер келишмаганида эмас, балки турмуш кечириш қоидаларини билмасликда. Оила турмушкида ҳал қилиниши керак бўлган масалалар жуда кўп. Шулардан биттаси меҳмон кутиш, мезбон бўлиш — меҳмондўст бўлишdir.

Мезбонлик тартиб-қоидаларини билганлар учун меҳмон кутиш зўр тантана, билмаганлар учун эса у — хижолатпазлик ва ташвиш, ҳатто кўнгилсизликлар ҳам келтиради. Меҳмондорчилик — турмуш зийнати, дейдилар. Шунинг учун ҳар бир йигит-қиз меҳмондўстликнинг қоидаларини тушуниб олишлари зарур.

## МЕҲМОНГА ТАКЛИФ

Меҳмондорчилик, аввало, одамларни меҳмонга таклиф этишдан бошланади. Меҳмонга таклиф этиладиган одамнинг вақти бор-йўқлиги билиб олингандан кейингина уни меҳмондорчиликка чақиришингиз мумкин. Меҳмон бевосита ёки «таклифнома» орқали, ёхуд бирордан айтдириб таклиф қилинади. Бу меҳмондорчиликнинг мақсади, вақти-соати ва шакли англатилган бўлиши шарт. Қандай тоифа одамлар қатнашишини ҳам ҳар бир чақирилувчи билиб кўйса ёмон бўлмайди. Таклиф этилувчиларга меҳмондорчиликнинг не мазмунда ижро этилишини билдириш билан, меҳмоннинг келиш-келмаслиги унинг ўз ихтиёрига ҳавола қилинади. Чунки ҳар бир киши меҳмондорчиликнинг ҳамма турларига ҳам боравермаслиги мумкин. Агар чақирилганлардан баъзилари келмай қолса, бу — улар учун сиз ташкил этган шаклдаги меҳмондорчилик маъзур эмаслигини билдиради. Меҳмонлар келгунча уй-жойни озода, саранжом ҳолга келтириш билан бирга, мезбон ҳам янги ёки тоза уст-бош кийиб олиши яхши.

Меҳмонлар келадиган вақтда дарвоза очиқ туриши керак. Меҳмонларни эшик олдида самимият ва очиқкўнгиллик билан кутиб олиш лозим. Совға олиб келганларга ҳам, «қуруқ» самимий саломи билан келганларга ҳам баб-баравар миннатдорчилик билдиришни унутмаслик керак. Сўнг меҳмоннинг ечинишига ёрдамлашиш ва қўл ювганида сочиқ тутиш зарур. Бунда меҳмоннинг қўлига сув куйиб туришдан кўра, унинг ўзига қўйиб берган маъқул. Акс ҳолда, меҳмон иймиши мумкин.

Қоида бўйича, яхши тараффуд кўрилгач, меҳмон таклиф қилинади.

Ўз даврининг ажойиб олими Юсуф Ҳос Ҳожиб «Қутадғу билиг» китобида зиёфатга таклиф бобида ушбу қоидаларни айтади, 4540 — 4546-байтларнинг насрый мазмуни: «Агар сен одамларни таклиф қиласайин десанг, таклиф қил, лекин тараффудларини яхши кўриб қўй. Идиш-оёқ, дастурхон, уй-жой, либос покиза бўлсин, покиза кўрпачалар ёй. Овқат ва ичимликлар ҳам яхши, покиза, тотли бўлсин, токи қўл узатган киши уни ҳавас билан есин. Меҳмонни таклиф қилмаган бўлсангу у келиб қолса, ош-сувингнинг камчилиги битта бўлади, аммо

таклиф қылсангу яхши тайёргарлик күрмасаң, камчилик иккита бўлади. Ўйлаб иш тут, еб-ичиладиган нарсаларни яхши ва покиза қилиб ҳозирла, уйингга келган яхши одамлар тўйиб туриб кетсинлар. Узоқ-яқин дўстларнинг ва қариндошларнинг барчасини зиёфатга таклиф қилиб қўй, бу билан уларнинг ҳақларига риоя қилган бўласан. Келадиганлари келади, агар келмай қолса, таклиф қилингани учун сендан кўнгли қолмайди». (76. 693)

Замонавий меҳмондорчиликда шундай яхши одат ҳам борки, меҳмон дастурхон ёнига келиб ўтиргач, энг аввало иссик чой келтирилди. Мабодо дастурхон ҳам, чой ҳам тайёрлаб улгурилмаган бўлса, меҳмоннинг зерикиб қолмаслиги учун радио ёки магнитафон лентасини кўйиб бериш, оила аъзоларидан бири меҳмон ҳузуридан кетмай, суҳбатлашиб ўтириши яхши одат.

Меҳмон келиши олдидан болаларни ювинтириб, яхши кийинтириб қўйиш жуда муҳим. Бу нарса болаларда ҳам меҳмондорчиликнинг аҳамиятини англаш ҳиссини уйғотади. Бундан ташқари, меҳмонлар болаларни әркалатиши ва кўтариши ҳам мумкинки, шу важдан болалар тоза юришса жуда яхши бўлади.

Меҳмондорчилик устида бирон бир камчилик сезилиб қолса, «ишида эдим, қўлим тегмади», деган баҳоналар билан ўзини «оклаш» тўғри эмас. Меҳмон ҳузурида болалар шўхлик қилса, уларга танбеҳ бермаслик керак, меҳмоннинг иззат-нафсиға малол келиши мумкин.

Умуман, болаларни келган меҳмон билан кўришганларидан сўнг юмшоқлик билан четлатилгани маъқул, чунки ёш бола тутумсоқ бўлади, дастурхондаги нарсаларга чанг солади, хархаша қиласи, натижада ширин суҳбатга ҳалал етади, гурунгнинг файзи кетади.

## ЗИЁФАТНИ БОШҚАРИШ

Оддий оила меҳмондорчиликларида зиёфат мезбоннинг бошқарувида амалга ошиши мумкин. Бироқ катта издаҳомларда бу вазифа меҳмонлар орасида эътиборли бўлган шахс, ёши улуғ одам зиммасида бўлгани яхши. Буни кўпинча «ўртани олиб борувчи» деб хато номлайдилар. Аслида зиёфатни бошқарувчи меҳмондорчиликнинг ҳар қанақасида эмас, фақат энг катталари: тўй, байрам, зиёфат-базм ва юбилей дастурхонлари устида сайланади. Модомики шундай экан, катта зиёфатларда бу вазифага тўғри келган маҳмадонани эмас, биль-акс шу ишга истеъодли, дид-табиатли, чаққон, ҳушчақчақ, билимдон, одобли, ҳозир бўлганларнинг барчасини ёки кўпчилигини танийдиган, ҳамма ҳурмат қиласидиган, ёшу-қарига баробар гали ўтадиган, ташкилотчи ва зийрак одамни топиб, олдиндан рухсатини олиб, сўнг издаҳомдагиларнинг умумий қарсаги асосида сайлаш зарур бўлади. Сайланган бошқарувчи зиёфатнинг тизгинини қўлига олган бўлиб, барча унга итоат қилиши шарт, шунда у қуйидаги вазифаларни ўтайди:

а) Бошқарувчи зиёфатда дастурхоннинг пойгагига ўтириб қолган кекса ва ҳурматли кишиларни тўрга ўтказади. Агар дастурхон уй ичida ерга тўшалган бўлса, тўриси — эшик ва деразаларга қарама-қарши томонда деворга суюниб ўтириладиган жойлар бўлади. Ҳовлида сўри ёки чорпоя устига тўшалган дастурхонларда эса — қалин кўрпача тўшалиб, ёстиқ қўйилган, ҳаммани ва атрофдаги табиат манзаралана-

рини bemalol кўриб ўтирадиган шинам жой тўри ҳисобланади. Das-turxon катта издаҳомларда асосан стол устига тузалади. Столлар эса узунасига І шаклида, Т, П ёки Ш шаклларда қўйилган бўлади. Бунда, І, Т, П шаклда қўйилган столларнинг юқори қисми дастурхон тўри ҳисобланади. Ана шу жойларга ҳурматли кишилар, банкет ёки юбилей зиёфатини ташкил этган «айбдорлар», никоҳ тўйида эса куёв-келин ва уларнинг яқин дўстлари ўтқизилади.

б) Бошқарувчи базмда хотин-қизларнинг раъийга қараб иш тулади. Катта издаҳомларда, айтайлик, тўйларда хотин-қизлар эркаклардан ўзларини хорижроқ тутишга, алоҳида анжуман қуришга интиладилар. Бошқарувчи шу ҳолни ҳисобга олиши даркорки, ажralиб ўтиришни ўтмиш сарқити деб бўлмайди. Сабаби ўзбек хотин-қизларнинг ўзига хос иффати, уятчан ва шарми-ҳаёлилиги уларни шунга уйдайди. Эркаклар кўп йигилган даврада улар ўзларини қандайдир ноқулай ҳис қиладилар, ийманиб овқат ея олмайдилар, bemalolliklari негадир таъминланмайди. Карабсизки, аста-секин ва бирма-бир катта даврадан туриб алоҳида, ҳолироқ жой танлашга киришадилар. Энг яхши илтифот, олий ҳурмат ва эҳтиромлар билан муносабатда бўлинса ҳам, ўз иззатини билган аёллар нотаниш кишилар даврасида bemalol ўтиrolмайдилар. Шу сабабли катта тўйларда аёлларга ва эркакларга алоҳида-алоҳида дастурхон тузалган. Нега шундай? Буни камситиш ёки маданиятсизлик деб қаровчилар ҳам топилади. Аслида бу аёлларнинг раъийга қарап, юқори маданиятлилик бўладики, хотин-қизларнинг сири — фақатгина ўз тенгқурларига айтадиган гаплари, юрак туйғулари, суҳбатлашишда умумий манфаатлари, турмушга чиқиш, оила қуриш, бола тарбиялашга оид ўзаро алмашинадиган самимий фикрлари бўладики, буни улар бир-бирларига фақат ўз жинси даврасидагина айта оладилар, бу, биринчидан. Иккинчидан эса бизда, айниқса, Фаргона водийсида ва тошкентлик йигитлар шўх, ҳазилкаш ва аскиячиликка анча моҳир бўлишади. Улар ҳар қандай йигилишда бир-бирлари билан ҳазиллашмаса, аскиянинг беозор бигизи билан ўзаро чандишиб олишмаса кўнгиллари ҳеч ҳам таскин топмайди. Ammo аёллар бор жойда улар ўзларини жуда ти-йиб ўтиришади. Зийрак ва фаросатли хотин-қизларимиз эркакларга хос ана шу шўхликни сезганликлари учун ҳам ўзларининг мавқеи, қадр-қиймати ва оналик, опа-сингиллик ҳурматларига путур етказмаганликлари ҳолда, ҳеч кимнинг ҳеч қанақа тазиқисиз алоҳида анжуман қуриб оладилар.

Давлат, фан ва санъат арбоблари даражасига кўтарилиган аёлларимиздан тортиб, то мактаб ўқувчиси бўлмиш ўсмир қизга қадар ана шундай нозик иффатнинг сақланишини ҳисобга олган бошқарувчи хотин-қизларнинг bemalolliklari таъминлаш пайида бўлади.

в) Бошқарувчи яна ҳозир бўлганларни бир-бирларига таништиради. Меҳмон кимлар даврасида ўтирганини билиб олгани яхши. Бу ҳол ҳар ким ўзини қандай тутиши, кимлар билан улфатлашиш, дўстлашиш, қайсиларидан ибрат олиш ва ибратсизларидан воз кечиш имкониятини келтириб чиқаради. «Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш» деган мақол худди ана шу меҳмондорчиликларда таништириш асосида келиб чиққандир. Катта меҳмондорчиликларда ёни-веридаги-ларни таништириш амалга оширилмаган ҳолларда имо-ишора, сирли тикилишлар, висир-висир кўпайиб кетади.

Таништириш удумини мезбон бошқарувчи билан бирликда амалга оширади. Бунда барчани бир-бирига таништириб узоқ вақт сарф

қилиб ўтиրмай, балки шу издаҳомда ёши улуғ, нуроний кексалар, ҳурматга сазовор кишилар, таниқли арбоблар ҳозир эканликларидан ҳабар берип, айрим енгилтак, маҳмадоналарни мулойим тортилишига эришилади.

Таништирганда ўнг қўл томонда ўтирганлардан бошлаб исми-шарифи, унвони, қария киши бўлса мезбонга қариндошлиқ белгиси айтилади. Бироқ, қисқача бўлса ҳам таржимаи ҳолини, ҳазиллашиб туриб кулдириш маъносида камчиликлари ва лақабини ошкор қилиш сирам мумкин эмас. Аёл кишини таништирганда: «Бу киши, бу кишининг рафиқалари ёки хонимлари», дейиш билан чегараланиш кифоя, исмини айтиш ҳам мумкин, лекин шарт эмас. Аммо, «бу, буёқнинг хотинлари ёки «яримталари» бўлади», дейиш қўпол хато. Баъзан эрга нисбатан хотин кишини ва аёлга нисбатан эркакни «яримтаси» деб юритиш тамомила нотўғри. Негаки одамнинг «яримтаси» бўлмайди ва оила ҳам «яримта» кишилардан ташкил топмайди.

Никоҳ тўйларда янги келин-куёв таништирилганда улар ўринларидан туриб кўкракларига қўл қўйиб жамоатга таъзим қиласидилар.

## МЕҲМОН ТОИФАЛАРИ

Ҳар бир мезбон бўлгучи ким билан мулоқотда бўлаётганини, меҳмонлар қандай одамлардан иборат бўлишини билиши шарт. У кимлар учун меҳнат қилиб топганини дастурхонга қўяётганини, нимага ташвиш тортаётганини англаши жоиз. Бунинг учун ҳар сафар мезбонлик бурчини адо этаётгандан ва ўзи меҳмонлик шарафига муяссар бўлганда зиддан кузатиб бориши зарурдирки, бу кейинги уюштирилдиган зиёфатларга кимларни таклиф қилиш кераклигини англашга ёрдам беради.

Меҳмон бўлгучи кишилар асосан тўрт тоифадан иборат бўлади. Бир тоифа шахслар борки, булар чақирган жойга бораверади, яхши еб-ичиб кетаверади, бироқ ўзлари уйига бирор марта одам чорламайди, ҳеч кимни ҳеч қаерда меҳмон қилмайди, топганини каламушдай инига бурканиб ўзи ейди. Бундайлар «келтир менга, йўқдир сенга» қабилида иш тутадиган, худбин ва қизғанчиқ кимсалардир.

Иккинчи тоифа одамлар бор, булар чақирилган жойга борадиган ва албатта жавобан ўзлари ҳам меҳмон таклиф қиласидиганлардан иборат бўлиб, жуда одамохун, шинаванда, элга қовушадиган одамлардир. Бу тоифа одамлар «балиқнинг тириклиги сув билан, одамнинг тириклиги эл билан» эканлигини яхши ҳис қиласидиган меҳмонлар каторига киради.

Учинчи тоифа шахслар ҳам борки, ҳеч қаочон ҳеч кимни кишига меҳмонга боришмайди ва ўзлари ҳам бирони таклиф этишмайди. Бундайлар мумсук, одам ёқтирмаидиган, бошқаларни ҳам, ўзларини ҳам ҳурмат қиласидиган шахслар бўлиб, ҳаёт лаззатидан, дўстлар сухбатидан бебаҳра, одамгарчиликдан чиқсан ҳисобланадилар. Булар — юмшоқ қилиб айтганда, тўдадан ажраб тўрга тушган бўрига ўхшашади, қаттикроқ қилиб айтганда эса, ўлмай туриб ўзларини гўрга тиқсан кимсалардир.

Тўртинчи тоифа одамлар чақирилган жойга боришмайди, аммо ўзлари доим меҳмон чақиришади, яхши зиёфат қилишади, топганини

одамларга едириш билан хурсанд, ҳатто кундалик тамаддисини ҳам қўшнини чақириб бирга баҳам кўришга тайёр, қўли очик бўладилар. Мана шу тоифа меҳмоннавоз, мард, хушфеъл, доно ва билимдон одамлардан иборат бўлади.

Янги меҳмон топганда эскисидан юз ўғирмаслик керак, яхши мезбон меҳмони кўплиги билан машҳурдир. Нокас, мумсук, худбин, айёр шахсларни меҳмонга таклиф этилса обрў тўкиши, фисқу-фужур ўюштириши, жанжал чиқариши, пушаймон едириши мумкин.

Мурувватли, меҳр-шафқатли, доно, билимдон, суҳбатижон одамларни меҳмон қилган мезбон чинакам ҳузур қилади, яйрайди, ҳордиги чиқади, обрўйи ортади, дастурхон устидаги суҳбатда ҳам аллақанча билимларга эга бўлади.

## МЕҲМОН КУТИШ

Барча келиб дастурхон атрофига жойлашганда, мезбоннинг меҳмонларни таомга ундаши (бунда баъзи одамлар каби «қани дастурхонга қараб ўтиринглар» қабилида эмас, астойдил, «марҳамат, олинглар», «енглар», деб мурожаат қилиши) лозим. Ҳаддан ташқари қисталанг қилиш ҳам ярамайди. «Садди Искандарий» достонида меҳмонга қисталанг қилиб овқат едириш ёмон одат эканлиги тўғрисида Алишер Навоийнинг ажойиб фикрлари бор. Мана, мавлононинг ўзидан эшитинг:

Пайопай асонқурни<sup>1</sup> айлаб равон,  
Емакдан бўлиб о’киз у нотавон.  
Анга сен едурмак учун сўз била,  
Тикиб кўз-ки, они ебон кўз била.  
Анинг олиға<sup>2</sup> ҳар табоқ ким етиб<sup>3</sup>,  
Ҳам ул ош таъмини тариф этиб,  
Борин ул есун деб, бу авсоф<sup>4</sup> эрур.  
Бу бедод<sup>5</sup> қилмоқ не инсоф эрур?  
Не қилмиш бу, меҳмонни ўлдирғасен,  
Анга ялбариб<sup>6</sup> заҳр<sup>7</sup> едурғасен.. (68. 773)

Демак, Алишер Навоий фикрича, қорни тўйган меҳмонга ҳадеб овқат едиравериш ялиниб заҳар берган билан баробардир.

Меҳмоннинг ўзи дастурхонга қўл узатиб турган бўлса, устига-уст «ҳа, олинглар!» — дейиш одобдан эмас.

Мезбон ўз дастурхонидаги таомларни мақташи ёки ёмонлаши жуда ўринсиз. Таомнинг қандайлиги еб тугатилиши ёки ейилмай қолиб кетишидан билинади.

<sup>1</sup> асонқур — таом

<sup>2</sup> олиға — олдига

<sup>3</sup> етиб — келтириб

<sup>4</sup> авсоф — сифат

<sup>5</sup> бедод — жабр, зулм

<sup>6</sup> ялбариб — ялиниб

<sup>7</sup> заҳр — заҳар, оғу.

Меҳмонга бирор нарса узатишда «мана», «манг», «мана ушланг» каби иборалар билан эмас, «қани, марҳамат қылсинглар» тарзида мурожаат этилса, яхши бўлади. Нарса меҳмонга унинг чап томонидан ёки олд томонидан келиб, табассум билан ўнг қўлда берилади. Чой тутгандага эса пиёлага яримроқ қўйиб, жаранглатиб чертиб ёки кафт устига қўйиб узатилади. Агар меҳмон бирор нарсани қўлидан тушириб юборса, синдириб ёки бузиб қўйса, бунга эътибор бермаслик керак. Халқимизда «Меҳмон жабр қиласа ҳам, мезбон сабр қилур» деган мақол бор. Меҳмон тасодифан бирор идишни синдириб қўйганидан ёки дастурхонга бирор нарса тўкиб юборганидан қаттиқ хижолат тортади. Агар шу пайт мезбоннинг пинағи бузилса, бу жуда ҳам хунук бўлади.

Билингки, меҳмонлар мезбонни қандай таомлар билан зиёфат қилинага қараб эмас, зиёфатни қандай уюштирганлигига қараб баҳолашади. Меҳмонни жуда ширин қабул қилиш керак, лекин мөъридан ўтказиб уни асалга ботган чумолининг аҳволига тушириб қўймаслик ҳам керак.

Таом ейиш чоғида ёки ҳамма тўйгач, меҳмонларга «ош ошатиш» жуда ёмон одат. Ҳозирда ҳам гарчи аҳён-аҳёнда бўлса-да, бу одат меҳмондорчилликларда учраб туради. Баъзилар «бу — хурмат белгиси» дейишади. Аслида бундай эмас. Ошатиш, аксинча, ҳурматсизлик белгиси бўлиб, ҳар жиҳатдан меҳмонни беҳузур қилиб қўйиши мумкин.

Алишер Навоийнинг бу тўғрида ҳам фикрлари бўлган. Яъни бечисоб луқмаларни ана шу тарзда едириш соғ оғу билан тенгdir. Бундай қилиш албатта шумлик бўлиб, ақлли кишиларга номуносибdir деб ёзган.

Не бир заҳр, ҳар луқма бир заҳри ноб  
Воле луқмага кимса топмай ҳисоб.  
Бу янглиғ зиёфат басе шум эрур  
Ҳирод аҳли<sup>1</sup> олинда мазмум эрур. (68. 774)

Энди буёгини эшитинг. Замонавий табобат ош ошатиб бироннинг оғзига қўл солишни текшириб соғлиққа зарари бор эканлигини илмий исботлаган. Ҳар кимнинг қўлида ва тирноқлари ораларидағи I грамм кирда 380 миллион зарарли бактериялар бўлиб, баъзан булар иммунитетли «эгаси»га безарар бўлса-да, бошқаларга зарар келтириши аниқланган.

Ошатиш одатини ўтмишда кўнгли қора одамлар келтириб чиқарган. Ош ўртасига суяк жойлаб едириб, «ўч олмоқ» мақсади кўзланган. Ошовчи суяк борлигини сезиб қолган тақдирда гаров ўйнашга йўйиб юборилган. Ҳуллас, ошатиш одатини тарк этган маъқул.

Мезбонлик кишидан жуда зийракликни талаб қиласди, масалан, у меҳмонлар билан бирга таом тановул этаётганида ҳаммадан олдин «бизга бўлди, бас» деб қўлни артиб қўймаслиги зарур. Унда меҳмонлар ҳам «бас қилишади». Меҳмондорчилликдан мақсад дастурхондаги ноз-неъматларнинг ҳаммасига барча меҳмонларнинг «оғзи тегиши»га эришиш керак. Меҳмон безовталанса, дарҳол сабабини аниқлаш, лозим топилса, унинг хизматида бўлиш одобдан саналади.

Мезбон ҳадеб ташвишланавермаслиги, ўёқдан-буёққа тез-тез

<sup>1</sup> Шаҳар ҳалқи.

вермаслиги, оиласидагиларга ҳадеб иш буюравермаслиги зарур. Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг бир байти бор, менингча, бу мезбонга қарат айтилган чиқар:

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан  
Ўзгалар базмини қилади равшан.

Яна одил бўлиш, таъмагир бўлмаслик тўғрисида:

Одил билан таъма — сув билан олов,  
Иккисин бир жойда кўрганми биров, —

дейди.

Меҳмон кутган мезбон ўз оиласидаги камчиликлар, етишмовчиликлар, хафаликлар тўғрисида, касаллик ёки ўлим хусусида оғиз очмаслиги, хизматдан, қариндош-уруғ, ёр-биродарларидан нолимаслиги керак. Меҳмонлар ҳузурида оила аъзоларига озор бериш, эр-хотин муноқаша қилишлари тўғри эмаслигини ҳали англаб етмаганлар ҳам бор. Аксинча, ўзини жуда хушчақча тутиб, дилкашлиқ қилиб ўтириши зарур.

Чақирилган меҳмонлардан биронтаси келмай қолса, ундан гина қилмаслик керак, айниқса, гийбатга ўрин йўқ.

Биз бир жойда «Ўзбек учун меҳмоннинг муҳими ёки номуҳими, каттаси ёки кичиги бўлмайди», деган әдик. Меҳмоннинг фарқи фақат ёшига қараб ажратилади: қарияси ва ёшроғи. Мезбоннинг эҳтироми барчага баробар бўлиши шарт. Лекин, шуни айтиш керакки, ўрни келиб қолса, меҳмоннинг мансабига эмас, ёшининг улуғлигига қараб алоҳида илтифот кўрсатиш мумкин. «Қари келса ошга, ёш келса ишга» мақоли амри билан иш тутишга тўғри келади. Аммо, баъзи мезбонлар борки, меҳмонларнинг барчасига баробар хизмат қилмасдан, мансабига ва мавқеига қараб муносабатда бўладилару бундайроқларга эътиборсизлик қиладилар. Бу одобдан эмас. Бу ҳолда энг яхши фазилат — меҳмондўстлик, энг ёмон фазилат — лаганбардорлик ва тилёғламачиликка қараб бурилиб кетади. Меҳмоннавозлик каби мўътабар анъанамизни лаганбардорлик ва тилёғламачилик томон буришнинг маъноси: меҳнат қилмай роҳат топмоқ, заҳмат чекмай олим бўлмоқ, дехмончилик қилмай хирмон кўтармоқ мақсадларини кўзлаш эканини ҳар бир истеъоддли мезбон яхши англаб етса керак деб ўйлайман.

Айтилмоқчи бўлган гаплардан яна бири бефаросат мезбонлар ҳам борлигини эслатиб ўтиш. Шундай мезбонлар ҳам борки, уйига келган кишининг қўлига қарашади, бу ерда йўқ одамлардан нолишади, лутфи-каромат кўрсатиш ўрнига мақтанишади ёки хафалигини юзига тепчитиб қўйишади. Мана шундайлар учун Носир Хисрав насиҳат айтган:

Уйингга меҳмон келса дилшод бўл,  
Ҳар ғаму қайғу банддан озод бўл!

Энди мезбонлик шарафига мұяссар бўлган, меҳмон чақириш бахтига эришганларга хулоса шу бўлсинки, уйининг тўрисидан то остана остигача дастурхон тўшаш орқали, таомларни керагидан ортиқ дуйсанба қилиб қалаштириб ташлаш ёки шишадан чулдиратиб қўйила-

диган ичкиликларни сероб қилиш билан обрў қозониб бўлмайди. Меъёр муайянлигини сақлаш билангина меҳмоннавозликни оқилона ўтказиш мумкин. Баъзилар ўзининг «сахий» әканини билдириш мақсадида шундай қилишади. Иўқ. Истрофкунандалик сахийлик белгиси эмас, балки манманлик нишонасиdir.


Баъзан шундай ҳоллар бўладики, меҳмонлар дастурхонга қўйилган хилма-хил таомларни емай қўйишида, истроф кўпаяди. Бунинг сабаби нимада? Агар дастурхонга егуликлар қалаشتариб ташланса, бир хил таом ҳазм бўлмасдан туриб, иккинчи хили келтирилса, дастурхондаги хўрак асблори ва тайёrlанган жой покиза бўлмаса, дастурхон устида асабга тегадиган гаплар айтилса, меҳмонлар беҳузвурланиб, овқат емай қўядилар.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, баъзан дастурхон устида файз кетади, гап гапга қовушмайди, қандайдир ноқулай вазият пайдо бўлади. Бу ҳолнинг сабаби, кўпинча, бир-бирларига хил келмаган меҳмонлар рўпарама-рўпара ўтириб қолганликларидир. Мана шуни ҳисобга олган тадбиркор мезбон меҳмонларни дастурхон атрофида таклиф этар экан, айниқса, катта издаҳомларда уларнинг ўз состави, ҳамкаслари, таниш-билишлари, ёру-биродарлари билан бирга ўтиришларига катта имконият тугдирив бериши зарур. Бунда: доно одамлар ёнида маҳмадоналар, очик руҳсор, хушчақчақ одамлар ёнида писмиқлар, олижаноб кишилар қаршисида ғаламислар бўлмаслигига, пок одамлар даврасига ифвогар тушиб қолмаслигига эришиш зарур. Буни шундай ташкил этиш керакки, ҳалиги ножӯя меҳмонлар сирасира сезмасинлар. Мезбон жуда оғир вазифа, ҳар кимнинг кўнглини баробар кўтара билиши керак. Масалан, уйингизга сиз ёқтирамайдиган ёки таниш бўлмаган шахслар ҳам меҳмон бўлиб келиб қолишлари мумкин. Шунда ҳам сиз мезбон сифатида хушнудлик кўрсатишингиз, самимий меҳмондўстлик қилишингизга тўғри келади. Бундай меҳмондўстликни бамисоли бир дурбин деб фараз қиласиз. Маълумки, дурбин бир томони билан узоқ кўрсатса, яна бир томони билан яқин кўрсатади. Дурбин билан узоққа қарапланда ҳаммавақт яқин қилиб кўрсатадиган томони билан қарапади, акс ҳолда дурбиннинг бизга кераги бўлмас эди. Шундай экан, меҳмондўстлик меҳмон билан мезбонни бир-бирига яқинлаштирадиган, узоқни кўз олдига олиб келиб қўядиган, нотанишларни таништирадиган ажиб бир удумдирки, ҳар бир мезбон бўлғучи бундан оқилоналик ва усталик билан фойдалана билиши шартdir.

## БИР ЖОЙДАН ИККИНЧИ ЖОЙГА КЕЛГАН МЕҲМОН

Меҳмондорчиликни уюштиришда ҳисобга олинадиган томонлар шу қадар кўпки, буни толмай амалга ошира олган мезбонларгина умр бўйи ҳормайди. Айтайлик, қишлоқдан шаҳарга келган меҳмон шаҳарни айлангиси, магазинларга киргиси, парк, кино-театрга боргиси, транспортларнинг барча турига тушиб сайр қилгиси келади.

Шаҳардан қишлоққа борган меҳмон эса табиат қучоғига ўзини отгиси, далаларнинг яшиллигидан, меваларнинг лаззатидан, сувларнинг зилоллигидан баҳра олгиси келади.



Қишлоқдан қишлоққа борган меҳмон урф-одат ва таомилнинг қандай бажарилишига разм солиб, ўзининг ютидаги одатларга таққослади. Шаҳардан шаҳарга борган меҳмон эса ҳар иккала шаҳарнинг афзалликларини бир-бирига солиштиради.

Мезбон ана шу ҳолларни ҳисобга олиши ва ўз юртининг диққатга сазовор жойларини азиз меҳмонга танишириши лозим бўлади, токи меҳмон бу ўлка тўғрисида яхши таассурот олиб кетсин. Мезбон ҳаммавакт — зиёфат ва саёҳат пайтларида меҳмоннинг хуштабиат бўлишига эришмоги керак, негаки меҳмоннинг ёмон кайфиятда бўлиши кўрган-кузатгандаридан нотўғри таассурот олиб, салбий хулоса чиқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Бир жойдан иккинчи жойга борган меҳмон жуда синчков бўлади, у барча йирик воқеаларнинг, эътиборга сазовор нарсаларнинг томошабини бўлибгина қолмай, энг майда, сиз учун сингишиб кетган жузъий нарсаларга ҳам эътибор билан назар солиши мумкин. Шундай экан, меҳмон кайфиятининг носозлиги айrim ҳолларда ижобий воқеалар, нарсаларга эътиборсиз қараб, аксинча, кичик, унча аҳамиятсиз, лекин салбий нарса, ҳодисалардан катта ва нотўғри хулоса чиқариб кетишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Чунончи, ана шундай меҳмоннинг кўзи хонадонингиздаги ивирсик бурчакка тушди дейлик. Кайфияти носоз бўлганлигидан энди у сизнинг тўғрингизда: «Бу умуман ирkit одам экан», деган хулоса чиқаришини унутманг. Еки сайр қилдириб юрганингизда атрофдагилардан бирорта киши сал қўрслик қилиб қолгудек бўлса: «Бу жойнинг одамлари умуман бетартиб, қўпол ва тарбиясиз экан», деган хулоса чиқариши ҳам мумкин.

Бииобарик, тадбиркор мезбон меҳмонни илиқ илтифотлар, шинам хонадонида покиза тузалган дастурхон устидаги анвойи турли

таомлар билан сийлашдан ўзга яна юриш-туриши, урф-одати, яшаёт-ган жойи, атрофини ўраган одамлар ва умуман меҳмон қадамранжида қилган эл тўғрисида яхши таассурот, ижобий фикр, узоқ эсда қоладиган ёқимли хотира ҳосил бўлиши борасида ғамхўрлик қилиши ҳам керак. Бунга фақат мезбонгина эмас, мезбон атрофидаги одамлар ҳам ҳаракат қилишлари даркор, негаки бунинг аҳамияти анчайин эътиборга молик бир нарса бўлиб, ҳар кимнинг ўзи ва яшаб турган эли тўғрисида меҳмон олиб кетиб тарқатадиган яхши овозалар, ажаб таассуротлар кишида ватанпарварлик, ўз юртига муҳаббат, одамларига нисбатан ҳурмат туйгуларининг камолотга етишига бир карра бўлса-да, ҳархолда сабабчи бўлади. Демак, меҳмон-мезбонлик алоқалари яхши бажарилса мезбон ўзи яшаётган жойи, маҳалласи, қўйинг-чи, ўз уйи тўғрисида кўнглида ифтихор туйғуси пайдо бўлишига олиб келар экан.

Мезбонлик шарафига муюссар экансиз, чидамли, оғир ва матонатли бўлинг. Ўйингизга бир киши меҳмон бўлиб қелган бўлса ҳам, ўнлаб, юзлаб одам чакириб тўй қилаётган бўлсангиз ҳам сира ташвиш тортмаслигингиз керак. Боболаримизнинг сон-саноқсиз тўйлар, меҳмондорчиликлар, сайиллар ўтказиб дастурхон тузаганликларини эсланг-а. Қанча йигитлар уйланган, қанча қизлар узатилган, ҳаммаси жойида, кўнгилдагидек ўтиб кетади, меҳмонларнинг кўнглини топа оласиз, чунки ёнингизда қўни-қўшилар бор — қарашади, дўстларингиз бор — мадад беради, қариндош-уруғларингиз ҳам ёрдамлашади. Қоидага кўра мезбон учун барча меҳмон бирдай қадрли, бирроқ ҳар бир мезбон меҳмонлар орасида кексаларга, жамоат орасида обрў қозонган, меҳнати ва билими, истеъоди ва санъати билан машҳур бўлган аллома ва арбоб кишиларга, қаҳрамонларга, пенсионерларга, умуман, халқа хизмат кўрсатган одамларга алоҳида эътибор бериши зарурдир. Бундай одамларни ҳар ким ҳар жойда улуғласин учун ҳукумат нишонлар, унвонлар ва ёрликлар билан тақдирлаб қўйибди. Сизникига ана шундай зотларнинг қадам ранжидасини катта бир баҳт деб ҳисоблашингиз даркор. Уларга яхши илтифот, ширин такаллув кўрсатиш орқали барча меҳмонларни ҳурмат қилган бўласиз. Бундай одамлар ўз юриш-туриши, билими, нуронийлиги, муносаб қобиллиги ва инсонпарварлиги билан сизга ҳам ва бошқа меҳмонларнинг барчасига ҳам ибрат бўлишади. Бу эса меҳмондорчиликнинг оддий борди-келди воситасига эмас, балки катта бир одоб-ахлоқ мактабига айланishiiga сабаб бўлади.

Хонадонингизга ҳали ёш, жамоат учун, айтайлик, хизмат қилмаган, билим ва истеъодисиз, аммо не сабабданdir баланд мартабага эришиб олганлар ҳам келади. Бундайларга ҳам ҳурмат ва илтифот қилиш керак, чунки у ҳам меҳмон, лекин ҳаддан ошириб юбормай эл қатори муносабатда бўлиш зарур, негаки, сертакаллувлик, ўта эътибор, ортиқча парвоналик ўзини билмаган кишини бадтар ман-ман бўлишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Ўрни келганда тоҷик халқининг ажойиб бир мақолини шу жойда эслатиб ўтишни лозим топаман:

Баъд аз иззати жоҳ баттар шавад,  
Чу гардат қарийиб мор аждар шавад.

(Маъноси: Емон (бадфеъл) кишига иззат-ҳурматни катта қилиб юборсанг, унинг ёмонлиги баттар ортади, бамисоли, илон жуда каттайиб кетса аждаҳо бўлиши мумкин.) Демак, ўзини билмаган одамни ҳам

мәҳмон қилиш көраг-у, бироқ иззатини ортиқча қилиб уни янада ёмон бўлишига сабабчи бўлмаслик жоиз.

Хулоса: халқ ғамхўр бўлган кишиларни ҳурмат қилиш шарафига ноил бўлмоқ, камоли эҳтиром ила кутиб олмоқ яхши мезбонликдир. Яхши мезбон мәҳмоннинг меҳрибони бўлади. «Мәҳмон кутиб толмаган киши умр бўйи ҳоримайди», — дейилади халқ донолигига.

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАРГА МЕЗБОНЛИК ШАРАФИГА МУЯССАР БЎЛГАНЛАР УЧУН

Совет Ўзбекистони СССРнинг ташқи мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техника ва маданий алоқалари борасида муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Республикамиз вакиллари алоҳида делегациялар ташкил қилиб ёинки Совет Иттифоқи делегациялари таркибида чет мамлакатларга тез-тез бориб туради, сиёсий ва жамоат арбоблари билан, олимлар, адабиёт ва санъат намоёндалари билан бўлган учрашувларда қатнашади, турли халқаро конференцияларда, конгрессларда, симпозиумларда иштирок этади. Бундан ташқари, ўзбекистонликлар сайёҳ бўлиб жаҳоннинг турли мамлакатларига саёҳат қилалилар.

Шундай экан, қардош республикалардан ва чет эллардан диёризига ташриф буюрган кишиларни мәҳмон қилиш, уларнинг ўз одатларини ҳисобга олган ҳолда, халқимизнинг мәҳмоннавозлик анъаналари билан танишириш, анвойи ноз-неъматларимиз, серлаззат таомларимиз билан сийлаш — гоят муҳим ва жуда нозик бир вазифа. Бунда шунга эришиш керакки, ўз дўстларимизда ҳам, ҳар бир чет эллик мәҳмонда ҳам республикамиз, меҳнаткаш халқимиз, прогрессив урф одатларимиз, социалистик турмуш тарзимиз тўғрисида яхши таассурот қолсин, улар учун дастурхон тузашнинг ўзи ҳам дўстликни мустаҳкамлашга бир восита бўлсин.

Биз жуда қадимий тарихга эга бўлган, маданиятли, матонатли, меҳнатсевар, бунёдкор халқлар қаторидан қонуний ўрин эгаллаймиз.

Мәҳмондўстлигимиз халқимизни меҳнаткаш, маданиятли, инсонпарвар эканлигини намойиш этади. Хориждан ва иттифоқдош республикалардан келган турли тоифа мәҳмонларни кўпинча колхоз ва совхозларда, завод ва фабрикаларда мәҳмон қиласидилар. Китобнинг бу қисми ана шу жойларда мезбонлик вазифасини ўтовчилар учун мўлжалланади.

### Таомнома

Дастурхонга қўйиладиган асосий таомларни эслатиб ўтамиш, бироқ булаарнинг барчасини тайёрлаш шарт эмас, шароитга ва шу жойнинг удумига қараб иссиқ овқатларни бир ёки икки хил пиширилади. Нонларнинг ҳам, сомсаларнинг ҳам ёки яхна овқатларнинг ҳам биринки хили бўлса кифоя. Мева-чева, полиз маҳсулотларидан не хили бўлса барчасидан оз-оздан қўйилади.

**НОНЛАР:** Уй noni, оби non, патир, ширмой, гўштли ёки жиззали нонлар, қатлама...

**СОМСАЛАР:** тандир вараки, пармуда, гүштгижда, тугмача сомса.

**ЯХНА ОВҚАТЛАР:** қази, яхна гүшт, хасип, қовурдоқ, яхна барра, калла-пocha, товуқ гүшти, қовурилган балиқ, думба-жигар, лиқлиқ...

**САЛАТЛАР:** аччиқ-чучук, турп салати, редиска салати, сузма қўшиб тайёрланган салат, қаймоқ қўшиб тайёрланган салат, бодринг ва тухумдан тайёрланган салат.

**СҮЮҚ ОВҚАТЛАР:** қайнатма шўрва, қовурма шўрва, нўхатли шўрва, товуқ шўрва, қиймали шўрва, чучварали шўрва, мастава, мошхўрда, карам шўрва, ҳўйлорин...

**ҚЮҚ ТАОМЛАР:** Палов (фаргонача палов, самарқандча палов, хоразмча палов, тўй палови, ивитма палов, саримсоқ палов, бедана палов, беҳили палов, нўхатли палов, майизли палов); кабоб (барра кабоб, қийма кабоб, думба-жигар кабоб, буғлама кабоб, тандир кабоб, бедана кабоб, каклик кабоб, балиқ кабоб), манти, лагмон, шима, манпар, димлама, хунон, қовурма, тухум дўлма, беҳи дўлма, коваток дўлма...

**ШИРИНЛИКЛАР:** ҳар турли торт ва конфетлар, новвот, ҳолва, мева мурабболари, нишолда, болқаймоқ...

**ТАРМЕВАЛАР:** қовун-тарвуз (турли навларидан бир неча хилидан тъబга кўра), қулупнай, ўрик, шафтоли, нок, анор, гилос, олма, олхўри, лимон, апельсин, мандарин, узум (турли навларидан бир неча хил).

Беҳи қўйилмайди, чунки кесганда қорайиб кетади. Анжир қўйилмайди, негаки, тезда ачийди. Қўйилса ҳам бир соат давомида истеъмол этиб юборилишига эришиш лозим.

**ҚУРУҚ МЕВАЛАР:** писта, бодом, ёнғоқ (мағзи), турли хил майизлар, баргак...

## Хорижий меҳмонларнинг ўз мамлакатларидағи овқатланиш удумини хисобга олиш

Ҳар бир мамлакат ва регионнинг асрлар давомида шаклланган ўзига хос одатлари, удумлари, қоидалари, анъаналари борки, булар ўша ҳалқ ишлаб чиқарадиган хўжалик маданий типига, яшайтган табиий географик мұхитига, этник хусусиятларига, диний ақидалари-га боғлиқ бўлади.

Чунончи, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларидан келган меҳмонлар титроқ, дона-дона қилиб пиширилган гуручларни хуш кўрадилар. Монголияликлар кўпроқ гүшти таомларни истеъмол этишса, Марказий Африка мамлакатларидан келганларга кўпроқ сабзавотли таомлар манзур бўлади. Шведлар, турклар ширинликса ўч бўлишади, Корея, Венгрия, Ҳиндистон, Вьетнам ва Мексикадан келганлар учун эса аччиқ таомлар маъқул. Скандинавия мамлакатлари, Япония, Янги Зеландия каби атрофини океанлар ўраган ёки дengиз қирғоқларида жойлашган барча мамлакатларда кўпроқ балиқ истеъмол қилинади, шунинг учун бу жойлардан келган меҳмонларга ўзбекча таомлар билан бир қаторда балиқли таомлар таклиф этилса соз бўлади. Немисларга кўпроқ тортлар ва бутербродлар маъқул туш-

са, французлар учун хилма-хил сардаклар яхши. Итальянлар макарон маҳсулотларини күш кўришади. Буларни лағмон билан сийланса соз бўлади. Жанубий Америкадаги мамлакатлардан келганлар кўпроқ маккажўхори таомларини, Шимолий Америкадан ташриф буюрганлар эса сосиска, сарделька, музқаймок, сутни күш кўрадилар. Барча мусулмон мамлакатларидан келган меҳмонлар дастурхонида чўчқа гўшти солинган таомлар бўлмаслиги керак. Ҳиндистонликлар мол гўшти ейишмайди. Жанубий штатлардан келган меҳмонлар кўпроқ балиқни, марказий ҳиндистонликлар парранда гўштларини истеъмол қиласидар. Шимолий Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Эрондан келган меҳмонларга барча ўзбек таомлари манзур бўлаверади, чунки уларнинг таомлари ҳам бизникига ўхшайди.

Поляклар, немислар қўй гўштини кўпам ёқтиришмайди, буларга чўчқа, балиқ гўшти таомлар манзур бўлади. Қўй гўшти таомлар барча мусулмон мамлакатларидан келганларга маъқул.

Инглизлар, ливанликлар, тибетликлар қуюқ дамланган чой ичадилар. Буларга ширчой қилиб берилса нур устига аъло нур бўлади. Барча Европа мамлакатлари, Африка ва Туркияда қора қаҳва ичиш удум. Вьетнамдан тортиб то Япониягача бўлган барча мамлакатлarda овқатни бир жуфт чўп билан ейиш одат. Шунинг учун дастурхонда қошиқ-вилкалар бўлса ҳам бир неча жуфт махсус тайёрланган ана шундай (пластмаса, ёғоч ёки бамбук) чўплардан стаканларга солиб қўйилса соз бўлади.

Голландия ва Бельгияда пишлок (сыр)ни яхши кўришса, Болгария ва Югославияда кабоб кўпроқ истеъмол этилади. Испания ва Португалияда мол гўшти ва балиқ гўштлари, салатлар аҳамиятга эга овқатлар ҳисобланади. Венгрияда қалампир дўлма, Чехословакияда картошкали таомлар биринчи ўринда туради.

Мана шу айрим мисолларнинг ўзиёқ сизга меҳмонларни хурсанд қилиш учун бир восита бўлиши мумкин. Албатта, ўзбекча таомлар билан уларнинг ўз таомларига ўхшаганларини танлаш, овқатланиш анъаналарини ҳурмат қилиш орқали меҳмонлар улуғланади.

## Дастурхон тузаш

Хорижий меҳмонларни колхозларда, совхозларда ноз-неъматлар бевосита етишириладиган жойларда қабул қилиш ҳукумат ташкил этган расмий меҳмондўстлик зиёфати (нонушта, тушлик, кечки овқат) базмдан андак фарқ қиласидар. Баҳор, ёз ва куз фаслларида дастурхонни ишкомлар остидаги салқин жойларда, атрофи гулзор бўстонларда, суви шарқираб оқаётган ариқ ва ҳовуз бўйларидағи соя-салқин оромгоҳларда тузаш мумкин. Лекин бунда танланган жой пашша ва чанг учидар келмайдиган, даҳлсиз одамларнинг нигоҳи тушмайдиган, ҳолироқ ерда бўлиши керак.

Аслида дастурхон иморат ичидаги кенг заллардан бирида тузадидар. Бунда зал деворларидаги портретлар, плакатлар, «ифлос қилинмасин», «чекилмасин» қабилидаги эълонлар осиб қўйилган бўлса, олиб ташланади, ўрнига фақат натюрморт ва табиат манзаралари акс этувчи суратлар қолдирилади. Дастурхон тузаладиган столлар лиқилламайдиган қилиб текис ўрнатилгандан сўнг, атрофига меҳмонлар

ўтирганларида тирсаклари бир-бирига халақит бермайдиган қилиб стуллар қўйилади.

Яхши ўрнатилган столлар устига аввал клёнка ёки фланель тўшаб, устидан оҳорли дастурхон ёйилади. Дастурхонларнинг ранги бир хил: ё оқ ёки ҳаворанг бўлиб, гуллари ортиқча жимжимадор бўлмаслиги шарт. Дастурхонга қўйиладиган идиш-товоқ, чойнак-пиёла ҳамда хўрак асбоблари (қошиқ, вилка, пичоқ) ранги, гули, шакли бир хил бўлиши керак.

**ВАЗАДА ГУЛЛАР.** Нонушта, тушлик ва кечки овқатланиш дастурхонида гул турса эстетик завқ беради ва зиёфат тантанавор бўлади. Бунинг учун столнинг ўрта қисмида ҳар жой-ҳар жойга оралиги тахминан 2 метр чамасида гулдонлар жойлаштирилади. Вазада гул кўп бўлиши шарт эмас. Ҳар бир вазага 2 — 4 дона турли рангдаги гуллар қўйилса кифоя, аммо япроқлари чангдан ювилган бўлиши шарт, албатта.

## Нон, сомса, яхна овқатлар ва мева-чеваларни жойлаштириш

Нонушта дастурхонида яхна овқатлар, қаймоқ, сомса, нон, мева-чева бўлади. Тушлик ва кечки овқатларда шуларга қўшимча яна салатлар, қовун-тарвуз қўйилади. Ўзбекча дастурхон тузашнинг ўзига хослиги ҳам шундаки, меҳмонларга мўлжалланган овқатларнинг (иссиқ овқатлардан ташқари) барчаси дастурхонга қўйилган бўлади. Бунда меҳмонлар дастурхондаги гизоларнинг муҳайёлигига қараб иштаҳа сақлашлари ва тановулни тўғри ташкил эта олишларига қулийлик туғилади. Сўнгра дастурхондаги ноз-неъматларнинг хилмажиллиги ҳар кимга эстетик завқ бағишлаши билан бирга турмушнинг фаровонлигидан ҳам дарак бериб туради. Шундай экан, столнинг ўрта қисмига қатор қилиб лаганда яхна овқатлар, нонлар, ликопларда сомсалар, ширинликлар, қуруқ мевалар жойлаштирилади. Тармеваларнинг барча хилидан вазаларга ассорти қилиб тузалади ва дастурхон ўртасига қатор қилиб оралиги бир хил масофада жойлаштирилади. Қовун-тарвузлар эса ликоп ёки лаганларда «карч», «тилик», «коса» усулида сўйилиб қўйилади ёки гулдор қилиб «карбовка» усулида кесилади. Бунда қовунлар «ромашка», «лилия» гулларига ўхшатиб ва тарвузлар «корзинка», «лола» ва «пахта чаногига» ўхшатиб кесилади.

Дастурхонга қўйилган ҳар бир овқат шундай жойлаштирилсинки, меҳмонлар ўриниларидан қўзғалмасдан бемалол оладиган бўлсин. Агар дастурхонда турли таомлар кўп бўлса-ю, лекин уларни баъзи меҳмонлар ўрнидан туриб, чўзилиб оладиган масофада қўйилса бу хато бўлади. Суюқ овқатлар косаларда тортилади. Дастлаб келтирилгани дастурхон тўрида ўтирган мартабали меҳмон олдига қўйилаади, сўнг унинг ўнг ва сўл томонларидаги меҳмонларга узатилади. Зиёфат тугашига 1 соат қолганда қуюқ овқатлар лаганларда ёки ҳар бир меҳмон учун алоҳида идишларда тортилади. Қуюқ овқат тортилишидан олдин ҳар кимга биттадан қошиқ, вилка ва пичоқ қолдирилиб, қолган-қутган, нишхўрд нарсалар йигиштириб олинади, зарур бўлса ликоплар ҳам янгиланади.



## Нонушта

Дастурхонни нонушта учун тузаганда, ҳар бир меҳмон стулининг тўғрисига иккитадан ликопча қўйилади: бири ўртадаги яхна овқатлардан солиб истеъмол этишлари учун, иккинчиси суюқ овқат келтирилганда косани қўйиш учун. Биринчи ликопчанинг ўнг томонига қошиқ билан пичоқ, чап томонига эса вилка қўйилади. Қошиқ билан вилканинг букилган томонини тепага қилиб, пичоқнинг тигини эса ликопчага қаратиб бир масофада қатор терилади. Бунда хўрак асбобларнинг сопи стол четидан 2 см ичкарироқда сурилган бўлиши керак, агар стол четига озгина чиқиброқ турса, меҳмонлар ўтираётгандарда бехосдан тегиб кетиб асбоблар тартиби бузилиши мумкин.

Биринчи ликопчанинг устига оқ салфетка тахлаб қўйилади ва шу ликопчанинг олд томонига биттадан пиёла қўйилади.

Соат 9.00 да ўтказишга мўлжалланган нонушта дастурхонига бир-икки хил яхна овқат, мева-чевалар, нонлар ва сомсалар тортилади. Спиртли ичимликлар қўйиш хато ҳисобланади. Ўзбек удумига кўра, нонушта бир пиёла чойдан бошланади. Чой шундай неъматдирки, уни қорни оч одам ичса ором олдиради, тўқ одам ичса овқатни ҳазм қилдиради. Иссиқда ичилган чой чанқоқни тез босади ва кишини салқинлатади, совуқда ичилган чой қонни равон юргизиб танани иситади.

Шунинг учун дастурхонга кўк ва қора чой дамланган чойнаклар келтирилади. Баъзи мамлакатларда кофе (қаҳва) ичиш одат, бинобарин, кофе дамланган чойнак келтирилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Меҳмонлар чой ичиб яхна овқатлар ва мевалардан баҳраманд бўлишгач, бир хил суюқ овқат тортилади. Бунда ҳар бир областнинг ўзига хос таомлари бор. Шулардан тайёрланади. Мисол учун Тошкентда мошхўрда, нўхатли шўрва, Фаргона водийсида мастава, уграччвара, Сирдарё ва Жizzах областларида ширчой ёки қовурма шўрва, Самарқанд ва Бухорода эса чучварали шўрва, угра оши, Қашқадарё ва Сурхондарёда қайнатма шўрва, Хоразм ва Қорақалпогистонда мoshугра, шўрва, мастава ва ҳоказо.

Суюқ овқатларга қўшиш учун алоҳида идишда қатиқ, қаймоқ, чопилган район, кашнич ва зираворлардан мурч қўйилади. Нонушта пировардида меҳмонларга яна бир пиёладан чой таклиф этилади ёки қаҳва ичиб яйрашлари учун алоҳида дастурхон тузалади. Бунда фақат шириналклар қўйилиб, қаҳва келтирилади.

## Тушлик овқат

Тушлик овқат дастурхонини тузаганда ҳар бир меҳмон учун учтадан ликоп қўйилади. Бири — яхна овқатлардан солиб ейиш учун, иккинчиси қуюқ иссиқ овқат учун, учинчиси нон, сомсани олиб қўйиб ейиш учун. Бунда яхна овқат ликопчаси алоҳида, қуюқ овқат ва нон-сомса учун ликопчалар устма-уст қўйилиб, устига салфетка тахланади. Бир жуфт қўйилган ликопчанинг ўнг ёнига букилган томонини тепага қилиб 2 та қошиқ (қуюқ ва суюқ овқатлар учун), 2 та пичоқ (бири гўшт кесишга, бири мева кесишга мўлжаллаб) қўйилади. Ликопчанинг чап ёнида эса иккита — бири каттароқ, бири кичикроқ вилка бўлсин. Хўрак асбобларини қалаштириб қўймасдан юқорида айтил-

ган қоида бўйича бир текис масофада чиройли қилиб териб қўйилади.

Бериладиган ичимликларнинг хилига қараб рюмка ва фужерлар ликопнинг олд томонига қатор қилиб терилади. Мисол учун конъякка ҳажми 25 граммдан ошмаган оқ рюмкача, арақ учун ҳажми 50 граммдан ошмаган рангли (қизил, зангори) рюмка, шампанское виноси учун новча бокал, дессерт винолар учун ва минерал сувлар учун фужерлар қўйилади. Ёнида чой учун пиёла туради.

Соат 14.00 тушлик овқат вақти қилиб белгиланади. Агар тушлик овқат бир соат давом этадиган бўлса, фақат бир хил қуюқ таом тайёрланади. Агар икки соат ва ундан кўпроқ вақтга чўзиладиган бўлса, унда икки хил — бири суюқ, бири қуюқ таом пиширилади.

Суюқ овқат ярим порция ҳисобида тайёрланиб қуюқ овқатдан камида бир соат олдин, яхна овқатлардан тановул этганларидан сўнг тортилади. Дастурхонга спиртли ичимликлардан конъяк, шампанское, дессертли ва маркали винолардан қўйиш мумкин. Спиртсиз ичимликлардан эса минерал сувлар, мева шарбатлари бўлади. Шишалар ярқиратиб артилган ва этикеткасини ташқи томонга, кўриниб турадиган қилиб тўп-тўп жойланади. Этикеткаси кўчирилган ёки қингир-қийшиқ ёпиширилган дастурхонга қўйилмайди. Суюқ овқатдан сўнг то қуюқ овқат тортилгунга қадар меҳмонлар дастурхон атрофидан туришлари, атрофни томоша қилишлари, бир-бирлари билан суҳбатлашишлари ҳам мумкин. Шундай пайтдан фойдаланиб нишхўрдлар йиғишириб олинади, ликопчалар ва хўрак асбоблари янгиланади, стуллар яна қатор қилиб териб қўйилади. Қуюқ иссиқ овқат (палов, манти, кабоб, димлама ва ҳоказо) дан фақат бир хили тайёрланиб, алоҳида-алоҳида ёки бир неча порцияси бирга тортилади. Иссиқ овқатдан сўнг спиртли ичимлик ичиш тўхтатилади.

Пировардида бир пиёладан чой таклиф этилади ёки қаҳва учун бошқатдан дастурхон тузалади.

## Кечки овқат

Кечки овқат дастурхони худди тушликка тузалгандек бўлади. Яхна овқатлар 1-2 хил, нон-сомсалар 1-2 хил, мева-чева ҳамда ичимликлар, идиш-товоқ, хўрак асбоблари, рюмка ва фужерлар барчаси айнан.

Кечки овқатни ўтказиш соат 20.00 да бошланиши мумкин ва иккى ёки икки ярим соат давом этади.

Дастурхонга қўйиладиган ноз-нёъматлар, ичимликлар ва қуюқ-суюқ овқатлар худди тушликдагидек. Агар бир гуруҳ меҳмонларни икки марта — тушликда ва кечки овқатда сийланадиган бўлиб қолинса, унда таомлар хили ўзгартирилади, чунончи тушликда шўрва-палов, кечки овқатда суюқ ош-кабоб каби.

Шунга алоҳида эътибор берилсинки, тайёрланган қуюқ-суюқ овқатлар донга-дон, хамирга-хамир, гўштга-гўшт бўлиб қолмасин. Масалан, мастава билан палов, чучвара билан манти, сергўшт қовурма билан кабоб берилиши хато ҳисобланади.

## Мәҳмөнларни жой-жойига ўтқизиш

Бу жуда нозик ва масъулиятли иш бўлиб, кишидан гоятда сергаклик ва ҳурмат жоизликни талаб қиласи. Дастурхон атрофига мәҳмөнлар тутган мавқеига қараб ўтқизилади. Шу издаҳомни ташкил этган энг асосий мезбон энг ҳурматли мәҳмөннинг чап томонидан ёки столнинг қарама-қарши томонидан бир-бирига қараб ўтирадиган қилиб жой олади.

Агар мәҳмөнлар эркак-аёл аралаш бўлса бунда ҳам мавқеига ёки шу мавқеи улуғроқ кишининг рафиқаси эканлигига қараб тўрдан бошлаб бир эркак ва бир аёл қилиб ўтқизилади.

Издаҳомни ташкил этган асосий мазбоннинг рафиқаси эса энг мўътабар мәҳмөннинг ёнига ёки столнинг бу томонида рўпарасига ўтиради. Ҳурматли мәҳмөннинг рафиқаси эса асосий мезбоннинг ёнига ёки рўпарасига ўтқазилади.

Бу жуда қийин иш бўлганинидан дастурхонга кимни қандай ўтқизиш режаси аввалдан тузилиб, бамаъни кишилар билан келишиб олинса соз бўлади.

## Кийиниб олиш

Хорижий мәҳмөнларни дастурхон атрофига таклиф қилганда ҳар қанақа кийим билан ўтириш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун оқ сорочка, қорамтири (тўқ, қора эмас) галстук, қора костюм, қора (лакланган эмас) туфли кийиб олиш керак. Костюм тимқора бўлмаса ҳам майли, лекин зинҳор очиқ рангли, ола-чипор гулли, катақ-катақ ёинки спорт формасида тикилган бўлмасин. Дастурхон атрофига бош кийимсиз ўтирилади.

Аёлларда ҳам оқ блузка ва қорамтири костюм бўлгани маъқул. Бундай издаҳомларда аёллар қават-қават ялтироқ тақинчиқлар билан ўтиришлари ва бошқаларнинг нигоҳини ўзига ром қилинадиган қилиб кийинишилари ёки ўткир ҳидли атирлар сепиб олишлари мантиққа мутлақо номувофиқдир. Бундай мәҳмөндорчиликда ёшроқ йигит-қиз дастёрлар (официантлар) хизмат қиласи. Қиз-жуvon официанткалар атлас ёки бошқа матолардан бир хил формада тикилган кўйлаклар устидан фартуклар тақиб олган, бошларида эса матодан тикилган ва крахмалланган тожга ўхшаган чепчиклар бўлиши керак. Йигит официантлар оқ кўйлак, қора шим кийиб, қорамтири галстук тақсан, бош кийимсиз бўлиши керак.

Пазандалар зеро овқатланиш залига бормасалар ҳам эгнига узун оппоқ халат ва бошига оқ қалпоқ кийиб оладилар.

Хорижий мәҳмөнларни сийлаш жуда нозик, маъсулиятли иш бўлганинидан ҳар бир пазанда шахсий гигиена ва умумий санитария қоидаларини бирор бир дақиқа эсдан чиқармаслиги керак. Тайёрланадиган таомларнинг рецептлари ва технологиясини сал бўлса ҳам бузилишга йўл қўймасликлари керакдирки, бунинг акси дилхираликларга олиб келишини асло унутмаслик зарур.

Масаллиқларни ва тайёр таомларни сақлаш қоидалари бузилишга мутлақо йўл қўйилмасин.

Дастурхонга тортиладиган таомларнинг ҳажми ва таркиби расамадли бўлиши керак.

## Овқатланиш

Хорижий меҳмонлар билан бир дастурхонда ўтириб овқатланиш одатдагидан анча фарқ қиласи. Бунда ғоятда назокатли ва ҳушёр бўлишга тўғри келади. Токи бирон ножӯя ҳаракат ёки қилиқ билан уларда нотўғри таассурот пайдо бўлмасин.

Таом тановулини бош мезбон ва унинг рафиқаси бошлаб беради, сўнг барча меҳмонларга таклиф қилинади.

Аёл меҳмонларга кўпроқ эътибор қаратилади, уларга дастурхондаги неъматлардан таклиф этилаётганда, ўзининг вилкаси билан олишга қулайлик туғдирилсин, кимдир ўз вилкаси ва қошиги билан бошқаларнинг ликопларига таом олиб бермасин. Бирон каттароқ бўлак гўшт ёки қовун кесмоқчи бўлганда вилка чап қўлда, пичоқ эса ўнг қўлда ушлаб бажарилади. Ҳар гал оғизга сиғадиган бўлакча кесиб олиниб ейилади. Мен иложи борича қошиқ, вилка ва пичноқни идишга шараклатиб урмасликка ҳаракат қиласман. Шу билан бирга суюқликни «хўриллатиб» ичмасликка, қуюқ овқатларни «чапиллатиб» чайнамасликка эришмоғим керакки, бундан бошқаларнинг ғаши келмасин.

Қиймаланган гўшти овқатлар (тефтели, котлет, дўлма) истеъмол этганда пичноқ ишлатилмайди, вилканинг ўзи билан ейилаверади, балиқ ва қуш гўштларини ҳам пичноқсиз — вилка билан ейилади.

Бир неча порцияси бирга — яхлит идишда берилган таомлардан керакли микдорини ҳар ким ўз ликопчасига олаётганда умумий қошиқ ёки вилкадан фойдаланади, зинҳор ўз қошигини умумий овқатга солмаслиги жоиз.

Суюқ овқат тановул этганда косани чап қўлга олиб, оғизга яқинлаштириб ёки косанинг ўзида хўплаб ичиш уят ҳисобланади. Коса стоддан қўзгатилмаган ҳолда овқатланилади. Овқатни шошилиб ейишдан, суюқликни «қултиллатиб» ичишдан воз кечмоғим жоиздирки, қалқиб кетиб атрофдагиларни безовта қилиб қўйишим мумкин. Оғиз ва қўлни артишда фақат салфеткадан фойдаланилади, дастрўмол ишлатиш яхши эмас. Бироқ, терлаб кетилса юзни салфеткага суртиш ҳам ножӯялигини ҳис қиласман. Овқатланиш тугагач, салфеткани тахламасдан стол устида қолдирилади.

Овқатланиш пайтида қанча безовталансам ҳам буни ҳеч кимга сездирмасликка интиласман ва тиш кавлашни ўзимга эп кўрмайман.

Меҳмонларга илтифот қилиш албатта зарур, бироқ ўта зўрлаб овқат едириш ва кўп ичириб маст қилиб қўйиш мутлақо ярамайди, зиёфатнинг оқилоналиги барбод бўлади.

Мезбонлар ўз мамлакатлари таомларини, мева-чеваларини, ичимликларини мақтамасликлари керак, буни меҳмонлар қилса бошқа гап.

## Дастурхон устида сұхбат

Сұхбат ғоят самимий бўлмоғига эришиш зарур. Гапирганда овозни баландлатмасликка, лекин ўтирганларнинг барчасига эшитиладиган қилиб сўзлаш керак. Овқатланишда бўлгани каби сұхбатда ҳам доим аёлларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Уларга мурожаат этганда юзда енгил ва самимий табассум бўлгани яхши. Савол бериш

маса ортиқча гапиравериш ярамайды. Чайналаётган лукмани ютмай туриб, гапириш ҳам жуда ҳунук одатдир.

Сұхбат мазмуни турли темаларда бўлиши мумкин: меҳнат, турмуш, маданият, фан, маориф, дам олиш, оилавий ҳаёт ва ҳоказо. Бунда камчиликлар тўғрисида эмас, эришилган муваффакиятлар тўғрисида фақат мақтамасдан маълумот берилади.

Дастурхон устида зинҳор касаллик, ўлим, фожиа, бахтсизлик кабилар тўғрисида оғиз очилмайди. Ўз одамларимиз билан сұхбатлашаётганда гоят ҳуашер бўлиш керакки, меҳмонлар ичидаги русча, ўзбекча ва умуман Совет Иттифоқи халқларининг тилларини биладиганлар ҳам бўлиши мумкин.

Сұхбатлашаётганда иложи борича ижобий сўзлар, терминлар, аталмалар ишлатишга ҳаракат қилиш зарур. Зотан, ҳар қандай миллий тиллар грамматик составининг ярми ижобий ва ярми эса салбий сўзлардан таркиб топган бўлади, мисол учун:

а) ижобий сўзлар:

яхши  
одобли  
меҳнаткаш  
инсон

б) салбий сўзлар:

ёмон  
одобсиз  
дангаса  
кимса

каби.

Бинобарин, сұхбатда «ёмон, одобсиз, дангаса, кимса»лар тўғрисида эмас, балки «яхши, одобли, меҳнаткаш, инсон»лар ҳақида гапирилгани маъқул. Албатта салбий сўзларни мутлақо ишлатмасдан, мисолимиздаги нуқул ижобий сўзлардан иборат жумла тузиш жуда мураккаб. Шундай бўлса-да, салбий сўзлар камроқ ишлатилса нутқ чиройли чиқади.

Зиёфатда қадаҳ кўтариб сўзлашга ҳам тўғри келади. Тушлик ёки кечки овқат дастурхони устида қадаҳ кўтариш яхна овқатлар, мева-чевалардан тановул этилгандан сўнг, барча ҳозир бўлганларга шампан виноси қўйилганда, ҳархолда зиёфат бошлангандан 10 — 15 минут ўтгач амалга оширилади.

Айтиладиган қадаҳ нутқи аввалдан пухта ўйлаб қўйилган, қозғозга туширилган бўлиши керак. Негаки, қадаҳ сўзи расмий ҳужжат ҳисобланиб матбуотда эълон қилиниши мумкин.

## Қўл ювиш

Одатда дастурхонга ўтиришдан олдин ва турганларидан сўнг меҳмонларнинг қўлига сув бериш яхши удумдир. Умиваљниклар ва водопровод кранлари бўлса обтова-чилопчин қилиб ўтириш шарт

эмас. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бунда ҳар бир эътиборли меҳмонга, зарур бўлса, алоҳида янги сочиқ тутиш лозимдир ва зинҳор умумий сочиқдан ва сочиқка мўлжалланмаган матолардан фойдаланилмасин.

## Совға-сувенир

Шу меҳмондорчилик узоқ вактлар унитилмаслиги мақсадида ва меҳмонларни хуш кўрганлик рамзи сифатида совға ёки бирор эсадалик буюм тақдим этилади. Бироқ, совға-сувенир бериш шарт қилиб қўйилмайди. Бу ташкилотнинг иқтисодий имкониятларига қараб, мантиққа мувофиқ келадими, йўқми, пухта ўйлаб иш тутилади. Қимматбаҳо нарса тақдим этиш шарт эмас. Совғани меҳмонлар ичидаги табарруқ ва раҳбар саналган кишига дастурхондан турилганда барчанинг иштирокида асосий мезбон топширади ва қисқа нутқ сўзлайди. Бошқа меҳмонларга эса расмиятчиликсиз, нутқсиз, бошқаларнинг иштирокисиз, алоҳида-алоҳида олдиндан тайёрлаб қўйиб топширилади.

Хуллас, зиёфат шундай ташкил этилсинки, бундан меҳмонларда фақат яхши таассурот қолсин. Шаънимизга заррача ҳам иснод келтирмайдиган оқилона бўлсин.



Меҳмонлар ёқут-жавоҳирдир  
соҳиби хона,  
Суҳбатдан дур термоққа дастурхон  
бир баҳона.

(Халқ ҳикмати)

## ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИ ВА ДАСТУРХОН НАФОСАТИ

(Пазандалик санъати, масаллиқ ҳозирлаш  
ва меҳмон учун тузаладиган дастурхон  
нафосатининг баъзи назарий ва  
амалий масалалари)



## ПАЗАНДАЛИК САНЬЯТИ

Бу ўринда айтиладиган гаплар ҳам мезбонлар вазифалариға таалуқидир. Таом тайёрлаш ва уни чиройли қилиб дастурхонга тузашиңг бағоят мураккаб амалий ва назарий томонлари бор. Пазандалик ҳанузгача на санъат ва на илм соҳасига кўшила олмай келяпти. Чунки, бу инсоният маданиятининг асл кўринишларидан бири бўлишига қарамай, ҳали қўл урилмаган соҳа. Шу сабабли бўлса керак, баъзилар пазандаликка шунчаки бир ҳунар деб қарашмоқда. Бу тўғри эмас. Аслида таом тайёрлаш муҳим, маъсулиятли ишлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у амалий санъат соҳасидан ҳам, фан соҳасидан ҳам ўз қонуний ўрнини эгаллаши керак.

Пазандалик технология, химия, физика ва медицинага жуда боғлиқдир. Агар пазандаликка ҳозиргидан ҳам катта эътибор билан қаралганда эди, анчагина касалликларнинг олди олинган бўларди. Пазандаликнинг этнография, тарих ва эстетикага ҳам анча алоқаси бор.

Мана шу даъволаримни исботламоқ учун анча далиллар келтиришимга тўғри келади. Меҳмон дастурхонига қўйилажак таомлар илмий асосда тайёрланиши ва нафосат билан безатилиши — инсонинг дид-табиати янада юксак маданият даражасига кўтарилишига сабаб бўлади.

Бир вактлар кимдир: «Янгам ошини ширин қилган акамнинг масаллиғи», деган экан. Энг аъло сифат масаллиқ билан ҳамма шароит муҳайё бўлса-ю, бироқ сиз пишириш қоидаларини билмасангиз, қозон-товоққа дастлаб уннаганингиздаёқ муваффақиятсизликка учрашингиз турган гап. Масаллик таркибида инсон учун зарур оқсиллар, ёғлар, шакар моддалари, дармондорилар, маъдан тузлари ва яна бирмунча фойдали ганиматлар бўлади. Шу моддаларнинг ғозини сақлаб лаззатли қилиш наинки масаллиққа, балки уни қандай пишириш усулларига ҳам боғлиқдир. Ҳатто кимёвий йўл билан ҳам ўша юқорида қайд қилинган моддаларни бир-бирига қўшиб тўқ тутар озуқа тайёрлаш мумкин. Бу озода, калорияли бўлса-да, бироқ ейишга ярамайдиган даражада бадхўр бир нарса бўлади. Мабодо ейилса ҳам меъда ширасини ҳеч қўзғата олмайди, бинобарин, ҳазм бўлмайди. Ҳар қандай масаллиқни лаззатли ва фойдали таомга айлантириш пазанданинг маҳоратига боғлиқ. Шундай экан, таом тайёрлашни ўрганиш муҳим иш ва ҳар бир мезбон бу санъатни ҳаллаб олгани маъқул. Чунки таом тайёрлаш илмга асосланадиган бир санъатдир. Таом тайёрлашда пазандалик санъати рӯёбга чиқади, тайёрлаш илми эса технологиядир.

Санъатнинг барча шакл ва жанрларининг ўз таърифи бор, бироқ пазандаликка ҳанузгача таъриф берилган эмас. Таърифлаш гоят қиин вазифа эканини англаган ҳолда бу ишга дастлабки қадам қўймоқчи бўлдим. Пазандалик форс-тожикча «пазидан» феълининг ноаниқ формасига ўзбекча «лик» суффикси қўшилмасидан келиб чиққан бўлиб, «пиширмоқлик» деган маънони англатади. Таърифи бундай:

Пазандалик санъати деб, ўсимлик ва ҳайвонот масаллиқларидан инсон аъзолари учун зарур бўлган меҳнат ва яшаш қобилиятини ортирадиган, турли хил лаззатли, тўйимли ва покиза таомларни тайёрлаш ҳамда дид билан дастурхонга тузашнинг муайян усуслари йиғиндишига айтилади. (8-9. 153) Пазандалик санъатнинг ҳам санъатнинг бошқа турлари каби ўзига хос соҳалари бўлиб, булар: ошпазлик, паловпазлик, сомсапазлик, кабобпазлик, нонвойлик, мантипазлик, яхнапазлик ва ҳоказолардан иборат бўлади. Ошпаз қуюқ-суюқ овқатларнинг барчасини тайёрлашга моҳир бўлади. Паловпаз турли хил палов ва шовлалар тайёрлайди. Сомсапаз ўнларча сомсаларнинг устаси бўлса, кабобпаз ҳам қатор кабобларнинг устасидир. Нонвой тандир нонларнинг оби, ширмой, гижда, патир каби кўп хилларини ёпса, қандолатчи турли ширинликлар, ҳолва ҳамда новвотгача тайёрлай оладиган мутахассис ҳисобланади. Мантипаз ўнларча хил мантиччвара каби таомлар пазандаси, яхнапаз эса гўшт, қази, ҳасип, калла-поча каби турли таомлардан явқатлар ҳозирловчидир. Мана шу соҳаларни эгаллаган мутахассислар умумий ном билан пазанда деб юритилади. Пазандалик санъати инсониятнинг энг қадимиғи фаолиятларидан бири бўлиб, унинг ривожланиши ҳар доим жамиятнинг иқтисодий равнақига боғлиқ бўлган. Ҳатто коммунизмда ҳам таомларнинг хилма-хиллиги, сифати, дид билан дастурхонга қўйилиши ҳалқ фаровонлигининг асосий қўрсаткичларидан бири бўлиб қолаверади. Сабаби — овқатланиш инсон ҳаёт кечиришининг муҳим воситаси, сиҳат-саломатлиги ва узоқ умр кўришининг гарови, меҳнатга қобилликнинг омилидир. Одам овқатланмаса — ҳаёт тугайди, оз, ночор, нотўғри овқатланса ёки кўп овқат еса турли касалликларга дучор бўлади, бироқ, қоидали қилиб тайёрланган ва режали қилиб истеъмол этилган овқат эса парҳез хусусиятига ҳам эга бўлади. Бинобарин, инсон овқатланиши ҳам табиий, ҳам ижтимоий масаладир. Ушбу масалани ҳал қилишда асосий ролни пазандалик санъати эгалайди.

Пазандалик санъати, санъатнинг бошқа тармоқлари каби доимо ўзгариб ва бойиб бораверади.

Пазандалик — пишириш бўлганлиги учун унинг тарихи ибтидоий жамоа тузумидан — ёввойиликнинг ўрта босқичидан бошланган бўлиши керак. Чунки бу даврда одамлар оловни кашф этган эдилар. Оловнинг ихтиро этилиши эса балиқ ва овлаб олинган турли ҳайвон гўштларини пишган ҳолда истеъмол қилиш имконини беради.

Ф. Энгельс оловнинг кашф этилиши билан гўштни истеъмол этишлик бир-бирига боғлиқ, дейди. Негаки, балиқ ёки гўштни фақат пишган ҳолдагина ейиш мумкин, деб уқтириб ўтади. Яна «гўштли овқат истеъмол қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган икки ютуқقا: оловдан фойдаланишга ва ҳайвонларни қўлга ўргатишга сабаб бўлди» (4. 87.).

Ўрмонларнинг ёниб кетиши натижасида пишиб қолган ҳайвонлар гўштини татиб кўрган ёки овлаб келинган ҳайвон гўштини пи-

шириб ейишга фаросати етган ибтидоий киши дастлабки пазанда ҳи-  
собланади.

Кейинчалик пишириш усулидан фойдаланган одамлар ҳар хил  
ўсимликларнинг ҳам озуқалик сифатини ажрата оладиган бўлган-  
лар, шу билан бирга таомларнинг турли хилларини келтириб чиқара-  
бошлаганларки, бу жараён ҳануз ҳам давом этмоқда.

Пазандалик санъати миллий маданиятнинг ҳеч қачон холис та-  
рақкий этолмайдиган қисмидир. Бир миллатнинг пазандалиги ҳамма  
вақт қўшни ва иқтисодий ҳамда маданий алоқада бўлган миллатлар  
пазандалиги билан чамбарчас ҳолда ривожланади ва шу билан бир-  
га бу равнакда барча пазандаликлар ўзига хос хусусиятлари ва мил-  
лий колоритини сақлайди. Масалан, ўзбек ошхонасида аллақачон-  
лардан бўён рус, украин, озарбайжон, арман, татар, қозоқ, тоҷик,  
уйғур ва бошқа ҳалқларнинг жаркоп, борш, лўлакабоб, кавказча ка-  
боб, бўғирсоқ, парамач, кулчатой, тухум барак, хунон каби ўнлаб та-  
омлар тайёрланса, ўз навбатида бизнинг палов, хасип, манти ва мас-  
тава каби кўплаб таомларимиз ҳам қардош ҳалқларнинг дастурхони-  
ни безайди. Демак, миллатларнинг яқинлашувига пазандалик санъ-  
ати ҳам бир воситадир.

Пазандалик санъат экан, ҳар бир тайёрланадиган таомни ижод  
деса бўлади. Бинобарин, таомнинг яхши-ёмон чиқиши ошпазнинг  
ҳафсаласи, кайфияти, умуман руҳий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.  
Лекин хушчақчақ кайфиятни ичклик воситаси билан пайдо қила кўр-  
манг, бунда тилнинг сезиш нуқталари караҳтланиб, таомнинг нама-  
гини ростлай олмайдиган бўлиб қоласиз.

Таом тайёрлаётганда дадил бўлинг, атрофдаги кузатувчилардан  
тортинманг, бажараётган ишингизни севинг, бор билим ва маҳорат-  
ингизни аямасдан сарфланг.

Ошпазга ҳам, унинг атрофидагиларга ҳам тааллуқли яна бир  
қоида бор: томошабинлар ошпазликни дастлаб бошлаган ҳаваскор  
кишиларга маслаҳатгўйлик қилмасликлари, «ундоқ қилиш керак»,  
«бундоқ қилиш керак» деб «ақл» ўргатавермасликлари зарур. Пазан-  
да ҳам ким нима деса шуни қиласвермаслиги керак. Чунки ош пиши-  
ришда ҳар бир пазанданинг ўз услуги, ўзига хос диди ва йўли бўлади.  
Шундай экан, овқат пишираётган одамга ҳатто чин кўнгилдан берил-  
ган маслаҳат билан ҳам таом бузилиши мумкин. Ошпаз билмай қол-  
ган, қийналган жойини тажрибалироқ одамдан ўзи сўраса, бу бошқа  
гап. Хуллас, таом тайёрлаш мураккаб ва нозик бир иш бўлиб, киши-  
дан анча билим, зўр ҳавас, катта тажриба, уқув, маҳорат, чаққонлик,  
покизалик, юксак дид талаб қилади.

## Таом тайёрлаш илми

Ушбу илм технология деб аталади. Технология куртаклари оила-  
да болаликдан тортиб ўргатилади, сўнгра мактаблардаги рўзгоршу-  
нослик дарсларида ва таом тайёрлаш тўғаракларида сабоқ берилади.  
Мутахассис ошпазлар эса маҳсус мактаб, техникум ва олий ўқув юрт-  
ларида ўрганиб чиқадилар. Мезбонлар эса таом тайёрлаш илмини па-  
зандаликка оид китоблардан ўрганиб оладилар.

Модомики, мавзуумиз «Меҳмоннома» экан, аввало меҳмон учун  
лаззатли таом тайёрлаш қоидалари устида қисқача сўз юритамиз.

**БИРИНЧИ ҚОИДА.** Тайёрланадиган таомнинг рецептини, яъни унга нималар солинишини яхши билиш ва шу рецептнинг аник меъёрини белгилаш ҳамда бундан тўғри фойдаланиш зарур. Меъёридан кўпроқ гўшт, зираворларни ортиқча солиш билан таомнинг мазаси ортмайди. Овқат пишириш ҳам аптекада дори тайёрлашга, ошпазнинг иши эса доришунос хизматига ўхшаб кетади. Бир масаллиқдан кўп, иккинчисидан оз солсангиз, улар бир-бирига татимай таомни бадхўр қилиб қўйишини унутмаслик зарур. Баъзан паловни жуда сергўшт ёки серёғ ва кам сабзи қилиб юборадилар. Бундай ош бузилган ҳисобланади. Негаки гўшт-ёғни керагидан ташқари истеъмол этиш аъзоларга оғир келади. Ҳатто туз ёки зираворнинг меъёри овқат сифатини белгиловчи муҳим омил эканини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак. Тажриба шуни кўрсатадики, овқат пишираётганда тузни ҳам, сувни ҳам бир марта солган маъқул. Туз ва сув бўлиб-бўлиб солинса таомнинг лаззати қирқилади. (Фақат палов пиширгандагина туз ва сув икки марта — биринчи марта зирвакка ва иккинчи марта гуручдан кейин солинади).

**ИККИНЧИ ҚОИДА.** Ҳар қандай овқатни пишириш, аввало масаллиқ тайёрлашдан бошланади. Масаллиқни пиширишга тайёрлашнинг тартиби бундай: а) саралаш, навларга ажратиш; б) ювиш, чайқаш; в) арчиш; г) тўғраш (чопиш, қиймалаш, қириш, қирқиш, тилиш). Кейинги усулни оддийгина қилиб «тўғраш усули» деб қўяқолайлик. Тўғраш таом тайёрлашда пазандада усталигини кўрсатади. Турли маҳсулотларни турлича таомлар учун алоҳида ўзига хос тўғраш қоидлари бор. Мисол учун: паловга сабзини сомон шаклида, маставага картошкани тўртбурчак (кубик) шаклида тўғралади. Бунда асосий принцип шуки, тўғраладиган маҳсулотни таом таркибига кирадиган бошқа масаллиқларга шаклан мослаб кесишидир. Чунончи, нўхатли шўрвага қўшимча масаллиқ бўлиб кирган сабзини кичик кубик — «нўхатча» шаклида тўғралса, вермишелли шўрвага солинадиган сабзи эса сомонча (яъни вермишелга ўхшатиб) тўғралса, таомнинг ташқи кўриниши чиройли ва ҳар турли масаллиқ бир текис пишган бўлади. Одатда қайнатма шўрва тайёрланганда гўшт яхлит бўлакларга бўлиб солинади, демак, қоида бўйича шу шўрвага тушадиган картошка, сабзи, шолғом ҳам бутунлигicha ёки катта-катта бўлакларга кесиб солиниши керак. Қиймага қўшиладиган пиёз шу қоидага биноан майда чопилади. Демак, овқатга ишлатиладиган асосий ва қўшимча масаллиқлар шаклан бир-бирига мос қилиб тўғралса, таом кўркам чиқади.

Халқ орасида қайси масаллиқни қандай таом учун не хилда тўғраш кераклиги борасида тўғрашнинг шундай усуслари бор:

**Сомон шаклида тўғраш.** Сабзавотлар, хусусан сабзи узунаси — юпқа «тахтача» қилиб кесилади, сўнгра эса сомонга ёки гугурт чўпига ўхшатиб тўғралади. Сомонча қилиб тўғралган сабзининг узунлиги таҳминан 4-5 см, кўндаланг кесишимаси  $3 \times 3$  мм бўлиши керак.

**Кубик шаклида тўғраш.** Бу усул «шодибеги», «нўхатча» тўғраш деб ҳам юритилади.

Сабзи, картошка, шолғом, гўшт ва бошқа масаллиқлар кубик қилиб тўғралганда, аввало узунасига, қалинлиги 1 см келадиган қилиб кесилади, сўнгра бўлаклар яна узунасига кўндаланг кесмаси  $1 \times 1$  см шпал шаклида кесилади. Кейин эса кўндалангига  $1 \text{ см}^3$  катталиқда тўғралади. Бу кичик кубик қилиб тўғрашдир. Маҳсулот ўрта кубик шаклида тўғралганда ҳажм  $2 \text{ см}^3$ , катта кубик қилиб тўғралганда  $3$

ёки 4 см<sup>3</sup> бўлиши керак. Ўлчовлар тахминий албатта, шунинг учун уни кўз билан белгилаш унча қийин эмас.

Паррак-паррак қилиб асосан пиёз тўғралади, сўнг қовуриладиган картошка, баъзи салатлар учун бодринг, чойга бериладиган лимон кўндалангига қалинлиги 0,5 см келадиган гилдиракча қилиб кесилади.

Пиширилган ҳасип, қази ҳам истеъмол қилиш олдидан паррак-паррак қилиб кесиб қўйилади.

Лўнда-лўнда қилиб гўшт, думба ёғ, баъзида салат учун помидор, айрим холларда суюқ ош учун картошка тўғралади. Бунда маҳсулотни бир хил шаклда тўғрашга эришиб бўлмайди, аммо оғирлиги, ҳажми тахминан бир хил бўлиши керак.

Тилиш усулида баъзи таомлар учун помидор, мурабболарга олма, беҳи, дастурхонга келтириладиган қовун, тарвуз кесилади. Тилишда маҳсулотнинг бандидан учига қараб пичоқ тортилади ва бир неча тенг бўлакларга ажратилади.

Қирқиши — кўк пиёз ва ошкўкларни майдалаш. Бунинг учун масаллиқ таҳтага қўйилиб, чап кўл билан ушланган ҳолда пичоқ билан майдаланади. Қирқиши чопишга ўхшаб кетади, лекин қирқиши масаллиқ иирикроқ, чопилгандагидек бир-бирига илашиб кетмаган бўлиши керак.

Пишириш учун ишлатиладиган масаллиқлар тўғри, қоидали қилиб тайёрланса, таом тез пишади, таркибидаги фойдалар яхши сақланиб қолади, лаззатли бўлади.

УЧИНЧИ ҚОИДА. Пазандалик асбобларидан тўғри фойдалана билиш ҳамда пишириш усусларини дуруст бажаришни талаб қиласди.

Пишириладиган масаллиқнинг тури кўп: дон, сабзавот, мева, гўшт, ёғ, балиқ, сут, тухум, хамир маҳсулотлари ва ҳоказо. Буларнинг ҳар бири бошқаларига қараганда мутлақо бошқача пиширилади. Шунинг учун пиширишнинг бир неча хил технологик усуслари келиб чиқсан.

1. Қовуриш: а) очиқ қовуриш (кабоб пишириш); б) ёққа қовуриш (аввал хўп доғланган ёғда масаллиқ қизартириб пиширилади). Бу усул билан тайёрланган таомнинг лаззати яхши, калорияси кўп бўлади; в) жазлаш (озгина ёққа кўп масаллиқ солиб, сели чиққач, милтиратиб гишириш).

2. Қайнатиб пишириш: а) сувда қайнатиши; сутда қайнатиши.

Қайнатиб пишириш усусларининг аҳамиятилиги шундаки, қанча кучли олов берилса-да, масаллиқ суюқликка ботиб тургани учун ҳароратнинг 100 градусдан ҳеч ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бинобарин, инсон учун зарур моддалар куйиб кетмайди. Улар эриб суюқликка қўшилади — таом тотли бўлади. Бироқ, қайнатишида шарақлатиб юбориш ярамайди, чунки қаттиқ қайнаганда пиширилаётган маҳсулотнинг сирти қотиб бағридаги моддалар эритмага айланмай қолади ва қайнатма таом кўпиклашиб, (айниқса шўрва) bemaza чиқади. Милдиратиб қайнатилганда эса масаллиқ ҳил-ҳил бўлиб, таркибидаги озуқа моддалари яхши эрийди ва ғоят мазали чиқади. Демак, таомни тез ва лаззатли қилиб пишириш кучли олов берилишига боғлиқ бўлмай, балки маълум технологик усуслардан тўғри фойдалана олишдадир.

**3. Буғлаш**: а) қасқонда буғлаш; б) қозонда димлаш. Айни усулларда тайёрланган таомларнинг физиологик аҳамияти ғоят катта, улар организмга яхши сингади. Буғлаш ва димлаш идишнинг қопқоғини жипс ёпиқ туришини талаб этгани учун бүг билан бирга ҳавога учеб кетадиган баъзи (масалан, С белгили дармондори) моддалар таом таркибида кўпроқ сақланиб қолади.

Буғлаш — пиширишнинг энг осон усулидир. Шунинг учун таом тайёрлашни ўрганаётган кишилар ушбу усулда пиширишни ўргансалар яхши натижка беради. Қасқонда, масалан, фақат мантинигина эмас, кўп хил маҳсулотларни пиширса бўлади. Сиз бир парча гўшт олиб туз ва зира сепинг-да, арчилган картошка билан бирга қасқонга қўйинг. Ярим соатдан сўнг лаззатли ва фойдали таом тайёр бўлганини кўрасиз, вақтингиз эса беҳуда сарф бўлмайди.

**4. Тандирда пишириш**: а) девор тандирда пишириш; б) ер тандирда пишириш; в) духовкада пишириш. Бу усуллар анча мураккаб, анчагина кўнирма ва тажрибакорлик талаб қиласи. Тандирда ҳамир маҳсулотларига инфрақизил нурлар ҳамда тандир деворининг тафти таъсир қиласи ва ҳамир маҳсулотларидан ажраган буғнинг иссиқлигига мураккаб технологик ва кимёвий процесс содир бўлади. Шу сабабли тандирда пиширилган сомса ва нонларнинг шифолик хусусиятлари бор.

**5. Мураккаб комбинацияли усулда пишириш.** Бунга: а) қовуриб қайнатиш; б) қовуриб, қайнатиб, дамлаш усуллари мисол бўлади, яъни мураккаб комбинацияли усулда мавжуд усулларнинг бир нечтаси бирин-кетин бажарилади. Палов тайёрлаш шу мураккаб усулда бажарилади (қовурилади, қайнатилади, дамланади). Кимки палов тайёрлаш усулини яхши эгаллаб олган бўлса бошқа таомларни ҳам тайёрлаш бемалол қўлидан келади.

**ТЎРТИНЧИ ҚОИДА.** Бу қоида ҳар бир ошпазнинг овқат пиширишга сарф бўладиган вақтни тўғри тақсимлаб олишига бағишлианди. Турган гап, таом тайёрлашда ишлатиладиган асбоблар, идиштовоқлар ҳар доим саронжом ва озода сақланса, вақт тежалади. Бирор таом тайёрлассангиз пишгунча қанча вақт ўтишини тахминан ҳисоблаб чиқинг. Вақт зик бўлса, мўлжалланган овқат яхши пишмаслиги ва бемаза бўлиб қолишини унутманг. Шунингдек, тайёр таом ўз вақтида истеъмол қилиниши керак, узоқ туриб қолса совиб мазаси қирқилади.

Шу қоидаларга риоя қилиш билангина уйингизга келган азиз меҳмонларни фойдали ва лаззатли таомлар билан зиёфат қилиш шарафига мұяссар бўласиз. Йўқса истроф кўпаяди, кўнгилхираликлар келиб чиқади. Оиладаги айрим «ғижиллашиб қолишлар» ҳам таом тайёрлашни билмасликдан келиб чиқишини унутманг!

Модомики, таом тановули ҳам табиий, ҳам ижтимоий аҳамиятга молик бир нарса экан, биз баҳсизизни янада чуқурлаштираверамиз... Карл Маркс айтганидек, «... меҳнат бўлмагандан, киши билан табиат ўртасида мoddда алмашинуви мумкин бўлмас эди» (1. 54).

Организмда алмашинуви зарур бўлган моддаларни инсон табиатдан олади, булар: сув, ҳаво, ҳарорат, оқсил, маъдан тузлар, ёғ, шакар, дармондори (витамин) ва бошқа моддалар бўлиб, организмимиз шулар орқали табиат билан боғланади. Организмнинг ташқи муҳит билан ана шундай боғланиши тўғрисида Иван Павлов айтган фикрлар ғоят қизиқарли. У дейдикли: «Инсон ўз ҳаётининг барча ҳодисаларида ҳамиша нон-насиба устида ғамхўрлик қилиши бежиз эмас.

Бу ғамхүрлик жуда ибтидоий боғланишдан иборатдир, у барча тирик мавжудотларни, жумладан инсонни ҳам, ўраб турган табиат билан таом орқали боғлайди, организмга тушган таом ўзгариб, парчаланиб, аъзолар билан уйғунлашади, яна қайта парчаланиб ҳаёт жараёнинг умумий кўламини ўзида ифодалайди» (107. 347).

Ҳар қандай таом организмга тушишдан олдин технологик жараёндан ўтади, қайта ишланади ва ейишга яроқли қилинади. Худди шу фикримга баъзи врачлар ҳатто эътиroz билдиришган эди:

— Ахир одам дарахтдан олмани, ишкомдан узумни, полиздан тарвузни узуб еганда бу масаллиқлар технологик жараёндан ўтмайди-ку, қайта ишланмайди-ку?

Жавоб:

— Игна билан қўлга қадалган зирачани олиб ташлаш ҳам, скалпел билан апедексни кесиб ташлаш ҳам операция деган умумий битта сўзда билдирилади. Шунингдек, масаллиқни оддий арчиш ҳам, уни мураккаб усулларни қўлланиб пишириш ҳам технология деган умумий битта ном билан аталади. Мисолимиздаги олма, узум ва тарвузни одам шундайлигича истеъмол қиласвермайди, балки ювади, артади, пичоқдан фойдаланиб арчади, кесади, дастурхонга тузайди, хуллас, оддий бўлса-да, технологик жараёндан ўтказиб қайта ишланди ва ейишга яроқли қилади. Ҳайвонларда эса бундай фаолият йўқ. Демак, технология масаллиқقا инсоннинг қўли тегиши каби энг оддий жабҳадан тортиб то мураккаб жараёнларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Технологиянинг мураккаблиги пишириш жараёни билан боғлиқдир. Пишишдан мақсад таомни организмга ҳазм бўлишини енгиллаштириш, масаллиқ таркибидағи фойдали моддаларни синтезлаштириш, зарарли моддалар ва микроорганизмларнинг кучини қирқишидан иборат бўлади. Пишириш жараённада масаллиқларнинг механик мустаҳкамлиги бўшашади. Бу ҳол чайнашни ва сингдиришни осонлаштиради. Маълумки, организм учун энг зарур моддалардан бири крахмалдир, бироқ бу модда соф ҳолда киши аъзоларига сингмайди. Уни клейстрлаш, яъни елим-ёпишқоқ ҳолига келтириш керак. Бунга фақат пишириш асосидагина эришиш мумкин. Таркибида крахмал моддаси кўп бўлган ун, гуруч, картошка, мош, нўхат ва шу кабиларни хомлигича еб бўлмаслигининг сабаби ана шунда. Пиширилганда крахмал сув ҳўплаб бўртади, клейстрлашади, сўнг шакар моддасига, олов кучли берилса карамелга айланади. Шакар ёки карамеллашган крахмал эса танага жуда тез сингийдиган озуқадир.

Пишириш технологияси инсон учун зарур озуқа моддаси — оқсилнинг кимёвий ўзгаришига ҳам сабабчи бўлади. Бунинг маъноси шуки, олов таъсирида оқсил денатурация (яъни, ўз табиий ҳолатидан ўзгариш) ҳосил қилади. Оқсилнинг тури кўп, масалан, ўсимлик оқсиллари, ҳайвонот масаллиқларидағи оқсиллар. Ҳайвонот масаллиқларидан таркибида оқсил моддаси кўп овқатлар: гўшт, сут ва балиқни мисол қилиб олайлик. Буларни хом ейиш мумкин эмас, меъдани бузади. Олов таъсирида (қайнатиб ёки қовуриб) денатурация қилинса, меъдада ҳазмланишида кимёвий ўзгаришларга кўмаклашадиган ферментлар таъсирида қонга жуда яхши сўриладиган бўлиб қолади. Баъзи ўсимлик оқсиллари тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин.

Инсон учун кундалик зарур бўлиб турадиган моддалар — ёғлар ҳам технологик ўзгартирилмасдан туриб ейишга яроқли бўла олмайди.

ди. Сирасини айтганда, хом ёғ танага ҳеч ҳам сингмайди. Чунки уни парчалашга меъда шираси ва ферментларнинг кучи етмайди. Шунинг учун ёғларни эмульгация (жуда суюқ қоришма) ҳолатига келтириш керак. Бунинг технологик усули додлашдир. Дог бўлган ёғ суюлиб нафислашади, баъзи заҳарли моддалар (чунончи, пахта ёғидаги госсипол)нинг кучи қирқилади, масаллиқнинг мазаси тотли, чучук бўлиб қолади. Додлашни халқимиз «чучитиш» деб аташининг сабаби ҳам ана шунда бўлса керак. Чучитилаётган ёғнинг ҳарорати 160-180 дарожагача боради. Ортиқча олов берилганда куйиб молекулалари емирилиб кетади.

Пишириш инсон учун зарур бўлган дармондорилар (витаминалар) нинг ҳазмланишини ҳам яхшилади. Дармондориларнинг баъзилари (А, Д) ёғда қовурилганда, баъзилари эса (В, С) сувда қайнатилганда яхши эрийди.

Хуллас, овқатни пишириш жараёнида анчагина физиковий ва кимёвий ўзгаришлар келиб чиқади. Ана шу ўзгаришларни ўрганувчи ва ўргатувчи илм таом тайёрлаш технологияси деб аталади.

Пазандалик санъати ва технологияси илмидан воқиф бўлмаган «пазанда»ларнинг таоми bemаза, ҳатто заарли бўлиши мумкин. Кимки таомни лаззатли қилиб тайёрлашни билар экан, у маҳсус билим юртларини тугатмаган бўлишидан қатъи назар, қоидага амал қилувчи яхши пазанда қаторига қўшилади. Лекин илмига амал қилмайдиган «пазанда»лар эса таом тайёрлаш технологиясига салбий тасир қиладилар. Салбийлик шундаки, қоидага амал қилмаслик натижасида масаллиқлардаги ифори мой, дармондори, маъдан моддалар, оқсил, шакар ва бошқа озуқа элементларини ғойиб қилиб қўйишлик, яхши пиширмай ёки аксинча куйдириб кучини қирқиб қўйишликдир.

Таом тайёрлашдаги ана шу салбий томонга барҳам бериш пазанданинг маҳоратига боғлиқ. Маҳорат, билим, тажриба, покизалик ва асосий қоидаларга тўла риоя қилиш асосида рўёбга чиқади.

Нотўғри пишириш натижасида таомдаги ҳар турли дармондорилар, ифори мойлар, бирмунча маъдан тузлар, оқсиллар, шакар ва бошқа фойдали моддалар куйиб кучи қирқилади. Пазанда усталиги эса асосий қоидаларни билиш ва тажриба орттириш натижасидагина рўёбга чиқади. Таом тайёрлашнинг илмий қоидаларини билмаган ҳаваскор пазандалар орасида сабзи-пиёзни ниҳоятда кўп қовуриш ҳисобига паловни «лола ранг қилиб» юборадиганлар бўлади. Жуда кўп қовурганда масаллиқлардаги (сабзи, пиёз, гўштдаги) энг фойдали моддалар куйиб кетади. Бу усулда тайёрланган таомни ҳадеб еявериш оқибатида киши турли ич касалликларига чалиниши мумкин. Шундай экан, қовуришни ҳам, кавлашни ҳам меъеридан орттириб юбормаслик тартибига риоя қилиш лозим.

## ДАСТУРХОН ТУЗАШ МАҲОРАТИ

Дастурхонни чиройли қилиб безатиш ва меҳмонни кўнгилдаги-дек кутиб олиш ҳам бир санъатдир. Дастурхон тузайдиган киши укувли, покизала ва дид-табиатли бўлиши керак.

Оила-аъзолари учун ясаладиган дастурхон бир бошқа, меҳмонлар учун тузаладиган дастурхон бир бошқа. Тўйларда дастурхон бошқача безатилади, байрам дастурхони ўзгача бўлади.


Яхши тузалган дастурхон зиёфатни оқилона уюштиришга ёрдам

беради. Даастурхон тузашда икки қоида бор: бири — моддий шароитларни ҳозирлаш бўлса, иккинчиси маънавий шароитларни таъминлашdir. Даастурхонга қўйиладиган таомларнинг хилма-хиллиги, миқдори ва сифати, овқатланиш асбобларининг (идиш-товоқ, қошиқ-вилка, чойнак-пиёла, стол-стул ва ҳоказо) етарли миқдорда мавжудлиги ва уларни жой-жойига қўйиш, даастурхон тузаладиган жой покиза, қишида иссиқ, ёзда салқин бўлиши — буларнинг ҳаммаси моддий шароитлар ҳозирлаш қоидасига киради.

Маънавий шароит таъминлаш қоидасига: меҳмонларни эъзозлаб кутиб олиш, дўстлик ва самимилик, уларга сидқидиллик билан хизмат килиш киради. Даастурхон тузалган жойда ва атрофида қўхлик буюмлар, гуллар, суратлар, қўйинг-чи, кишининг баҳри-дилини очадиган, эстетик завқ берадиган нарсаларни муҳайё қилиш зарур. Овқатланиш вақтида магнитофондан дилхуш наволар таралиб турса, даастурхондаги нарсаларнинг (идиш, асбоб ва таомларнинг) чиройи кўзни қамаштириб турса, қандай яхши! Булар — маънавий шароитлар.

Даастурхон нечоғли чиройли қилиб безатилса, устига қўйилган таомлар лаззатлигина эмас, кўркам бўлса, мезбоннинг маданиятлиги шу билан ҳам ифодаланади.

Даастурхонни пастга тўшаш одатидан иложи борича воз кечиш керак. Ерга тўшалган даастурхон анча ноқулайликлар туғдиради: оёқ-



ларни букиб ўтиришга тўғри келади, меҳмон ҳузур қилиб таом еёлмайди, пояфзалдаги чанг даастурхонга тушади, кийим ғижимланади ва ҳоказо. Даастурхонни атрофида кўрпачалар тўшалган хонтахта устига тузаган маъқул.

Даастурхон тузаганда ҳар бир меҳмон учун унинг стули тўғрисида биттадан ликопча, ликопчанинг ўнг томонига вилка ва қошиқ, чап томонига пичноқ қўйилади, салфеткаларни эса ликопчалар устига чиройли қилиб тахланади. Агар салфеткаларингиз қоғоздан бўлса уларни стаканга солиб, столнинг бўшроқ жойига қўясиз. Ёзниг иссиқ кун-


ларида меҳмонлар терлаб кетишлари мумкин. Шунинг учун стулнинг суянчиғига кичик сочиқлардан ташлаб қўйиш керак. Одатда меҳмондорчиликларда ширмой, патир, оби нон дастурхонга жуфт-жуфтлаб (2 — 4 — 6 — 8 — 10 донадан) қўйилган, айниқса тўйларда шундай қилинади. Бу — жуфтлик ифодаси. Таъзияда эса дастурхонга қўйиладиган нон тоқ-тоқлаб (1 — 3 — 5 — 7 донадан) тузалади. Бу — тоқ бўлиб қолганлик ифодаси.

Нон меҳмонлар келиб ўз жойларига ўтирганларидан кейингина синдирилади.

Стол ўртасига гулдонда бир даста гул қўйилса, дастурхон тантанили кўриниш касб этади. Туз, мурч, сирка солинган идишлар ҳам дастурхоннинг кўринарли жойига қўйилади.

Хуллас, дастурхонга таомларни шундай жойлаштирингки, ҳар бир киши ўрнидан қўзғалмасдан ўзига керакли нарсани ола билсин. Меҳмонлар чой ичиб, яхна овқатлардан баҳраманд бўлганларидан кейин дастурхонга суюқ иссиқ овқат тортилади. Бунда шу қоидага амал қилиш зарур: энг биринчи косада келтирилган таом, ҳурмат юзасидан, дастлаб меҳмонлар орасида ёши улуг кишининг олдига қўйилади. Таомни ўнг қўл билан узатиш зарур.

Қуюқ иссиқ овқатлар (қовурма, кабоб, манти, палов кабилар) зиёфат тугаши олдидан тортилади. Бу таомларни лаганларда ёки алоҳида ликопларда тортишингиз мумкин.



Ўзбек меҳмондорчилик одатига биноан, зиёфат чой, ширинликлар, мева-чевалар билан бошланиб пировардида ҳам шулар билан тугалланади. Ҳар қандай катта меҳмондорчиликда иссиқ овқатдан фақат икки хили (бири суюқ, бири қуюқ) тайёрланса, бас. Баъзи оиласарда «маъмурчилик нишонаси» деб бир ўтириш учун тўрт-беш хил иссиқ овқат пиширадилар. Бу — истрофарчиликдан бошқа нарса эмас. Овқатларнинг хилини кўпайтирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда миқдорини озайтириш керак бўлади.

Хуллас, сиз меҳмонни шундай кутингки, дастурхонингиз серфайз, нафосатли бўлсин, лекин истрофарчиликка йўл қўйманг.

## ДАСТУРХОН НАФОСАТИ МАСАЛАСИНИНГ ҚЎИИЛИШИ ВА БИР ШИНГИЛ НАЗАРИЯ

Емоқ-ичмоқ тирик мавжудотларнинг барчасига хос физиологик фаолиятдир. Аммо емоқ-ичмоқ одам учун ягона мақсад бўла олмайди, чунки инсон овқатланиш учун яшамайди, балки яшаш учун овқатланади, яшашнинг мазмуни меҳнатдир.

Агар, — дейди К. Маркс, — емоқ-ичмоқни инсоннинг ижтимоий фаолиятларидан ажратиб ягона мақсад деб қараладиган бўлинса, унда у ҳайвоний характер касб қиласади (5. 156). К. Маркс ижтимоий фаолиятларга мисол қилиб аввало ҳар кимнинг меҳнат маҳсулотларига муносабатини, сўнгра меҳнат жараёнида кимса томонидан бажарилаётган ишнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга алоқадорлигини кўрсатади ва хуллас, инсоннинг ўзи эса фақат табиат маҳсулигина эмас, ижтимоий ҳаёт маҳсули ҳам эканлигини кўрсатади.

Ҳайвон овқатланишида ҳам бошқа фаолиятлар бордай туюлади: овқилади, овқат топади, қишига ғамлайди ва ҳоказо, бироқ ҳайвонлар ўз овқатини табиатдан тайёр ҳолда олади, одам эса олиб, қайта ишлайди: пишириб, ювиб, тозалаб саралаб истеъмол этади.

Ҳайвон ўз озуқасини кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмайди. «Ҳамма ҳайвонлар ўсимликларга нисбатан жуда исрофкунандадирлар ва шу билан бирга кўпинча уларнинг табиий кўпайишларини куртак ҳолидаёк нобуд қиласади», — дейди Ф. Энгельс (4. 85). Одам эса ўсимликларни экиб, ҳайвонларни урчишиб, ўз озуқасининг миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қиласади.

Мана шунга кўра инсон овқатланиши ёлғиз физиологик фаолиятина бўлиб қолавермасдан, меҳнат билан боғлиқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолият деб қаралмоғи керак. У ҳолда овқатланишга эстетик муносабатда бўлишга ҳам ҳақли бўлиб қоламиз.

Жамият равнақ топган сари одамларда атроф-муҳит оламига нафосат билан назар солиш тобора юксала борган. Нафосат назари инсонга хос бўлган гўзалликни сезиш, бадиий дид ва эстетик қарашдир.

Эстетик қарашлар эса, батзилар ўйлагандек, ёлғиз санъат билан чекланмасдан, одам меҳнати, юриш-туриши, турмуш кечириши, уй тутиши, кийиниши, ҳаттоқи овқатланишда ҳам ўз ифодасини топаверади.

Овқатланиш эстетикаси турмуш эстетикасининг бир қисмидир. Ҳолбуки бу тўғрида на чет эл, на совет олимлари ҳали оғиз очганларича йўқ. Сабаби — овқатланиш эстетикаси тан олинмаётганида эмас, тан олинган; пазандаларнинг ўрта ва олий мактабларида шу мавзуда сабоқ бериш зарурлиги ҳам неча бор кўтарилган. Аммо эстетика соҳасидаги мўътабар олимларимиз бу (майдага) масала устида бош қотириб ўтиришни ўзларига эп кўришмаялти, холос. Мазкур масаланинг олға сурилишини дастлабки қадам дейишимиз мумкин. Қадамни дадил қўйишимизда К. Маркснинг «Инсон доим гўзаллик қонунига биноан ижод этади», деган формуласи бизга таянч бўлди. Маъноси шуки: одамларнинг моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришдаги меҳнати ижодий характерга эга бўлади, шу сабабли вужудга келтирилган нарсаларнинг барчаси кишини қувонтиради, эстетик завқ беради. Одам овқатланиши меҳнат ва ишлаб чиқариш би-

лан боғлиқ экан, бунда эстетик жабҳалар бор. Мана, улар: масаллиқни ишлаб чиқариш, ейиладиган овқатни маҳорат билан пишириш, тайёр таомни безатиш, дастурхонни чиройли қилиб тузаш, хўрак асбоблари ва идиш-товоқнинг нафис гулдорлиги, овқатланадиган жойнинг шинам ва покиза бўлиши, овқатхонага ажойиб суратлар, гуллар қўйилиши, таом тановулида одамларнинг бир-бирига бўлган хушмуомалаликлари ва ҳоказо.

Ҳар бир халқда бўлгани каби ўзбекларга хос овқатланиш эстетикасида ана шу жабҳалар узоқ ўтмишдан буён ўзига хослик билан бажариб келинади. Мисол учун, пазандга таом тайёрлашни бевосита хўрандалар кўз олдида намойиш қилиб бажариши, овқатланиш, очиқ ҳавода, соя-салқин, суви шарқираб оқаётган ариқ бўйлари, гулу райхонлар муаттар ҳид таратиб турган жойларда ташкил этилиши ана шу эстетиканинг бир намунасиdir. Турмушдаги буюмлар, овқатланиш асбоблари, идиш-товоқ, чойнак-пиёла, қумғон ва патнисларга чекилган безаклар, тўшаладиган дастурхоннинг оҳорлилиги ҳам шунга мисол. Халқимизда яна меҳмоннавозлик, хушлатофатлик, овқат пайтида хушчақчақ сухбат қура билиш, ҳатто танимаган кишини ҳам ўзи баҳам кўраётган таомга таклиф этиш каби бир талай одатлар борки, булар овқатланиш билан боғлиқ бўлган одобdir. «Майда масала» деб қараладиган овқатланишнинг анча эстетик ва ҳатто ахлоққа оид томонлари ҳам борлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бироқ, мен ушбу жиҳатларнинг мазмунини тўла-тўкис очища бир ўзим оқизлик қиласман. Бу эстетика ва этика билан машғул бўлувчи файласуфлар, халқимизнинг яхши анъаналарини ўрганувчи тарихчи-этнографлар ҳамда овқатланиш физиологияси соҳасида мутахассис врачлар ҳамкорликда қўл уриши зарур бўлган улкан бир вазифадир. Очиқроғини айта қолай. Туппа-тузук маданиятли кишилар баъзан: «Еб юбориладиган нарсани ҳашам қилишга бало борми», деб кесатишларини эшитишга ҳам тўғри келиб қолади. Бундай шахслар Алишер Навоийнинг ушбу байтини эсдан чиқармасликларини истардим:

Оғзига келганни демак, нодоннинг иши,  
Олдига келганни емак, ҳайвоннинг иши.

Инсон овқатланиши билан ҳайвон овқатланиши ўртасидаги кескин фарқларни юқорида кўриб ўтдик. Бу ўринда яна шу нарсага эътибор бериш керакки, одам овқатланиши унинг диди билан алоқадор бўлади, яъни таомнинг мазмуни ва айниқса, шаклига эътибор бериб ейди. Бир томондан таом лаззатини сезиш ва чинакам ҳузур қилиб ейиш бўлса, иккинчи томондан эса овқат масаллиқларининг чиройли кўринишидан баҳра олишдир.

Гўзалликни сезиб, мияга олиб кирадиган бешта ташқи сезгилардан бири — маза сезишдир. (Маза сезиш маданиятининг фалсафий асоси тўғрисида кейин алоҳида тўхталамиз). Бу ерда шуни айтиш керакки, маза сезиш одам ҳайвондан ажралгандан буён равнақ топмоқда. Ҳайвонлар учун овқатнинг мазали ёки bemaza эканлигининг сира ҳам аҳамияти йўқ, қорин тўйдирса, бас. Бироқ, инсонлар учун таомнинг мазаси ғоят муҳим аҳамиятга эгадирки, киши серлаззат овқат еса хурсанд бўлади, асаби изтиробдан чиқади, bemaza овқат еган киши чинакам ҳузур қилмайди. Қадимги табибларнинг айтишича, мазали овқат еб юрган кишиларнинг фикри теран, bemaza, бадхўр овқатни

кўп еювчилар галварс бўлармиш. Ҳозирги замон кишисининг сезги-лари ва диди ўз равнақида энг нафис даражасига кўтарилиган. Лекин шу равнақдан орқада қолган, ейиладиган нарсага фақатгина истеъ-молчилик нуқтаи назаридан қаровчи айрим шахсларнинг маза сезиш табиати ва диди ҳамон торлигича қолаётгани ҳам сир эмас.

К. Марксга яна мурожаат этсак, у ўзининг «1844 йилнинг иқти-содий-фалсафий қўллэзмалари»да бундай фикрларни айтади: «Қўпол истеъмолчилик асрига айланган сезгининг мазмуни чегараланган бў-лади. Ташибиш ва муҳтоҷликдан боши қотган киши ғоят қизиқ томо-шага ҳам бефарқ қарагани каби, оч қолган одам учун таомнинг ин-сонга хос шакли муҳим бўлмай, балки аксинча, овқатнинг мавҳум бўлса-да, емиш сифатида фақат мазмуни муҳим бўлиб қолади. Бун-дай овқат шаклий дағаллиги сабабли ҳайвон емишидан нима фарқи борлиги тўғрисида бир нарса дейиш қийин бўларди» (5. 142).

Демак, таом тановулидаги дид кимса яшаб турган шароитнинг иқтисодий даражасига боғлиқ бўларкан: очарчилик пайтда одам ов-қатнинг кўпроқ емишлик мазмунига, маъмурчиликда эса мазмунига ҳам, шаклига ҳам аҳамият берадиган бўлади.

Овқатланиш дидимизга оид — эстетик тасаввуримиз гўзаллик билан беўхшовлик, лаззатлилик билан bemaza, чиройли билан хунук, мазани сезиш ва эслаб қолиш ўртасидаги фарқлар ҳамда узвий ало-қадорликлар мавжудлигини фаҳмлашдан иборат десак, хато бўлмас, чамамда.

Бундан чиқадиган ҳулоса шуки, юксак ижтимоий-иктисодий фор-мацияда яшаш шарафига мұяссар бўлган ҳар бир шахсда овқатланиш эстетикаси борасидаги дид ҳам юксак камолатга етган бўлиши шарт.

## «РУХИЙ» МЕЪДА

Инсон овқатланишини ҳайвон овқатланишидан фарқ қиласидиган яна бир томони «рухий» меъдадир. Машҳур совет физиологи Иван Павловнинг «рухий» меъда тўғрисидаги таълимоти овқатланиш эстетикаси мазмунини очища бизга жуда қўл келади.

Олим, инсон овқатланиши ва ҳазмланиш жараёнида аъзоларда-ги табиий меъдадан ташқари яна овқатни емасдан олдин ҳавасни келтирадиган, иштаҳани очадиган, овқат пайтида ҳузур қилдирадиган ташқари шароитлар тўғрисида ғамхўрлик зарурлигини айтган эди. Бундай шароитларга юқорида айтиб ўтганимиздек, дастурхоннинг қоидали, таомнинг чиройли қилиб безатилиши, ажойиб гулдор идишларда тортилиши, овқатланиш пайтида хурсандчиликни таъминлайдиган шароитлар (ширин сухбат, дилрабо куй тинглаш, хунук воқеа-лар, касаллик ва ўлим тўғрисида сўз очмаслик ва ҳоказо) мисол бўла олади. Иван Павловнинг яна: «Режали ва фойдали овқат деб — иш-таҳа билан чинакам ҳузур қилиб ейиладиган овқатга айтилади», — деган гапи ҳам бор. Овқатдан иштаҳа очилиши кўп омилларга боғлиқ. Шулардан бири — таомнинг лазизлиги ва ҳушбўйлилиги моддий омил бўлса, иккинчиси овқатланувчининг яхши кайфияти маъ-навий омилдир. Мана шу иккинчи хил омилларни «рухий» меъда қа-торига қўшса бўлади.

Аслида «рухий» меъда тўғрисидаги таълимот дастлаб табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Синодан бошланади. Алломанинг

«Тиб қонунлари» китобларидан бирида шундай фикр бор: ҳазмлашнинг суст ёки бутунлай тўхтаб қолиши сабаблари қаторига қайғу ҳам қўшилади, аксинча, таомни яхши сингишига таъсир кўрсатувчи сабаблардан бири — қувончdir, — дейди олим (94. 648).

Демак, хафачилик ва хурсандчилик овқатнинг ҳазмланишига «руҳий» меъда сифатида ё салбий, ё ижобий таъсир қиларкан.

Овқатланиш эстетикасида кишининг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган яна бир нарса масаллиқнинг табиий гўзаллигидир.

## МАСАЛЛИҚНИНГ ТАБИЙ ГЎЗАЛЛИГИ НИМА?

Инсон истеъмол қиладиган ҳар қандай масаллиқقا (ўз йўналиши, табиий келиб чиқиши, объектив реаллиги бўйича назар солганимизда) конкрет эстетик сифатлар ва хусусиятлар хос бўлади. Ана шуларни инсон сезиб, фаҳмлаб ва англаб, ўша сифатларга қараб иш тутиб сунъий гўзалликни ҳам вужудга келтиради. Бир томондан меҳнат, малака, тажрибага, иккинчи томондан сезги, фаҳм-фаросат ва англаш хусусиятига эга инсонгина табиатдаги ҳақиқий гўзалликни пайқаб олади. Ўзбек тилида табиий рангларни айрим масаллиқлар рангига қиёс қилиб ишлатиш бежиз бўлмаса керак. Яъни: «буғдоранг», «мошранг», «жигарранг», «сурранг», «пистамағизранг», «сабзаранг», «баргикарам», «новвотранг» ва ҳоказо. Масаллиқдаги табиий гўзалликни ёрқинроқ ифодалаш учун айрим сифатлаш бериб ҳам ишлатилади. Чунончи: нақш олма, каҳрабо узум, марварид тут, ҳақиқдек голос, анонинг инжу доналари, тилларанг сабзи, қон каби мусаффо анор шарбати, занжирхатдек чиройли қовун тўри, жонон қизларнинг юзига ўхшаган луччак шафтоли, юракнусха нўхат, буйрак нусха ловия, мармарсимон кўринишга эга бўлган гўшт-ёғ, дурдона гуруч... Борингки, инсон озуқаси бўлмиш барча ноз-неъматлар ўзининг лаззати, хушбўй ҳиди билангина эмас, ҳатто шакли, табиий тузилиши ва ранго-ранг бўёқлари билан ҳам нафис, мусаффо, ажиб, чиройли-гўзалдир. Масаллиқдаги ана шу табиий гўзаллик натюроморт жанрида ижод этувчи рассомлар эътиборини ўзига тортган бўлса не ажаб?! Аслида масаллиқ гўзаллиги хўжалигини йигим-теримдан бошлиган ибтидоий одамларни ҳам ўзига жалб қилган бўлиши керак. Ҳайвонлар-ку нима тўғри келса пала-партиш еб кетаверган, аммо фаҳм-фаросати ўсабораётган одамлар эса ўзига керакли овқатни саралган (мазали ёки bemaza, ажойиб ёки хунук, ейишга яроқли ёки ярамасга) бўлиши турган гап. Ана шу маҳсулотлар мева-чева, резаворлар, илдизмевали ўсимликлар, майда-чуйда жонзотлар, чиганоқлар ва тўлқин қирғоққа чиқариб ташлаган балиқ кабилардан иборат бўлганини олимлар исботлашган.

Овчилик билан машғул бўлган ибтидоий қабилаларнинг овдан кўзлаган мақсади ёлғиз гўшт-ёғ олишигина бўлмай, яна ўзига хос бир эстетик мақсадни билдиради, инчунун, устиларига ёпинадиган терининг чиройлилигига, тақинчоқ вазифасини ўтайдиган қуш патларининг ранго-ранглигига ҳам эътибор берганликларини бир эсланг-а?!

Демак, инсоннинг ҳайвондан фарқи жуда кўп, шулардан бири — истеъмол қилинадиган нарсанинг табиий гўзаллигини ажратадир. Бу фақат, кийим-кечакдагина эмас, ейиладиган («еб юборилади-

ган») овқатларда ҳам ўз ифодасини топган. Масаллиқ берадиган ҳайвон ва ўсимликларнинг қадимдан то бизнинг давримизгача давом этаётган селекциясида озуқалик нарсаларни серҳосил, тўйимли қилиш билан бирга, яна уларнинг инсон емишига мос, дастурхонбоп, иштаҳабахш ва чиройли бўлишига ҳам эътибор берилмаган дейсизми! Мана шу жиҳатлар ҳам дастурхон нафосати доирасига киради.

## ТАОМНИНГ СУНЬИЙ ГЎЗАЛЛИГИ

Пазандадан уч нарса талаб қилинади: а) тайёрлаш; б) тайёр таомни безатиш; в) дастурхонга тузаш. Ана шу «безаш» ва «тузаш»нинг ўзида гўзаллаштириш ва дастурхон нафосатига риоя қилиш талаби бор, токи таомдан меъдагина озиқланмасдан, кимсанинг қалби ҳам озиқлансин, кўзи ҳам қувонсин. Шунда диди юксалади, эстетик фикр равнақ топади. Пазанда масаллиқнинг табиий-объектив гўзаллиги — ростакам кўриниши, имкониятларини ҳисобга олиб таомга зеб берар экан, бунда у ўз тажрибаларига, маҳоратига ва ижодкорлигига таянади. Натижада ҳавасни келтирадиган, кўзни қувонтирадиган ва шакли жиҳатидан инсон овқати саналадиган таомлар юзага келади.

Демак, тайёр таомни дастурхонга тортиш олдидан ҳосил қилинган сунъий безаклар пазандага, унинг таланти ва бадиий маҳоратига боғлиқ бўлганлиги учун субъектив бўлади. Масаллиқдаги табиий-объектив гўзалликка сунъий-субъектив гўзалликнинг қўшилиши билан таомнинг емишлик мазмуни бадиий асарга хос шакл ҳам топади. Чунончи, тандир нонларининг юзини кунгирадор қилиб безатилиши, пиҷоқ ва чакичлар ёрдамида нақш берилиши, сомса, манти, чучваралар чиройли қилиб туғилиши, салатларнинг юзини шу таом таркибига кирган сабзвотлардан шакллар ясад безатилиши, қовун ва тарвузларни дастурхонга тортишда оддий тилик ёки карч қилибгина қўймай, ҳозир тўйларда урф бўлаётгандек «гул қилиб», «саватчага ўхшатиб», ёки қовундан «оқ қуш», тарвуздан эса «лола» кесишлар — ҳаммаси худди бир бадиий манзарадек: кўрган кишининг ҳавасини келтиради. Бу билан шаклнинг мазмунга мос келиши ҳатто овқатланиш эстетикасида ҳам ўз ифодасини топишининг шоҳиди бўламиз. Шунингдек, ҳар қандай таомнинг асосий мазмуни тўйдириш албатта, лекин нега энди унинг шаклига аҳамият бермай пала-партиш еябериш керак!

Инсон онгли ва дидли бўлганлиги учун ҳам озиқ маҳсулотнинг табиий гўзаллиги билан кифояланмай, яна унга сунъий зеб бериши албатта шарт. Ўзингиз ўйланг, қовунни ёриб еган маъқулми ёки тилимлаб еган маъқулми? Ериб ейиш овқатланиш маданиятининг паст даврларига, тилимлаб ейиш юксак даврларга хос эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Яна битта мисол: Саҳнада артист булбул бўлиб сайраши мумкин, лекин булбул артист бўлиб ашула айтольмайди. Аммо артистнинг «сунъий булбул» бўлганлигига ҳамма қойил қолиб олқишлийди, бироқ ўзининг табиий «куйини куйлаган» булбулга ҳеч ким қарсак чалмайди. Шундай экан, пазандалик ҳам санъат бўлиб, бунда борки маҳорат билан табиий нарсаларнинг ҳуснини ошириш, яйратиш, бошқа бир нарсага айлантириш орқали кишига завқ ато қилинади. Бинобарин, демоқчиманки, масаллиқнинг табиий гўзаллиги нечоғли муҳим бўлмасин, лекин сунъий гўзалликсиз иш битмайди. Шунинг учун таом пишира олган одам ҳали пазанда әмас, балки уни безата олсагина пазанда ҳисбланади. Чунончи, торт-

ларни олайлик: юзини шу торт таркибига кирган масаллиқларнинг рангидан фойдаланиб, турли «гуллар» билан жимжимадор қилиб безашади. «Гули» бўлмаса ҳам торт ўзи мазали, аммо «гулдорлик» кишига мазадан ташқари яна эстетик завқ ҳам беради-да. Тортнинг рецептини билган киши тайёрлай олиши мумкин, аммо «гулдор» қилишга келганда буни ҳар ким ҳам эплай олмайди, талант керак, маҳорат керак. Яна, пиёздан «хризантема», помидордан «лола», шолғомдан оқ, сабзидан сариқ, лавлагидан қизил «атиргуллар» кесиб дастурхон ясатиш ҳам — ижодни талаб этадиган иш. Мана шундай томонлари бўлганлиги учун ҳам пазандалик санъат қаторидан ўрин эгаллади. Лекин, гап шундаки, таомлар дастурхонга безатиб қўйилган бўлса, меҳмонлар кўз узолмай қолади ва шу билан бирга дарров олиб оғизга сола қолмасдан анча вақт томоша қилишади, дилларини баҳра олдиришади. Менимча, йўқ деганда, деворга осилган манзаранинг вазифаси ҳам шундай бўлса керак. Овқатланиш маданиятида юксак камолотга етишган одамларнинг фикрича: киши таомни аввало кўз билан «ейиши» жоиз, сўнгра оғизга солиши зарур. Бундан шу маъно келиб чиқадики, овқатланиш эстетикасида диди юксак одам таомнинг миқдорига эмас, кўпроқ сифатига аҳамият берадиган бўлади, натижада оз, лекин соз овқатланишга одат қиласди. Бу тарзда овқатланиб юрган одам эса доим чаққон, тетик, бардам, бақувват, меҳнатга қобил, анча-мунча касалликларга чалинабермайдиган, «зувласи пишиқ» ва ҳатто узоқ умр кўрадиган бўлишини табобат илмининг замонавий намоёндаларидан ҳеч бир киши инкор этмаса керак.

Будем говорить о том, что пекарникофы придают пирогам различные виды начинок, чтобы они не пропеклись при этом не получив достаточно питательных веществ для нормального роста и развития организма. Их называют «куличами».



## ТАЪМ СЕЗИШ МАДАНИЯТИ

Мезбон меҳмонларни серлаззат, хушбўй ва чиройли қилиб безатилган таомлар билан сийлар экан, бунда ҳар бир киши маза сезиш маданиятида юксак камолотга етган ёки шунга интилаётган бўлишлiği назарда тутилади. Аммо бъязан овқат ейиш фақат қорин тўйидиришдан иборат деб ўйловчилар ҳам учрайди. Ана шундайлардан мана бу тахлитдаги саволни кўп эшитганман: «Маза сезишнинг маданиятига қандай алоқаси бор?»

Маза сезиш, бу — истеъмол қилинадиган таомлардаги мазалик ёки bemazalilik хусусиятларини ажрим қила олишдир. Бундай қобилият табиий-тарихий ривожланиш натижаси бўлиб, инсон шаклланганидан тортиб то ҳанузгача ва бундан бўён ҳам ишлаб чиқариш фаолияти таъсирида, егулик нарсалар билан доим алоқадорлик таъсирида таркиб топади.

Шундай бўлганлигидан, маза сезиш, аниқроқ қилиб айтганда, инсон маданиятининг кичик бир кўринишидир.

Маданият инсоният ҳаётидаги ва фаолиятидаги ҳамма ҳодисаларни ўз ичига олади. Озодаликдан тортиб то инсоннинг тафаккур қилишигача — жами ҳодисалар маданият тушунчаси доирасига киради. Ижтимоий ҳаёт бошлангандан бўён одамзод томонидан меҳнат асосида вужудга келтирилган барча моддий ва маънавий бойликлар ҳам маданиятга киради. Шу сабабдан маданиятни моддий ва маънавий маданият деб икки турга ажратадилар. Ҳар икки тур маданиятнинг жуда кўп тармоқлари бор, чунончи: майший маданият, оила маданияти, юриш-туриш маданияти, нутқ маданияти, меҳнат маданияти ва ҳоказо. Ҳар бир тармоқнинг ўзи яна бир қанча қисмларга бўлинади. Масалан, майший маданиятга: кийиниш маданияти, овқатланиш маданияти, эстетик завқланиш маданияти, шахсий гигиена маданияти каби қатор қисмлар киради. Маза сезиш маданияти ҳам шу овқатланиш маданиятининг ажралмас бир кичик қисмидир. Маза сезиш маданияти умуман маданият доирасида жуда майда нарса саналгани учун унга кўпинча кам аҳамият берилади. Ваҳоланки, меҳмон ва мезбонлик вазифасини ўташда шу кичик нарса катта аҳамият касб этади. Киши маданиятнинг бошқа соҳаларини эгаллаган бўлса-ю, таомнинг лаззатлилигига объектив баҳо бера билмайдиган, айрим турдаги таомларни ейишгагина эътибор бериб, турли хилдаги маҳсулотларга бефарқ қарайдиган бўлиши мумкин. Ундейлар ўзи яшаб турган жойларда тайёрланадиган овқатларнинг лаззатлилигини тан олиб, бошқа жойлардаги ёки бошқа миллий ошхоналарда тайёрланган таомларнинг лазизлигини тан ололмайдиган бўлишлари ҳам мумкин. Маза сезиш маданияти ривожланмаганлиги туфайли лаззатни сезиш қобилиятидан маҳрум бўлган одамлар мезбонлик вазифасини ўтаганларида ҳам, меҳмонлик шарафига мұяссар бўлганларида ҳам ўз иззатларига путур етказишлари турган гап. Таомларнинг тарихи текширилса, кўп овқат турлари даққиёнусдан қолганилиги, уларни тайёрлаш усуслари бизнинг давримизгача қарийб ўзгармай етиб келганлиги аниқланарди. Дарвоқе, кабоб, нон (кўмоч) ёки қовурдоқ пишириш, қатиқ ивитиб, ундан сузма ёки қурут қилиш, балиқ ва гўшти тузлаб-қотириш усуслари асъю ўзгармаган ҳолда етиб келган.

Мана шу ҳол киши таом ейиши билан боғлиқ бўлган маза сезишнинг бир томондан хилма-хил, иккинчи томондан эса барқарор, тур-

гун, консерватив эканлигини кўрсатади. Маза сезиш маданиятининг биринчи томони — ривожланишни, тез ўзгаришни, таомларнинг рацоини кўпайтирилишини, илгари истеъмол қилинмаган масаллиқларнинг лаззатини аниқлаб, янги овқат қаторига киритишни талаб этса, иккинчи томони — консервативлик эса овқат рациоининг турғун бўлишини, янги турдаги, янги мазадаги таомларга бефарқ қарашни, истеъмолдаги масаллиқларгина доимо барқарор бўлишини талаб этади. Маза сезишдаги бу қарама-қаршилик кишининг маза сезиш маданияти ривожланганлигини ёки консерватив турғун эканлигини белгилайди. Хилма-хилликка мойил одамларда маза сезиш қобилияти яхши тараққий этади. Турғунликка, барқарорликка мойил кишилар эса аксинча, маза-матрага жуда кам эътибор берадиган, масаллиқдаги чексиз мазалар гаммасининг фарқига етмайдиган бўлиб қоладилар, улар ейдиган овқатларнинг хили ҳам жуда чегарали, бармоқ билан санарли бўлиб қолаверади. Бундай кишилар учун ҳатто лаззатли таомлар ҳам bemazadai туюлади. Маза-матрага бефарқ кишилар, масалан, тузланган ёки сиркалсанган балиқни, ҳар хил консерваларни, музлатилган гўштни, тузланган ёки парникда ўстирилган сабзавотларни, пишлокни, денгиз ҳайвонларидан тайёрлайнган ҳар хил таомларни, балиқ увилдиригини асло ея олмайдилар, ушбу масаллиқлардаги ғоят нафис таъмларни сезиб ололмайдилар.

Ҳамма гап маза сезиш аъзоларининг ривожланган ёки ривожланмаганлигига. Агар маза сезиш аъзолари ривожланган бўлса-чи? Маза сезиш аъзолари ривожланган одамларда билинар-билинмас, ниҳоятда нозик таъм ва лаззатларни сезиб, хулоса чиқариш қобилияти жуда зўр бўлади.

ВОҚЕА. Бир куни тасодифан чашначи<sup>1</sup> одам билан танишиб қолдим. Бу воқеа бундан бир неча йил илгари Самарқандда рўй берганди.

Новчадан келган,чуваккина бир одам гастрономда сариёғ харид қиласкан, пичоқ учидаги татиб кўрди ва бир оз ўйланиб туриб:

— Еф яхши текширилмаган экан-ку, — деб қолди сотувчи аёлга қараб.

— Олий нав, шу бугун олиб келинган, яп-янги...

— Ҳа, ҳамма гап олий навлигига! Еф яшикка солинаётганда цехда папирос чекилганга ўхшайди, тамаки таъми бор.

— Ие! — деб юборибман беихтиёр. — Кечирасиз, сиз дегустатормисиз?

У «ҳа» деган маънода бош силкитди. Қувониб кетиб қўл узатдим. Касбим талабими, ҳарқалай, кўпдан буён чашначи билан суҳбатлашиш иштиёқида юрадим.

Оламдаги сон-саноқсиз товушлар ичida унча-мунча одамларга сира эшитилмайдиган овозларни эшита оладиган музикачилар, композиторлар кўп. Табиатдаги чексиз бўёқлар орасида сизу бизга кўринмайдиган рангларни кўриб, ҳаттоки фақат бир қора рангнинг ўзини олтмишдан ортиқ турга ажратиб бера оладиган рассомлар ҳам кўп бўлиши мумкин. Аммо турли масаллиқлардаги чексиз таъм ва лаззатларни сезиб, улар ўртасидаги билинар-билинмас фарқни аниқ-

<sup>1</sup> Маза сезиш аъзоси ривожланган одамни «дегустатор» дейилади. Бу сўз аслида лотинча бўлиб, ўзбекчада мазасини тотиб кўрувчи — чашначи деган маънони билдиради.

лай оладиган ва сезган мазасини умрбод эслаб қоладиган ёки чойни бир ҳўплаш билан унинг қаерда етиштирилганидан тортиб, нави ва қадоқланган фабрикасигача айтиб бера оладиган одам жуда камдан-кам учрайди. Албатта, чашначилик туғма қобилият, лекин шунинг ўзи маза сезиш қобилияти нечоғли белоён ривожланиш имкониятига эга эканини кўрсатади. Ҳар қандай киши ҳам ўзининг маза сезиш қобилиятини ривожлантирса, чашначидек сезгир бўлиши ёки шунга яқинлашиши, албатта, мумкин. Чунончи физиологлар аниқлашича, чашначи бўлмаган, бироқ ёшлидан соғлигини эҳтиёт қилган, тамаки ва ичимликдан узоқ одамнинг тили 80 грамм сувга солиб эритилган 1 грамм қанднинг мазасини, 1 грамм олтингугурт кислотасининг 10 литр сувдаги таъмини ёки 1 грамм стрихниннинг 2000 литр сувдаги таъмини bemalol сеза олиши мумкин. Ҳолбуки, ушбу эритмалар ўртасидаги фарқни, яъни шу уч эритмада не хил моддалар борлигини бирорта кимёвий анализ аниқлик билан исбот қиломайди. Ҳалиги сариёғдаги тамаки тутуни ҳидини ҳам на бирор аппарат ёрдамида ва на бирор лаборатория йўли билан билиб бўлади.

Маза сезиш аъзолари ривожланган одам эса буни билади.

ФАКТ. 1961 йили Франциянинг соз винолари билан донг таратган Шампань вилоятидаги заводлардан бирида каттагина бочкадаги энг аълосифат вино айниб қолганлигини шу завод чашначиси аниқлайди. Бошқалар татиб кўриб винонинг айниганлигига ишонмайдилар. Можародан сўнг синамоқ учун бошқа заводлардан яна иккита чашначи таклиф этилади. Мутахассисларнинг бири винодан темир зангининг таъми келайтганини айтади ва зўр бериб ўз фикрини исботлашга тиришади. Иккинчи мутахассис эса ичимликда қандайдир мугиз таъми борлигини айтади. У ўз исботида таъмгина эмас, винодан ҳайвон шоҳининг ҳиди келиб турганини уқтиради. Шундан сўнг винони тўкиб ташлашга қарор қилинади. Бочка ағдарилганда... остидан мугиз сопли пичоқча чиқади! Кейин маълум бўлишича, вино қўйилётганида ишчилардан бири пичоқчани бехосдан бочкага тушириб юборган экан.

Бу фактдан яна шу нарса аниқланадики, чашначилик жуда но-дир истеъдод бўлиб лаборатория ёки кимёвий реакция аниқлаши си-ра мумкин бўлмаган мазани сеза олиши мумкин экан.

Маълумки, ҳозирги замон фани ва техникаси инсон сезги аъзоларининг, ҳатто миясининг фаолиятини дубляж қиладиган, яъни шуларнинг ролини бажара оладиган ғоят мураккаб машиналар яратган ва яратмоқда. Кимёвий лабораторияларда таомнинг озуқали қийматини, қувватини, таркибидаги оқсил, ёғ, шакар моддаси, дармондори ва ҳоказоларни аниқлаш мумкин, аммо мазасини аниқлаб бўлмайди. Мазанинг фарқига борадиган бирдан-бир физиологик аппарат одамнинг ўзи, лаззат таъмлари анализ қиладиган «лаборатория» — оғиз бўшлиғидир.

## ТИЛ «ДАРВОЗАБОН»

Оғиз — организмга кирадиган таомлар учун гўёки бир дарвоза бўлса, тил бамисоли дарвозабондир. Дарвоза бузук, дарвозабон мудраб қолган бўлса, саройга, албатта, ўгри киради. Одамнинг оғиз бўшлиғи ва тили ҳам ошқозонга ўтадиган таомларни текширувчидир.

Истеъмол қиласиган таомларимизда чексиз таъмлар мавжудлиги учун инсон тили ва оғиз бўшлиғи шуларни сезишга лаёқатлашгандир. Танглайды, тилнинг учи, ёнлари, усти ва орқа томонида 2 мингдан ортиқ маза сезиш нуқталари бор. Шўр ва ширин мазалар тилнинг учидаги нуқталар билан, нордон ва тахир мазалар тилнинг икки ёнидаги нуқталар билан, ёғли маза оғиз бўшлиғидаги ва тил устидаги нуқталар билан, аччик, заҳар мазалар эса тилнинг орқа томони, кичик тил ва кекирдак тепаси билан яхши сезилади.

Маза сезиш маданияти тараққий этмаган кишилар лазиз мазани сезмайдилар ёки маза тўғрисида хато хулоса чиқарадилар, зарарли овқат билан фойдали овқатнинг фарқига бормайдилар. Чунончи, бу ҳол кўпроқ ичкиликбоз ва банди одамларда кўпроқ учрайди. Спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш, тўхтовсиз тамаки чекиши, наша чекиши, қорадори, кўкнори истеъмол қилиш натижасида оғиз бўшлиғидаги маза сезиш нервлари тараққий этмайди ёки тамомила нобуд бўлади. Масалан, арақ ичкиликбознинг оғзига ёкиши, аммо шакар bemaza, бадхўр бўлиб сезилиши мумкин. Ўта аччик, ўта нордон, ўта шўр таомлар ҳам бундай кишилар учун гўё нормалдай туюлади.

Касаллик ҳам маза сезишни вақтинча бузиб қўйиши мумкин, бемор одамнинг оғзига ҳеч нарса ёқмай қолади, таом тотсиз туюлади.

Маза сезиш кишининг характеристига ва мижозига ҳам боғлиқ. Ўз кузатишларимда шу нарсага кўпроқ икрор бўлганман. Назаримда, хушфеъл, хушмуомала, ювош одамлар, айниқса аёллар ҳамда болалар кўпроқ ширин мазага мойил бўладилар. Баджаҳл, асабий, ичкиликбоз шахслар эса, аксинча, нордон ва аччик нарсаларни истеъмол қилишни яхши кўрадилар.

Ҳар қандай лаззатли таомнинг тўрт белгиси бор: лазизлик, хушбўйлик, чиройли кўринишлик ва фойдалилик. Шу тўрт белгидан иккитаси: хушбўйлик ва чиройли кўринишлик очиқ белгилардир, иккитаси — лазизлик ва фойдалилик яширин, лекин энг зарур белгилардир. Баъзан таом хуш бўйли, кўриниши чиройли бўлиб, лазизлиги ва фойдалилиги кам бўлиши мумкин. Чунончи, bemaza қовунни олайлик. Кўриниш ва ҳид бор, лазизлик ва фойдалилик кам. Аксинча, ҳиди ёқимсиз, ранги кўримсиз, лекин лазиз ва фойдали овқатлар мавжуд, масалан тузланган балиқ ёки сумалак. Кўпчилик чиройли кўринишили ва хуш бўйли ҳар қандай таомни лаззатли деб, ҳиди ёқимсиз, ранги кўримсиз таомни эса bemaza деб билади. Алданишнинг боиси шундаки, очиқ белги бўлган ҳид билиниб ва кўриниб туради, лазизлик эса таом тилга бевосита тегизилгач сезилади, фойдалилик овқат организмга сингишида аён бўлади.

## МАЗА «СПЕКТОРИ»

Табиатдаги егулик масаллиқларда неча хил маза бор? Инсон тили шулардан қайсиларини сезиши мумкин? Бу саволлар ҳар кимни қизиқтирса керак. Оламда мазанинг гаммалари турли-туман ва чексиздир: мазалилик, bemazалик, лаззатлилик, белаззатлилик, хушхўрлилик, бадхўрлилик, лазиз таъмлилик, бадтаъмлилик ва ҳоказо. Инсоннинг маза сезиш аъзолари шу лаззат гаммаларини сезишга қодир.

Мазанинг асосий хилига келганимизда, бамисоли қуёш спекторида етти хил асосий нурлар бўлиб, одамдаги чексиз бўёқлар, ранг-

лар ана шу етти хил (қызил, түқ сариқ, сариқ, яшил, ҳаворанг, күк ва бинафша) нурларнинг комбинациясидан тузилгандек, мазанинг асосий хили ҳам саккизга бўлинади. Бироқ, батъзи пазандалар маза асосан тўрт хил (ширин, шўр, нордон ва аччиқ)дан иборат дейишади. Бу нотўғри. Аслида эса маза «спектори» ширин, нордон, шўр, тахир, туруш, аччиқ, заҳар ва ёғлиқ мазалардан иборат, қолган чексиз лаззат, таъм ва лазизликлар шу саккизта асосий мазанинг турлича комбинациясидан келиб чиқади. Истеъмол қилинадиган нарсалар орасида соф сув мазасиз бўлгани билан юқоридаги саккизта асосий мазани англашда иштирок этади. Маълумки, ҳар қандай маза фақат ҳўлланиш асосидагина сезилиши мумкин. Бундай ҳўлланишда сув актив иштирок этади: сувга солиб ивитиш, қайнатиш, оғиз бўшлиғида тупклар ёрдамида ҳўллаш ёки масаллиқнинг ўз таркибидаги соф сув (сели) билан ҳўлланганлиги асосидагина биз мазани билиш имкониятига эга бўламиз. Шуни айтиш керакки, саккиз хил асосий маза ва уларнинг бир-бири билан чексиз комбинацияси фақат нормал ҳолатдагина кишига фойда келтириши мумкин. Ўта ширин, ўта шўр, ўта аччиқ ва ҳоказо мазаларнинг ўзи ва комбинациялари кишига зарар қиласди. Нормал мазаларнинг фойдаси шундаки, ширин мазали нарса яхши тўйдириш ва аъзоларни юмшатиш хусусиятига эга. Нормал аччиқ мазага эга нарса иштаҳа очиш, тозалаш хусусиятига; нормал заҳарли нарса эритишиш ва чиритишиш хусусиятларига; нормал шўр нарса қуритишиш ва чиришни тўхтатиш, тозалаш хусусиятига; нормал нордон нарса совутишиш ва сўлак ҳамда меъда ширасини чиқариши хусусиятига; нормал тахир мазаси бор нарса зичлаш, қотириши хусусиятига; нормал туруш мазадаги нарса буриштириш, қамаштириш, суюқликларни сиқиб чиқариши хусусиятига; нормал ёғлик мазадагиси эса яхши тўйдириш, юмшатиш, суюқликларни юқорига кўтаришиш ва етилтириши хусусиятига эга. Шу асосий мазалардан олтитаси соф ҳолида ва комбинацияли истеъмол этилади. Иккитаси: заҳар ва туруш мазалар соф ҳолда истеъмол этилмасдан, бошқа мазалар билан комбинациялашган, яъни аралашган ҳолдагина истеъмол қилинади. Масалан, гўшт, тухум, балиқ, пишлоқ каби кучли таомлар организмда ҳазм бўлиш жараёнида ўзидан жуда оз микдорда бўлса ҳам заҳар ҳосил қиласди. Биз бу таомлар билан бирга сабзавот ва меваларни қўшиб истеъмол қилганимиз учун ўсимлик масаллиқларидан ажраган минерал тузлар ҳалиги ҳайвонот масаллиқларидан ажраган заҳар кислоталарининг кучини қирқади ва организм зарарланмайди. Нормал заҳар ва туруш мазани киши дори-дармонлар таркиби орқали ҳам истеъмол қилиб туради. Шундай экан, ҳар қандай мазани — болу заҳарни ҳам ўта ортиқ ёки ўта кам истеъмол қилиш организмни касаллантиради ва аъзоларнинг фаолиятини бузади, бир меъердагиси фойда қиласди.

Табиатдаги ноз-неъматларнинг объектив мазасида ҳам ана шу саккиз хил маза «спектори» бўлади. Чунончи, турли ўсимликларнинг гули, меваси, барги, танаси, илдизи ва умуман инсон истеъмол қиладиган қисмлари ширинлик, нордонлик, тахирлик, турушлик, аччиқлик, шўртанглик ва ёғлилик лаззат гаммаларидан иборат бўлади. Буни нормал ривожланган одамнинг тили сезади.

## КИЧИК НАРСАНИНГ КАТТА ИЛМИЙ АСОСИ

Маза сезиши маданиятнинг кичик бир қисми, кам эътибор бериладиган соҳа дедик юқорида. Лекин, шундай бўлишига қарамай, унинг катта физиологик ва фалсафий асослари бор. Бу шундан иборатки, онгимиздаги ҳар қандай билимнинг асоси ташқаридаги нарсаларда бўлади. Сезгиларимиз эса атроф-муҳит, ташқи оламдаги нарсаларнинг аксини, суратини, образини мияга олиб кирадиган каналлардир. Сезиши субъектга, яъни инсон ва ҳайвонларга хос физиологик ҳодисадир. Бироқ, субъектдаги физиологик ҳодиса — ҳеч қачон ўз-ўзидан келиб чиқавермайди. Бизда сезги ҳосил бўлиши учун, сезгиларимиздан ташқарида объектив моддий нарса ва ҳодисалар мавжуд бўлиши шарт. Қисқаси, инъикос этилувчи нарсалар бўлмаса, инъикос қилиш имконияти бўлмайди. Сезилган нарсанинг мияга олиб кирилиши ва ундан англаш ҳосил бўлишининг фалсафий асосини В. И. Ленин қўидагича ифодалаб берган эди: «Сезги онгнинг ташқи олам билан ҳақиқатан бевосита боғланишидир, ташқи таъсирланиш энергиясининг онг фактига айланшидир» (8. 45.).

Материалистик физиологиянинг асосчиларидан бири Иван Павлов шу ташқи таъсирланиш энергиясини онг билан бевосита боғлайдиган сезгиларни билиш каналлари ёки анализаторлари деб атайди. Булар инсонда бешта: кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тана орқали ва тил орқали сезиши. Кишининг маза сезиши аппарати таомлардаги маза гаммалари тўғрисида мияга маълумот бераб турувчи бир анализатордир. Маза ўз мазмуни ва келиб чиқиши бўйича объектив характерга эгадир. Лекин шакли, ҳосил бўлиши (сезиб олиниши) бўйича эса субъективдир. Бу субъективлик сезиши марказлари мияда жойлашганлиги билан ифодаланади. Бинобарин, объектив манбанинг мазмунини тўғри, реал, худди ўзидек акс эттириш учун субъектив шакл (сезиши органи) нормал ривожланган бўлиши зарур. Сезгилар (жумладан, маза сезгиси ҳам) фикримизнинг манбаи ҳисобланади. Сезги бузилса фикр ҳам бузилади.

Физиология фани исбот этишича, маза сезиши рецепторлари киши туғилган вақтидаёт ўз вазифасини нормал ўтайдиган бўлади. Буни шу тажриба кўрсатади: Чақалоққа нордон ёки аччиқ нарса кўшилган овқат берилганда, у таомни ютмасдан дархол оғиздан чиқариб ташлайди, болада ҳимоя реакцияси ҳосил бўлади. Ана шу реакция натижасида организмга кераксиз таом ташқарига чиқариб ташланниб, сўлак безлари ишлаб кетади, ҳалиги таом қолдиқлари тил устидан ювиб юборилади. Шу ҳодисани Иван Павлов шартсиз, яъни тугма рефлекс деб атади. Шундай тажриба доим қайтариб турилса, шартсиз рефлекс шартли рефлекссга айланниб организмнинг муҳитга мосланишини таъминлаши ҳам мумкин экан. Шартли рефлекснинг келиб чиқиши ҳам салбий, ҳам ижобий характерларга эгч. Бир ҳолатда оғиз ўта аччиқ ёки ўта нордон мазага бора-бора ўрганиб қолиши мумкин, бу — салбий характеристи. Бошқа ҳолатда эса оғизда бу хил таомга нисбатан кучли реакция ҳосил бўлади, нормал бўлмаган таом организмга қабул қилинмайди ва ишлаб кетган сўлак безларидан чиққан тупук унинг қолдиқларини ювиб юборади, бу — ижобий характеристи. Бу ҳолда ташқи таъсир, яъни маза сезиши аъзолари томони-

дан түгри қабул қилиб олиниб, марказга интилувчи нерв толалари орқали яна сезиш аъзоларига қайтади ва сўлак безларини ишлатиб юборади. Шундай қилиб, тугма шартсиз рефлексга айланади ва организмни ташқаридаги нарсаларга мослайди, ўргатади, чиниқтиради. Маза сезиш аъзолари илгари ҳеч истеъмол қилинмаган таомларнинг мазасини бора-бора түгри қабул қиласидиган бўлиб тарбияланади. Маза сезиш аъзолари түгри тарбияланган кишилар турли масаллиқлардаги хилма-хил, илгари сезилмаган лаззатлилик, хушхўрлик, лазизлик гаммаларини ёки бадхўрлик, белаззат, bemazaliklarни түғри аниқлайдиган, улар ўртасидаги фарқни ажратадиган ва фикран анализ қиласидиган, сезилган мазалардан түгри ва аниқ хулоса чиқаридиган ҳамда ана шу мазаларни узоқ вақт эслаб қоладиган бўладилар. Шундай одамларни биз маза сезиш маданиятига эришган одамлар деймиз.

Маза сезиш маданияти түғрисида гапиришдан мақсадимиз шуки, мезбон ва меҳмон ана шу маданиятни ҳам эгаллаган бўлсалар, меҳмондорчилик янада оқилона, кўнгилдагидек ўтиши мумкин. Энг муҳими, кишининг бутун туриш-турмуши, ҳатто таомни тотиб кўриши ва ейиши ҳам гўзал бўлиши керак!

Бинобарин, мезбон томонидан тайёрланиб дастурхонга қўйила-диган таомлар покиза ва режали қилиб, илмий асосда тайёрланса, ташки кўриниши гўзал, ички мазмуни лаззатли бўлса, меҳмон иззат қилинган деб тушунамиз. Меҳмон ҳам таом тановулида юқорида келтирилган далилларга амал қиласа, лаззатли таомларни ҳузур қилиб еса, ўз иззатини англаган бўлади.



Чу меҳмон узатиб қўлин хонига,  
Қўйиб мезбон миннатин жойига.

*Алишер Навоий.*


Сахиyllигингда эй, она диёр,  
Пазандаларнинг ҳам ҳиссаси бор.

*Халқ байти.*

## ТАОМ ЛАЗЗАТИ — МЕҲМОН ИЗЗАТИ

(Меҳмондорчилик таомномаси.

Ҳар жойнинг ўз таомилига кўра ва ҳар  
фаслнинг масаллиқларидан  
турли таомлар тайёрлаш борасида)



## МЕҲНАТ НЕЪМАТЛАРИ

Меҳмон ва мезбон бўлгучилар доим ёдда тутмоқлари жоиздирки, бир бурда нону бир жаз гўшт ҳам, биттагина меваю бир дона гурч ҳам — дастурхонга қўйилган неки ноз-неъмат бўлса, барчаси инсоннинг машаққатли меҳнати натижасидир.

Таомнинг мазали ва bemaza эканлигининг фарқига бориш ҳам кишида меҳнат қилиш кўникмаларининг орта бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Марксизмда «Одамни меҳнат яратади» деган формула бор экан, меҳнат қила бошлаган ибтидоий одамларда дастлаб фаҳм-фаросат, уқув келиб чиқиб, сезги аъзолари такомиллаша боради. Сезги аъзоларининг такомиллашиши билан мия такомиллашади, натижада тушуниш, англаш, фикр юритиш қобилияти юзага келади. Одамлар энди ўз фикрларини бир-бирларига тушунтирадиган овозли тилга эга бўладилар.

«Аввало, меҳнат, сўнгра у билан бирга бурро-бурро қилиб сўзлаш иккита энг муҳим сабаб бўладики, бу сабаблар таъсири остида маймуннинг мияси секин-секин одам миясига айланди» (4. 85).

Ибтидоий даврлардаёқ одамлар ўзлари учун егулик нарсаларни табиатдан яккама-якка олишдан кўра, биргалашиб, колектив равишда ишлаб чиқаришнинг афзалликларини англаб етганлар. Шу сабабли улар оила, уруғ, қабилаларга бирлашиб овчилик, чорвачилик, йи-

ғим-теримчилик, дәхқончилик қилғанлар. Мана шу бирлашиш — бир-бирлари билан меңнат орқали ҳам, турмуш орқали ҳам муносабат боғлашни таъмин этди, бу эса ўз навбатида моддий ва маънавий маданиятни келтириб чиқардики, вақтлар ўтиши билан қабилалар әлатларни, әлатлар эса халқларни, халқлар эса миллатларни ташкил этгандариде турли жойларда истиқомат қилувчи ахолининг уй-жойлари, кийим-кечаклари, идиш-ассоблари, ейдиган овқатлари, урф-одатлари, эътиқоду анъаналари ва ҳатто характерлари ҳам турлича, махсус, ўзига хос равишда шаклланган бўлади. Пазандалик моддий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, амалий санъатнинг ўзгинасиdir.

Зотан, ҳар бир халқ маданияти ўзининг турлича шаклларига эга бўлгани каби таом тановулидаги одатларida ҳам масаллиқни ишлаб чиқариш ва уни пишириш услубларida ўзига хос хислат ва хусусиятлари бор. Мана шу ўзига хослик миллий ошхоналарда меҳмон учун махсус таомларнинг ижод этилишига ва пазандаликнинг тобора бойиб боришига олиб келади.

Миллий пазандаликлар бойишининг бошқа сабаблари ҳам бор. Чунончи, пазандалик санъатнинг бошқа соҳалари каби миллий маданиятнинг ҳеч қачон холис тараққий эта олмайдиган қисмидир. Шундай экан, бир территорияда яшайтган турли миллатларнинг, иқтисодий ва маданий алоқа боғлаган мамлакатлар халқларининг пазандаликлари бир-бирига доимий ва актив таъсир этиб туради ва бу мутлақо табиий ҳолдир. Мисол учун, ўзбек ошхонасида аллақачонлардан бўён украинча, кавказча, русча, татарча, қозоқча, тоҷикча, кирғизча, уйғурча, грузинча таомларнинг ўнлаб хиллари тайёрланади ва ўзлашиб ҳам кетган. Ўз навбатида бизнинг паловларимиз, шўрва ҳамда суюқ ошларимиз, хамир таомларимиз қардош ва хорижий халқларнинг дастурхонини безаб турибди.

Бир халқнинг таомлари иккичи халқнинг ошхонасига кириб боришининг асосий сабаби ҳам — меҳмондўстлик. Барча халқ меҳмоннавоз, шундай экан, у меҳмонсеварлигини ёлғиз ўз халқи қобигидагина, ўзига яқинлар орасидагина намойиш этмасдан, қўшни халқлар билан ҳам борди-келди қиласди.

Сирасини айтганда, ҳар қандай миллий пазандаликнинг махсус хусусиятларини ифодалаб берадиган иккита асосий омили бўлади. Бири — масаллиқларнинг не хилларини ишлатиш ва иккичиси — таом тайёрлаш услуги. Биринчи омили мазкур халқ экинларнинг ўнлаб хиллари ва юзлаб навларини етиштириб, моддий неъматларни ишлаб чиқаришдадир. Чорвачиликда эса йилқичилик, қорамолчилик, қўйчилик дуруст тараққий этган, яъни паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик соҳалар ҳам мавжуд бўлган.

Ўзбек пазандалигининг равнақига, барча овқатларимиз юксак лаззатлилик даражасига кўтарилганлигига, буларда анвойи турли, лазиз маза, муаттар ҳид гаммаларининг мужассамлашганлигига ана шу соҳаларда етиштирилаётган масаллиқларнинг сархиlliги бош омилдир. Бироқ, шу омилгина ўзбек пазандалигининг ўзига хослигини тўла ифодалай олмайди. Негаки, худди шу масаллиқлардан бошқа миллий пазандаликларда ҳам биздагига қараганда ўзгача лаззат, ўзгача хушбўйлик, ўзгача кўриниш кашф этиб таом тайёрланади. Мисол учун, ёлғиз гуручининг ўзидан ўзбек пазандалари пиширган таом япон, хитой, хинди ошпазлари тайёrlаган овқатлардан мутлақо фарқлидир. Ёки гўштдан, бир хилдаги сабзавотлардан, хамирдан жаҳондаги барча миллий пазандаликларда таом тайёрланади



(шу жумладаң ўзбек пазандачилигига ҳам), лекин ҳаммаси хилмахил, қар бирининг ўзига хос миллий колорити «манаман» деб туради.

Бинобарин, ўзбек пазандалигининг ўзига хос хусусиятларини тұла очиб берадиган иккинчи омил бу таом тайёрлаш услубидир. Миллий пазандаликнинг характеристига ақоли жойлашған ўлқадаги географик мұхит, унинг об-ҳаво, тупроқ шароитлари таъсирида озиқ-овқат бўладиган маҳсулотлардан ишлаб чиқариш орқали фойдаланиш натижасида келиб чиқсан иқтисодий шароитлар таъсир қиласди. Чунончи, чорвадорлик билангина шуғулланадиган жойларда гўшт-ёғ, сут-қатиқ кўпроқ истеъмол этилади, дехқончилик гуркираган жойлар таомномасидан эса асосан сабзавотли, дон-дунли овқатлар ўрин олади.

Ўзбекистоннинг географик ва иқлимий шароитларига мос келган қишлоқ хўжалик масаллиқлари ишлаб чиқаришда сабзавотлар, мевалар ва полиз экинларининг ҳамда турли дон-дун масаллиқлари ва турли тармоқларда ривожланган чорвачилик маҳсулотларини муҳайё қилишни таом тайёрлаш услуби белгилайди. Бинобарин, ўзбек пазандалигининг ўзига хослиги — таомларнинг серлаззатлилиги юқорида айтилган икки омилга боғлиқлигига. Маълум бўлдики, биринчи омил меҳнат билан етиштирилган масаллиқларнинг навлари, хиллари, кимёвий таркибининг мукаммаллиги, етилиб пишган ё хомлиги, янги узилган ёки яхши сақланганлиги ва умуман, хилма-хиллиги бўлиб бу омил объектив характерга әгадир. Иккинчи омил эса субъектив характерда бўлиб, таомнинг ташқи кўриниши, хуш бўйи ажойиб мазаси каби сифатларни рўёбга чиқариш, рецепт тузиш, ишлов бериш, маълум қоидалар асосида пишириш — пазанданинг тажрибалирига, кўнимкамаларига, билимига, уқувилигига, расамадлигига, покизалигига, омилкорлигига ва бинобарин, маҳоратига боғлиқдир.

Меҳмондўстликнинг яна бир жиҳати шундаки, бу санъатга оила-да ўғил ва қиз болаларни ёшлигиданоқ ўргатиб борилади, токи улар вояга етганларида турли таомларни тайёрлай билсинлар, уйига келган меҳмонни кўнгилдагидек кутиб оладиган меҳмондўст бўлиб етишинлар.

Меҳмон дастурхонига қўйиладиган бир неча хил таомларни қандай тайёрлаш борасида маслаҳат берар эканмиз, ўзбек дастурхонига таомлар тортиш тартиби қўлланилишини ҳам ёдда тутишингиз лозим деб ўйлаймиз.

Чунончи нон ва маъзар, ширинликлар ва мева-чева, яхна овқатлар, суюқ ош ва шўрвалар, қуюқ овқатлардан лағмонлар, кабоблар, дўлмалар, қовурмалар, димлама ва бугламалар, шовла ва бўтқалар, пировардига эса паловлар. Зотан, асрлардан бўён ўзбекча дастурхон тузаш ва меҳмонлар томонидан таом тановули шу тартибда шакллангандир.

## НОН ВА МАЪЗАР

«Таом бўлмаса бўлмас, бир бурда нон бўлса, бас». Ушбу ҳикматли сўз ноннинг асосий ғизо, овқатларнинг боши эканини кўрсатиб турибди. Айниқса, тўй ва азиз меҳмон учун тузаладиган дастурхонда нон асосий ўринни әгаллагани учун ҳам меҳмондўст халқимиз тандир нонларнинг юзларча хилини кашф этган. Бу ўринда шу нон ва маъзарлардан айримларинигина эслатиб ўтамиш.

Маъзар — арабча «моҳазэр» сўзидан олинган бўлиб, олдиндан тай-

ёрлаб қўйилган дастурхон маъносини англатади. Никоҳ тўйларида куёв жўраларининг «маъзар ёди» издаҳомини эсланг.

Маъзар асосан ҳамирдан тайёрланган турли сомсалар, занги, ўрама, қатлама кабилардан иборат бўлади. Меҳмон чакирган, тўй қидиган хонадон албатта маъзар тайёрлайди. ёки, бу ишни кўпчилик — қўни-кўшини, қариндош-уруг амалга оширади.

## Жиззали нон

Уй нонининг тўқтутарлигини ортириш ва лаззатини яхшилашга қаратилган бу нон унудилиб бормоқда. Сабаби, ҳаммавақт ҳам ҳар бир хонадонда жizzанинг бўлавермаслигидир.

Жizzанинг куйганларини териб ташлаб (сараплаб) шундай дона-доналигича ҳамирга қўшилади. Ҳамиртуруш билан тузни илиқ сувда эритиб, ун ва сувни қисим-қисимлаб қўшиб қаттиқ-юмшоқлиги ўртacha бўлган ҳамир қорасиз ва ошириш мақсадида ўраб, иссиқроқ жойга олиб қўясиз. Кўпчиган ҳамирни тоғоранинг ўзида муштлаб, сўнгра тахта устига олиб, қўл билан қалинлигини 1,5 — 2 см қилиб ёясиз. Ейманинг юзига текис қилиб жizzани солинг ва ҳамирнинг бир чаккасидан рулет қилиб ўранг. Уралган ҳамирга жizza яхши аралашсин учун рулетнинг икки чеккасидан кафтлар билан эшасиз, бунда ўнг кафт орқага, сўл кафт эса олдга бир неча бор ҳаракат қилдирилади. Ана шундан сўнг 150 — 200 гр келадиган зувалаларга бўлиб чиқасиз. Шар шаклида думалатилган зувалаларни ўнг қўлнинг мушти билан, сўнг ҳар иккала қўлнинг кафти ва бармоқлари билан эзидоиришади. Шаклидаги нон ясайсиз. Ноннинг четлари 2 — 3 см, ўртаси эса 1 см қалинликда бўлсин. Ҳар бир ноннинг ўртасига чакич уриб, тандирга ёпиб то сингигунча пиширасиз. Дастурхонга тортишдан олдин бир оз тобини чиқариб, мустақил таом сифатида чой билан келтириб қўясиз.

*Масаллиқ: 1 кг ун, 50 гр ҳамиртуруш, 2 стакан сув, 300 гр жizza, 2 чой қошиғида туз олинади.*

## Гўштли нон

Жizzали нон учун тайёрлангандек, ҳамир тайёрланади, фарқи ҳамирга жizza ўрнига гўшт қийма солиб ўғрилади. Бунинг учун 200 гр лаҳим гўштни қиймалагичдан ўтказиб, 200 гр тўғралган пиёз ва 0,5 чой қошиғида туз сепиб яхшилаб мижилади. Қолган жараёнлар юқорида «Жizzали нон»да айтилганидек амалга оширилади.

*Масаллиқ: 1 кг ун, 50 гр ҳамиртуруш, 2 стакан илиқ сув, 1,5 чой қошиғида туз солинади. 200 гр гўшт, 200 гр пиёз ва 0,5 чой қошиғида туз солиб, қийма тайёрланади.*

## Оби нон

Тоғорага илиқ сув қуйиб ҳамиртуруш ва тузни эритасиз, унни ва сувни қисим-қисимлаб солиб ўртача қаттиқликда ҳамир қорасиз, яхшилаб муштлаб пишитиб тоғоранинг ўзида қолдириб юзига сочиқ

ёпіб, устидан күрпача билан ўраб, иссиқроқ жойга олиб құясыз. Күпчиган хамирни яна муштлаб, 250 — 300 граммли зувалалар ясаб, күп урвоқ беріб доирасимон — четларининг қалинлиги 2 см, ўртасини эса 0,5 см қилиб ясайсыз. Ҳар бир ноннинг ўртасига чакич уриб, юзига дастурхон ёпіб қўйсангиз қанзимайды ва хамир яхши тинади. 15 — 20 минутдан сўнг ноннинг орқасини намлаб, қизитилган тандирга ёпіб пиширасиз. Тандир деворида аккумуляция бўлган иссиқлик ва чўғдан таралган инфрақизил нурлар таъсир этганлиги учун нон фоят хушбўй ва лаззатли чиқади.

Дастурхонга бутунлигича патнисда қўйилади ва бевосита ёйиш олдидан синдирилади.

Хамири ушбу рецепт ҳисобида олиниб, керагича кўпайтирилиб, исталган микдорда нон ёпіб олиш мумкин.

*Масаллиқ: 1 кг ун, 50 гр хамиртуруш, 2 стакан илиқ сув, 2 чой қошик туз.*

### Сутли нон

Тайёрлаш усули худди оби нон каби амалга оширилади, фақат рецептида хамирга сув ўрнига сут қўшиб қорилади. Ачиган сутни ишлатса ҳам бўлади, қатиқ зардобида хамир қориш ҳам яхши натижага беради.

*Масаллиқ: 1 кг ун, 40 гр хамиртуруш, 2 стакан илиқ сут, 1,5 чой қошиғида туз керак бўлади.*

### Патир нон

Қадим замонлардан то ҳанузгача етиб келган бу нон рамзий маъноларни ҳам англатиб азиз меҳмон ва тўй дастурхонининг кўрки ҳисобланган. Дастурхонда патир бўлса меҳмондорчилик учун маҳсус тайёргарлик кўрилганини англатган. Унинг катта қилиб ясаб ёпилиши кўпчилик истеъмол этишига мўлжалланганлигини билдиради. Никоҳ тўйлари олдидан кўёв томон — қудалар албатта патир ёпіб келганлар. Дастурхонда патир ушатилиши қиз томоннинг тўйга розилик аломатини билдирган.

Илиқ сутда хамиртуруш ва тузни әритиб, доғлаб совутилган қўй ёғи ёки сариёғ қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Сўнгра оз-оздан ун солиб қаттиқ хамир қорасиз, узок муддат муштлаб пишитганингиздан сўнг ўраб иссиқроқ жойда ошгунча қолдирасиз. Кўпчиган хамирдан 500 граммли бўлаклар узиб олиб, зувалалар ясайсыз. Ҳар бир зувалани тахта устига қўйиб бир ёнидан чап қўл билан ўзингизга қаратиб бураб айлантириб, ўнг қўлда қирғонини пичноқ билан тилиб кунгуря соласиз, тепасини ҳам кесишма чизиқли қилиб тилиб чиқасиз. Ана шундай тайёрланган зуваланинг тепасидан мушт билан эзиб, сўнг бармоқларни чаққон ишлатиб лаган катталигида нон ясайсыз. Ноннинг четлари 3 — 4 см қалинликда, ўртаси эса 1 см келадиган бўлсин. Ўртасига жуда зич қилиб чакич урасиз ва юзига седана сепасиз. Ҳамма зувалалардан патир ясаб бўлгач, юзига дастурхон ёпіб 15 — 20 минут тиндириб қўясыз. Шу муддат ичидага тандирга ўт қўйиб қизигач, чўғни ўртага тўплаб, устига кул торласиз, тандир деворларига ва патирнинг тескари томонига хиёл намакоб суртиб, чаққонлик билан ёпиширасиз. Патир тандирда оби нонга қараганда узокроқ ушланади.

Епилган ноннинг сирти бир оз қотганда буғ ҳосил бўлсин учун сув севалайсиз ва чўғнинг юзини очасиз, баъзан тандирнинг қопқоғини бир оз муддат беркитиб димланади? Пишганлиги сирти қизарганидан аниқланади. Тандирдан узиб олгач, иссиғида юзига бир бўлак эритилмаган думба ёғи суртсангиз чиройли чиқади.

*Масаллиқ: 1 кг оқ ун, 1 стакан илиқ сут, 40 гр хамиртуруш, 150 гр эритилган қўй ёғи ёки сариёғ, 2 чой қошиғида туз, юзига сепиш учун 1 чой қошиғида седана керак.*

## Еғли кулча

Хамир қорилиши ва ёпиб пиширилиши «патир»нинг ўзгинаси, бироқ кичикроқ — 150 гр зувалачалар олиб ясалади.

*Масаллиқ: 1 кг оқ ун, 1 стакан илиқ сут, 40 гр хамиртуруш, 150 гр эритилган қўй ёғи ёки сариёғ, 2 чой қошиғида туз ва 1 чой қошиғида седана керак бўлади.*

## Лочира нон

Тўй, байрам ва азиз меҳмон дастурхонига атаб Тошкентда пишириладиган қадимий ноннинг бир хили.

Сут билан тухумни ийлаб, бунга туз ва эритилган қўй ёғи ёки сариёғ қўшасиз. Ана шу суюқликка қисим-қисимлаб ун солиб хамир қорасиз. Хамирни зувала қилиб, сочиққа ўраб 10 — 15 минут тиндириб оласиз. Сўнгра 200 граммли бўлакларга бўлиб, қалинлиги 1 см, текис қилиб жувада ёясиз, ҳошиясини эса бўрттирмайсиз. Ўирғоқларини пичноқда шестеренкага ўхшатиб кесиб чиқасиз, юзига гоҳ чакич уриб, гоҳ чимчилаб гул соласиз.

Сопсиз чўян товани ёғлаб, лочирани соласиз, четини тованинг четига мослаб букасиз, токи нон това шаклини олсин. Духовкани 300 градусгача қиздириб, нонни товаси билан қўйиб сирти қизаргунча пиширасиз. Юзи йилтироқ чиқсин учун ийланган тухум суртсангиз ҳам бўлади. Дастурхонга тортганда това шаклида бўлган нонга қандкурс ёки мева-чева солиб келтирасиз.

*Масаллиқ: 1 кг оқ ун, 1 стакан сут, 1 дона тухум, 1 стакан эритилган қўй ёғи ёки сариёғ, 2 чой қошиғида туз солинади.*

## Қатлама патир

Бу хил патир нон Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларидаги кишлоқ жойларда тўй ва меҳмон дастурхони учун қадимдан тайёрлаб келинади. Булар орасида энг машҳури «Қарши қатламаси» бўлиб, анча катта, диаметри 50-60 см қилиб ясалади.

Сув ёки сутда хамир қорасиз, зувала қилиб ўраб олиб қўясиз. 12—15 минутлардан сўнг тинган хамирни жўва ҳамда ўқлов ёрдамида 1-2 мм ли қилиб ёясиз. Ейманинг юзига қаймоқ (сариёғ, маска ёғ ёки эритилган қўй ёғи) суриб ўқловга ўрайсиз-да, узунасига пичноқ билан тортиб кессангиз, эни 4 — 5 см келадиган тасмалар ҳосил бўлади. Тасмаларнинг 4 — 5 тасини бир-бири устига қатлаб, серпантин қилиб юмалатиб (ўраб) тахтага қўйиб, жўва билан қалинлиги 1 см келадиган қилиб ёясиз. Юзига бир текис чакич уриб, тандирда бошқа нонлар каби пиширасиз.

*Масаллиқ: 1 кг оқ ун, 2 стакан сув, 2 чой қошиғида туз, хамір үзіга суртиш учун 300 гр қаймоқ ёки 200 гр сариёғ керак бўлади.*

### **Қозон патир**

Ўзбекистон территориясида илгари чорва билан машғул бўлган аҳоли муқим бир жойда турмаганликлари учун уй ҳам қурмаганлар, ўтов тикиб яшаганлар, бинобарин тандир ҳам қуришмаган, нонни эса ўзлари билан олиб юрган қозонда пиширишган. Бу унutilган нон эндиликда тикланган ҳисобланади ва азиз меҳмон дастурхонига кўрк беради.

Илиқ сутга хамиртуруш ва туз солиб эритасиз. Сўнг қисим-қисимлаб ун қўшиб қорган қаттиққина хамирингизни ошириш учун иссиқ ўраб қўясиз. Кўпчиган хамирдан 500 граммли зувалалар қилиб, тахтага қўйиб кафтлар билан эзib-текислаб қалинлиги 1,5 — 2 см келадиган патир ясайсиз. Ушбу патирнинг юзи чакичланмайди ҳамда бошқа нонлар каби ҳошияси ҳам қалин қилинмайди. Қозонни қуруқ қиздирасиз ва ҳалиги текис қилиб ясалган патирни солсангиз қозон шаклига киради. Қўл билан, капгир билан қўзгатиб, қизиган қозон деворларига суркаб турсангиз бир томони қотади, сўнг айлантириб иккинчи томонини ҳам қозон деворига ишқаб, оловини ўртача бериб қизартирасиз. Қозон шаклини олган косасимон нон ҳосил бўлади, буни янада сингдириш учун чўғ тафтида, айлантириб батамом пиширасиз. Дастурхонга тортишда патирни ичига сариёғ солиб келтирасиз. Бу патир бир чеккадан синдирилиб, ичидаги сариёққа ботириб ейилади.

*Масаллиқ: 1 кг оқ ун, 2 стакан янги согилган илиқ сут, 1,5 чой қошиғида туз, 30 гр хамиртуруш, ичига солиб дастурхонга тортиш учун 200 гр сариёғ (маска ёғ) олинади.*

х х х

Нонларнинг тури кўп, дедик, ҳар бир шаҳар ва қишлоқ меҳмон учун ўзига хос нон тайёрлайди. Кўпгина турдаги нонларни меҳмон учун бозордан олишга тўғри келади, чунончи ширмой нон, қўшалоқ ширмой кулча, ширмой патир, обу холу олча гули, пўлодий нон, осиёй, тароқ нон, қашқар патир, гижда ва ҳоказолар ғоят чиройли, дастурхонбоп қилиб тайёрланган бўлади.

### **Варақи сомса**

Ўзбек пазандалигида варақи типидаги сомсалар тайёрлаш технологиясига кўра икки хил бўлади: ёғда қовурилади ёки тандирга ёпиб пиширилади. Ҳар иккала хили ҳам тўй, байрам ва азиз меҳмон дастурхонига тайёрланадиган маъзар ҳисобланади. Тўй маъзарига ва азиз меҳмон дастурхонига аталган расмана варақи сомса бундай тайёрланади.

Илиқ сувга туз ва эритилган қўй ёғи ёки сариёғ солиб қаттиққина хамир қорганингиздан сўнг 10 — 12 минут ўраб қўйиб, тиндириб, яна муштлайсиз. Шундан сўнг ўқлов ёрдамида жуда нафис (1 — 2 мм) қилиб ёясиз. Ейманинг юзасига ёғ суркаб, эни 7-8 см келадиган тасма-

лар кесасиз. Тасмаларни 3 — 4 тасини бир-бирининг устига қўйиб яна эни 7 — 8 см келадиган қилиб кесссангиз, уч-тўрт қаватли квадрат жилдлар ҳосил бўлади. Жилд ўртасини жува билан нафисроқ қилиб ёясиз, чеккалари эса қат-қатлигича қолаверади. Шу усулда тайёрланган жилдларга 1 чой қошиғида қийма солиб уни икки буклайсиз, четларига қўл теккизмай қийма солинган жойи атрофини бармоқлар билан эзib ёпиштирасиз. Ана шу сомсаларни доф бўлиб турган фритюр ёғга солиб, қизаргунча қовурасиз, чеккалари худди китобнинг варақларига ўхшаб чиройли чиқади.

Қиймаси бундай тайёрланади: камёкроқ қўй (мол) гўштини қиймалагичдан ўтказиб, жуда майин қилиб тўғралган пиёз, мурч ва туз қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Доғланган ёғдан товага солиб қиймани жазлаб оласиз. Гўшт билан пиёз сели терилгунча кавлаб турализ. Сўнгра қиймани лаганга солиб ёйиб совутасиз ва жилдларга солиб юқорида айтилгандек қилиб тугасиз. Сомсаларни қовуриб олганингиздан кейин ликопчаларга, лаганга солиб, юзига қанд упасидан сепиб дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 50 гр эритилган қўй ёғи (сариёғ), 0,75 стакан сув, бир чой қошиғида туз; қиймаси учун 400 гр ёғсиз гўшт, 3 — 4 бош пиёз, таъбга кўра мурч ва туз соласиз.*

Фритюр учун 1 кг ўсимлик мойи доғланади.

### Тандир варақи-сомса

Сомсанинг ушбу тури шаҳар аҳолиси ўртасида анча қадимдан келиб чиққан бўлиши керак. Чунки ҳафсала билан бемалолчиликда тайёрлашни тақозо қилиши ва тузилиши ҳам чиройли — тўрт шаклда, хўрандага эстетик завқ берадиган қилиб ясалиши каби омиллар бунга ишора қиласиди. Тандир варақи тўй, байрам ва катта меҳмондорчилик издаҳомларида асосий маъзар ҳисобланади.

Оддий хамир тайёрлайсиз, ўраб 10 — 12 минут тиндириб олгач ўқлов ёрдамида нафис (1 — 2 мм) қилиб ёясиз. Ейманинг юзига эритилган мол ёғи суркасангиз, у дарҳол тўнглайди. Ана шундай ёйманни рулон қилиб ўрайсиз, ёғ томони ичидаги қиласиди.

Рулондан эни 5 см келадиган тўгаракчалар кесасиз. Ҳар бир тўгаракчани бармоқ билан текислаб, жува ёрдамида 2 — 3 мм келадиган қилиб ёйсангиз, қатлама жилд ҳосил бўлади. Жилдлар ўртасига 1 ош қошиғида қийма солиб хоҳ юмалоқ, хоҳ учбурчак, хоҳ тўртбурчак, хоҳ квадрат шаклда бўлган сомсалар тугасиз. Тўгарак ёйма ана шу хил шаклда сомса туғиш учун энг қулай ҳисобланади. Сомсаларни тандирга ёпиб ёки патниси ёғланган духовкага қўйиб пиширасиз. Даствурхонга ликопчаларда тортилади. Ушбу сомсанни иссиғида ҳам, совиганда ҳам эмас, илиғида истеъмол этиш лаззатли бўлади.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 стакан сув, 1 чой қошиғида туз, 50 гр мол ёғи (ёймага суртиш учун); қиймаси учун 400 гр гўшт, 50 гр думба (чарви) ёғ, 300 гр пиёз, 1 чой қошиғида туз ва мурч керак бўлади.*

## Ошқовоқ сомса

Қадимий қишлоқ аҳолисининг таоми бўлиб, кейин шаҳарларга ҳам кенг тарқалган. Илиқ сувга хамиртуруш солиб, туз билан бирга эритгач, қисимлаб ун солиб, хамир қиласиз-да, ўраб, ошириш учун олиб қўясиз. Оширилган хамирдан ёнғоқдай зувалачалар ясагач, урвоққа белаб, жува билан қалинлиги 2 мм қилиб жилд ёясиз. Ҳар бир жилдга ошқовоқ қиймадан солиб, тўрт бурчак шаклида сомсалар туласиз (овал, думалоқ, учбурчак, яримой шаклларида сомса тугса ҳам бўлади).

Сомса қизитилган тандирнинг жағига ёпилиб ёки духовкада пиширилади. Духовка аввал қизитилиб, патниси ёғланиши шарт, акс ҳолда сомса ёпишиб қолади.

Қиймасини тайёрлаш учун «сомса ошқовоқ» танланади. Бу жайдари навнинг пўчоги қаттиқ ёғочсимон, сирти қора-сариқ — олачи-пор бўлади. Қовоқни иккига ёриб, уруғи олиб ташлангандан сўнг, маҳсус қошиқсимон қирғич ёрдамида қирасиз. Агар ошқовоқнинг бошқа навини танлаган бўлсангиз, уругини олиб ташлагач  $1 \times 1 \times 1$  см кубик шаклда — майда тўғрайсиз. Бунга ҳалқа қилиб тўғралган пиёз, жизза ёки майда тўғралган чарви ёғ, туз ва қалампир қўшиб мижиз.

Тайёр сомсаларни тандирдан узиб, бир оз тобини чиқаргач, дастурхонга тортасиз. Ошқовоқ сомса совиганда ҳам ўз хушхўрлигини йўқотмайди.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 25 гр хамиртуруш, 1 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз солинади; қиймаси учун 700 гр ошқовоқ, 3 — 4 бош пиёз, 100 гр чарви ёғ (ёки 1 стакан жизза); туз ва қалампир таъбга кўра олинади.*

## Кўк сомса I

Бундай сомса йилда бир-икки марта, баҳор ойларидагина тайёрланиши мумкин бўлганлиги учун ҳам тансикдир.

Ошқовоқ сомсада айтилганидек хамир қорилади ва ёйлади.

Қиймаси навбаҳорда илк кўкариб чиққан отқулок, жағ-жағ, ялпиз, йўнгичка, мачин, шўра, чумчуқкўз, беда, исмалоқ, қоқиёт, газандаут каби доривор гиёҳлардан тайёрланади. Кўкатларни саралаб, 4 — 5 маротаба юваб, суви силқигач, майда қирқасиз ёки чопасиз. Бунга бош пиёз, кўк пиёз, саримсоқ кўки, жизза ёки қўй ёғи, туз ва мурч қўшасиз.

Тайёрлаб қўйилган ҳар бир жилдга бир ош қошиғида кўк қиймадан солиб тўртбурчак шаклида сомсалар туласиз ва тандирнинг жағига ёпиб пиширасиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 25 гр хамиртуруш, 1 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз; қиймаси учун баҳорда янги кўкариб чиққан турли доривор гиёҳлардан бири (бир неча хилини қўшиб тайёрласа ҳам бўлади) 500 гр, 1 бор кўк пиёз, 1 бор саримсоқ кўки, 1 бор укроп, 2 — 3 бош оқ пиёз, 100 гр жизза ёки 50 гр чарви ёғ, 4 дона тухум, таъбга кўра туз ва мурч олинади.*

## Кўк сомса II

Оддий хамир (хамиртурушиз) қорилади. Сочикқа ўраб 10 — 12 минут тиндириб олингандан сўнг 50 граммли зувалачалар юмалоқлайсиз. Ҳар бир зувалачани жўва билан ёйиб жилд ҳозирлайсиз. Ҳар бир жилдга бир ош қошигида кўк қиймадан солиб, икки буклаб четларини ёпиштирасангиз, яримой шаклидаги сомсалар ҳосил бўлади.

Қиймасини тайёрлаш учун юқоридаги рецептда кўрсатилган гиёхлардан олиб, майда қирқиб, бунга яна бошпиёз, кўк пиёз, саримсоқ кўки, жizzза ёки майда тўгралган чарви ёғ, қаттиқ пишириб тўгралган тухум, таъбга кўра туз ва мурч қўшиб аралаштирасиз. Ушбу кўк қиймани қўй ёғида жазлаб олинади. Бунинг учун чарви ёғ ёки думба ёғни майда тўграб, эритиб, жizzзасини олиб кўкат қиймага қўшасиз, яхши доғ бўлган ёғга кўк қиймани солиб дам кавлаб, дам димлаб турсангиз, ҳажми анча камайиб, сели чиқади. Ана шу пайтда олиб лаганга солиб ёйиб-яйратиб совутасиз. Сўнгра жилдларга солиб яримой шаклидаги сомсалар тугасиз ва буни доғланган ёққа солиб қизартириб қовуриб оласиз. Тоби чиқиб, ейишли бўлганда дастурхонга тортилади.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 стакан илиқ сув, 1 чой қошигида туз, қиймаси учун ҳар хил гиёҳлардан 500 гр, 1 бояг кўк пиёз, 1 бояг саримсоқ кўки, 2 — 3 бояш пиёз, 1 стакан жizzза, 2 дона тухум, таъбга кўра туз ва мурч керак бўлади. Қиймани қовуриш учун 50 гр қўй ёғи, сомсалар қовуриш учун эса 200 гр ўсимлик мойи олинади.*

## «Лаззат» сомса

Бу пазандалигимизда янги пайдо бўлган тансиқ таомдир.

Маргаринни холодильнике қотириб олиб, қиргичдан ўтказасиз ва эланган унга қориштирасиз. Қатиқ ёки кефирни тухум билан бирга бир хил масса ҳосил бўлгунча ийлайсиз-да, маргарин қориштирилган унга қўшиб хамир қорасиз. Хамир қориш давомида навбати билан сирка, чой содаси ва туз қўшасиз. Хамирни яхши муштлаб пишитиб, зувала қиласиз ва сочиққа ўраб холодильникка қўясиз.

Ана шу вақт ичидаги қиймасини ҳозирлайсиз. Бунинг учун ёғлиқ қўй (мол) гўштининг лаҳим қисмидан олиб «чумчуқ тили» қилиб тўғрайсиз, пиёзни эса сомонча қилиб тўғрайсиз, сўнг ошпичоқ билан чопасиз, бунга туз, мурч, зира қўшиб яхшилаб мижийсиз. Қийма ёғлиқ чиқса, пиёзни сал кўпроқ қўшасиз, ёғсизроқ бўлса камайтирасиз. Бу сомса учун энг яхши қийма таркиби: ярми гўшт, чорак қисми ёғ ва чорак қисми пиёз бўлиши шарт.

Холодильникка қўйилган хамирни ёнгоқдай келадиган зувалачаларга бўласиз. Ҳар бир зувалачадан жўва ёрдамида 2 мм қалинликдаги тўғарак жилдлар ёясиз. Жилдларга бир ош қошигида қиймадан солиб шарсимон сомсалар тугасиз. Духовка патнисини ёғлаб сомсаларни бир-бираига ёпиштирмай терасиз, юзига ийланган тухумдан суртиб, седана сепгач, қизитилган духовкага солиб пиширасиз. Пишганлиги сиртининг қизарганлиги билан аниқланади. Духовкадаги икки патнис сомсанни қизарганлигига қараб ўрнини алмаштириб қўясиз, чунки юқори патнисдаги сомсалар тез қизаради.

Лаганга териб дастурхонга тортилади.

**Масаллиқ:** хамири учун 500 гр оқ ун, 200 гр маргарин, 1 стакан қатық ёки кефир, 1 дона тухум, 1 чой қошиғида сирка, шунча чой соңаси, шунча туз солинади; қиймаси учун 500 гр лаҳим гүшт, 250 гр ёғ, 250 гр пиёз, ярим чой қошиғида туз, ярим чой қошиғида мурч, ярим чой қошиғида зира. Юзига эса 1 дона тухум чақилади ва 1 чой қошиғида седана сепилади.

## Қатлама

Тўй дастурхонининг асосий маъзари бўлган бу таом жуда қадимий бўлиб, ҳозирда ҳамма жойда тайёрланади.

Унга сув ва туз қўшиб оддий хамир қорасиз, зувала қилиб сочиққа ўраб, 10 — 12 минут тиндириб қўясиз. Сўнгра ўқлов ёрдамида жуда юпқа (1 — 2 мм) келадиган қилиб ёясиз. Юзига қаймоқ (сариёғ, маска ёғ ёки эритилган қўй ёғи) суртилган ёймани ўқлогига ўрайсиз. Ўралган ёймани ўқлов бўйлаб пичоқда кессангиз бир неча қаватли, эни 4 — 5 см келадиган хамир тасмалар ҳосил бўлади. Ана шу тасмалардан 3 — 4 тасини бир-бири устига жуфтлаб, бир учидан филдиратиб ўрайсиз-да, тахтага қўйиб жува ёрдамида қалинлиги 1 см келадиган қилиб ёясиз.

Қозонни қуруқ қиздириб 1 ош қошиғида ёғдан суртасиз ва қатламани солиб аввал бир томонини, кейин иккинчи томонини қизартириб пиширасиз.

Лаганга тузаб, юзига шакар сепиб, дастурхонга тортасиз.

**Масаллиқ:** 1 кг оқ ун, 2 стакан сув, 2 чой қошиғида туз, хамир юзига суртиш учун 300 гр қаймоқ ёки 200 гр сариёғ (маска, қўй ёғи), қовуриш учун 50 гр сариёғ, юзига сепиш учун 2 ош қошиғида шакар олинади.

## Ўрама

Озгина шакар эритилган сувга тухум чақиб ийлайсиз. Суюқликка қисим-қисимлаб ун ва эритилган сариёғ солиб қаттиққина хамир қорасиз, зувала қилиб сочиққа ўраб 10 — 12 минут тиндириш учун олиб қўясиз. Сўнгра ўқлов билан юпқа (1 — 2 мм) қилиб ёясиз. Буранда (пилдироқ филдиракли кескич) ёрдамида ёймадан эни 5 — 6 см, узуунлиги хамирнинг бўйига қараб, тасмалар кесиб оласиз-да, чап қўлда ушлаган ҳолда ўнг қўл билан рулон қилиб ўрайсиз. Ўрама хамирни доғ бўлиб турган фритюрга (яъни кўп ёққа) солиб қовуриб оласиз. Дастурхонга тортишда вазаларга тузаб, юзига қанд упаси сепасиз.

**Масаллиқ:** 1 кг оқ ун, 2 дона тухум, ярим стакан сув, 2 ош қошиғида шакар, 100 гр сариёғ (маска ёғ) олинади. Фритюр доглаш учун 1 кг ўсимлик мойи керак бўлади.

## Қовурма чучвара

Тошкент тўйларида ва катта меҳмандорчиликларда азалдан урф бўлган бу маъзар бошқа жойларга ҳам энди-энди тарқалмоқда.

Қовуриладиган чучвара учун қайнатиб пишириладиган чучвара хамирига қараганда пастроқ намакли қаттиққина хамир қорасиз, юпқа қилиб ёёсиз ва чучвара учун мўлжаллаб  $5 \times 5$  см ҳажмли квадрат жилдлар кесасиз. Лаҳим гўштни қиймалагичдан ўтказиб, майдада тўғралган пиёз, туз ва мурч қўшиб мижийсиз ва бир оз ёққа солиб қовуриб оласиз. Ана шу қовурилган қиймадан жилдларга солиб чиройли чучваралар тугасиз. Чучвараларни қизаргунча фритюрда қовуриб олиб, вазаларга тузайсиз-да, юзига шакар ёки қанд упаси сепиб, дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: хамири учун 1 кг оқ ун, 2 дона тухум, 1,5 стакан сув, 2 чой қошигида туз олинади; қиймаси учун 800 гр гўшт, 5 — 6 бош пиёз, таъбга кўра туз ва мурч солинади. Фритюр учун 1 кг пахта ёғи додланади.*



## Зангза

Тоғорачага илиқ сут ва сув, эритилган қўй ёғи (сариёғ), шакар, туз, ийланган тухум, хамиртуруш солиб яхшилаб аралашибасиз. Ушбу суюқликка қисим-қисимлаб ун солиб, ўртача қаттиқликда хамир қорасиз. Хамир 20 минутча тиндирилгач, урвоққа белаб йўғонлиги қаламдай келадиган, узунлиги эса 40 — 50 см бўлган чилвир ясайсиз. Ҳар бир хамир чилвирни тўрт қаватлаб туриб пармадек бураб, фритюрга солиб қизаргунча қовуриб оласиз.

Зангзани вазага солиб, юзига шакар сепиб дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: хамири учун 1 кг ун, 1 стакан сув ва 1 стакан сут, 1,2 стакан эритилган қўй ёғи ёки сариёғ, 1 дона тухум, 2 ош қошигида шакар, ярим чой қошигида туз, 30 гр хамиртуруш керак бўлади. Фритюр учун 1 кг ўсимлик мойи додланади.*

## ШИРИНЛИКЛАР ВА МЕВА-ЧЕВА

Меҳмон дастурхонида ширинликлар ва мевалар бўлиши шарт. Удумга кўра, ширинликлар суҳбат ширин бўлишининг рамзи, меҳмонни хуш кўрганликнинг ифодаси ҳисобланади. Сўнгра ширинликлар ва мева-чевалар дастурхоннинг кўрки, фаровон ҳаёт белгиси, ўзининг чиройли безаги, ранги ва шакллари билан кишига эстетик завқ ҳам ато қилиб туради.

Одатга кўра, бизда меҳмоннинг олдига даставвал ширинликлар кўйиш шарт, бироқ режали овқатланиш нуқтаи назаридан ширинлик иштаҳани бўғади. Лекин халқ табобатига кўра, ширинликлар, айниқса нишолда ва мевали ҳамда сабзавотли мурабболар ҳазми таом бўлади. Ҳархолда, меҳмонлар ейдиларми, йўқми, дастурхонда ширинликларнинг сарҳили бўлмоғи шарт. Гастрономдан сотиб олинган тортлар, анвойи шоколадлар, ҳолваю конфетлар, оқ қанд, новват, гоҳо турли мурабболар дастурхонга қўйилади. Мева-чева деганда тармевалар қуруғи ҳам назарда тутилади. Мавсумга қараб қулупнай, гилос,



олма, узум, ўрик, шафтоли, нок, анжир, анор, лимон, қовун, тарвуз ва шу кабилар қўйилади. Қуруқ мевалардан баргак (туршак), ёнғоқ, бодом, писта, майиз, магиз ва бошқалар қўйилади.

Тармеваларни дастурхонга алоҳида-алоҳида қўйиш ҳам мумкин ёки бир неча хилини катта вазага (яъни олма, шафтоли, олхўри, узум) ассорти тарзида қўйиш ҳам мумкин.

Анор, қовун, ҳандалак, тарвуз ва лимон чиройли қилиб кесиб қўйилади. Буларни фигурали, гулга ўхшатиб, саватча қилиб кесишинг 40 тача усули бор.

Шириналлар ва қандолатлар тайёрлаш ўзбек пазандалигида жуда муҳим ўрин тутади. Бир вактлар ўзбек қандолатчилари «шарқ шириналлари» тайёрлашда машҳур бўлиб, улар саноқсиз турдаги қандолатлар, новвотлар ва ҳолвалар ижод этганлар. Илгари ўзбеклар меваларга оққандни, шакарни қўшиб қайнатиб, мураббо пишириб, ун, ёғ ва бошқа хурушлар қўшиб ҳолвалар, атиргул япроғини шакар билан бойитиб, гулқанд тайёрлаб истеъмол этганлар. Шундай қилинганд қанд (шакар)нинг шириналлик даражаси 50 фоизга камайган. Ҳозирги даврда қандли диабет касали кўпайиб кетганлигининг бир чеккаси шакарни ўткир шириналлик сифатида ёш гўдаклардан то қарияларгача кўп истеъмол қилаётганлиги оқибати эмасмикин?

Шакарнинг шириналлик даражасини ярмигача камайтириб, мурабболар, печакқандлар, попукқандлар, дандонқандлар, пашмаклар, кунжутли ҳолвалар, парвардалар, лавз ҳолвалар, писта-бодом ҳолвалар тайёрловчи мутахассислар қандолатчилар деб аталиб, эндиликда бу ҳунар ғоятда нодир бўлиб қолди. Шунинг учун юқорида санаб ўтилган шарқ шириналларининг кўпи унтилди ҳисоб. Халқ тажрибасида сақланиб қолган қандолат тайёрлаш усулларини тўплаб, келажакда бир китоб ёзишни муаллиф мўлжаллаб қўйган.

Қандолатларни тайёрлаш маҳсус билим ва кўникмалар талааб қиласиди. Бу ўринда хонадонда ҳар бир уй бекаси осонликча тайёрлай олиши мумкин бўлган айрим шириналлар ва баъзи мурабболар тавсия этилади.

## Ҳолвайтар

Ҳамма жойларда тайёрланади, номи форс-тоҷик тилидан олинган бўлиб, «суюқ ҳолва» ёки «ҳўл ҳолва» деган маънони билдиради.

Қозонни қиздириб ёғни доғлайсиз ва оловдан олиб капгир билан шопириб тобини чиқаринг. Ёғга унни солиб, оловга қўйиб доим аралаштириб турсангиз, ун қизаринқираб оч жигарранг тусга киради. Қайнок сувда қанд (шакар)ни эритиб қозонга қуясиз ва тез-тез аралаштириб қумоқларини ёзиб қайнатасиз. Оловни сустроқ беринг. Ҳолвайтар қизғиши рангга кирганда оловдан олиб тобини чиқарасиз ва пиёлаларга, ликопчаларга тақсимлаб, дастурхонга тортасиз.

*Масаллик: 100 гр қўй ёғи (эртилгани), 1 стакан ун, 1 стакан шакар ёки 150 гр оқ қанд, 3 стакан қайнок сув керак бўлади.*

## Болқаймок

Асални металл идишга солиб оловга қўйсангиз суюлади, қаймоқни ҳам ўтга қўйиб, доим кавлаб турсангиз, қайнаб ёғи юзида кўлкиллай бошлайди. Худди шу пайт эриган асални қўйиб аралаштира-

сиз. Болқаймоқ қуюкроқ бўлсин десангиз, бир оз оқ ун ҳам қўшиб кавланг.

Иссигида пиёлаларга солиб дастурхонга тортилади.

*Масаллик: 2 стакан қаймоқ, 1 стакан асал, 1 ош қошигида ун керак бўлади.*

## Қувватижон

Асал билан сариёғни алоҳида-алоҳида идишларда суст оловда эритиб, бир-бирига қўшиб, ёғоч куракча билан то бир хил масса ҳолига келгунча аралаштирасиз. Ушбу шириналкни нонга суртиб ейиш учун чой дастурхонига тортилади.

*Масаллик: 300 гр асал, 500 гр сариёғ керак бўлади.*

## Янчмиш

Ёнгоқни чақиб мағзини ажратасиз, қора майизни ювиб чўпини териб ташлаганингиздан сўнг ҳар иккаласини аралаштириб қиймалагичдан ўтказасиз. Ҳосил бўлган массани кафтлар орасига олиб ёнгоқ катталигида думалатиб, зўлдирлар ясайсиз. Ёпишқоқ бўлса қўлларингизни ун билан урпоклаб туринг. Ҳамма массани думалатиб бўлганингиздан сўнг, вазага терасиз ва юзига қанд упасидан сепиб дастурхонга қўясиз.

*Масаллик: 500 гр ёнгоқ мағзи, 500 гр кишмиш, 2 ош қошигида қанд упаси керак бўлади.*

## Ёнгоқли асал

Ёнгоқ мағзини қиймалагичдан ўтказиб, бир оз қуритасиз ва галвирдан ўтказасиз. Ҳосил бўлган элакини асалга қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Ушбу шириналк дастурхонга пиёлада тортилади.

*Масаллик: 500 гр асалга 200 гр ёнгоқ мағзи талқони олинади.*

## Мурабболар

Ўзбекистон мевага бой бўлганлиги туфайли қадимдан бошлаб барча резавор мевалар ва сабзвотлардан хонаки усулда қиём ва мурабболар тайёрлаб келинган. Бу ўринда барча мева ва резаворлардан мураббо тайёрлашни батафсил гапириб ўтирамаймиз-да, қуйидаги тўрт хилини кўрсатамиз: қулупнай мураббоси (анжир, узум, шотут каби резаворлар шунга монанд тайёрланади); данакли мевалардан олча мураббоси (шафтоли, ўрик, олхўри, гилос ва бошқалар шунга ўхшаш пиширилади); уруғли мевалардан беҳи мураббосини кўрсатиб, олма, нок кабилардан ҳам шундай усулда тайёрлаб олиш мезбонларнинг ўзларига ҳавола. Ўзбек пазандалигида сабзвотлардан сабзи, помидор, ошқовоқ, қовун ва тарвуз этидан ҳам мураббо тайёрланади. Шулардан биттаси — сабзи мураббоси бу ерда мисол тариқасида келтирилади.

## Қулупнай мураббоси

Бир хил катталикдаги яхши пишган қулупнайларни саралайсиз, хас-чўпдан тозалаб, бандчаларини узуб ташлайсиз, илиқ сувда ювоби яхши сирқитганингиздан сўнг тоғорага солиб, устига нормада белгиланган шакарнинг ярмини сепиб, 5 — 6 соат салқин жойга олиб қўясимиз. Шу вақт мобайнода қулупнайнинг шарбати ажрайди, шу шарбатни мураббо қозонига қуйиб, қолган шакарни қўшиб қиём қайнатасиз. Сўнгра қулупнайларни солиб, пастроқ оловда қайнатасиз, ҳосил бўлган кўпигини олиб турасиз. Қулупнай қиёмнинг юзида қалқимасдан, ичиди бир текис тарқалиб-сочилиб турса, пишганлиги аниқланади. Ҳидини хушбўй қилиш учун оловдан олгач, пича ванилин ёки жавҳар лиму қўшиб аралаштирасиз. Бундай мураббо май-июнъ ойида пиширилади.

*Масаллиқ: 1 кг қулупнай, 1 кг шакар, 1½ стакан сув, пичноқ учиди ванилин ёки 1½ чой қошиғида жавҳар лиму керак бўлади.*

## Олча мураббоси

Олча (Намангандаги алуволи, Андижонда — анжангилос)ни териб, саралаб, бандини олиб, яхшилаб ювасиз ва силқитасиз. Идишдаги олча устига нормадаги шакарни солиб, 5—6 соат салқин жойда сақлайсиз. Сўнгра олчанинг ажраган шарбатини мураббо қозонига солиб, қолган шакарни қўшиб қиём қайнатасиз. Қиёмга ҳар килограмм олча ҳисобига 1½ стакан сув қўшинг. Қиём яхши пишганда олчани солиб, пиширишни охирига етказасиз. Қозонни оловдан олгач, таъмини ва ҳидини яхшилаш учун ванилин қўшиб аралаштирасиз.

Бундай мураббо олча ғарқ пишган ёз ойларида тайёрланади.

*Масаллиқ: 1 кг олчага 1,5 кг шакар, ярим стакан сув, пичноқ учиди ванилин керак бўлади.*

## Беҳи мураббоси

Туки артилган беҳини тўртга бўлиб заҳа, қурт тушган жойларини олиб ташлайсиз. Сўнг беҳиларни эни 0,5 см келадиган тилимчалар қилиб кесасиз. Беҳи бўлакчаларини мураббо қозонига солиб масаллиқнинг юзи билан баробар қилиб сув қуйиб бир қайнатиб оласиз. Беҳи юмшагач човлида сузиб оласиз, қайнатмасини эса докадан ўтказасиз. Қозонга беҳи қайнатмасидан 1,5 стакан қуйиб, тегишлича шакарни солиб қиём қайнатасиз. Тайёрланган беҳи бўлакчаларини қайнаб турган қиёмга солиб пиширишни охирига етказасиз. Кўпигини олиб қайнатаверасиз, пишганлигини беҳи бўлакларини қиём ичиди чўкмай ёки юзида қалқимай, бир текис турганлиги ва қизғиши тусга кирганлигидан аниқланади. Қозонни оловдан олиб, пича ванилин қўшиб аралаштирасиз. Бундай мураббо куз ойларида қайнатилади.

*Масаллиқ: 1 кг беҳи, 1,5 кг шакар, бир чимдим ванилин керак бўлади.*

## Сабзи мураббоси

Сарық «мушак» навли сабзидан олиб ювиб ташлагач, пүчөгини арчасиз ва яна чайқаб юборасиз. Буни паловга тұғралғандек қилиб «сомонча» усулда кесасиз. Тұғралған сабзини мураббо қозонига солиб юзи билан баробар сув құйиб суст оловга қўйиб бир қайнатиб оласиз. Сабзи юмшагач човлида күтәрасиз, сувини эса докадан ўтказасиз. Сабзи пишган сувдан 2 стакан олиб, нормадаги шакар билан бирга қиём қайнатасиз ва човлидаги сабзини солиб, пиширишни охирига етказасиз. Сабзи бағрига қиём сингиб, қизғишилтироқ тусга кирганида, мураббо пишганлиги аён бўлади. Тайёр мураббони оловдан олиб, ванилин ёки жавҳар лиму қўшиб аралаштирасиз. Бундай мураббони сабзи гарқ пишган куз ойларида ва яхши сақланган картиллама сабзидан қишида қайнатса ҳам бўлади.

*Масаллиқ: 1 кг сабзига, 1 кг шакар, 2 стакан қайнатмаси, 1|2 чой қошиғида жавҳар лиму ёки пичноқ учida ванилин керак бўлади.*

## ЯХНА ОВҚАТЛАР

Азиз меҳмон дастурхонига яхна таомлардан қўйиш бизда қадимдан машҳур. Яхна таомларни чорвадор аҳоли ижод этганилиги ўз-ўзидан матълум. Чunksи, булар асосан гўшт ва ҳайвоннинг ички ҳамда ташқи аъзоларидан иборат масаллиқлардан тайёрланадиган қази, қарта, корин, ҳасип, думба-жигар, калла-поча, сутли ўпка, лик-лик, яхна гўшт ва ҳоказолар. Бизда яхна овқатларни сабзавотлардан тайёрлаш усуллари ҳам бор, чунончи помидор, пиёза, бодринг, чучук ва аччиқ қалампир, карам, редиска, турп, шолғом, сабзи, саримсоқ ва ҳар турли ошқўклардан тайёрланадиган яхна овқатлар ҳам борки, буларни ҳозирлашни деярли ҳар бир уй бекаси ва ҳаваскор пазанда яхши билади, чунончи, этли яхна овқатлар тайёрлашни ҳамма ҳам билавермаслиги табиий ҳол, бу таомларнинг айrim кенг тарқалганинигина тавсия этамиз.

## Қази

От ичагига от гўшти ва ёғидан солиб тайёрланадиган бу таом — қази. Айниқса, Тошкентда меҳмондорчилик дастурхони қазисиз ўтмайди.

Отнинг лаҳим гўшти ва ёгини эни 3 — 4 см, узунлиги 10 — 15 см келадиган тилишлар қилиб кесасиз. Бўлакларни тогорага солиб, туз мурч ва зира «едирилади», зираворлар гўшт ва ёғнинг ич-ичига синг-син учун юзига дока ёпиб, 24 соатгача салқин жойга олиб қўясиз.

Отнинг (молнинг) ичагини ағдариб, совуқ сувда ювиб юборганингиздан кейин туз билан ишқалаб шиллик моддасини кетказгач, қатиқ зардобига ботириб қўясиз ва 24 соатгача шундай туради. Хиди яхши кетгач ювиб селгитасиз. Сўнгра узунлиги 45 — 50 см келадиган ичакни кесиб олиб, бир учига гугурт чўпидек келадиган қийрacha тиқиб, йўғонроқ арқоқ билан чигасиз, ичига тигиз қилиб зираланган гўшт ва ёғ бўлакларини тиқасиз ва яна чўп суқиб арқоқ билан маҳкам боғлайсиз. Барча ичакларга гўшт ва ёғни тиқиб, боғлаб бўлгач,

чумоли ва бошқа ҳашаротлар, мушук ва сичқон тегмайдиган жойга осиб сақлайсиз.

Қазини пиширганда совуқ сувли қозонга солинади ва суст оловда милдиратиб қайнатилади, бир соат давомида қайнагач, ёрилиб кетмасин учун бир неча жойига бигиз (нина) урилади. 2 соат қайнаганидан кейин пишади, олиб шабадада совутилади ва паррак-паррак қилиб кесиб, ликопчаларга тузаб меҳмон дастурхонига қўясиз.

*Масаллик: 1 кг от гўшти, 500 гр от ёғи, 45 — 50 см ичак, 1 ош қошигида туз, шунча зира, 1 чой қошигида мурч керак бўлади.*

Ушбу рецептдан ҳар порцияси 100 гр келадиган 12 — 15 кишилик яхна тайёрлаш мумкин.

## Карта

Отнинг ошқозонини ағдариб, иссиқ сувда туз ишқалаб яхши ювилади. Шиллиқ пардаси кетгач, қўланса ҳиддан аритиш учун зардобга ёки ачиған қатиққа бир кун ботириб қўясиз, ювиб юборасиз. От ошқозонининг кийим енгига ўхшаш қисми бўлади, худди шуни кесиб олиб, туз, зира ва мурч аралашмасини ишқалайсиз-да, тўш ёғи ва сон гўштидан худди «қази»га тайёрлагандек қилиб зиралайсиз ва 10 — 15 соатгача олиб қўясиз. Сўнгра от гўшти ва ёғидан қартага тифиз қилиб солиб, қазидаги каби қаттиқ ёғочдан йўнилган чўпни суқиб, аркоқ билан пишиқ боғлайсиз. Иккинчи томонининг ўзи берк бўлади. Совуқ сувли идишга солиб 2 — 2,5 соат давомида милдиратиб қайнатасиз. Пишгач, шабодада совутиб, паррак-паррак кесиб, яхна овқат сифатида меҳмон дастурхонига қўясиз.

*Масаллик: 50 см келадиган бир қартага 1 кг сон гўшти ва 0,5 кг тўш ёғи олинади, бунга 2 ош қошигида туз, 1 ош қошигида зира, 2 чой қошигида мурч керак бўлади.*

## Қовурдок

Янги сўйилган мол, қўй, бузоқ, кийик ёки тоғ эчкиси кабиларнинг гўштини меҳмонга атаб узоқ сақлаш усулларидан бири. Гўшт оғирлиги 50—60 грамм келадиган қилиб кесилади, суяклари ҳам чопилади ва тогарага солиб, туз сепиб яхшилаб аралаштириб 1 — 2 соатча олиб қўясиз.

Қўй думба ва чарви ёғларини майда тўғраб, қизитилган қозонга солиб эритасиз, жizzасини олиб, ёғни яхши доғлаганингиздан сўнг ҳалиги тузланган гўшти солиб то қизаргунча қовурасиз. Қовурдокни сирланган пақир ёки кастрюлькага солиб устидан ёғни қуйиб, қопқоғи ёпилган ҳолда салқин жойда сақлайсиз. Меҳмон келганда ликопчаларга солиб яхна овқат сифатида келтириб қўясиз. Қовурдокдан қуюқ ва суюқ овқатлар тайёрлашда фойдаланилади.

*Масаллик: 1 кг гўштга 0,5 кг ёғ, 1 ош қошигида туз олинади.*

## Яхна гўшт

Қўй ёки мол гўштининг камёғ ва камсуяқ қисмларидан олиб, парда ва безларини кесиб ташлайсиз ва катта-катта бўлакларга бўлиб, қайнаб турган сувга солиб пиширасиз. Шўрвага туз, янчилмаган мурч, лавр япроги, укроп ва қизил қалампир солиб, 1 — 1,5 соат давомида милдиратиб қайнатасиз.

Пишган гүштни олиб совутасиз ва япроқ-япроқ қилиб кесиб, ли-  
копчаларга тузаб, сабзавотлар билан бирга меҳмон дастурхонига қўя-  
сиз.

*Масаллик: 1 кг гўшт учун 10 — 12 дона мурч, бир боғ укроп, 1  
дона қизил қалампир, 1 дона лавр япроғи ва таъбга кўра туз оли-  
нади.*

### Ҳасип

Қўй ёки молнинг ичагини ағдариб, илиқ сувда туз ишқалаб шил-  
лик моддасини кеткисасиз ва яна бир неча бор ювасиз. Сўнгра ёғ томо-  
нини ташқарига қилиб ағдариб бир учини арқоқ билан боғлаб, иккин-  
чи томонидан қийма қуясиз. Бир киши ичакнинг оғзини очиб туради,  
иккинчи киши чуқурроқ қошиқ билан гуручли суюқ қийма қуяди  
(воронкада ҳам қуийш мумкин, воронка сифатида лампашишадан  
фойдаланилса бўлади). Ичак тўлгач, иккинчи учини ҳам маҳкам боғ-  
лаб совуқ сувли идишга солиб 1 — 1,5 соат давомида милдиратиб қай-  
натасиз, биринчи қайнашидаёт ҳасипнинг ҳар жой-ҳар жойига игна  
уриб чиқасиз, ичидаги суви фонтан бўлиб отилиб чиқади, шунда ҳа-  
сип ёрилиб кетмайди. Пишган ҳасипни лаганга солиб, совутасиз ва  
япроқлаб ликопчаларда пиёз билан бирга меҳмон дастурхонига қўя-  
сиз.

Қийма бундай тайёрланади: қўй гўштининг лаҳим қисмидан олиб  
қоражигар, буйрак, ўпка ва пиёз билан қиймалагичдан ўтказасиз.  
Бунга туз, мурч, зира, ювилган гуруч ҳамда илиқ сув қўшиб аралаш-  
тирасиз, қуюқ-суюқлиги мастава таҳлит бўлсин.

*Масаллик: 2 метр ичакка 200 гр гўшт, 200 гр қоражигар, 2 дона  
буйрак, 200 гр ўпка, 2 — 3 бош пиёз, 1 стакан ювилган гуруч, 4 ста-  
кан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз, шунча мурч, шунча зира олинади.*

### Калла-пocha

Янги сўйилган қўйнинг калласи ва тўртала оёқларининг жуни-  
ни алангада куйдирасиз, сўнг ишқалаб, ҳўб тозалаб ювасиз. Калла-  
дан тишлирини қоқиб туширасиз, оёқларининг айри туёғи ўртасида-  
ги қисмини кесиб ташлайсиз. Пичоқда қириб, тозалаб, яна ювасиз.  
Ана шундай тайёрланган калла билан пайчоқларни иссиқ сувли  
идишга солиб, 2 — 2,5 соат давомида ивитиб қўясиз. Сўнгра совуқ  
сувли қозонга солиб 3 соат давомида милдиратиб қайнатасиз. Калла-  
пocha билан бирга қорин, ўпка, юрак, буйрак солиб пиширса ҳам бўла-  
ди. Шўрваси қайнаб чиққач, кўпигини сидириб олиб пиёз, саримсоқ,  
укроп, лавр япроғи, туз ва янчилмаган мурч қўшиб таъмини ростлай-  
сиз ва яна 0,5 соатча милдиратиб қайнатасиз, сўнг сузиб олиб лаган-  
га ёки саватга соласиз-да, шабадада совутасиз.

Дастурхонга тортишда лаганинг ўртасига каллани, атрофига  
пайчоқларини, ўпка, қорин ва буйракларини қўйиб янги сабзавотлар  
билан бирга келтирасиз. Алоҳида идишда қалампир, туз берилади.  
Калла гўштини меҳмонлар орасида ёши улуғ одам кесиб барчага тақ-  
симлайди. Миясини олиб, майда тўғралган пиёз билан бирга эзила-  
ди ва оз-оздан нонга суртиб ҳар бир меҳмонга, тақсимланади.

*Масаллик: бир қўйнинг калласи, 4 та оёғи, юраги, 2 буйраги, 500  
гр ўпкаси ва 1 кг қорини олинади ва бунга 4 — 5 бош пиёз, 1 бош са-  
римсоқ, 2 дона лавр япроғи, бир боғ укроп, 20 дона мурч ва таъбга  
кўра туз керак бўлади.*

## Яхна тил

Мол ва қўй тилидан олиб яхшилаб ювиб, совуқ сувли идишга со- либ, бутун пиёз, саримсоқ, сабзи, укроп шохлари, лавр япроғи билан бирга милдиратиб қайнатасиз. Пишиш муддати қўй тили учун 1 соат, мол тили учун 2 соат. Тайёр бўлгач, қозондан олиб совуқ сувга бир бор пишиб оласиз ва пўстини арчасиз, совигач, япроқ-япроқ қилиб кесиб, ликопчаларга терасиз ва янги сабзавотлардан гарнир қилиб меҳмон дастурхонига келтирасиз. Қалампир, туз ва узум сиркаси ало- хида идишларда қўйилади.

*Масаллиқ: 1 кг мол ёки қўй тили учун 2 бош пиёз, бир бош саримсоқ, 2 дона сабзи, 1 бօғ укроп, лавр япроғи, 10 дона мурч, таъбга кўра туз керак бўлади.*

## Думба-жигар

Қўйнинг думба ёғи ва жигаридан олиб алоҳида-алоҳида идишларда қайнатиб пиширасиз ва олиб, шабадада совутасиз. Сўнгра жигарни  $4 \times 4$  ёки  $5 \times 5$  см катталидаги тўртбурчак, ромба шаклларида кесасиз, қалинлиги эса 0,5 см бўлсин. Думбани ҳам худди шу шаклларда, лекин бир оз кичикроқ қилиб кесинг, бир бўлак жигар устига бир бўлак думба ёғи қўйиб ликопчага териб чиқасиз, юзига майин туз ва мурч сепиб, дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: 600 гр жигар, 300 гр думба, таъбга кўра туз ва мурч сепилади.*

## Пўстдумба

Қўйнинг пўстдумбасини илиқ сувда 1 соатча ивитиб қўясиз. Сўнгра ўткир пичноқ билан қириб, совуқ сувда ювасиз ва туз сепиб ўраб қўясиз ёки намакобга ботирсангиз ҳам бўлади, 1 — 2 соат ўтгач суст оловга қўйиб 1 соат давомида қайнатасиз. Пишгач, қозондан олиб, совутиб, лўнда-лўнда қилиб кесиб, ликопчага тузайсиз, ёнбошига кўк пиёз, саримсоқ парраклари, бодринг ва бошқа янги сабзавотлардан (қишида турп, баҳорда редискадан) гарнир қилиб, меҳмон дастурхонига узатасиз. Зирапиёзни гарнир қилсангиз ҳам бўлади.

*Масаллиқ: бир қўйнинг пўстдумбасига бир бօғ кўк пиёз, бир бош саримсоқ, 2 — 3 дона бодринг. Зирапиёз учун эса 2 бош пиёз, 0,5 чой қошиғидч мурч, 1 ош қошиғида узум сиркаси керак бўлади.*

## Товуқ гўшти

Сўйиб, патлари юлинган товуқнинг калласини ва оёқларини тиззасидан сал пастроғидан кесиб ташлайсиз, тукларини алангада куйдириб, совуқ сувда, сўнг илиқ сувда бир неча бор ювасиз, ичини очиб, жигаридаги ўт қопини олиб ташлайсиз, яна бир неча бор ювасиз ва туз сепиб холодильникка беш-олти соат қўятурасиз. Намак сингиган товуқ гўштини совуқ сувли кастрюлькага солиб, тўғралган пиёз, бутун сабзи, укроп солиб пиширасиз. Пишиш муддатини жўжаҳуроз учун 1 соат, макиён учун 1,5 соат, хўрор учун эса 2 — 2,5 соат белгилайсиз. Таъмини ростлаш учун шўрвасига жамбил шохлари солинг, қишида эса лавр япроғи керак бўлади. Пишгач, олиб совутасиз ва бў-

лакларга кесиб, лаганга тузаб ёнбошига янги сабзавотлар — помидор, бодринг, редиска, турпдан гарнир қилиб, меҳмон дастурхонига қўясиз.

*Масаллиқ: 1 дона товуқ, 2 — 3 бош пиёз, 1 — 2 дона сабзи, 1 боргам укроп, 1 шох жамбил ёки 1 — 2 дона лавр япроги, туз эса таъбга кўра олинади.*

### ЛИҚ-ЛИҚ

Мол ва қўй оёқларининг туёқларини олиб, жунини куйдириб, пичноқ билан қириб тозалайсиз ёки тайёр тозаланганини харид қилиб, яхшилаб иссиқ сувда ювиб юборганингиздан сўнг совуқ сувли идишга солиб 5 — 6 соат давомида суст оловда қайнатасиз, суви буғланиб кетса, қайноқ сув қўшиб турасиз. Бунга бутун сабзи, пиёз, саримсоқ, лавр япроги, петрушка илдизидан солиб қайнатсангиз ҳам тез пишади, ҳам таъми яхшиланади. Ҳил-ҳил пишиб, эти суюкларидан ажралиб кетади. Суюкларини олиб ташлаб, эриб лиқ-лиқ бўлган эт ва пайларини майда тўғрайсиз ёки қиймалагичдан ўтказасиз ва тузини ростлайсиз. Лиқ-лиқни маҳсус идишларга ёки чуқур ликопларга тақсимлаб чиқасиз. Шўрвасини сузгичдан ўтказиб, буни ҳам ликопларга тақсимлайсиз. Анор доналари, пишган сабзи ва тухум парраклари билан безатиб, салқин жойда совугандан сўнг холодильникка 3—4 соат қўйсангиз, қотади. Меҳмон дастурхонига тортишда ликопнинг ўзида тўртбурчак, учбурчак ёки ромба шакллардаги бўлакларга кесасиз. Ёнбошига саримсоқ парракларидан гарнир қилиб берасиз.

*Масаллиқ: 2 дона мол оёғи ёки 6-8 дона қўй пайчоқлари, 1 — 2 бош пиёз, 1 бош саримсоқ, 1 — 2 дона сабзи, 1 — 2 дона петрушка илдизи, 2 дона лавр япроги, таъбга кўра туз олинади.*

### СУЮҚ ОШ ВА ШЎРВАЛАР

Меҳмон ширинликлар билан чой ичиб, маъзардан еб, яхна овқатдан тамадди қилганидан сўнг, дастурхонга суюқ овқат тортилади. Ўзбек пазандалигида юзга яқин суюқ овқат турлари мавжуд. Таомлар гўшт ва сабзавотлардан, гўшт ва дон-дундан, гўшт ва хамир ошлардан иборат серлассат, тўқтутар, европача шу хил овқатларга солиштирганда анча қуюкроқ қилиб тайёрланади. Дастурхон тузаш ва таомларни бериш тартиби ҳам бизда ўзгача. Европача дастурхон тузашда суюқ овқатдан сўнг дарҳол қуюғи тортилади. Бизда эса суюқ овқатлар мустақил таом сифатида қўлланилиб, ундан сўнг иккинчи қилиб қуюқ овқат берилмаса ҳам бўлади. Меҳмондорчиликда яна бир удум борки, суюқ ош ҳазмланган пайтида, яъни 2 — 3 соат ўтгандан кейин дастурхонга қуюқ таом тортиш мумкин, чунончи катта зиёфатларда ва тўйларда қуюқ овқат пировардида тортилади. Бу ўзига хосликнинг бир томони. Европача катта зиёфатларда яхна таомлардан кейин қуюқ овқат тортилади, суюқ овқат тортилмайди. Хитойча дастурхонда яна аксинча, аввал таомларнинг қуюғи, сўнг эса шўрва берилади. Бизнинг меҳмондорчилик таомилимизда бундай эмас. Бу эса ўзига хосликнинг иккинчи томонидир.

Хуллас, ҳар бир миллат пазандалигида ёки меҳмондорчилигига ўзига хос таомиллар кўп.

Пазандалигимиз казинасидаги бир неча ўнлаб хилдаги суюқ овқатлардан бу китобнинг ҳажми кўтаришига қараб 15 — 20 хилинигина бера оламиз, қолганини муаллифнинг «Ўзбек таомлари», «Ҳамир овқатлар» ва бошқа китбларидан кўриб тайёрлашингиз мумкин.

## Қайнатма шўрва

Қўй гўштининг тўш ва қовурға қисмларидан олиб яхлитлигича ёки катта-катта бўлакларга бўлиб, совуқ сувли кастрюлькага солиб, суст оловда 1 — 1,5 соат милдиратиб қайнатасиз. Гўшт янги сўйилган бўлса кўпиги олинмайди, эскироқ бўлса кўпигини сидириб оласиз. Шўрвага тўғралган пиёз, бутун ёки катта-катта кесилган сабзи, шолғом, картошка, помидор, аччиқ ва чучук қалампирдан солиб қайнатасиз, тузини рослайсиз. Сабзиси юмшаб, картошкаси эзила бошлигандан оловдан оласиз. Дастурхонга тортишда гўшти ва сабзавотларини човлида сузуб олиб, лаганга ёки ҳар бир меҳмон учун алоҳида ликопчага солиб келтирилади. Шўрваси эса косаларга қўйилиб, юзига майда тўғралган бош пиёз ёки кўк пиёз, ёинки кашнич, укроп сепиб берилади.

*Масаллиқ: 500 гр гўшт, 2 — 3 дона пиёз, шунча сабзи, 3 — 4 дона картошка, шунча шолғом, 1 дона аччиқ қалампир, 2 — 3 дона чучук қалампир, 3 — 4 дона помидор, 0,5 бор кашнич ёки укроп, туз эса таъбга кўра солинади.*

## Нўхатли шўрва

Ушбу шўрва Тошкентда «мохора» деб аталиб, барча тўйларнинг асосий суюқ овқати ҳисобланади. Шўрва қайнатишдан бир кун олдин жайдари нўхатни совуқ сувда ювиб, ивитиб қўясиз. Ивтилган нўхат билан бирга қўй ёки мол гўштининг ёғлироқ ва суякли қисмларини совуқ сувли қозонга солиб, бир соат давомида милдиратиб қайнатасиз. Шўрвага майда тўғралган пиёз, кубик («нўхатча») қилиб тўғралган сабзи, помидор ҳам солинг. Пишишига яқин қолганда паррак-паррак қилиб тўғралган картошкани соласиз, таъмини ростлаш учун зираворлар ҳам қўшасиз. Ушбу шўрвани косаларга тенг тақсимлаб, юзига қирқилган ошкўклар сепиб, меҳмон дастурхонига торасиз.

*Масаллиқ: 500 гр гўшт, 3 — 4 бош пиёз, 2 — 3 дона помидор, 2 — 3 дона сабзи, 2 дона картошка, 1,5 стакан ивтилган нўхат, туз ва зираворлар таъбга кўра олинади.*

## Калла шўрва

Қўй калласини «калла-поча» тавсиясида айтилгандек қилиб тозалайсиз ва ювиб, совуқ сувли қозонга солиб қайнатасиз. Шўрвасига тўғралган пиёз, яхлит-яхлит қилиб кесилган сабзи, шолғом солиб 1,5 — 2 соат милдиратиб қўясиз. Таъмини ростлаш учун лавр япроғи, укроп, қалампир ва туз ҳам қўшасиз.

Пишган каллани олиб, қисмларга ажратасиз, гўштини кесиб косаларга тенг тарқатасиз, шўрвадан қуйиб, юзига майин тўғралган бош пиёз ёки кўк пиёз солиб меҳмон дастурхонига келтирасиз.

*Масаллиқ: 1 қүй қалласи, 4 пайчоги, 4 — 5 бош пиёз, 3 — 4 дона сабзи, 2 дона шолғом, 1 дона қалампир, 2 дона лавр япроги, туз эса таъбга кўра солинади..*

### Товуқ шўрва

Товуқни яхна овқатлардан «товуқ гўшти» тавсиясида айтилган-дек тозалаб, ювиб, бутунлигича совуқ сувли идишга солиб милдиратиб қайнатасиз. Шўрвага тўғралган пиёз, помидор, чучук қалампир, сабзи солиб, жўжа бўлса 1 соат, макиённи 1,5 соат, хўрозни эса 2 — 2,5 соат давомида пиширасиз, қалампир, ошкўклар ва туз қўшиб таъмини ростлайсиз.

Пишган товуқни олиб порция бўлакларига кесасиз, ҳар бир ко-сага бир бўлак товуқ гўштидан солиб, шўрвасидан қуйиб, қирқилган кашнич сепиб меҳмонларга тарқатасиз.

*Масаллиқ: 1 товуқ, 2 — 3 бош пиёз, 2 — 3 дона помидор, 2 дона чучук қалампир, таъбга кўра ошкўклар ва туз солинади. Юзига се-пииш учун 1 боғ кашнич олинади.*

### Дўлмали шўрва

Қўй ёки мол гўштини суюкларидан ажратасиз. Лаҳим қисмидан қийма тайёрлайсиз, суюкларини эса кастрюлькага солиб қайнатиб қўясиз. Қиймага пича гуруч, майин тўғралган пиёз, туз ва зира қўшиб яхшилаб мижиyсиз.

Чучук қалампирдан олиб, совуқ сувда ювиб юборасиз, сўнг бандини чиқариб уругини қоқиб ташлайсиз. Ҳар бир қалампирга қийма тўлдирасиз. Шўрвадан суюкларни олиб, дўлмаларни солиб 40 — 45 минут милдиратиб қайнатасиз. Шўрвага сабзи, помидор, картошка ва ошкўклар ҳам солинади. Тайёр бўлгач тузини ростлайсиз ва ҳар бир косага 2 — 4 донадан дўлма тақсимлаб, устидан шўрва солиб дастурхонга келтирасиз. Ёки шўрвани косаларда, дўлмани эса лаганда ё ликопчаларгà тақсимлаб қўйишингиз ҳам мумкин.

*Масаллиқ: 500 гр гўшт, 400 гр пиёз, 0,5 стакан гуруч, 12 — 15 дона чучук қалампир, 2 — 3 дона сабзи, шунча помидор, 2 дона картошка, ошкўклар, зираворлар ва туз таъбга кўра олинади.*

### Қиймали шўрва

Гўштни суюклардан ажратиб, суюкни қайнатиб қўясиз, лаҳими-ни қиймалайсиз. Шўрвасига пиёз, сабзи, помидор, картошка ва сарим-соқ тўғраб соласиз.

Қиймага майин тўғралган пиёз қўшиб, туз ва мурч сепиб, хом тухум чақиб соласиз ва яхшилаб мижиyсиз. Ана шу қиймадан кафт-лар орасида думалатиб ёнғоқ катталигидағи кифталар ясайсиз. Қо-зондан суюкларни олиб ташлаб, қайнаб турган жойига битта-икки-тадан қилиб кифталарни соласиз ва 20 — 25 минут милдиратиб қўя-сиз.

Тайёр таомни 6 — 8 донадан қиймалари билан косаларга қуйиб, юзига майин қирқилган ошкўклардан солиб меҳмон дастурхонига қўя-сиз.

*Масаллиқ: қиймасига 500 гр гүшт, 2 — 3 баш пиёз, 1 дона тұхум, туз ва мурч тағбга күра олинаади; шұрвасига гүштдан ажратилған сүяк, 2 — 3 баш пиёз, 1 баш саримсоқ, 2 дона картошка, 2 — 3 дона помидор соласиз, тузни тағбга қараб ростлайсиз.*

## **Чучвара шұрва I**

Еғлироқ мол ёки қой гүштидан сүякларини ажратиб қайнатиб қүйинг. Паҳимидаң қийма қиласиз, бунга майин тұғралған пиёз солиб ва туз сепиб мижиисиз.

Қаттиқроқ ҳамир қориб, зувала қилиб, сочиққа ўраб 10 — 12 минут тиндириб олганингиздан сүнг, аввал жұва кейин ўқлов ёрдамида қалин-юпқалигини 1 — 2 мм қилиб ёясиз. Еймадан ҳажми 4×4 см ли жилдлар кесасиз-да, ҳар бир жилдга бир чой қошиғида қийма солиб чучваралар тугасиз.

Қозондаги сүякларни олиб, майин тұғралған пиёз, катта-катта кубик қилиб тұғралған картошка ва помидор солиб қайнатасиз, бунга чучвараларни солиб пиширасиз. Чучвара шұрванинг юзида қалқигач яна 3 — 4 минут қайнатиб, сүнг косаларга тақсимлайсиз-да, юзига чопилған кашнич ва мурч сепиб, меҳмон дастурхонига қўясиш.

*Масаллиқ: шұрваси учун гүштдан ажратилған сүяклар, 2 баш пиёз, 2 дона картошка, 2 — 3 та помидор, тағбга күра туз; ҳамири учун 300 гр оқ ун, 1 дона тұхум, 0,3 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз; қиймаси учун 300 гр лаҳим гүшт, 3 — 4 баш пиёз, 1 чой қошиғида туз, ярим чой қошиғида мурч олинаади.*

## **Угра оши**

Қўй гүштини майда тұғраб сүякларини ҳам чопиб қозонга соласиз, совуқ сув қуйиб қайнатасиз. Бунга майда тұғралған пиёз, помидор, сабзи ёки картошка солиб, 2 соат давомида милдиратиб пиширасиз.

Чучварага тайёрлагандек қилиб ошхамир қорасиз, тиндириасиз ва ёясиз. Еймадан эни 2 — 3 мм келадиган угра кесасиз. Урвоғини қоқиб, қайнаб турған шұрванинг тузини ростлаганингиздан кейин солиб пиширасиз. Угра қозон юзига қалқиб чиққандан сүнг яна 2 — 3 минут қайнатилади.

Угра ошига гүштни қийма қилиб солсанғиз ҳам бўлади. Тайёр таом косаларда, юзига мурч ва қирқилған ошқўклар сепиб, дастурхонга келтирилади.

*Масаллиқ: шұрваси учун 500 гр гүшт, 2 — 3 баш пиёз, 3 — 4 дона помидор, 2 дона сабзи, 2 дона картошка, туз тағбга күра олинаади; ҳамири учун 300 гр ун, 1 дона тұхум, 0,5 стакан сув, 0,5 чой қошиғида туз керак бўлади.*

## **Ковурма шұрва**

Қўй ёғини майда тұғраб әритиб, жizzасини олиб қўясиз. Гүштни кабобга тұғрагандек, бош бармоқнинг биринчи бўғими катталигида тұғраб, сүякларини чопиб, дод бўлган ёғда қовурасиз. Бунга ҳал-

қа-халқа түғралган пиёз, помидор солиб, то помидори әзилгунча қовурганингиздан сүнг, паррак-паррак ёки кубик шаклида түғралган сабзи соласиз-да, юмшагунча қовурасиз. Қозонга сув солищдан олдин, катта кубик ёки паррак усулда түғралган картошка солинади ва сув қуийб милдиратиб қайнатилади. Тузини ростлаб, қалампир ҳам қўшинг. Батамом пишгандага косаларга тақсимлаб, юзига қирқилган ошкўклар сепиб меҳмон дастурхонига қўясиз.

*Масаллиқ: 500 гр қўй гўшти, 100 гр думба ёғ, 500 гр картошка, 2 дона сабзи, 3 — 4 дона помидор (2 ош қошиғида томат пастаси), 3—4 бош пиёз, 1 дона қалампир, туз, зиравор ва юзига сепиладиган ошкўк таъбга кўра олинади.*

## Думбулли шўрва

Бу таом ёзда ва кузда маккажўхори дони думбул, яъни «сутли» бўлган даврда пиширилади.

Эритилиб, жizzаси олинган қўй ёгини яхши доғлаб, бунга түғралган пиёз, гўшт, помидор солиб қовурасиз. Сүнг сув қуясиз. Қайнаб чиққунга қадар думбул маккажўхори тўнини арчиб, ҳар бир сўтани 2 — 3 бўласиз ва шўрвага солиб, бир соат давомида милдиратиб пиширасиз. Шўрва пишишига 20 минут қолганда қозонга түғралган картошка соласиз, батамом пишганида эса тузини ростлайсиз.

Ҳар бир косага 1 — 2 бўлакдан думбул солиб, устидан шўрва қуийб, юзига қирқилган ошкўклар сепиб меҳмон дастурхонига келтириб қўясиз.

*Масаллиқ: 300 гр гўшт, 100 гр қўй ёғи, 6 та маккажўхори сўтаси, 2 бош пиёз, 2 — 3 та помидор, 2 дона картошка, туз ва зиравор ҳамда ошкўк таъбга кўра олинади.*

## Мастава I

Ёғлик гўшти қиймалаб, майин түғралган пиёз, туз ва мурч қўшиб мижийсиз. Қиймадан гилос катталигида кифталар ясайсиз. Суякни қозонга солиб қайнаб чиққанидан сүнг, түғралган пиёз, помидор, кубик қилиб түғралган сабзи, шолғом ёки картошка ва тайёрланган қийманни солиб 40 — 45 минут давомида милдиратиб қайнатасиз, тузини ростлаб, ювилган гуручини соласиз-да, әзилиб кетмай туриб қозонни оловдан оласиз. Таомни косаларга қуийб, юзига қирқилган ялпиз ёки кашнич, ё кўк пиёз солиб меҳмон дастурхонига келтирасиз. Алоҳида идишда қатиқ берилади.

*Масаллиқ: 500 гр гўшт, 3 — 4 бош пиёз, 1 — 2 дона помидор, 2 дона сабзи, 2 дона картошка ёки шолғом, 1,5 стакан гуруч, туз ва ошкўклар таъбга кўра, қўшиш учун 1 стакан қатиқ керак бўлади.*

## Мастава II

Қўй гўшти ва ёгини майдага тўғрайсиз. Ёғни эритиб, жizzасини оласиз-да, доғлангач, гўштини солиб, қизаргунча қовурасиз ва түғралган пиёз билан помидор солиб қовуришни пича давом эттирасиз.

Помидор әзилганда майда кубик қилиб түғралган сабзи, катта кубик қилиб түғралган картошка солиб, сабзиси юмшаганда сув қуясиз. Шўрваси яхши пишганда тузини ростлаб, ювилган гуруч соласиз ва унча әзилиб кетмай туриб оловни ўчирасиз. Даствурхонга тортишдан 5 — 6 минут олдин «дам едириб», сўнг косаларга тақсимлайсиз, юзига қирқилган кашнич ёки райҳон сепиб меҳмон даствурхонига келтирасиз. Пиёлада қатиқ, туйилган мурчни алоҳида идишда қўясиз.

*Масаллиқ: 500 гр гўшт, 100 гр ёғ, 2 бош пиёз, 2 дона сабзи, 3 — 4 дона помидор, 2 дона картошка, 300 гр гуруч, ошкўйк, зиравор, туз ва қатиқ таъбга кўра олинади.*

## Угра-чучвара

«Угра оши» ва «Чучвара» тавсияларида айтилганидек қилиб ош хамир қорасиз. Ўраб, 10 — 12 минут тиндириб олганингиздан сўнг тенг иккига бўлиб, юпқа (1 — 2 мм) қилиб ёясиз. Ейманинг биридан ҳажми  $4 \times 4$  см ли жилдлар кесасиз, иккинчисидан эса эни 2 мм келадиган угра кесинг. Лаҳим гўштдан чучварага тайёрлангандек қилиб қийма ҳозирланг. Буни тенг иккига бўлиб, ярмидан чучваралар тугасиз, ярмидан эса гилос катталигида думалатиб кифтачалар ясайсиз.

Эритиб, жizzаси олинган қўй ёғини доғлаганингиздан сўнг, пиёз билан помидор ёки томат пастаси солиб жазлайсиз, бунга кубик қилиб түғралган картошка қўшиб бир-икки айлантирганингиздан сўнг, сув қуйиб, суст оловда қайнатасиз. Тузини ростлаб, зираворлар солганингиздан сўнг, аввал чучвараларни, кейин кифталарни солиб қайнатасиз. Чучвара қозон юзига қалқиб чиққанда, уграни соласиз ва пиширишни охирига етказасиз. Овқат қайнаб, тошабошласа, бир оз совук сув севаласангиз, босилади.

Тайёр таомни косаларга тақсимлаб, юзига қирқилган ошкўклар сепиб, меҳмон даствурхонига қўясиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 3 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 0,5 чой қошиғида туз олинади; жази учун 100 гр қўй ёғи, 2 бош пиёз, 2 — 3 дона помидор ёки 2 ош қошиғида томат пастаси; қиймаси учун 500 гр гўшт, 2 — 3 бош пиёз, 1 дона тухум, таъбга кўра туз ва мурч керак бўлади.*

## Танга ош

Ушбу суюқ овқатнинг бир неча номи бор: «Манчиза», «Узма ош», «Танга ош» каби. Бу хамир таомларнинг бир тури бўлиб, тайёрланиши қўйидагича:

Угра ошга тайёрлангандек қилиб ошхамир қорилади ва қалин-юнқалиги 2 мм қилиб ёйлади. Еймадан эни 2 см келадиган тасмачалар кесилади, орасига урвоқ сепиб, бир неча қават тахлаб, учбурчак бўлакчалар кесасиз. Ейилган хамирдан 20 тийинлик тангадай бўлакчаларни қўлда узиб-узиб олинса ҳам бўлади.

Ушбу суюқ ошнинг жази бундай тайёрланади: доғланган ёққа майда түғралган гўшт, пиёз, помидор, картошкани мана шу ёзилган

тартибда солиб, меъёрига етгунча жазлайсиз, сўнгра сув қуясиз, қайнаб чиққач тузини ростлайсиз, зираворлар сепасиз. Шўрваси яхши пишгач, хамир тангачаларни соласиз, қайнаб, юзага қалқиб чиққандан кейин таом тайёр бўлади. Танга ошни косаларга қуийб, юзига қирқилган райҳон, кашнич ёки ялпиз сепиб дастурхонга тортасиз. Бу таом дастурхонга дарҳол тортилиши керак, акс ҳолда қуюқ тортиб қолади.

*Масаллик: хамири учун 300 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, бир чимдим туз керак бўлади; жази учун 500 гр гўшт, 2 — 3 бош пиёз, 2 — 3 дона помидор, 2 дона сабзи, 2 дона картошка, қалампир ва туз таъбга кўра олинади.*

## Мошхўрда

Ушбу суюқ ош Тошкентда мәжмон дастурхонига қўйиладиган таомлардан энг машҳури ҳисобланади.

Гўшт ва ёғни майда қилиб тўғрайсиз, пиёзни халқа-халқа, помидорни паррак-паррак, сабзи билан картошкани кубик шаклида тўғралади. Жиззаси олинган қўй ёғи доғлангач, юқоридаги масалликларни бирин-кетин солиб, меъёрига етгунча жазлайсиз. Мошхўрдага майда тўғралган пўстдумба ишлатсангиз ҳам бўлади. Сўнг сув қуийб, ҳали қайнаб чиқмасдан мошни соласиз ва милдиратиб қайнатасиз. (Мәжмон келгунга қадар мошни хас-чўпдан тозалаб, ювиг қўйганингиз маъқул, акс ҳолда шошиб қоласиз). Мош очилгач ювиган гуруч қўшиб яна 20 минутча қайнатсангиз пишади. Овқатнинг тузи моши тўла пишгандан кейин ростланади.

Тайёр таомни дастурхонга тортишдан 10 — 15 минут оловдан олиб, дам едирасиз ва косаларга қуийб, юзига қирқилган кашнич, райҳон ёки ялпиз сепиб мәжмон дастурхонига қўясиз. Алоҳида идишда албатта қатиқ берилади.

*Масаллик: 500 гр гўшт, 100 гр думба ёғ, 1,5 стакан мош, 1,5 стакан гуруч, 2 бош пиёз, 1 дона сабзи, 2 — 3 дона помидор, 1 дона картошка, туз, қалампир, ошкўк ва қатиқ талабга кўра олинади.*

## Мошқовоқ

Қўй ёғини яхши доғлаб, пиёз солиб қовуриб сув қуясиз ва қайнаб чиқмасдан мошни солиб то очилгунча милдиратиб пиширасиз ва тузини ростлайсиз. Ошқовоқнинг хоҳлаган навидан олиб, паллапалла ёки катта кубик шаклида тўғраб шўрвага соласиз ва то пишгунча суст оловда қайнатасиз. Тайёр таомни дастурхонга тортишдан 10 — 15 минут олдин қозонни оловдан олиб, димлаб қўясиз. Сўнгра косаларга қуийб, юзига қирқилган кашнич ва туйилган мурч сепиб мәжмон дастурхонига келтирасиз.

*150 гр қўй ёғи, 2 — 3 бош пиёз, 2 стакан мош, 500 гр ошқовоқ, туз, қалампир ва кашнич таъбга кўра олинади.*

## Мошугра

Қозонга ёғ солиб доғлаганингиздан кейин пиёзни ва майда тұғралган гүштни солиб бир оз қовурғач, сомонча қилиб тұғралған сабзи, тилик-тилик қилиб тұғралған помидор құшиб жазлайсиз, сүңг сув қуиб, ювиқ тайёрлаб қўйилған мошни соласиз ва паст олов беріб милдиратиб қайнатасиз. Мош очилгач, қозонга кубик шаклида тұғралған картошка ва майда қирқилған уграни солиб пиширасиз. Туз ва зираворлар таом пишиши олдидан солинади.

Мошуграны косаларга тақсимлаб, юзига қирқилған кашнич (укроп, райхон) сепиб дастурхонга келтирасиз, алоҳида идишда қатиқ қўйилади.

*Масаллиқ: шўрваси учун 300 гр гўшт, 1 стакан мош, 2 бош пиёз, 2 — 3 дона помидор, 1 дона сабзи, 2 дона картошка, туз ва зираворлар таъбга кўра; жазлаш учун 50 гр қўй ёғи; угарси учун 1 стакан ун, 1 дона тухум, 2 қошиқ сув, бир чимдим туз олинади.*

## Ширхўрда

Кастрюлькаға солинган сув қайнагач, тозаланған гуручни ювиб, соласиз ва бир чимдим туз ҳам ташлайсиз. Гуруч чала пишиб сувини тортиб олганда сут қуясиз ва тўла пишгунча суст олов беріб кавлаб турасиз. Тайёр таомни дастурхонга тортишда косаларга қуиб, ҳар порциясиға бир чой қошиғида сариёғ солиб келтирасиз.

*Ширхўрда учун 1,5 стакан гуруч, 1,5 стакан сув, 2,5 литр сут, 1 чой қошиғида туз ва юзига солиш учун 50 гр сариёғ керак бўлади.*

## Ширқовоқ

Ошқовоқнинг яхши пишганидан танлаб олиб катта кубик шаклида (гугурт қутиси катталигида) тұғраб, пўстини арчасиз ва уруғ тивитларини олиб ташлайсиз. Қозонга ювилған гуруч билан бирга солиб, масаллиқларнинг юзи билан баробар сув қуиб, суст олов беріб бир қайнатиб олсанғиз, ошқовоқ ҳам, гуруч ҳам чала пишади. Шундан сўнг таомга туз солиб сутни қуясиз ва тўла пишгунча яна милдиратиб қайнатасиз.

Тайёр таомни дастурхонга тортишдан аввал 15 — 20 минут дам едирасиз. Қаймоқ боғлагач, косаларга тақсимлаб, юзига сариёғ солиб келтирасиз.

*Масаллиқ: 400 — 500 гр ошқовоқ, 1 стакан гуруч, 1 литр сув, 2,5 литр сут, талабга кўра туз ва сариёғ керак бўлади.*

## Сутли угра оши

Қаттиққина қилиб тухумли ошхамир қорасиз. Хамирни юпқа ёйиб угра кесасиз ва сувини қочириб құясиз. Кастрюлькага сут қуйиб, бир оз туз солиб қайнатасиз, сүнг уграницы солиб пиширасиз. Угра идиш юзига қалқиб чиққанда, таомни оловдан олиб 5 — 7 минут дам едираисиз.

Косаларга қуйиб дастурхонга тортаёттандыра көзиге 1 чой қошиғида сариёғ солиб берасиз.

*Масаллиқ: сутли угра учун 2,5 литр сут, талабга күра сариёғ ва туз солинаади; уграси учун 300 гр ун, 2 дона тухум, бир чимдим туз керак бўлади.*

## Қатиқли хўрда

Гўшт, пиёз, помидор, шолғом сабзидан олиб, майда кубик ( $1 \text{ см}^2$ ) қилиб тўғрайсиз. Гуруч ёки оқушоқни тозалаб, ювасиз ва ҳамма масаллиққа туз ва зираворлар сепиб, яхшилаб мижиб аралаштирасиз. Тайёр масаллиқнинг юзини ёпиб қўясиз, орадан 5 — 10 минут вақт ўтгач, қозонга соласиз ва устидан сув қуйиб милдиратиб қўясиз. Гуручни юмшаганда пишган ҳисобланади. Тайёр таомни оловдан олиб, 10 — 12 минут дам едириб тобини чиқаргач, қозоннинг ўзида қатиқ қўшиб аралаштирасиз ва косаларга қуйиб, юзига ошкўк (кашнич, раён) сепиб келтирасиз.

*Масаллиқ: 300 гр лаҳим гўшт, 300 гр гуруч (оқушоқ) 2 бош пиёз, 2 дона сабзи, 2 дона помидор, 1 дона шолғом, 3 литр сув, 1 коса қатиқ, таъбга кўра туз, зираворлар ва кашнич керак бўлади.*

## Куртова

Сузма қурутни туйиб, элакдан ўтказасиз, иссиқ сув қуйиб қошиқ билан ийлаб қаймоқ қуюқлигига келтирасиз. Масаллиқни қозонга солиб суст олов бериб бир қайнатиб оласиз, қуюқ тортса қайноқ сув қўшасиз ва сариёғ аралаштирасиз. Сариёғ эриши билан қозонни оловдан олиб, таомни косаларга тақсимлайсиз.

*Масаллиқ: 1 кг қурут, 1,5 — 2 литр қайноқ сув, 100 гр сариёғ керак бўлади.*

*Сузма қурут шўр бўлгани учун бу таомга туз қўшилмайди.*

## Қаймоқли шўрва

Қозонни қизитиб қаймоқ соласиз, кафгир билан аралаштириб турсангиз ёғи ажрайди, бунга жуда майин тўғралган пиёз солиб жазлайсиз. Пиёз юмшаб сели чиқиши билан қозонга сув құясиз ва маккажўхори думбилини иккига бўлиб соласиз. Думбил пишгач, пал-

ла-палла қилиб түғралган ошқовоқ ҳам солинади ва туз сепиб таъми ростланади.

Дастурхонга тортишда ҳар косага ярим сўта думбил, бир бўлак ошқовоқ солиб, шўрвасидан ҳам қўйиб келтирилади, таъбга кўра мурч сепилади.

*Масаллиқ: 500 гр қаймоқ, 2 бош пиёз, 5 — 6 сўта думбил, 300 гр ошқовоқ, таъбга кўра туз ва мурч керак бўлади.*

## ҚУЮҚ ОВҚАТЛАР

### Чучвара II

Қаттиқина хамир қорасиз, зувала қилиб, ўраб, 10 — 12 минут тиниқтирасиз. Шундан сўнг яна бир бор муштлаб, яна зувала қилиб қўл билан патирга ўхшатиб ёясиз. Урвоқ сепиб ўқловга ўраб, юпқа (2 мм) қилиб ёйинг. Ёймадан  $5 \times 5$  см ҳажмли квадрат жилдлар кесиб, ҳар бирининг ўртасига 1 чой қошигида қийма солиб чучваралар тугасиз.

Қиймасини тайёрлаш учун қўй гўштининг сон қисмидан ёки ёғлироқ мол гўштидан, ёинки ҳар иккала гўштдан тенгма-тенг олиб қиймалагичдан ўтказасиз. Қиймага жуда нафис ҳалқа қилиб түғралган пиёз ва мурч, туз қўшиб яхшилаб мижийсиз.

Чучвараларни туғиб бўлгач қайнаб турган тузли сувга солиб пиширасиз. Чучваралар қозон юзига қалқиб чиққанидан сўнг яна 1 — 2 минут қайнатасиз, сўнгра човлида сузиб лаганга соласиз ё ҳар бир хўрандага алоҳида ликопчаларда дастурхонга тортасиз. Чучварага қўшиб истеъмол этиш учун таъбга кўра хоҳ сариёғ, хоҳ қаймоқ, хоҳ қатиқ алоҳида идишда берилади.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошигида туз олинади; қиймаси учун 500 гр лаҳим гўшт, 4 — 5 бош пиёз, 1 чой қошигида туз, 0,5 чой қошигида мурч керак бўлади.*

## Қўк чучвара

Одатдаги чучварага тайёрлангандек қилиб хамир қорасиз, тиндирасиз, ёясиз ва жилдлар кесасиз.

Қиймаси бундай тайёрланади: териб келинган ялпиз, отқулоқ, жағ-жаг, исмалоқ, йўнгичқа ва бошқа кўкларни яхшилаб саралаб, хас-чўпдан тозалаб, бир неча бор ювасиз ва сувини сирқитиб, чопасиз. Бунга бош пиёз, кўк пиёз, саримсоқ кўки ва жизза ҳам қўшилади. Ана шу қиймани қўй ёғида жазлайсиз, жазлаётганда хом тухум чақиб аралаштирасиз ёки пишган тухумни майда тўғраб қўшиб юборрасиз, таъбга кўра туз ва мурч сепиб, вақти-вақти билан кавлаб турасиз ва кўкнинг сели чиққанда оловини ўчириб 10 — 15 минутга димлаб қўясиз. Одатдагидек жилдларга тугасиз ва пиширасиз.

Дастурхонга тортишда ликопчаларга ёки лаганчага бир қават қи-либ сузасиз (кўк чучвара устма-уст қилиб сузилса совиши қийин бў-лади ва ейиш жараёнида хамири йиртилиб, шакли бузилади). Идиш-га сузилган чучвараларнинг юзига сариёғ ёки қаймоқ суртиб дастурхонга келтирасиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз; қиймаси учун 1 кг ҳар хил баҳорий гиёҳлар, 3 — 4 бош пиёз, бир бօғ кўк пиёз, 1 бօғ саримсоқ, 150 гр қўй ёғи (жазлаш учун), 1 стакан жizzза, 2 — 3 дона тухум, туз ва мурч таъбга кўра олинади.*

## Тухумли чучвара

Юқорида бошқа чучвараларни тайёрлашда айтиб ўтилгандек қи-либ хамир қорасиз, тиндирасиз, ёясиз ва жилдлар кесасиз, фақат қий-маси тухумдан тайёрланади. Бунинг учун тухумни қаттиқцина қи-либ пишириб, арчиб майда тўғрайсиз? Пиёзни сариёғда унча қизартириб юбормай жазлаб оласиз ва бунга майдаланган тухумни қўшиб, туз ва мурч сепиб яхшилаб аралаштирасиз. Тугилган чучвараларни қайнаб турган тузли сувга солиб пиширасиз.

Човли билан лаганга ёки ликопчаларга сузиб, юзига қаймоқ ёки сариёғ суртиб дастурхонга келтирасиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз олинади; қиймаси учун 15 — 16 дона тухум, 5 — 6 бош пиёз, 100 гр сариёғ, 1 чой қошиғида туз, шунча мурч. Юзига суртиши учун 50 гр сариёғ ёки 100 гр қаймоқ керак бўлади.*

## Тухум барак

Хамири сутда ёки тухумда қорилади, тиндириб, ёйилгандан сўнг силлиқ стакан ёрдамида тўгарак жилдлар кесиб оласиз.

Ҳар бир жилдни икки бувлаб ёпиштирангиз ярим ой шаклида-ги чучваралар ҳосил бўлиб, бир чеккасини ёпиштирмай «офиз» қол-дирасиз. Ичига солинадигани тухумдан тайёрланади, бироқ қийма эмас, қуйма тарзда бажарилади. Бунинг учун сариёғ эритилади (ас-ли қадимий вариантида кунжут ёгини доғлаб бир оз совутилган), бунга майнин тўғралган пиёзни солиб, шигил бўлиб қовурилиб кет-масдан оловдан олиб ҳавода совутилади, туз, мурч сепиб, хом тухум чақиб, обдан аралаштирасиз. Ана шу қуймадан бир қошиқдан ҳа-лиги ярим ой шаклида бувланган хамир жилдлар ичига қуйиб, қай-наб турган тузли сувга ташлай берасиз. Тухум бараклар қозон юза-сига қалқиб чиққандан сўнг яна икки-уч минут қайнагач, човлида сузиб ясси лаганга ёки хоразмча бадия деб аталувчи ўртаси чукур-чали лаъли идишга сузиб, юзига қаймоқ суртиб дастурхонга торта-сиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 2 дона тухум (ёки бир ста-кан илиқ сут), 0,5 чой қошиғида туз олинади; қуймаси учун 15 — 16 дона хом тухум, 4 — 5 бош пиёз, 150 гр сариёғ, 2 чой қошиғида туз, 1 чой қошиғида мурч керак бўлади.*

## Манти

Хамирни қаттиқроқ қилиб қорасиз, зувала қилиб сочиққа ўраб 15 минутча тиндирганингиздан кейин яна бир бор муштлаб пишишиб ундан кейин ўқлов ёрдамида юпқа қилиб ёясиз. Еймадан  $10 \times 10$  см ҳажмли жилдлар кесасиз. Еки хамирдан ёнроқ катталигида зувалачалар узиб олиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида жува билан тӯгарак қилиб ёясиз: қалинлиги 2 мм бўлсин. Ҳар бир жилдга кетганича қийма солиб манти тугасиз.

Қиймасини тайёрлаш: Еғли қўй гўштидан олиб, ўткир пичоқ билан «чумчук тили» қилиб тўғрайсиз, ёғини сал йирикроқ, думба ёғи бўлса  $1 \times 1 \times 1$  см кубик қилиб, чарви ёғини эса бодом катталигида тўғрайсиз. Ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган пиёзни тахта устига қўйиб чопиб юборасиз. Шундай қилганда пиёз бир жойда тўпланиб қолмай қийма ичидаги текис тарқалади. Бунга туз, мурч ва зира қўшиб, яхшилаб мижиyисиз. Қиймангиз селликкина чиқсин десангиз пича сув севалаб, аралаشتиринг. (Мўлжалланган тузни совуқ чойда намакоб қилиб севаласангиз яна ҳам яхши). Тугилган мантиларни қасқоннинг ёғланган лаппакларига бир-бирига тегмайдиган қилиб терасиз. Буғда пишиш муддати 40 — 45 минут. Дастурхонга тортишда бармоқларингизни совуқ сувга ботириб иссиқ мантиларни — оласиз ва лаганларга терасиз. Алоҳида идишда порциялаб беришингиз ҳам мумкин, юзига қатиқ севалайсиз, алоҳида идишда узум сиркаси келтириб қўясиз.

**Масаллиқ:** хамири учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз; қиймаси учун 1 кг қўй гўштининг лахими, 100 гр думба ёғи ёки 150 гр чарви, 500 гр пиёз, 1 чой қошиғида мурч ва шунча зира олинади. Туз 0,5 стакан совуқ чойда намакоб қилиб севаланади.

**ЭСЛАТМА:** а) яқин терилган мантилар пишганда «семириб» бир-бирига ёпишиб қолади; б) лаппак ёғланмаса манти остининг кўчиши қийин бўлади, шакли бузилиб, титилиб кетади; в) суви қайнамасдан олдин қўйилганда хамири лапакка ёпишиб қолади; г) суви қайнагач, туз сепиши керак, шунда буғнинг ҳарорати кучлироқ бўлади.

## Ковурма манти

Ушбу мантининг хамирини ҳам, қиймасини ҳам худди юқорида айтилгандек қилиб тайёрлайсиз. Фақат тугишида шу нарсага эътибор берингки, хамирининг чоки қийманинг сели чиқиб кетмайдиган қилиб ёпиширилсин. Қовурганда қийманинг сели чиқиб турса — ўхшамайди. Хамири нақ тухумда қорилиб, бир оз қалинроқ (3 мм) қилиб ёйлади. Тугилган мантилар фритюрда худди ўрама, қовурма чучвара, зангза каби кўп ёғда қовурилади. Бунинг учун нормада кўрсатилган ёғни яхшилаб, то оқ тутун чиққунча доғлаганингиздан сўнг оловни пастлатасиз, тобини чиқариб хом мантиларни икки-уч донадан солиб бамисоли вараки сомса каби қовуриб, човлида сузиб олаберасиз. Бунда мантиларнинг хамири каврак қизғиш бўлиб қовурилади-ю, бироқ қиймаси пишмайди. Шунинг учун қозон ёки кастрюль-

канинг остига ликопча қўйиб қовурилган мантиларни бир-бири устига териб чиқасиз, устига яна битта ликопча тўнтириб, орасига қайнаб турган сувдан қуйиб, суст оловга қўйинг, мантининг ичидаги қиймаси ана шундай ҳосил бўлган буғда пишади. Пишиш муддати 20 — 25 минут.

Дастурхонга лаганга сузиб, юзига узум сиркаси севалаб тортилади. Буни ўзи қайнаган шўрваси билан бериш ҳам мумкин, у ҳолда косаларга 2 — 4 донадан манти солиб, ҳар бир мантига бир-икки ош қошифи ҳисобида шўрвасидан қуйиб келтирилади, алоҳида идишда эса қатиқ берилади.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 2 дона тухум, 1 чой қошиқ-да туз олинади; қиймаси учун 1 кг ёғлиқ қўй гўштининг лаҳими, 500 гр пиёз, 1 чой қошиғида мурч, шунча зира ва шунча туз керак бўлади; фритюр учун 1 кг пахта ёки қўй ёғи додланади.*

## Сув манти

Тогорачага тухумни чақиб илиқ сут билан кўпиклашиб бир хил масса ҳолатига келгунича ийланг, туз солиб эритинг. Ана шу суюқликка қисим-қисимлаб ун солиб, қаттиқина хамир қориб 10 — 15 минут сочиққа ўраб тиндириб қўйинг. Энди хамирни яна бир муштлаб, ундан ёнгоқдек келадиган зувалалар узиб, жўва ёрдамида қалинлигини 3 мм қилиб тақсимчасимон жилдлар ёйинг. Қўй гўштининг ёғлиқ ва лаҳим қисмидан олиб «чумчук тили» қилиб тўғранг, бунга чопилган пиёз, туз, мурч ва зира қўшиб мижийсиз. Ҳар бир жилдга бир сиқим қиймадан солиб юмалоқ шаклда мантилар тугасиз. Ўнта-ўнта мантини човлига солиб қайнатма шўрвада пишириб лаганга сузасиз, ёки 2 — 4 донадан қилиб косаларга солиб шўрва билан бирга дастурхонга тортасиз. Юзига қирқилган ошкўк сепинг, алоҳида идишда қатиқ ёки сирка беринг.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан сут, 1 чой қошиғида туз олинади; қиймаси учун 1 кг ёғлироқ қўй гўштининг лаҳими, 600 гр пиёз, 100 гр чарви ёғ, 1 чой қошиғида зира, шунча мурч ва шунча туз керак бўлади. Юзига: 1 боян кашнич ва 1 пиёла қатиқ олинади.*

## Яхлит манти

Тухум чақиб қаттиқина хамир қорилади, 10 — 12 минут тиндирилгач, ёнгоқдек зувалачалар узиб ликопчадай қилиб ёйлади. Ҳар бир ёймага кабоб учун сиркаланган 2 — 3 бўлак гўшт ва 1 бўлак ёғ ҳамда майин тўғралган пиёз солиб, тўрт бурчак шаклида мантилар туғилади. Мантиқасқон лаппаклари ёғлангач, мантиларни териб 40 — 45 минут давомида пиширилади. Мабодо кўнглингиз шундай манти ейишни тусаса гўшт сиркалаш усулини кабоб учун гўшт тайёрлаш усулида ўрганиб оласиз.

Лагандаги тайёр мантиларнинг юзига қирқилган кўк пиёз сешиб, қатиқ севаланади ва дастурхонга келтирилади.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз олинади; түлмаси учун 1 кг лаҳим гүшт, 300 гр ёғ, 3 — 4 бош пиёз, 1 чой қошиғида зира, 1 чой қошиғида туз, 1 чой қошиғида кашнич уруғи, шунча туз, 1 стакан анор шарбати ёки помидор шарбати, бўлмаса минерал сув («Тошкент», «Фарғона» суви) ҳам ярайверади.*

## Картдумба манти

*Хамиртурушни илиқ сувда әритиб туз соласиз ва унини қисим-қисимлаб солиб хамир қорасиз, ошириш учун иссик ўраб қўясиз. Ошган хамирни яна бир бор муштлаб пишитиб, ёнғокдай келадиган зувалачалар узиб оласиз ва ҳар бирини жува ёрдамида 3 мм қалинликда ёясиз-да, урвок сепиб, ўраб қўясиз.*

*Тўлмаси бундай тайёрланади: думба ёғдан олиб  $1 \times 1 \times 1$  см кубик шаклида тўғрайсиз, бунга ховончада шакар ҳолатига келтириб туйган новвотингизни аралаштириб юборасиз. Ана шу тўлмалардан ҳар бир жилдга керагича солиб овал ёки юмaloқ шаклда мантилар тугасиз ва буғлаб пиширасиз. Пишиш муддати 40 — 45 минут. Лаганга териб ёки ҳар бир хўранда учун алоҳида ликопчаларга 2 — 4 донадан солиб дастурхонга келтирасиз.*

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 30 гр хамиртуруш, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз олинади; тўлмаси учун 1 кг думба ёғи, 300 гр новвот керак бўлади.*

## Андижон мантиси

*Хамирини қаттиққина қориб, зувала қилиб, ҳўл сочиққа ўраб 10 — 15 минут тиндириб қўйганингиздан кейин, 150 граммли, яъни олмадек келадиган бўлаклар узиб олиб жўва билан ёйсангиз, ликоп катталигидаги жилд ҳосил бўлади. Ҳар бир жилдга 250 — 300 граммча қийма солиб юмaloқ шаклда манти тугилади.*

*Қиймасини тайёрлаш учун ёғлиқ қўй гўштидан олиб чопилади ёки яхшиси ўткир пичоқ билан «чумчук тили» қилиб тўғранг. Бунга чопилган пиёз, хом тухум, туз, мурч қўшиб яхшилаб мижийисиз.*

*Тугилган мантиларни лаппаги ёғланган қасқонга қўйиб 1 соат давомида буғлаб пиширасиз. Дастурхонга тортишда ҳар бир хўранда учун бир донадан мантини алоҳида ликопчада ёки косага солиб, пича шўрва қуйиб, юзига қатиқ ва қирқилган укроп сепиб берасиз. Алоҳида идишда узум сиркаси қўйинг.*

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз олинади; қиймаси учун 1 кг ёғли қўй гўшти, 500 гр пиёз, 1 дона тухум, мурч ва туз таъбга кўра ишлатилади.*

## Очиқ манти

Еғсиз қатиқни ийлаб, қисимлаб ун ва чой содаси құшиб ёки хамиртурушли хамир қорилади. Хамирни ёңғоқдан каттароқ зувалачаларга бўлиб, қўлда ёки жува ёрдамида бир оз қалинроқ (4 мм) қилиб ёясиз. Ҳар бир ёймага 1 ош қошиғида қийма солиб русча ватрушка ёки татарча парамачга ўхшатиб тугасиз, ўртасида 5 тийинлик чақа катталигига тешик қолдирилади. Қиймаси бундай тайёрланади: қўй гўшти ва мол гўштидан тенгма-тенг олиб, йирик кўзли қиймалагичдан ўтказасиз, қиймага майнин, ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган пиёз, хом тухум, мурч, туз қўшиб яхшилаб мижийсиз.

Маҳсулотни мантиқасқоннинг ёғланган лаппакларига териб 35 — 40 минут давомида буғлаб пиширасиз. Пишишига 5 минут қолганда мантиларнинг очиқ жойига 0,5 чой қошиғида сариёғ солиб чиқасиз. Ҳар бир хўранда учун 4 донадан қилиб ликопга солиб ёки лагандада дастурхонга тортасиз. Узум сиркаси алоҳида идишда берилади ёки мантиларнинг очиқ қолдирилган жойига бир неча томчи томизиб узатилади.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 20 гр хамиртуруш, 1 стакан илиқ сув, 0,5 чой қошиғида туз ёки 500 гр унга 1,8 стакан қатиқ, 0,5 чой қошиғида сода, 0,5 чой қошиғида туз олинади; қиймаси учун 0,5 кг қўй гўшти, 0,5 кг мол гўшти, 1 дона тухум, 0,5 кг пиёз, 1 чой қошиғида туз ва мурч керак бўлади.*

## Ошқовоқ манти

Бошқа мантиларда айтилгандек қилиб хамир қорасиз ва ёясиз.

Тўлмасини тайёрлаш: Исталган ошқовоқ навидан, фақат яхши пишганини танлаб оласиз. Танлаш учун қовоқнинг сиртига тирноқ уриб кўрмоқ керак, агар қаттиқ, тирноқ ўтмайдиган бўлса ана шу қовоқни яхши пишган деб билаверинг. Буни ёриб уруғларини олиб ташлаб, қирсангиз ҳам бўлади, яххиси «нўхатча» қилиб тўғранг, шунда фойдали шарвати чиқиб кетмайди. Ошқовоққа ҳалқа қилиб тўғралган пиёз, жizzза ёки «чумчук тили» қилиб тўғралган чарви ёғи қўшасиз. Агар ошқовоқ унчалик ширин бўлмаса пича шакар сепишингиз ҳам мумкин. Тўлмага туз-қалампир (мурч) қўшиб аралаштирасиз-да, тайёрлаб қўйилган жилдларга ана шу тўлмадан кетганича солиб овал шаклда бўлган мантилар тугасиз. Маҳсулотни лаппаклари ёғланган қасқонга териб 30 — 40 минут давомида буғлаб пиширасиз.

Таомни лаганга солиб, юзига суртиш учун сариёғ ёки қаймоқ билан бирга дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиқ туз олинади; тўлмаси учун 1 кг тозаланган ошқовоқ, 4 — 5 дона бош пиёз, 1 стакан жizzза ёки 100 гр чарви ёғ, 1 чой қошиғида туз, 1 чой қошиғида мурч (туйилган қалампир) керак бўлади; юзига суртиш учун 100 гр сариёғ ёки 1 пиёлада қаймоқ керак бўлади.*

## ЛАГМОНЛАР

### Чўзма лагмон

Қаттиқ-юмшоқлигини ўртача қилиб хамир қорасиз, зувала қилиб сочиқقا ўраб 10 — 12 минут тиндириб қўясиз. Шундан сўнг хамирга туз ва сода эритмаси суртасиз (бунинг учун 1 чой қошиғида туз ва 0,5 чой қошиғида олинган содани 0,5 стакан сувда эритилади). Шундай эритмада қўлни намлаб хамирни муштлайсиз, токи бу намлик хамир бағрига сингиб кетсин. Сўнгра хамирдан ёнгоқдай-ёнгоқдай зувалачалар ясад, ҳар бир зувалачани тахта устига қўйиб кафтлар билан думалатиб бармоқ катталигидаги пилталар ясаймиз. Пилталарни ликопчага териб бир-бирига ёпишиб кетмаслиги учун устига ўсимлик ёғи суртасиз. Хамирга сингитилган туз-сода эритмаси ва устига суртилган ўсимлик мойи хамирнинг чўзилувчанлигини таъминлайди. Ана энди ҳар бир пилтани икки учидан ушлаб тахтачага уриб-уриб тортсангиз узун ва ингичка аргамчи ҳосил бўлади, чўзманни икки буклаб яна тахтачага уриб чўзсангиз, 4 қаватдан иборат ингичка вермишелсимон ҳолатга келади. Ҳамма хамирни ана шу тахлит чўзиб бўлгач, қайнаб турган тузли сувга солиб пиширасиз. Юзига қалқиб чиққанда човли билан сузиб олиб 2 — 3 марта совуқ сув билан чайқаб юборсангиз, юзига суркалган ёғи кетиб хамир диркиллаб қолади ва бир-бирига ёпишмайди.

Важу (қайласи) бундай тайёrlанади: қозонда ёғни доғлаб пиёз солиб жазлайсиз, унча қизариб кетмай туриб майда, «чумчуқ тили» қилиб тўғралган гўштни соласиз, кавлаб қовуриб турсангиз сели чиқади, ана шунда ҳалқа қилиб тўғралган чучук гаримдори, кубик ( $1 \times 1 \times 1$  см) шаклида тўғралган сабзи, сомонча тўғралган турп (редиска), шпалча тўғралган бақлажон, қирқилган карам, жанду, жусай, селдир ва саримсоқ кўкидан солиб қозондаги масаллиқнинг юзидан бироз ошириб сув қўйиб 1 соат давомида милдиратиб қайнатасиз, сўнг тузини ростлайсиз. Агар саримсоқ кўки бўлмаса, ўртасидан ўсиб чиққан қаламсимон танасидан тўғраб қўшинг, у ҳам бўлмаса саримсоқ доналарини майда тўғраб пиёз билан бирга ёғда жазласангиз ҳам, қайласига солиб қайнатсангиз ҳам бўлади. Сирасини айтганда, чўзма лагмон саримсоқ билан жуда келишади.

Дастурхонга тортишда косаларга хамирдан ярим-ярим солиб, устига қайноқ қайла қуйиб келтирасиз. Алоҳида идишда лозижон, узум сиркаси ва мурч берилади.

Лагмон еб бўлингандан кейин хўрандаларнинг хоҳишларига қараб, хамир қайнатилган сувдан пиёлаларга қуйиб, қайланинг ёғидан бироз қўшиб қатиқлаб келтирасиз. Мана шу мянтангнинг физиологик аҳамияти катта бўлиб, оғир овқатнинг тез ҳазмланишига ёрдам беради.

*Масаллик: хамири учун 500 гр ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз олинади; қайласи учун 500 гр гўшт, 300 гр ёр, 3 — 4 бош пиёз, ўртача катталикдаги 1 дона турп, 2 дона сабзи, 1 дона бақлажон, 300 гр карам, 3 — 4 дона чучук гаримдори, ярим боғламдан жусай, жанду, селдир ва саримсоқ кўки, туз эса таъбга кўра солинади. Лагмон билан қўшиб бериладиган сирка, лозижон ва мурч хўранданинг талабига биноан ишлатилади.*

## Кесма лағмон

Бундай лағмон Фарғона водийсида кўп тайёрланади. Кесма лағмонни 1956 йили Андижоннинг Хартум қишлоғида истиқомат қилувчи Каромат опадан ўрганиб сўнг тиклаганман.

Худди чучвараникига тайёрлагандек қилиб ҳамир қорасиз, тиндириб, сўнг ўқлов ёрдамида икки-уч миллимметр қилиб ёясиз. Еймани ёпишиб кетмаслиги учун урвоққа белаб таҳлайсиз ва эни 4—5 мм келадиган узун-узун тасмалар кесасиз, шу тасмаларни қайнаб турган тузли сувга солиб пиширасиз, юзига қалқиб чиққанда човлида сузиб олиб, совуқ сувда икки-уч бор чайқаб юборганингиздан сўнг сирқитиб қўясим.

Қайласи бундай тайёрланади: пиёзни ҳалқа-ҳалқа, гўштни бодом катталигига лўнда-лўнда қилиб, помидорни тилик-тилик, картошкани ўрта ( $1,5 \times 1,5 \times 1,5$  см), турпни кичик ( $0,5 \times 0,5 \times 0,5$  см.) кубик шаклида тўғрайсиз, карам, чучук гармдори ва саримсоқни майдада чопинг.

Қозонда ёғни додглаб, пиёз ташлайсиз, унча қизармасдан туриб гўштни солинг, сели чиқа бошлиғандан саримсоқ билан помидорни солиб то помидор эзилиб сели чиққунча жазлайсиз. Қишида помидор ўрнига томат ишлатилади. Сўнгра турп, чучук гармдори ва карамни солиб кавлаб, чала пишгунча жазлайсиз-да, бир оз сув қуйиб суст оловда милдиратиб, барча масаллиқ тўла юмшагунча қайнатасиз. Агар суви буғланиб кетса бир оз иссиқ сув қўшамиз. Тузини ростлаб қалампир сепасиз. Қайла жуда ҳам суюқ ёки ўта қуюқ әмас, ўртача бўлишига эътибор беринг.

Дастурхонга тортишда тайёр уграни қайноқ сувга пишиб илитиб олгач, лаганга бир қават қилиб соласиз, иккинчи қаватига қайлайдан солинг, устидан учинчи қават яна утра солиб, тепаси — тўртинчи қаватига яна қайла соласиз, чопилган ошкўклардан сепиб келтирасиз. Алоҳида идишда узум сиркаси қўйилади. Алоҳида пиёлаларда ҳамир қайнатилган сувга қатиқ қўшиб келтирасиз.

*Масаллиқ:* ҳамир учун 500 гр оқ ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 0,5 чой қошиқ туз керак бўлади; қайласи учун 300 гр гўшт (лаҳим қисми) 2 бош пиёз, 2 дона картошка, 1 дона турп, 3—4 дона помидор (ёки 2 ош қошиқ томат) 2—3 дона чучук гармдори, 200 гр карам, 1 бош саримсоқ, 200 гр ёғ, туз ва зираорлар таъбга кўра олиниади.

## Шивит оши

Янги ўрилган шивит (укроп)ни совуқ сувда ювиб юборганингиздан сўнг майда қирқиб, сирланган кастрюлькага ёки сопол мўндиға соласиз, устидан шарақлаб қайнаб турган сувни қуйиб чой каби дамлайсиз. Идишнинг қопқогини жипе ёпиб то совигунча олиб қўясим. Сўнгра шивитни сиқиб, дамламасини докада сузасиз. Унни қисим-қисемлаб қўшиб ҳамирни қаттиққина қилиб ана шу дамламада қоринг, сочиққа ўраб 10—15 минут тиндирганингиздан сўнг яна бир муштлаб ўқлов билан юпқа қилиб ёясиз. Еймани таҳлаб эни 1 см келадиган узун тасмалар — утра кесасиз. Уграни қайнаб турган тузли сувда пишириб олиб, човлига солиб, совуқ сувда чайқаб юборганингиздан сўнг сувини сирқитиб қўйинг.

Қайласини тайёрлаш учун гүштни майда «чумчуқ тили» қилиб тұғранг ёки йирик күзли гүшт қиймалагицдан ўтказсанғыз ҳам бўлади, пиёзни одатдагидек ҳалқа ёки ярим ҳалқа қилиб тұғрайсиз. Помидорни паррак-паррак, картошкани ўртача кубик шаклида тұғраб, шивитнинг сиқиб олинған тулпидан ҳам бир ҳовучча оласиз. Қозонга ёғ солиб дөглагач, пиёзни ташланг, бир-икки аралаштирибоқ, гүшт (қийма)ни қўшиб помидор ва картошка билан бирга чала қовуриб, шивит дамламасидан ва тулпидан солиб, жуда суст оловда 40 — 45 минут милдиратиб қўясиз, тузини ростлайсиз.

Хамирни қайноқ сув қуйиб иситиб, косаларга ярим-ярим соласиз-да, устидан қайла қуйиб дастурхонга келтирасиз. Қўшиб истеъмол этиш учун алоҳида идишда ийланған сузма ёки қатиқ берасиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 1 чой қошиғида туз, 500 гр шивитдан олинған 1 стакан дамлама; қайласи учун 400 гр гүшт, 150 гр саріеғ, 2 — 3 бош пиёз, 3 — 4 дона помидор, 2 дона картошка, таъбга кўра туз ва 1 литрча шивит дамламаси билан 1 ҳовуч тулпи керак бўлади.*

## Ипак лағмон

Тухумни ийлаб, қисим-қисимлаб ун солиб қаттиққина хамир қорасиз, зувала қилиб сочиққа ўраб 10 — 12 минут тиндириб олганингиздан сўнг ўқлов ёрдамида жуда нафис, бамисоли қофоздай қилиб ёясиз. Нафис ёйманинг юзига урвоқ сепиб ўқловга ўрайсиз-да, ўқловни суғуриб олиб, ҳосил бўлган хамир рулондан ўткир пичоқ билан жуда нафис — ипак таҳлит угра кесасиз, қайнаб турган тузли сувга солиб бир минутча қайнатиб, човлида сузиб оласиз. Майин угра ни совуқ сувда 2 — 3 марта чайқаб юборгач, дөглаб совутилган пахта ёғи севалаб аста аралаштиранғиз, диркиллаб бир-бирига ёпишмайдиган бўлиб қолади.

Қайласи бундай тайёрланади: Пиёз билан саримсоқни майин ҳалқа қилиб тұғраб гүштни қиймалайсиз. Чучук гармдори, селдир ва укропни қирқасиз, помидорни тилик-тилик қилиб, арчилган бақлажонни эса сомонча усуlda тұғранг.

Қозонда ёғни дөглаб, пиёз билан саримсоқни солиб жазлайсиз, ва қиймани солиб аралаштириб турсанғыз сели чиқади. Шунда бақлажон, помидор, чучук гармдори ва укропни солиб қозонни қопқонини ёпиб масаллиқни ўз селига дамлаб пиширасиз, муддати 30 — 35 минут, вақти-вақти билан кавлаб туринг, сўнг тузини ростлаб, мурч сепасиз.

Кубик қилиб тұғралған сабзини ловия билан бирга бошқа идиша қайнатиб оласиз.

Дастурхонга тортишда лаганга майин уградан бир қатlam ёясиз, ўртасига анча қуюқ бўлиб пишган қайлани солиб, юзига қайнатилган сабзи бўлаклари билан ловияни соласиз.

*Масаллиқ: хамири учун 500 гр оқ ун, 4 дона тухум, 1 чой қошиғида туз олинади; қиймаси учун 400 гр қўй гүшти, 200 гр қўй ёғи, 2 бош пиёз, 5 — 6 паррак саримсоқ, 2 дона чучук қалампир, 3 — 4 дона помидор, 1 дона сабзи, 1 дона ўртача катталикдаги бақлажон, 0,5 боғламдан селдир ва укроп, 50 гр ловия, туз ва мурч таъбга кўра олинади.*

## КОВУРМАЛАР

### Қовурилган гүшт

Құй ёки мол гүштидан олиб, бош бармоқнинг биринчи бүгини катталигига лўнда-лўнда қилиб тўғрайсиз, юзига майин туз сепинг. Қозон ёки товада қўй ёғини эритиб жizzасини олгандан сўнг оқ тути чиққунча доғлаб, пиёз солиб жазлайсиз ва гүштни ташлаб, сирти қизаргунча аралаштириб қовурасиз. Қовурилган гүштга жizzани қўшиб, бир-икки аралаштиргач, ликопчаларга солиб, юзига қирқилган кўк пиёз сепиб дастурхонга келтирасиз. Ёнбошига янги помидор, бодринг, редиска, турп ёки бош пиёздан гарнир қилиб берасиз. Ҳоҳишига қараб шу сабзавотлардан тайёрланган салат берилса ҳам бўлади.

*Масаллик: 1 кг қўй ёки мол гүшти, 200 гр думба ёғ, 2 — 3 бош пиёз, тотимига яраша туз. Гарнир учун кўрсатилган сабзавотларнинг бир хилидан ёки ҳар биридан ассорти қилиб, ёинки салат қилиб бериши ихтиёрий адo этилади.*

### Жағир-буғир (жигар-багир)

Жizzаси олинган ёғ доғланади, бунга ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган пиёз солиб жазлагач, гүшт қўшилади. Буйракни иккига ёриб сиртидан пардаси олиб ташланиб, ҳиди кетгунча ювилади ва майда тўғрайсиз, туз сепиб қўясиз. Жигарни худди кабобга тўғрагандек қилиб кесасиз ва буйрак билан бирга қозонга соласиз, бир икки кавлаб катта кубик ( $3 \text{ см}^3$ ) шаклида тўғралган картошка солиб аралаштириб, туз ва мурч сепасиз-да, бир оз сув қўшасиз, қозонни қопқофи ни ёпиб оловини пасайтириб 10 минутча кутилса, пишади. Дастурхонга тортишда лаганга гумбаз қилиб эмас, бир қаватгина солинг, юзига қирқилган кўк пиёз ёки ҳалқалаб тўғралган бош пиёз солиб келтирасиз.

*Масаллик: 1 қўйнинг жигари, 2 буйраги, 300 гр сон гүшти, 150 гр пешноб, 200 гр думба ёғи, 500 гр картошка, 3 — 4 бош пиёз, туз билан мурч ва юзига сепиладиган кўк пиёз таъбга кўра олинади.*

### Қовурма

Гүштни лўнда-лўнда қилиб кесасиз, ёғни кубик ( $2 \text{ см}^3$ ) усулда, пиёзни ҳалқа-ҳалқа, сабзини паррак-паррак, помидорни тиликлаб тўғранг. Жizzаси олинган ёғни оқ тутуни чиққунча доғлаганингиздан сўнг пиёзни солиб, аралаштирасиз, ҳали ранги ўзгармасдан туриб гўштни солиб қовурасиз. Сели чиқа бошлаганда помидорни солинг ва кавлаб туринг. Помидорнинг сели батамом чиққанида қозондаги масаллиғни юзи билан баробар сув қуйиб, то гўшти пишгунча милдиратиб қайнатасиз, тузини росттайсиз, қалампир ёки мурч сепасиз. Гўштни қандай кесган бўлсангиз, тандир нонини ҳам шундай катталикда кесиб қовурманинг селига ботирасиз, селини нон эмиб олган-

да лаганга сузиб, юзига қирқилган күк пиёз ёки кашнич (укроп) сепиб дастурхонга келтирасиз. Аслида бу таомни қаттиқ нондан тайёрлаган маъқул. Қаттиқ ёки суви қочган нон билан тайёрлаганда сув бир оз кўпроқ қуйилади ва нон батамом юмшаганда дастурхонга тортилади.

*Масаллик: 500 гр гўшт, 2 — 3 бош пиёз, 150 гр ёғ, 2 дона сабзи, 3 — 4 дона помидор, қишида 2 ош қошиғида томат пастаси, 2 та ўртача катталикдаги нон (400 гр), туз, қалампир ва ошкўк таъбга қараб олинади.*

## Жаркоп

Гўштни лўнда-лўнда қилиб тўғраб, суякларини ҳам чопинг, пиёзни одатдагидек ҳалқа-ҳалқа, помидорни тилик ёки паррак қилиб, картошкани эса катта кубик ( $3 \text{ см}^3$ ) ёки эни 1 см келадиган паррак қилиб кесинг. Қозонда ёғни доғлаб аввал пиёзни соласиз, бир-икки аралаштиргач, гўштни ташлаб, сели чиққунча қовуринг, кейин помидорни қўшиб эзилгунча жазлайсиз. Қиши фаслида помидор ўрнига томат пастаси ишлатилади. Масалликнинг юзи билан баробар сув қўйиб, қайнаб чиққач тузини ростланг, бир дона лавр япроғи ҳам қўшинг. Гўштни тўла пишганда, картошкани солинг ва суст оловда пиширишни охирига етказинг. Дастурхонга тортишда ликопчаларга тақсимлаб ёки лаганга сузиб, юзига қирқилган ошкўклардан сепиб келтирасиз.

*Масаллик: 1 кг гўшт, 500 гр картошка, 3 — 4 бош пиёз, 200 гр ёғ (ўсимлик ё ҳайвонот ёғи) 4 — 5 дона помидор ёки 2 ош қошиғида томат пастаси, таъбга кўра туз, 1 дона лавр япроғи, юзига сепиш учун 1 — 2 боғ петрушка (укроп, кашнич, кўк пиёз ёки саримсоқ кўки) олинади.*

## ДИМЛАМАЛАР

### Димлама

Димлама учун албатта қўй гўшти бўлиши керак, баъзан ёшроқ мол гўштидан тайёрланади. Гўштнинг сон ва қовурға қисмларидан олиб кабобга мўлжаллаб тўғрайсиз, қовурғаларини калта-калта — бош бармоқ узуунлигига чопинг, туз, зира ва кашнич уруғи сепиб аралаштириб қўйинг.

Думба ва чарви ёғдан олиб қалинлигини — 2 см, кенглиги (эни ва бўйи)ни гугурт қутиси юзасидек ва ундан каттароқ қилиб кесинг. Пиёзни одатдагидек ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғрайсиз.

Қозонни қиздириб, тубига ҳалиги япалоқ қилиб кесилган ёғни битта-битталаб солсангиз жиз этиб ёпишиб қолади. Бунинг устига пиёзни соласиз. Пиёзни устига зираланган гўштни қаватлаб солиб, бир пиёла сув севалайсиз-да, буг чиқиб кетмайдиган қилиб қопқоғини ёпасиз. Тогочча ёки лаган ёпиб, атрофига сочиқ қистирсангиз ҳам бўлади.

Оловини суст бериб 45 — 50 минут давомида димлайсиз, сира очмайсиз. Тайёр таомни лаганга ёки алоҳида ликопчаларга солиб юзи-

га қирқилган ошкүклар сепиб дастурхонга келтирасиз. Алоҳида идишда янги сабзавотлар (бодринг, помидор, турп ёки редискадан) берилади.

*Масаллиқ: 1 кг гүшт, 250 гр ёғ, 4 — 5 бош пиёз, 1 чой қошиғида зира, 1 чой қошиғида кашнич уруғи, туз таъбга кўра олинади. Юзига сепиш учун 1 — 2 боғ кўк пиёз, кашнич ёки укропдан бири керак бўлади.*

## Қийма димлама

Бу таом ёғсизроқ қўй ё мол гўштининг сон қисмидан тайёрланади. Бунинг учун гўштни ё «чумчук тили» қилиб тўғрапш, ёки қиймалаш зарур. Қиймага туз, зира ва мурч сепиб, 1/3 нисбатида олинган пиёзни майин тўғраб мижийсиз ва олиб қўя турасиз. Саримсоқ пиёзни узун-узун танасидан олиб, яхши юваб, узунлиги 4 — 5 см келадиган қилиб қирқинг. Товада ё қозонда ёғни доғлаб, қиймани солиб, кавлаб-кавлаб, чала қовуринг, устидан бир пиёла сув севалаб, саримсоқ танасини солиб аралаштириб димлаб қўйинг. Оловини дархол пасайтиринг, 40 минутчадан сўнг таом тайёр бўлади. Ликопчаларга тақсимлаб дастурхонга тортасиз. Алоҳида идишда сабзавот гарнири ёки салат берасиз, шишачада узум сиркаси ҳам қўйилади.

*Масаллиқ: 1 кг лаҳум гўшт, 300 гр (4 — 5 дона пиёз), 150 гр қўй ёғи, 4 боғ саримсоқ танаси, 1 чой қошиғида зира, туз эса таъбга кўра олинади.*

## Ажабсанда

Бу таом бугда пиширилади. Бунинг учун катта ва кичик ҳажмли 2 та идиш (қозон ёки кастрюлька) керак.

Картошкани арчиб кубик ( $1 \text{ см}^3$ ) шаклида тўғранг, сабзини худди паловга тўғрагандек сомонча усулида, помидорни тилик-тилик ёки паррак-паррак қилиб, пиёзни ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғрайсиз, саримсоқни эса доналарга ажратасиз. Гўшт билан ёғ бош бармоқнинг биринчи бўғими катталигида лўнда-лўнда қилиб кесилади. Аччиқ ва чучук қалампирлардан майда тўғраб, қирқилган кашнич билан укропга аралаштириб қўясиз.

Энди кичик идишнинг ичига бир қатлам қилиб картошкани солинг, бунинг ўзига лойик туз ва мурч ҳамда майдалаб қўйилган ошкўклардан сепинг. Иккинчи қатлам қилиб сабзини солинг, буни ҳам туз-намагини ростланг, учинчи қатламига помидор бўлакларини соласиз-да, ҳалиги ошкўклардан ҳамда туз сепасиз, тўртинчи қатламида пиёз, бешинчи қатламида саримсоқ, олтинчи қатламида эса гўшт билан ёғ бўлади. Кичик идишни катта идиш ичига ўрнатасиз, идишлар оралиғидаги бўшлиққа сув қўясиз. Таом шу сувнинг буғида пишади. Сувни кичик идиш лабидан анча пастроқ сатҳда қўйинг, токи шарақлаб қайнаганда масаллик ичига тушмасин.

Кичик идишнинг оғзи очик, катта идишнинг қопқоғини жипс ёпиб оловга қўясиз. Идиш доим ёпик тургани учун баъзи дармондорилар ва ифори мойлар учеб кетиб, ғойиб бўлмайди, шу сабабли ҳам таом фоят тотли ва фойдали бўлади. Пишиш муддати 2 соат. Агар сувни камайиб қолганини сезсангиз, bemalol очиб оралиққа қайноқ сув-

дан қуйиб қўйинг. Ажабсанда қанча узоқ қайнаса (масалан, 5 соатча) шунча лаззатли бўлаверади. Бу тансиқ таом сизнинг кўп вақтингизни олмайди, фақат масаллиқларни тўғраб солиб қўйсангиз бас, ўзи пишаверади, сиз бошқа ишингиз билан машғул бўлаверишингиз мумкин. Баъзан кутаётган меҳмонингиз ҳадеганда келавермаса ҳам ташвишланмайсиз, таом қанча узоқ оловда турса унинг лаззати шунча яхшиланаверади. Тайёр таом косаларга сузиб дастурхонга тортилади, солинган масаллиқлардан ҳар порция ичига тушишига ҳаракат қилинг.

#### Ажабсанда тайёрлашнинг иккинчи усули

Барча сабзавотлар, гўшт ва ёғ худди юқорида айтиб ўтилгандек қилиб тўғраб тайёрланади. Бироқ, ҳамма масаллиқни бир идишга эмас, балки меҳмонларнинг сонига қараб биттадан косага қаватлаб жойланади ва бўни косаси билан каттароқ мантиқасқон лаппакларига қўйиб пиширилади. Дастурхонга шу косанинг ўзида остига ли-коп қўйиб тортилади.

*Масаллиқ: 2 — 3 дона картошка, 2 — 3 дона сабзи, 3 — 4 дона помидор, 2 — 3 бош пиёз, 2 дона чучук гармдори, 1 қўзоқ аччиқ ва шунча чучук қалампир, бир бош саримсоқ, 1 боян кашнич, 1 боян укроп, 500 гр гўшт, 200 гр қўй ёғи, зира ва туз таъбга кўра олинади.*

## Помидор димлама

Қизариб пишган помидорларнинг бир хил тухум катталиқдаги-ларини танлаб оласиз, совуқ сувда чайқаб юборгач, бандини кесиб олиб қўясиз. Ёғлироқ гўштни бармоқ катталигида қилиб тўғранг, суякларини ҳам майдада чопинг. Пиёзни ва булгор гармдорисини эса ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғрайсиз. Қозонни қуруқ қиздириб, тубига тўғ-ралган ёғни, ёғ устига гўштни солиб, туз ва зира сепасиз, унинг устидан эса пиёз билан гармдорини соласиз, энг тепасига кесилган то-монини пастга қилиб помидорларни териб чиқасиз. Масаллиқ устига лаган ёпиб, оловини пастлатиб 1 соат давомида димлаб пиширасиз. Дастурхонга тортишда лаганга сузиб, юзига қирқилган ошкўқ сепа-сиз.

*Масаллиқ: 2 кг ўртacha катталиқдаги помидор, 700 гр гўшт ва 300 гр ёғ (думба, чарви), 4 — 5 бош пиёз, 3 — 4 дона булгор гармдо-риси, 1 қўзоқ аччиқ қалампир, 2 чой қошиғида зира, таъбга кўра туз ва юзига сепиш учун 1 — 2 боян ошкўқ (кашнич, укроп, кўкпичёз) ке-рак бўлади.*

## Сабзавот билан мева димламаси

Қозонда қўй ёгини эритиб, жizzасини олиб, пиёз солиб жазлай-сиз, оловини пастлатиб бир қават сомонча усулида тўғралган сабзи солинг, кейин паррак-паррак қилиб тўғралган помидор, устидан кубик шаклида кесилган картошка соласиз. Ҳамма қатламларига тўғ-ралган булгор гармдориси, кашнич, жамбил қўшиб, туз ва мурч се-пинг. Навбатдаги қатламига тиликлаб тўғралган беҳи билан нордон олма солинг. Қозондаги масаллиқнинг юзи билан баробар келади-ган сув қуйиб лаган бостирасиз, оловини пастлатиб 1 соат давомида

пиширасиз. Тайёр таомни дастурхонга тортишда аралаштириб лаганга соласиз, юзига қирқилган укроп сепасиз.

**Масаллиқ:** 500 гр құй ёғи, 500 гр сабзи, 500 гр пиёз, 500 гр помидор, 3 — 4 дона чучук қалампир, 2 бөш саримсоқ, 2 бөг кашнич, 1 бөг укроп, 500 гр картошка, 2 дона беҳи, 4 дона олма, туз ва мурч таъбга күра солинади.

### Беҳи димлама

Туклари құл билан артилган нордон беҳини икки паллага ажратиб, уруглари олиб ташланғандан сүнг эни 1 см келадиган тиликтарга бўлиб чиқасиз ва қайноқ сувга ботириб қўясиз. Гўшт ёғни бармоқ катталигига, пиёзни эса ҳалқа-ҳалқа тўғрайсиз. Ҳар уччала масаллиқни бирлаштириб юзига туз ва зира сепиб аралаштирасиз. Сўнгра қозонгами, кастрюлькагами солиб, устига ликопча ва юк бостириб, масаллиқнинг юзи билан баробар сув қўйиб суст оловга қўясизда, қайнаб чиққандан эътиборан 40 минут давомида димлаб пиширасиз. Дастурхонга тортишда човлида сузиг лаганга соласиз, сардаги алоҳида пиёлаларда узатилади. Юзига қирқилган кашнич сепсангиз ҳам бўлади.

**Масаллиқ:** 1 кг нордон беҳи, 500 гр құй гўшти, 200 гр думба ёғ ёки чарви, 2 бөш пиёз, 1 чой қошиғида туз, шунча мурч ва шунча зира. Юзига сепиш учун ярим бөг кашнич керак бўлади.

### Шолғом димлама

Шолғомни арчиб «қайроқча» шаклида тўғрайсиз, гўшт билан ёғни ҳам шу таҳллит, пиёзни эса одатдагидек ҳалқа-ҳалқа тўғранг. Барча масаллиқни бир идишга солиб туз, зира ва мурч сепиб аралаштирганингиздан кейин кастрюлька ёки қозонга солиб бетига ликопча ёпиб, юк бостирасиз-да, масаллиқни юзи билан баробар сув қўйиб оловга қўясиз. Қайнаб чиққандан эътиборан 1 соат давомида милдиратиб пиширасиз. Тайёр таомни дастурхонга тортишда човлида сузиг, лаганга ё ликопчаларга солиб келтирасиз, юзига қирқилган ошкўклардан сепинг. Сардаги алоҳида пиёлаларда тортилади.

**Масаллиқ:** 500 гр гўшт, 250 гр думба (чарви), 1 кг шолғом, 2 — 3 бөш пиёз, таъбга күра туз, мурч билан зира 1 чой қошиғида, юзига сепиш учун эса ярим бөг кашнич ёки укроп керак бўлади.

### Турп димлама

Турпнинг «Маргилон», «Олтиариқ» навларидан олиб пўстини салқалинроқ арчасиз. Пўчоги билан карсиллама этини ажратиб турадиган тўқ яшил чизиги бўлади, худди ана шу чизиги бўйлаб арчасиз. Буни шолғом димламага (юқоридаги рецептга қаранг) тўғрагандай «қайроқча» усулда қирқиб чиқасиз. Гўшт билан ёғ чимчилоқ катталигига узунчоқ қилиб, пиёз эса ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралади. Ҳамма масаллиқни туз ва зира, мурч сепиб аралаштириб, кастрюлькага соласиз, юзига ликоп тўнтариб, юк бостирасиз ва кўмиб турарли да-

ражада сув қуйиб, суст оловда милдиратиб, 1 соат давомида пиширасиз.

Тайёр бўлгач, човлида сузиб олиб, лаганга ёки ликопчаларга солиб дастурхонга тортилади, юзига қирқилган ошкўк сепинг. Сардаги алоҳида идишда тортилади.

*Масаллиқ: 1 кг турп, 500 гр гўшт, 250 гр қўй ёғи (чарви, думба), 2 — 3 бош пиёз, таъбга кўра туз, зира билан мурч ярим чой қошигида, ярим боғлам кашнич юзига сепиш учун қирқилади.*

## ДЎЛМАЛАР

### Карам дўлма

Карамнинг никбош эмас, балки ғовакроғи танлаб олинади. Кўк баргидан ҳалос этиб, ўзаги ўйиб олиб ташланади ва қайнаб турган тузли сувга 5 минутча ботириб қўйилади. Шунда унинг барглари маинлашади. Карам баргларини ажратиб тахлаб қўясиз, бандига яқин жойида дагал қисми бор, уни пичоқда кесиб текислайсиз ёки ёғоч тўқмоқ билан уриб нафислаштирасиз.

Қиймаси бундай тайёрланади: Семизроқ мол ёки қўй гўштининг ёгини майдада тўғрайсиз, пай, бириқтирувчи тўқималари, чалҳак қисмларини кесиб олиб ташлайсиз (булар гўшт қиймалагичдан ўтмай, ўрагиб хуноб қиласи). Гўштни қиймалагичдан ўтказиб, бунга ҳалиги тўғралган ёғни, майин қилиб чопилган пиёзни, пича ювилган гуручни солиб, туз ва мурч сепасиз-да, хом тухум чақиб яхшилаб мижишиз. Қиймангиз селликкина чиқсин учун 2 дона помидорни эзиб қўшиб юборинг, қишида эса помидор шарбатидан 2 ош қошигида қуясиз.

Карам баргларига керагида қиймадан солиб бодрингсимон дўлмалар ўрайсиз. Пиширишга келганда, кастрюлька остига карам баргларидан бир қават тўшаб, сўнг дўлмаларни териб чиқасиз, ора-орасига бутун сабзи ва картошка солсангиз ҳам бўлади. Масаллиқнинг юзи билан баробар сув қуйиб, устига ликоп тўнтариб, юк бостирасиз ва суст олов бериб, 40 — 45 минутча милдиратиб қайнатасиз. Шарақлаб қайнатганингизда дўлмалар ечилиб кетади ва шўрваси ҳам хира тортади.

Дастурхонга лаганда ёки ликопларда тортилади, юзига қаймок суртилади. Шўрваси алоҳида идишда тортилади.

*Масаллиқ: 1 бош карам, 500 гр лаҳим гўшт, 150 гр ёғ (чарви), 5 — 6 бош пиёз, 100 гр гуруч, 1 дона хом тухум, 2 дона помидор ёки 2 ош қошигида помидор шарбати, туз ва мурч таъбга кўра олинади. 2 — 3 дона сабзи, 2 дона картошка, юзига суркаш учун 1 стакан қаймок ёки сметана керак бўлади.*

### Қалампир дўлма

Булғор гармдорисининг бандини олиб, уругини қоқиб ташланингиздан сўнг совуқ сувда ювиб, сирқитиб қўясиз. Қиймаси худди юқоридаги рецептда айтилгандек тайёрланади. Ҳар бир қалампирга қийма босиб бўлгандан кейин кастрюльканинг остига битта ликопча қўясиз, устига қалампирларни териб бўлгач яна ликоп ёпиб,

юк бостирасиз-да, юзи билан баробар сув қуйиб жуда суст оловда 40 минутча милдиратиб қайнатасиз. Тайёр таомни лаган ёки ликопчага сузига сариёғ суртиб дастурхонга тортилади.

Қалампир дўлмани шўрвада пиширса ҳам бўлади. Бунинг учун қозонга гўштдан ажратилган суюкларни солиб, майда тўгралган пиёз билан бирга қайнатасиз. Картошка ва сабзи солсангиз ҳам бўлади. Сўнг шўрванинг қайнаб чиққан жойига битта-битталаб дўлмаларни соласиз, шундай қилинса қиймаси чиқиб кетмайди. Дастурхонга шўрваси билан бирга ёки алоҳида идишларда тортилади.

*Масаллиқ: 0,5 кг булғур гармдориси, 500 гр лаҳим гўшт, 150 гр чарви ёғ, 100 гр гуруч, 2 дона тухум, 5 — 6 бош пиёз, туз таъбга кўра олинади, юзига суртиш учун 100 гр сариёғ керак бўлади.*

## Пиёз дўлма

Дўлма тайёрлаш учун пиёзнинг қалин қатли шолғомсимон на-видан олган маъқул. Самарқанднинг қизил пиёзи бўлса айни муддао. Шолғом пиёзни арчиб, банди учини конуссимон қилиб кесиб ташлаб, қайноқ сувга 10 — 15 минут ботириб қўйсангиз, қат-қатлари осон ажрайди. Ана шу «пиёз косача»ларга қийма тўлдирилади.

Қиймасини бундай тайёрлайсиз: ёғлироқ гўштни қиймалагичдан чиқаринг, бунга пиёзнинг қат-қатларга ажратганда чиққан ўрта қисмларини майдалаб қўшинг. Жигардан олиб, уни узун-узун «чувалчанг» усуlda тўғрайсиз. Барча масаллиқни бирлаштириб, туз ва мурч солиб, хом тухум чақасиз-да, яхшилаб аралаштирасиз. Мана шу қиймани «пиёз косача»ларга тўлдирасиз.

Эслатма: пиёз қатламларининг икки томони кесилган — очиқ бўлади, лекин масаллиқ таркибида тухум ва «чувалчанг» усулида тўғралган жигар борлиги қийманинг чиқиб кетмаслигини таъминлайди.

Пиширишда: кастрюлька тубига ликопча қўйиб, унинг устидан пиёз дўлмаларнинг аввал каттароқларини, сўнг кичикроқларини қатлаб териб чиқасиз, юзига ликоп тўнтириб, юк бостириб қўясиз. Пиёз дўлмани қатламлаб тераётганингизда ора-орасига сариёғ ва томат пастасидан солишни унутманг. Масаллиқнинг юзи билан баробар сув қуйиб, ўртача оловга қўясиз, қайнаб чиқиши билан ўтини пастасириб, 40 — 45 минут давомида милдиратиб қўясиз. Тайёр таом лаганда ёки ҳар бир хўранда учун 4 донадан ликопчаларда дастурхонга тортилади. Юзига ўз сардагидан севалаб, қирқилган кашнич ё укроп билан берилади.

*Масаллиқ: 10 — 12 бош ўртача катталикдаги шолғомсимон пиёз, 400 гр лаҳим гўшт, 300 гр жигар, 1 дона тухум, 150 гр сариёғ, 2 — 3 ош қошигида томат пастаси, туз ва мурч таъбга кўра олинади.*

## Шолғом дўлма

Ўртача катталикдаги шолғомлардан олиб арчасиз ва пичоқ учи билан ўртасини ўйиб «косача» ясайсиз.

Қиймаси бундай тайёрланади: қиймалагичдан чиқарилган ёғ-

лик қўй гўштига ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган пиёзни, пиширилган гуручни қўшиб, хом тухум чақиб, туз ва мурч сепасиз-да, яхшилаб аралаштирасиз. Шолғом «косача»ларни мана шу қийма билан тўлдириб, мантиқасқон лаппакларига қўйиб 40 — 45 минут, яъни шолғом етилгунча пиширасиз. Дастурхонга тортишда шолғомни эзиб юбор-масдан махсус куракчаларда ёки икки томонидан вилка санчиб олиб ликопчаларга 2 донадан қўйиб, юзига сариёғ ёки қаймоқ суртиб берасиз.

*Масаллиқ: 10 — 12 дона ўртacha катталиқдаги шолғом, 400 гр лаҳим гўшт, 1 стакан пиширилган гуруч, 2 бош пиёз, 1 дона тухум, туз ва мурч таъбга кўра. Юзига суртиш учун эса 1 стакан қаймоқ ёки 150 гр сариёғ керак бўлади.*

## Беҳзи дўлма

Беҳзининг нордон навидан қурт тушмаган, заҳа бўлмаганлари-ни танлаб оласиз, тукини ҳўлланган бўз ёки қўл билан артиб, ўртасини эса пичноқ билан ўйиб уруғларини олиб ташлаб, «косача»лар ҳозирлайсиз. Бунинг учун эни 1 см келадиган ингичка пичноқ ёки картошка арчадиган тарновсимон пичноқнинг қирраси чархланган бўлиши керак. Тайёрланган беҳзи «косача»ларни қайноқ сувга ботириб қўйинг, акс ҳолда тиғ теккан жойлари қорайиб хунук бўлиб қолади. Қиймасини тайёрлаш: худди шолғом дўлманикига ўхшайди (юкоридаги тавсияга қаранг): ёғли қўй гўшти, пиёз, пиширилган гуруч, хом тухум, туз ва мурч. Мана шу қиймани беҳзи ичига тўлдириб, ҳар бир беҳзи дўлмани биттадан пиёлага солиб мантиқасқон лаппакларига қўясиз (пиёлага қўймасангиз сели беҳзуда оқиб кетади). Пишиш муддати 40 — 45 минут. Дастурхонга пиёланинг ўзида тортилади, иссирида юзига сариёғ суртилади.

*Масаллиқ: 10 — 12 дона беҳзи, 500 гр лаҳим гўшт, 1/2 стакан қайнатилган гуруч, 1 дона хом тухум, 4 — 5 бош пиёз, туз ва мурч таъбга кўра, юзига суртиш учун 2 — 3 ош қошиғида сариёғ керак бўлади.*

## Олхўри дўлма

Олхўрининг йирик меваларидан танлаб олиб ювиб юборгач қовун сўйганга ўхшаб тилик тортасиз ва данагини олиб ташлайсиз. Янги қўй гўштини қиймалагичдан икки марта ўтказиб, туз сепасиз-да, олхўрилар орасига тўлдириб чиқасиз. Тубига ликопча қўйилган кастролькага териб, устидан ҳам ликоп ёпиб, юк бостирганингиздан кейин масаллиқнинг юзи билан баробар сув қуиб, жуда суст оловга қўйиб, қайнаб чиққанидан эътиборан яна 30 — 35 минут милдиратиб пиширасиз.

Ҳар бир хўранда учун алоҳида ликопчага 8 — 10 донадан олхўри дўлмадан солиб, юзига сариёғ суртиб, дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: 2 кг йирик олхўри, 400 гр ёғли қўй гўшти, таъбга кўра туз ва юзига суртиш учун 50 гр сариёғ керак бўлади.*

## Помидор манти (дўлма)

Помидорнинг «Олма», «Волгаград» ёки «Совға» навларидан қиپқизил пишган, ўртача катталикдаги ва эзилмаганларини танлаб оласиз. Банд томонини кесиб ташлаб, ўртасидаги эти, уруғларини ва селини бир идишга тўплайсиз. Ҳосил қилинган «помидор косача»ларга қийма босасиз.

Қиймасини тайёрлаш: гўшти қиймалагичдан чиқарасиз, бунга чала қайнатилган гуруч, майин тўғралган пиёз, хом тухум, туз ва мурч қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Помидорга қийма солишдан олдин бир оздан майин туз сепиб чиқинг, сўнг бодомдай-бодомдай думба (чарви) ёғи солиб, қийма тўлдирасиз. Мантиқасқоннинг лаппакларига помидорларнинг очиқ томонини пастга қилиб териб чиқасиз. Қасқон кастрюлькасида қўй ёғини эритиб, жizzасини олмасдан майда тўғралган пиёзни жазланг, сўнг майда кубик қилиб тўғралган сабзини картошка билан булғор гармдорисини соласиз ва яна бир оз жазлагач, ҳалиги помидорлар ичидан олинган этини майда тўғраб ёки гўшти қиймалагичдан ўтказиб, шарбати билан бирга шўрвага қўшиб юборасиз. Шўрвага яна талабга кўра мўлжаллаб сув қуясиз ва тузини ростлаганингиздан кейин қасқоннинг помидор мантилар терилган лаппаклари жойланган устки қисмини шўрвали кастрюлька устига ўрнатасиз. Бу таом 35 — 40 минут пишади.

Дастурхонга тортишда ликопчаларга ҳар бир хўранда учун 4 дона ҳисобида помидор манти солиб, косачаларда эса шўрвасидан келтирасиз.

*Масаллиқ: 20 — 25 дона олма катталигидаги помидорлар, 500 гр лаҳим гўшт, 300 гр қўй ёғи (150 гр жазлашга, 150 гр эса помидор мантиларининг ичига солишига), 4 — 5 бош пиёз, 1 стакан чала пиширилган гуруч, 1 дона тухум, 2 — 3 та картошка, 1 дона сабзи, 1 — 2 дона булғор гармдориси, туз ва мурч таъбга кўра олинади.*

## Ошқовоқ дўлма

Ошқовоқнинг узунчоқроқ, пўчоги қалин ва қаттиқ, қора ва сарик йўллари бор «сомса қовоқ» деб аталадиган нави бўлади. Ана шунисидан олиб, банди томонидан 2 — 3 см қалинликда «қопқоқ» очасиз. Уругини ва тивитларини қошиқсимон қирғич ёрдамида олиб ташлайсиз. Ҳосил қилинган «ошқовоқ мўнди»га қийма тўлдирасиз. Қийма бундай тайёрланади: гўшти қиймалагичдан ўтказиб, бунга майда тўғралган пиёз, ювилган гуруч, туз ва мурч сепиб аралаштирасиз. Гуруч яхши пишсин учун қиймага пича сув қуясиз. Агар гўшт ёғсизроқ бўлса, қиймага пича сариёғ қўшишингиз ҳам мумкин. Ушбу қиймани ошқовоқ ичига тўлдиргач, ҳалиги «қопқогини» ёпасиз. Ошқовоқ дўлмани тарелкага солиб, қизитилган газ духовкасининг патнисига қўясиз ва ўртача олов бериб, бир ярим-икки соат давомида пиширасиз. Буғ ҳосил бўлсин учун вақти-вақти билан духовка патнисига сув қуйиб туринг. Пишганлиги ошқовоқнинг юмшаганлиги билан аниқланади. Тайёр таомни катта лаганга солиб дастурхонга тортилади ва бевосита ейиш олдидан бўлакларга бўлинади.

*Масаллиқ: бир дона ўртача катталигидаги ошқовоқ, 500 гр гўшт, 1 стакан гуруч, 100 гр сариёғ, 3 — 4 бош пиёз, туз ва мурч таъбга кўра солинади.*

## БҮТҚАЛАР ВА ШАВЛАЛАР

### Сариёғли бүтқа I

Гуручни тош-курмаклардан тозалаб, яхшилаб ювиб, икки ҳисса ортиқ олинган қайнаб турган сувга солиб, суст олов бериб пиширилади. Хали сувни тортмасдан туриб тузини ростлайсиз. Суви тортилгач, идишнинг қопқоғини жипс ёпиб 30 — 35 минут дамлаб қўясиз. Бошқа идишда сариёғни эритиб, пиёз солиб жазлайсиз.

Бүтқани лаганга ёки ликопчаларга солиб, юзига сариёғли пиёздоф қўйиб дастурхонга келтирасиз.

*Масаллик: 500 гр гуруч, 1 литр сув, таъбга кўра туз, 100 гр сариёғ, 2 бош пиёз керак бўлади.*

### Сариёғли бүтқа II

Қозонга 1 литр сув қўйиб, сариёғни ва ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган пиёзни солиб қайнатасиз, тузини ростлайсиз. Бунга тозалаб, ювилган гуручни солиб милдиратиб қайнатасиз, суви тортилгач, 30 — 35 минут дамлаб қўясиз.

*Масаллик: 500 гр гуруч, 1 литр сув, 2 бош пиёз, 100 гр сариёғ, таъбга кўра туз керак бўлади.*

### Гўштли бүтқа

Қозонга ёғни солиб доғлаганингиздан сўнг пиёз солиб жазлайсиз, кейин лўнда-лўнда қилиб тўғралган гўшти қовурасиз. Гўштнинг сели чиққанда сув қўйиб қайнатасиз, тузини ростлаб, ювилган гуручни солиб пиширасиз.

Дастурхонга ликопчаларда тортилади, юзига қирқилган кўклиёз сепасиз.

*Масаллик: 500 гр гуруч, 250 гр гўшт, 150 гр ёғ, 2 бош пиёз, туз ва ошкўй таъбга кўра олинади.*

### Ичакли шавла

Қўй ичагини ёгини ичига қилиб ағдариб яхшилаб юласиз, туз ишқалаб ювилса шиллик моддаси тезроқ кетади. Ҳидини кетказиш учун ачиған қатиққа ёки зардобга 2 соат ботириб қўйса ҳам бўлади, йўқса, марганцовканинг суюқ эритмаси билан чайқаб юборинг. Ичакни 8 — 10 см узунликда кесиб туз ва туйилган зира сепиб, аралаштириб қўятурилади. Узунроқ кесилганинг сабаби, ичак қовурилганида тортилиб кичрайиб қолади. Қозонда ёғни доғлаб, пиёз солиб жазлайсиз, сўнг ичак кесимларини солиб то кичрайгунча қовурасиз. Сабзини сомонча шаклида тўғраб, қозонга солиб бир-икки аралаштирганингиздан сўнг тўғралган помидор солиб то сели чиққунча жазланг. Сўнгра сув қўйиб 1 — 1,5 соат давомида милдиратиб қайнатинг,

бир дона бутун қалампир ҳам ташлаб қўйинг. Барча масаллиқ ярим тайёр ҳолига келганда кубик ( $2 \times 2 \times 2$  см) қилиб тўғралган картошка ва ювиб тайёрланган гуручни соласиз, яна сув қуйиб кавлаб-кавлаб пиширасиз, тузи кам бўлса ростлайсиз. Суви буғланиб, гуручи эзилиб пишганда, оловини ўчириб 10 — 15 минут дамлаб қўясиш.

Таомни лаганга ясси қилиб солиб, юзига қирқилган кўк пиёз сепиб дастурхонга келтирасиз.

*Масаллиқ: 600 гр гуруч, 400 гр (яъни 2 қулочча) қўй ичаги, 250 гр ёғ, 2 — 3 бош пиёз, 2 — 3 дона сабзи, 2 дона картошка, 2 — 3 дона помидор, 1 чой қошиғида зира, туз таъбга кўра олинади, 1 дона аччиқ қалампир, юзига сепиш учун эса ярим боф кўк пиёз керак бўлади.*

## Қовурма шавла

Сув қуйилмай туриб гуручни зирвакка қўшиб қовурилади. Шундай қилинганда таомнинг иссиқлик мижози ортади ва ични бўшастириш хусусияти ҳам қирқилади. Қовурма шавла унutilган ҳисобланар эди. Муаллиф Тошкент аҳолиси ўртасида изланди ва охир-натижада бу таомни тиклади.

Гўштни 15 — 20 граммли, лўнда-лўнда қилиб тўғрайсиз, пиёзни ҳалқа-ҳалқа, сабзини сомонча, картошкани эса катта кубик, помидорни тилик қилиб тўғранг. Қозонда доф бўлган ёғга аввал пиёзни солинг ва бир-икки аралаштиринг, пиёз бир оз қизарай деганда, гўштни, сўнг сабзини қўшиб қовуинг, сабзи эластик ҳолга келганда бутун қалампир ва помидорни солинг ва сели чиққунча жазланг. Сўнг картошкани солинг. Гуручни тозалаб, 3 — 4 марта ювиб юборганингиздан сўнг қўшиб кавлаб-кавлаб қовурасиз, ёғни ўзига шимиб олганида сув қўшиб то эзилгунча пиширасиз. Тайёр бўлганидан сўнг 10 — 12 минут дамлаб қўясиш.

Дастурхонга тортишда лаганга ясси қилиб солиб, юзига қирқилган кўкпиёз сепиб келтирасиз.

*Масаллиқ: 600 гр гуруч, 250 гр ёғ, 200 гр гўшт, 200 гр сабзи, 2 дона картошка, 3 — 4 дона помидор, 2 бош пиёз, 1 дона аччиқ қалампир, таъбга кўра туз ва юзига сепиш учун 1 — 2 боф кўк пиёз керак бўлади.*

## Ловияли шавла

Гуручни илиқ сувда ювиб, ивитиб қўясиш. Гўштни майдা — «чумчук тили», пиёзни ҳалқа-ҳалқа, помидор ва чучук гармдорини паррак-паррак қилиб, сабзини эса, одатдагидек, сомонча шаклида тўғрайсиз. Ҳали дони қотмаган ловияни олиб қўзокларидан ажратасиз ва совуқ сувда чайқаб юборасиз. Қозонда ёғни доФлаб, пиёз жазлайсиз, гўштни солиб бир-икки аралаштирганингиздан сўнг, тўғралган помидор билан чучук қалампирни ва бир дона аччиқ қалампирни ҳам солиб помидорнинг сели чиққунча жазланг. Сабзини солиб, дарҳол сув қуйинг-да, барча масаллиқлар чала пишгунча милдиратиб қўйинг. Ловияни ивтиилган гуручга аралаштириб, зирвак устидан қатлам қилиб соласиз-да, сув қуйиб, оловини кучайтириб, шиддат билан қайнатасиз. Ловияси пишганда таомнинг тузини ростлайсиз.

Кавлаб-кавлаб, то гуручи эзилгунча пиширишни давом эттирасиз, сувни тортиб кетса қайноқ сув құшасиз, тузини татиб, кам бұлса түғрилайсиз. Ловияли шавла тайёр бұлғанда, оловини ўчириб, 10 — 15 минут дамлаб құясиз.

Таомни лаганга ясси қилиб солиб, юзига қирқилган күкпиёз сепиб дастурхонга келтирасиз.

*Масаллиқ: 400 гр гуруч, 200 гр ловия, 200 гр гүшт, 250 гр ёғ, 300 гр сабзи, 2 бөш пиёз, 3 дона помидор, 2 дона чучук қалампир ва 1 дона аччиқ қалампир керак бўлади, туз ва юзига сепиладиган кўк пиёз таъбга кўра олинади.*

## Сабзавотли мошкичири

Тошкентда тайёрланадиган мошкичирига гўшт солинади-ю, сабзавот қўшилмайди. Сабзавотли мошкичири варианти қадимий ва унутилган бўлиб, бунга сабзи ва лавлаги ҳам солиб пиширилган. Сабзи солишдан мақсад ҳажмини кўпайтириш бўлса, таомнинг рангини чиройли қилиш учун қизил лавлаги (қизилча) қўшилган.

Мош ва гуручни тозалаб, ювив алоҳида ивитилади (мошни соvuқ сувга, гуручни иссиқ сувга) ивитиб құясиз. Гўшти лўнда-лўнда, пиёзни ҳалқа-ҳалқа, сабзини гуручга монанд сомонча шаклида, лавлагини эса мошга монанд майда кубик қилиб тўғрайсиз.

Қозонда ёғни дөғлаб, пиёзни солиб, бир-икки аралаштиргач, гўшти ташлайсиз ва ҳар иккала масаллик қизаргунча қовурасиз. Сўнгра қозонга сув қуйиб, мошни солиб милдиратиб қайнатасиз, мош «очилганд» лавлаги билан сабзини соласиз, яна қайнаб чиққанда гуручни солиб, барча масалликларни ўртacha оловда тўла пишишига эришасиз, фақат шундан сўнггина тузини ростлайсиз. Қалампирни эса бутунлигича сабзавотлар билан бирга солинг. Туйилган қалампир ёки мурчни таом дастурхонга тортилганда сепасиз. Мошкичири тайёр бўлгач, оловни ўчириб, 15 — 20 минут дамлаб құясиз.

Дастурхонга тортишда бир аралаштириб юбориб лаганга ясси қилиб соласиз, ўртасига суякли гўштларни, бутун қалампирни қўясиз, юзига қирқилган кўкпиёз сепинг.

*Масаллиқ: 300 гр мош, 300 гр гуруч, 250 гр гүшт, 250 гр ёғ, 150 гр лавлаги, 150 гр сабзи, 2 бөш пиёз, туз ва қалампир таъбга кўра олинади.*

## Мошкичири мухашири

Мошкичири мухашири тайёрлашдан бир кун олдин йирик, яшил мошни хас-чўпдан тозалаб, ювив, ивитиб құясиз. Эртасига мошни соvuқ сувли идишга солиб қайнатасиз, мошнинг пўсти тирс ёрилганда қайноқ сувини тўкиб, соvuқ сув қуйиб кафтлар орасида ишлаб пўстлоғини ажратасиз. Бу жараён қунт билан бир неча бор амалга оширилади. Қозонда сариёғни эритиб, ҳалқа қилиб тўғралган пиёз ва қўймаланган гўшти жазлайсиз, гўштнинг сели чиққанда сув қуйиб, пўсти ажратилган мош ҳамда тозалаб, ювив тайёрланган гуручни солиб ўртacha оловда пиширишни охирига етказасиз ва туз сепиб таъмини ростлайсиз. Суви тез бугланиб кетса оз-оздан қайноқ сув қўясиз.

шиб, вақти-вақти билан кавлаб турасиз. Мош билан гуруч юмшаганлигидан таом пишганлиги аниқланади.

Дастурхонга тортишдан 15 минут олдин дамлаб құясыз, сүнгра лаганга ясси қилиб сузип, юзига таъба туйилган қалампир (мурч), қирқилган ошкүйкден сепасиз. Таом ёғсизроқ бўлиб қолса, ўртасига бир ош қошиқда сариёғ солиб келтирасиз.

*Масаллиқ: 300 гр мош, 300 гр гуруч, 200 гр сариёғ, 2 бош пиёз, 200 гр гүшт қийма, туз ва мурч ҳамда ошкүйк таъбга кўра олинади.*

## Қиймали мошкичири

Мўлжалланган ёғнинг ярмини доғлаб, пиёзнинг ҳам ярмини жазлайсиз ва майда (мош катталигига) қилиб тўғралган лавлагини солиб, бир-икки кавлагач, сув құясыз-да, ҳали қайнаб чиқмасдан ювиги қўйилган мошни соласиз, паст оловда то очилгунча қайнатасиз. Мош тўла очилганда гуручни соласиз, вақти-вақти билан аралаштириб, мош-гуруч тўла пишгунча қайнатаверасиз. Охирида тузини ростлайсиз.

Бошқа идишда ёғнинг қолган қисмини доғлаб, пиёзни жазлайсиз ва қиймани солиб қовуласиз. Қиймаси бундай тайёрланади: ёғлироқ мол гўштини қиймалагичдан ўтказасиз, бунга пича пиёз ҳам қўшиб юборинг.

Қовургандан помидор, чучук гармдори солсангиз ҳам бўлади. Гўшт ва помидорнинг сели чиққач, сув қўйиб, оловини суст қилиб құясыз, суви буғланганда пишган ҳисобланади.

Тайёр таомни яхшилаб аралаштириб, лаганга ясси қилиб сузасиз ва устига қатлам қилиб қиймасидан соласиз, юзига мурч ва қирқилган ошкўклардан сепиб келтирасиз. Алоҳида идишда узум сиркаси ҳам қўйилади.

*Масаллиқ: 300 гр мош, 300 гр гуруч, 300 гр ёғ, 300 гр пиёз, 400 гр лаҳим гўшт, 2 — 3 дона помидор, 2 дона чучук гармдори, 1 дона ўртача катталиқдаги лавлаги, туз, мурч, ошкўйк (кашнич ё укроп) ҳамда сирка таъбга кўра олинади.*

## Пўстдумбали мошкичири

Тузи яхшилаб ювилган пўстдумбани бош бармогингизнинг биринчи бўғини катталигига тўғранг. Пиёзни ҳалқа-ҳалқа, сабзини эса худди паловга тўғрагандек сомонча қилиб тўғрайсиз. Қозонда ёғни доғлаб, ташлаган пиёзингиз ҳали рангини ўзгартирмасдан туриб пўстдумбани солинг. Буни бир-икки аралаштириб, сабзини соласиз ва сув құясыз. Ҳас-чўпдан тозалаб, ювиги қўйилган мошни сув қайнаб чиқмасидан соласиз-да, оловини пастлатиб, 1 соат давомида милдиратиб қайнатасиз. Қанча узоқ қайнаса шунча лаззатли чиқади. Суви буғланиб кетса оз-оздан қайноқ сув қуйиб турасиз. Моши яхши очилиб, пўстдумбаси пишганда ювилган гуручни соласиз, тузини ростлайсиз, бутун қалампир ташлаб пиширишни охирига етказасиз. Ва ниҳоят оловни ўчириб, таомни 15 — 20 минут дамлаб құясыз. Мошкичири етилгач, лаганга ясси қилиб солиб, юзига қирқилган кўкпиёз, қишида

бўлса майин тўғралган бош пиёз сепиб келтирасиз. Сирка алоҳида берилади.

*Масаллиқ; 300 гр мош, 300 гр гуруч, 200 гр ёғ, 2 бош пиёз, 300 гр пўстдумба, 3 — 4 дона сабзи, 1 қўзоқ қалампир, туз ва юзига сепидиган пиёз, узум сиркаси таъбга кўра олинади.*

## Гуруч лағмон

Гуручни тозалаб, 5 — 6 марта баювичи, қайнаб турган сувга солиб пиширасиз. Гуруч бўртгач, ортиқча сувини олиб ташлаб дамлаб қўясиз.

Бошқа қозонда қайласини тайёрлайсиз. Бунинг учун доғланган ёғда тўғралган пиёз билан саримсоқни жазлайсиз, унча қизариб кетмасдан туриб, майдага — «чумчук тили» қилиб тўғралган ёки қиймалангандан гўшт солиб, аралаштириб турасиз, сели чиқа бошлагандан тўғралган помидор ва чучук гармдори қўшасиз, помидор эзилгандан сомонча қилиб тўғралган сабзи, турп (редиска), карам ҳамда қирқилган селдир ва укропни қаватлаб солиб, масаллиқнинг юзидан бир оз ортиб турарли даражада сув қуйиб, оловини пастлатиб бир соатча милдиратиб қайнатасиз. Туз ва қалампирни таъбга кўра соласиз.

Ушбу қайлага яна жанду ловиясининг думбулини олиб қўзокларининг пўчоги билан тўғраб солсангиз таом янада тотли чиқади.

Косаларга пиширилган гуручдан ярим-ярим соласиз, устидан иссиқ қайлани қуйиб дастурхонга тортасиз. Алоҳида идишларда узум сиркаси ва лозижон келтирасиз.

*Масаллиқ: 600 гр гуруч (1 литр тузли сувда пиширилади), 300 гр гўшт (лаҳим қисми), 150 гр ёғ, 2 бош пиёз, 1 бош саримсоқ, 1 дона сабзи, 1 дона ўртача катталикдаги турп (ёки 1/2 бор редиска), 2 — 3 дона помидор, 2 дона чучук қалампир, 200 гр карам, ярим бор селдир, ярим бор укроп, 1 бор жанду ловияси керак бўлади. Туз, сирка, қалампир ва лозижон талабга кўра олинади.*

## ПАЛОВЛАР

### Қовурма палов

(Фарғонача палов)

Асосан қўй гўшти билан ва қўй ёғида қовуриб тайёрлангани сабабли бу палов ғоят иссиқлик таом ҳисобланади. Уни совуқлик овқатга айлантириш учун, айниқса ёз фаслида ва иссиқмизоз кишилар тўплангандан пахта ёғи ва мол гўшти солиб тайёрланадиган варианти ҳам бор.

Қўй ёғини кубик ( $1 \times 1 \times 1$  см) шаклида ёки бодомдай-бодомдай қилиб тўғрайсиз. Гўштни эса худди кабобга тўғрагандай, бош бармоқнинг биринчи бўгини катталигида кесасиз. Асосан қобирга ва сон гўштлари танлаб олинади. Қобирга суяклари 4 см катталикда, иликли суяк эса 10 см дан ошмайдиган қилиб чопилади.

Ушбу палов учун оқ — «тухум» пиёз ва «мушак» ёки «сариқ миризойи» навли сабзилар танланади. Пиёзни ҳалқа-ҳалқа қилиб, сабзи ни гугуртнинг чўпи катталигигида, сомонча шаклида тўғраш керак.

Қозонни қуруқ қиздиргандан сўнг думба ёғни соласиз ва ўртacha олов бериб эритиб, жizzасини оласиз, сўнг сустроқ оловда то оқ тутун чиққунча ёғни доғлайсиз. Яхши доғ бўлганини билиш учун ёққа йирик туз ташласангиз, тасир-тусур отилади, шундан сўнг бир бош арчилган пиёз ёки бармоқдек яйдоқ қовурга суяк ташлаб қизартириб сўнг олиб ташлаш керак. Айниқса паловни пахта ёғида тайёрлаганда бу методнинг аҳамияти катта: ўсимлик ёғидаги гассиполь



деб аталувчи заҳарли моддани кучини қирқиб дегассиполга айлантиришда пиёз ва сүяк тозаловчи модда вазифасини ўтайди.

Еғ яхши чучиб, дөг бўлганда пиёзни ташлайсиз, кавлаб-кавлаб, қизаргунча жазлайсиз. Пиёз шигил бўлиб қизарганда гўштни ташланг, буни ҳам кавлаб сирти қобиқ олганида, сабзини солиб мўртлиги йўқолгунча қовурасиз. Сўнгра сув қуйиб, суст оловда милдиратиб қайнатасиз, туз ва зираворлар ҳам сув қуйгандан сўнг солинади. Паловнинг лаззатли чиқиши узоқроқ қайнашига боғлиқ. 1 соатча милдираб қайнаса, масаллиғи, зираворлардаги моддалар эриб яхши синтез бўлади. Бир ёқдан қайнashi билан бир ёқдан гуруч солиш натижасида палов чайнами белаззат бўлиб қолади.

Палов зирваги меъёрига етиб қайнагунча, гуручни тозалаб, яхшилаб ювасиз. Гуруч асосан 3 марта ювилади, албатта упаси кам гуруч бўлса бунча ювиш кифоя. Упаси кўпроқ гуручни 4 — 5 маротаба эринмай ювиш зарур, шунда палов сочилувчан, дона-дона бўлиб пишади.

Ювилиб, суви яхшилаб сирқитилган гуручни зирвак юзига бир қатлам қилиб соласиз. Ўчоқдан чўгни тортиб олиб, кучли аланга берасиз ва дарҳол гуручга сув қуясиз. Палов тайёрлаётганда сув кўйиши жуда масъулиятли иштирки, бу, гуручнинг қанча сув кўтаришини билишни талаб этади ва паловпазнинг тажрибасига ҳам боғлиқ бўлади. Шу сабабли сув нормасини аниқ айтиш қийин, буни ҳар бир пазанда қозон устида ўзи ҳал қиласиди. Ҳарҳолда қуйилган сув гуруч юзасидан кўрсаткич бармоқнинг биринчи бўғини даражасида, яъни 1 — 1,5 см бўлсин.

Аланга кучайганда паловнинг бир текис қайнашига эришмоқ муҳимдир. Қозоннинг бир томони қайнаб, бир томони қайнамаса оштирик бўлиб қолади. Ўртаси қайнамаса тузи камлигидан далолат. Паловга туз икки марта солинади: зирвагига ва гуруч сувни тортмасдан туриб. Қозон бир текис қайнаганда татиб кўриб, тузини ростлайсиз ва сувини тўла тортганда дамлайсиз. Суви тортилганини билмоқ учун гуруч юзасига капгирнинг тескариси билан уриб кўрсангиз «гуп-гуп» овоз беради, агар «шилл-шилл» қиласа, демак суви ҳали тортилмаган ва алангани кучайтириш керак. Дамлашдан олдин гуручни қозоннинг ўртасига гумбаз қилиб тўплаб, маҳсус дамчўп ёки ёғоч қошиқнинг сопи билан суқиб чиқсангиз, тешикчалар ҳосил бўлиб, суви қозон тубига кетиб, буги тепага кўтарилади. Сўнг дамтовоқни ёпасиз ва ўчоқдан чўгни тортиб оласиз. Газда пиширайтган бўлсангиз шамдек қилиб пастлаб қўясиз. Газ комфораларидан бирини палов пиширишга маҳсус мослаб олиш зарур. Бунинг учун газ чиқадиган тешикчасига бигиз тиқиб каттароқ очилади, шунда аланга вариллаб ёнадиган бўлади ва паловнинг қайнashi осонлашади.

Дамлаш муддати 25 — 30 минут.

Дамтовоқни очгач, паловни кавлаб яхшилаб аралаштирасиз. Шунда гўштлари ва сабзиси гуручга бир текисда қоришади. Гуруч бирбирига «муштлашиб» қолган бўлса капгир билан ажратиб юборасиз. Паловни катта лаганга гумбаз қилиб сузасиз, устига гўштларини жойлайсиз ва дастурхонга салат билан бирга келтирасиз. Салат ёз ва куз фаслларида «шакароб», «аччик-чучук», қишида кертилган турп, баҳорда эса редискадан иборат бўлади.

Масаллиқ: 1 кг гуруч, 1 кг қўй гўшти, 250 гр қўй ёғи, 4 — 5 бош пиёз, 500 гр сабзи, 1 чой қошиғида зира, шунча зирк ва шунча туйилган қизил гармдори, туз эса таъбга кўра солинади.

## Девзира палов

Девзира паловни қовурма палов билан ивитма палов (тавсияларга қаранг) усулларида пиширилади. Құй ёғи ва қүй гүштининг ҳамда сабзи ва пиёзниң түғралиши юқоридаги тавсияда күрсатилганидек, масаллиқларни қовуриш ва зирвагининг пиширилиши ҳам бир кил. Бироқ гуруч озрок, гүшт ва сабзиси күпроқ солинади. Яна бир фарқи, гуручни 5 — 6 марта ювиб, илиқ сувга 2 — 3 соат ивитеңи қүйиш керак. Зирвакка сув нормадагидан күпроқ қуйилади, чунки бу гуручнинг сув күтариш коэффициенти 1:5 га тенгdir, бошқа нав гуручларда эса 1:3 га түғри келади. Шундай экан, девзира гуручдан паловни рисоладагидек тайёрлай олиш учун, аввало, қовурма ҳамда ивитма палов тайёрлашни яхши ўрганиб олиш тавсия.

Паловни дастурхонга тортиш олдидан қозонда яхшилаб аралаشتариб, лаганга гумбаз қилиб солинади, юзига сүякли гүштларни териб, кертилган турп билан бирга келтирилади, алоқида идишда узум сиркаси ҳам қүйилади.

*Масаллиқ: 800 гр гуруч, 1 кг қүй гүшти, 300 гр қүй ёғи, 4 — 5 бош пиёз, 1 кг сабзи, 1 чой қошиғида зира, шунча зирк, шунча туйилган қалампир, ёки бир құзок янги қалампир, тузи эса таъбга күра олинади.*

## Ивитма палов

Паловни тайёрлаш гуруч ивитеңдан бошланади, бунинг учун тозаланган гуручни 3 — 4 марта ювиб, илиқ сувга туз солиб (1 кг гуручга 1 ош қошиғида туз) ивитеңи. Ивитең муддати камида 2 соат. Бизнинг тажрибамизга кўра, гуруч тузли сувда 24 соатча эзилмай (уқаланмай) тураверади.

Гүшт, ёғ, сабзи ва пиёзни юқоридаги тавсиялардагидек түғрайсиз. Ушбу паловнинг парҳезлигини орттириш учун ўсимлик ёғи (пахта, зигир, кунгабоқар, маккажӯхори, зайдун ёғларида, тайёрласангиз яхши бўлади. Бунда пахта ва зигир ёғларини ўртача олов билан узоқ муддат — 1 соат, то оқ тутун чиққунча доғлайсиз, кунгабоқар, маккажӯхори ва зайдун ёғларини эса узоқ доғламасдан, қизиши биланок түғралган гүштни соласиз. Унча қизартириб юбормай, сели чиқа бошлаганда ҳалқа-ҳалқа қилиб түғралган пиёзни соласиз-да, биринки аралаштиргач, түғраб-тайёрлаб қўйилган сабзини бир қатлам қилиб солинг-да, дарҳол сув қуйиб, 1 соат давомида милдиратиб қайнатасиз. Шу вақт ичиди зирвакка туз, зира соласиз, қалампир ва зирк солинмайди.

Зирвак ҳўб пишгач, ивитеңдан гуручни қатлам қилиб соласиз, оловни баландлатиб, гуруч юзи билан баробар қайноқ сув куясиз, тузини ростлайсиз, мободо суви тез тортилиб, гуручни ҳали «тирик» бўлса, иссиқ сувдан яна севалайсиз. Шундай қилиб ивитеңдан гуруч қозонга тушгач, яна қанча сув тортса шунча қуйиб турасиз. Шуниси ҳам борки, гуручли қатламни капгир билан чўкариб, ола қолганларини қозоннинг қайнаётган жойларига сурниб, юзини силаб қўйсангиз суви яхши тортилади ва палов сочишувчан бўлиб пишади. Суви тортилган гуручни қозон ўртасига гумбаз қилиб тўплаб, 20 — 25 минут давомида дамлаб қўясиз, оловини тортиб олиб, газ бўлса охири-

Гача пастлатилади. Қозонда паловни яхшилаб аралаштириб, лаганга соласиз ва хоҳлаган салатлардан бири билан дастурхонга келтирасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 1 кг гүшт (қўй ёки мол гўшти), 250 гр ёғ (ўсимлик мойларидан бири ёки қўй ёғи). 1 кг сабзи, ўргача катталиктаги 2 бош пиёз, 1 чой қошиғида зира, туз эса таъбга кўра олинади.*

## Самарқандча палов

Қўй ёгини майда тўғраб, қизитилган қозонга солиб эритгач, жиззани олиб, ёғни узоқ муддат яхши доғлайсиз. Бунга лўнда-лўнда қилиб тўғралган гўштни солиб, сирти қизаргунча қовурганингиздан сўнг тўғралган пиёзни ташланг-да, бир-икки кавланг. Пиёз ўта қизариб кетмай туриб, сомонча шаклида тўғралган сабзини қатлам қилиб соласиз ва сира қовурмасдан ва кавламасдан дарҳол сув қуйинг. Зирвак қайнаганида тузини ростлаб, зирк, зира, бутун ёки туйилган қалампир солинади. Ўргача оловда милдиратиб қайнатиб қўйиб, гуручни тозалаб ювасиз. Зирвак яхши етилиб пишганда сабзиси мулоиймлашиб, гўшти юмшайди. Ана шунда ювиб тайёрланган гуручни қатлам қилиб солиб, сувни нормада қуйиб, ўчқдан чўғни тортиб оласиз ва алангани кучайтирасиз. Гуручи сувини яхши тортиб, бўртгандада, дамлаб қўясиз, муддати 25 минут. Дамлангандан сўнг 10 — 15 минут ўтганда паловни «хомдам» қиласиз. Бунинг маъноси: дамтовоқни очиб, гуруч қатламини капгир билан чўкариб ағдарасиз, шундада ортиқча буғи кўтарилиб ош ланж бўлмайди ва айrim тирик қолган гуручлари пастга кўмилиб, етилиши учун имкон туғилади, дамгирни яна жисп ёпиб қўясиз ва дамлаш охирига етганда лаганга сузасиз. Сузиш қоидаси бундай: лаганга аввало гуруч қатламини гумбаз қилиб, тепасига, сабзиси билан гўштини соласиз. Ёки лаганнинг бир томонига гуручни, иккинчи томонига сабзи, гўштини солиб дастурхонга қўясиз.

*Масаллиқ: 1 кг гўшт, 1 кг гуруч, 250 гр қўй ёғи, 1 кг сабзи, 2 — 3 бош пиёз, 1 чой қошиғида зира, шунча зирк, қалампир ва туз таъбга кўра солинади.*

## Бир гуручу бир гўштли палов

Ушбу палов ёғсиз сўқим ёки қора кесак қўй гўштидан тайёрланади. Гўштни бамисоли мантига тўғрагандек «чумчук тили» қилиб майдаланилади ва туз сепилади. Қозонда ёғни доғлаб, гўштни солиб қизартириб қовуриб човлида сузиб олиб қўясиз. Ёққа суюкларни таш-

Тошкент ва Фарғона водийсида паловни аввал қозонда аралаштириб, сўнг лаганга сузилади. Самарқанд ва Бухорода палов аралаштирилганда сизилади. Ҳар иккала усулнинг ҳам ўз мантиқи бор. Биринчи усули, паловни аралаштиришда барча масаллиқларниң таъми бир-бираига яхши қўшилиши кўзланади. Иккинчи усулида эса, меҳмон дастурхонига қўйиладиган палов янги дамланган, сарқит эмаслигини ифода қилиш кўзланади ва юқорида айтиб ўтганимиздек, ким гуручини хуш кўради, ким эса сабисини, натижада меҳмон ушбу паловдан бемалол тановул этиши учун имкон яратилади.

лаб қовуриб, сўнг пиёзни соласиз ва ҳар иккала масаллиқнинг сирти қизарганда кубик ( $1 \times 1 \times 1$  см) шаклида тўғралган сабзини ташлаб, ярим тайёр бўлгунча қовуринг. Сўнгра қозондаги масаллиқнинг юзи билан баробар сув қўйиб, туз ва зираворлар сепиб, суст оловда 50 — 60 минут давомида милдиратиб қайнатиб қўясиз.

Гуручни тозалаб, яхшилаб ювиб, зирвак устидан қатлам қилиб соласиз, сув қўясиз ва кучли аланга бериб текис қайнашига эришасиз. Тузини яна бир татиб, керак бўлса, ростлайсиз. Гуруч сувини териб яхши бўртганда юзига ҳалиги қовуриб олиб қўйилган гўштни солиб, 25 — 30 минут дамлаб қўясиз.

Ошни қозоннинг ўзида яхшилаб аралаштириб, лаганга гумбаз қилиб солиб, бирон бир салат ёки кертилган турп билан бирга дастурхонга келтирасиз, алоҳида шишада узум сиркаси ҳам қўйинг.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 1 кг гўшт, 200 гр ёғ (фритюр учун яна алоҳида 1 кг ёғ олинади), 500 гр сабзи, 3 — 4 бош пиёз, туз ва ҳар хил зираворлар таъбга кўра олинади.*

## Саримсоқли палов

Саримсоқли паловнинг зирваги Фарғонача паловда айтилгандек тайёрланади, фарқи саримсоқ пиёз солинади. Саримсоқ пиёзни икки хил усулда қўшиш мумкин. Биринчи усулда саримсоқни бутунилигича, соч қисмини пичноқ билан кесиб ташлаб, бир қават пўстини арчиб, совуқ сувда чайқаб юборасиз ва кесилган томонини пастга қилиб зирвакка соласиз, чеснок ярим тайёр бўлгунча қайнатасиз. Сўнгра устидан гуручни қатлам қилиб солиб, палов пиширишни охирига етказасиз.

Саримсоқ қўшишнинг иккинчи усули бундай: зирвакни одатдагидек пишираверасиз. Парракларга бўлиниб, пўчоғи арчилган саримсоқни совуқ сувда чайқаб, ювилган гуручга аралаштириб зирвакка соласиз ва сув қўйиб пиширишни охирига етказасиз. Барча жараёнлар қовурма палов тавсиясида қўрсатилгандек амалга оширилади. Дамлаш муддати 25 — 30 минут.

Паловни қозонда яхшилаб аралаштириб, лаганга гумбаз қилиб соласиз, бутун пишган саримсоқларни палов устига териб келтирасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 500 гр гўшт, 200 гр саримсоқ, 300 гр қўй ёғи, 500 гр сабзи, 2 — 3 бош пиёз, туз, зира, зирк ва қалампир таъбга кўра солинади.*

## Беҳили палов

Е «Фарғонача палов» ёки «Самарқандча палов»да айтилгандек зирвак тайёрланади. Беҳининг тукини артиб, тўрт паллага бўласизда, уруғи ва заҳа бўлган жойларини олиб ташлайсиз, зирвакка солиб пиширасиз. Агар зирвакни қовурма палов усулида тайёрлассангиз, унда беҳи бўлакларини гўшт ва сабзи билан бирга қовурасиз, сўнг сув қўясиз. Мабодо ивитма палов усулида бўлса у ҳолда беҳи паллалари то чала пишгунча сабзи билан бирга милдиратиб қайнатилади,

сүнг гуруч солинади. Қолган жараёнлар ўша танланган рецептларда айтилғандек. Дамлаш муддати 25 минут.

Таом тайёр бўлғанда беҳи бўлакларини ажратиб олиб, паловни яхши аралаштирасиз, лаганга солиб, юзига беҳиларни териб дастурхонга келтирасиз. Дастворхон устида майда бўлакларга бўлиб истеъмол этилади.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 500 гр гўшт, 2 дона беҳи, 500 гр сабзи, 300 гр қўй ёғи, 2 — 3 бош пиёз, зира, зирк, қалампир ва туз таъбга кўра олинади.*

## Шодибек палови

Гуручни 4 — 5 марта ювиб, ивитиб қўясиш, беҳини ўртача кубик ( $2 \text{ см}^3$ ) қилиб тўғраб, буни ҳам илиқ сувга ботириб қўясиш ёки гуручга қўшиб ивиласиз, акс ҳолда қорайиб қолади. Гўштни кабобга тўғрагандек, пиёзни ҳалқа-ҳалқа, сабзини эса кичик кубик ( $1 \text{ см}^3$ ) шаклида тўғраганингиздан сўнг қозонда ёғни доғлайсиш. Бунга пиёзни, сўнг гўштни солиб, қизарганда, сабзини босиб, сув қуйиб милдиратиб қўясиш. Зирвак этилғанда, беҳи аралаштирилган гуручни солиб дамлайсиш. Агар беҳи алоҳида ивтилган бўлса гуручдан олдин солиб, сувини гуруч устидан қўясиш. Суви яхши тортилсин учун алангани кучайтириб, гуруч қатламини капгир билан чўкариб силаб қўясиш. Дамлаш муддати 25 — 30 минут.

Паловни қозонда яхши аралаштиргач, лаганга сузиб дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 500 гр гўшт, 2 — 3 дона беҳи, 300 гр қўй ёғи, 3 — 4 бош пиёз, 500 гр сабзи, таъбга кўра туз ва зираворлар олинади.*

## Коваток палов (ток оши)

Палов учун мўлжалланган қўй гўштини икки қисмга бўласиз, лаҳим қисмидан қийма тайёрлайсиш, қолган суякли гўштни пиёз ва сабзи билан қовуришга ишлатасиз. Доғланган ёғда пиёз жазлаганингиздан сўнг, суякли гўштни солиб қизартириб қовурасиз, сўнг сабзини соласиз, сув қуйиб суст оловда қайнатасиз. Гўштнинг лаҳим қисмидан тайёрланган қиймага майда тўғралган пиёз, туз ва мурч қўшиб миҗийсиз.

Узум баргларини терасиз; бунда янги чиққан сурхнинг юқорисидан учинчи ва тўртинчи баргларни териб оласиз. Бу барглар ўртача катталиқда, сирти йилтироқ ва таъми тотимли бўлади. Баргларни совуқ сувда чайиб юборганингиздан сўнг ҳар бирининг ўртасига тахминан бир чой қошиғида қиймадан солиб, юмалоқ шаклли дўлмалар тугасиз. Дўлмаларнинг ўралган томонини остига қилиб таҳтага терсангиз очилиб кетмайди. Коватокларнинг ҳаммасини туғиб бўлгач, бирини иккинчисига жипслаштириб игна ўтказиб ипга шода қилиб тизасиз. Коватокни пиширишнинг икки усули бор. Биринчи усули: ипга тизилган шодани қозонга сабзи юзига солиб, кўмиб турарли сув қуйиб, милдиратиб қайнатиб пиширасиз, сўнг гуруч солиб, одатдаги паловлар сингари дамлайсиш. Дамлаш муддати 25 —

30 минут. Дастрұхонға тортишда коваток шодани аста олиб паловини аралаштириб, лаганға соласиз, юзига коватокни қўйиб ипини узиб ташлайсиз. Иккінчи усули: кастрюльканынг тубига битта ликопча қўйиб, дўлмаларнинг аввал каттароқларини, сўнг майдаларини бирма-бир териб, тепасига яна битта ликопча тўнтарасиз-да, юзи билан баробар сув қуясиз. Суст оловда 30 — 35 минут пиширганингиздан сўнг, тайёр палов юзига териб келтирасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 500 гр қўй гўшти, 500 гр сабзи, 4 — 5 бош пиёз, туз ва зираорлар таъбга кўра олинади. Ҳар порциясига 12 — 15 донадан коваток ҳисобида 60 — 70 та узум барги керак бўлади.*

### Дўлмали палов

Паловга мўлжаллаб олинган гўштни икки қисмга бўласиз. Лажимини гўшт қиймалагичдан ўтказиб, майда тўғралган пиёз, мурч, туз ва хом тухум қўшиб мижийсиз. Тухум қўшишдан мақсад, қийма қалампирнинг ичидан чиқиб кетмайди.

Қалампирнинг бандини олиб ташлаб, уругини қоқиб юбориб, яхши ювасиз-да, ҳар бирига тўлдирасиз.

Қозонда ёғни доғлаб, суякли гўштни ва пиёзни солиб қовуринг, сўнгра сабзини солиб, устига дўлмаларни териб, кўмиб турарли қилиб сув қуясиз-да, суст оловда 1 соат давомида милдиратиб қайнатасиз. Тузини ростлаб зираорлар сепасиз. Сўнгра ювиб тайёрланган гуручни солиб одатдагидек дамлайверасиз. Дамлаш муддати 20 — 25 минут.

Дастрұхонға тортишда дўлмаларни титиб юбормасдан олиб, паловни аралаштирасиз ва лаганға солиб, устига ҳар бир хўранда учун 2 дона ҳисобида дўлмаларни териб келтирасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 1 кг гўшт, 300 гр қўй ёғи, 500 гр сабзи, 4 — 5 бош пиёз (ҳам ошга, ҳам қиймага), 1 дона тухум, туз, мурч, зира, зирк таъбга кўра олинади, 10 — 12 дона ўртача катталикдаги чучук қалампир керак бўлади.*

### Беданали палов

Беданаларни сўйиб, қайноқ сувга ботириб олинса, пати осон юлиниади. Ичини очиб, чавагини олиб ташлаб, иссиқ сувда яхшилаб ювиб, сувини сирқитгач, туз, мурч ва зира бир-бирига қўшиб туйилган комбизиравор сепиб қуясиз. Еғли қўй гўштидан тайёрланган қиймага майин тўғралган бош пиёз, қирқилган кашнич, туз, мурч ва хом тухумдан қўшиб мижийсиз. Ҳар бир бедана ичига ана шу қиймадан тўлдирасиз. Қозонда ўсимлик мойини доғлаб, пиёзни жазлайсиз ва суякли гўштни солиб қизартириб қовурганингиздан сўнг, сабзини соласиз ва 2 — 3 марта кавлаб аралаштириб, устига ичи қийма билан тўлдирилган беданаларни терасиз ва масаллиқни кўмиб турарли даражада сув қуйиб, суст олов бериб 1 соатча милдиратиб қайнатасиз. Агар сув тугаб, ҳали беданалар пишмаган бўлса қайноқ сувдан қўшасиз. Сўнгра тузини ростлаб, ювилган гуручни қатлам қилиб солиб, керагича сув қуйиб, пиширишни охирига етказасиз. Дамлаш муддати 20 минут. Дастрұхонға тортишда беданаларни аста ажратиб ола-

сиз, паловни яхши аралаштириб, лаганга сузгач, юзига ҳар бир хўранда учун бир дона бедана ҳисобида қўйиб келтирасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 200 гр лаҳум гўшт, 250 гр зигир ёғи, 4 — 5 бош пиёз, 500 гр сабзи, 6 дона бедана, 1 — 2 дона тухум, туз ва зира-ворлар таъбга кўра олинади.*

## Илвасинли (каклик) палов

Какликни сўйиб, қайноқ сувга пишиб олгач, патларини юласиз, ичини очиб, чавагидан тозалайсиз-да, иссиқ сувда ювиб, 4 ёки 6 бўлакка бўлиб, туз сепиб қўясиз.

Қозонда ёғни доғлаб, каклик гўштини солиб қизаргунча қовура-сиз ва пиёз соласиз, пиёз қизаргач, сабзини солиб икки-уч аралаштирганингиздан кейин сув қўйиб, суст оловда бир соатча милдиратиб қайнатасиз. Сўнг зира-ворлар сепиб, тузини ростлайсиз-да, ювиб тай-ёрланган гуручни солиб, одатдагидек дамлайсиз. Дамлаш муддати 25 — 30 минут.

Дастурхонга тортишда каклик гўштини ажратиб олиб, паловни яхшилаб аралаштирасиз, кейин лаганга сузиб, ҳар бир хўрандага бир бўлак каклик гўшти ҳисобида палов юзига териб чиқасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 1 дона семиз қаклик, 500 гр сабзи, 250 гр ўсимлик ёғи, 3 — 4 бош пиёз, туз ва зира-ворлар таъбга кўра олинади.*

## Помидор қўймоқли палов

Ёғни доғлаб, пиёз жазлайсиз, сўнг гўшти солиб қизаргунча қо-вурасиз, кейин сабзини қўшиб, бир-икки аралаштирасиз-да, сув қўйиб, 50 — 60 минут давомида милдиратиб қайнатасиз.

Помидорларнинг «Олма», «Совға», «Волгаград» деб аталувчи нав-ларидан апельсин катталигидаги бир хил, эзилмаган, бироқ қип-қи-зил пишганларини танлаб олиб ювиб юборгач, банд томонини кесиб ташлаб, эҳтиётлик билан ўртасидаги эти ва уруғларини оласиз. Ҳо-сил бўлган помидор «косачаларга» туз сепиб, лаганга тўнтариб қўй-сангиз, сели яхши оқиб кетади. Сўнгра ҳар бир помидорнинг ичига бир донадан тухум чақиб, пича туз ва мурч сепиб қўясиз.

Тайёр бўлган зирвакка ювилган гуручни солиб, одатдагидек палов дамлайсиз. Дамлаш олдидан гуруч юзасини капгир билан текис-лаб, қошиқ ёрдамида чуқурчалар ҳосил қиласиз. Ҳар бир чуқурча-га бир донадан ичига тухум чақилган помидорни жойлайсиз, сўнгра дамтовоқ ўрнига тоғорача ёпасиз, чунки помидорларнинг шакли бу-зилмаслиги керак. Оловини пастлатиб, 25 — 30 минут дам едирасиз. Шу муддатда помидор ичидаги тухум қотиб пишади. Тайёр бўлгач, помидор қўймоқларни аста олиб қўясиз-да, паловни аралаштириб лаганга сузасиз. Юзига ҳар бир хўрандага бир дона помидор қўймоқ ҳисобида қўйиб, дастурхонга келтирасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 500 гр қўй гўшти, 300 гр қўй ёғи, 2 — 3 бош пиёз, 500 гр сабзи, 6 дона тухум, 6 дона бир хил катталикдаги помидор, туз, зира ва мурч таъбга кўра олинади.*

## Қазили палов

Қазини совуқ сувли идишга солиб, 2 соат давомида қайнатиб пиширасиз. Қайнаб чиқиши билан нина санчинг, акс ҳолда ёрилиб кетади. Қази пишгач, қозондан олиб совутиб құясыз.

Алохіда қозонда гүштесіз палов тайёрлайсиз. Бунинг учун ўсимлик ёғини яхши доғлаб, пиёз жазлайсиз. Қазини бошқа идишда қайнатиб ўтирамай, шу қозоннинг ўзида пиширеңгиз ҳам бўлади. Яъни, пиёз жазлангач, қазини тўгарак қилиб боғланган ҳолда солиб, устидан сабзини тўкиб, дарҳол сув құясыз-да, 2 соат милдиратиб қайнатасиз. Нина уришни унутманг. Агар суви бугланиб кетса, қайноқ сув қўшиб, то қазиси пишгунча қайнатаверасиз. Сўнг гуруч соласиз-да, сувини тортгач, 25 — 30 минут дамлаб құясыз. Дам еб бўлгач, қазини олиб, паррак-паррак қилиб кесасиз. Паловни аралаштириб, лаганга сузасиз ва юзига қази парракларини териб дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 500 гр қази, 250 гр пахта ёғи, 500 гр сабзи, 2 — 3 бош пиёз, туз эса таъбга кўра олинади.*

## Пўстдумба палов

Қозонда ўсимлик ёғини доғлаб, пиёз жазлайсиз ва қайнатилган пўстдумбани 100—150 граммли бўлакларга бўлиб, пиёзга қўшиб қоуврасиз, сирти қизаргандা сабзини соласиз ва бир-икки аралаштириб сув құясыз. Қайнаб чиққач, тузини ростлаб, зира, зирк, туйилган қалампир солиб, суст оловда 1 соатча милдиратиб қайнатасиз. Сўнг гуручни соласиз, сувини тортгач, 20—25 минут дамлаб құясыз.

Дастурхонга тортишда пўстдумбани олиб, майда бўлакларга бўлиб, палов юзига соласиз-да, нордон анор доналаридан сепасиз. Алохіда идишда узум сиркаси құясыз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 500 гр пўстдумба, 200 гр пахта ёғи, 2—3 бош пиёз, 1 кг сабзи, туз ва зираворлар ҳамда анор билан узум сиркаси таъбга кўра олинади.*

## Картдумба палов

Яхлит бўлакларга бўлинган думба ёғини 1 соат давомида қайнатиб олиб, сўнг совутасиз. Қозонга пахта ёғи (зигир мойи) солиб доғлаб, пиширилган думба бўлакларини ташлаб, сирти қизаргунча қоуврасиз. Сўнгра пиёзни солиб, бир оз аралаштирасиз-да, сабзини қоуврмасдан дарҳол сув қуйиб (яхшиси думба қайнатмасини қуйиб), сабзи чала пишгунча милдиратиб құясыз. Зирвакка туз, зирк, зира ва қалампир ҳам қўшинг.

Тайёр зирвакка ювилган гуручни солиб, суви тортилгач, 20—25 минут дамлаб құясыз.

Дастурхонга тортишда паловни аралаштиромай, лаганга аввал гуруч қатламини сузасиз, сўнгра сабзисини устига соласиз. Думбани эса майда бўлакларга бўлиб, сабзининг юзига құясыз.

*Масаллиқ: 1 кг гуруч, 500 гр думба, 200 гр пахта ёғи, 1 кг сабзи, 2 бош пиёз, туз ва зираворлар таъбга кўра олинади.*



## Мошли палов

Палов тайёрлашдан 2—3 кун олдин мошни ювиб, ясси идишга, масалан, лаганга бир-икки қават қилиб солиб, совуқ сув қүйиб ивитиб қўясиз. Мош яхши бўртиши учун унга сувдан ташқари ҳам таъсир этиб туриши керак. Шу сабабли ясси идишда ивиллади. Сув камайиб кетса, яна қўйиб турасиз. Маълум муддат ўтгач, мош бўртади, ҳатто ниш ҳам уради. Уни клеёнкага ёйиб, бўртмаган доналарини териб ташлайсиз. Сўнг гуручни ювиб, бўртган мошни унга аралаштириб, совуқ сув қўйиб олиб қўясиз. Ёғни доғлаб, пиёз жазлайсиз, кейин чумчуқ тили қилиб тўғралган гўштни солиб бир-икки аралаштирасиз-да, майда кубик қилиб тўғралган сабзини ҳам қўшиб, чала пишгунча қовурасиз, сўнг сув қўйиб, 50 минутча суст оловда милдиратиб қайнатасиз, зираворлар солиш мумкин-у, лекин тузи кейин қўшилади. Зирвак пишгач, мош аралаштирилган гуручни соласиз, керагича сув қўйиб, алангани кучайтириб қайнатасиз, моши донадана бўлиб пишганда тузини ростлайсиз, акс ҳолда мош қотиб қолади. Гуручи ҳам, моши ҳам етилгач, 30 минутча дамлаб қўясиз.

Дастурхонга тортишда лаганга гумбаз қилиб сузасиз.

*Масаллиқ: 800 гр гуруч, 1 стакан мош, 500 гр қўй гўшти, 300 гр қўй ёғи, 500 гр сабзи, 2 бош пиёз, туз ва зираворлар таъбга кўра олиниади.*

## Нўхатли палов

Палов тайёрлашдан бир кун аввал нўхатни ювиб, совуқ сувга ивитиб қўясиз ва салқинроқ жойда сақлайсиз. Агар сувида пулфакчалар пайдо бўлса, нўхат пишмай кирт-кирт бўлиб қолади. Шу сабабли ёз кунлари сувини икки-уч бор янгилашиб қўясиз. Ушбу палов учун гўштни 10—15 граммли, пиёзни одатдагидек ҳалқа-ҳалқа қилиб, сабзини эса «нўхатча» усулида тўғрайсиз. Гуручни ювиб, илиқ сувга 2—3 соат ивитешиб қўясиз.

Қозонда ёғни доғлаб, гўштни соласиз, сирти қизаргач, пиёзни ташлайсиз ва ҳар иккаласини қизаргунча қовурасиз. Сўнгра сабзини солиб, дарҳол сув қўясиз-да, ивиган нўхатни ҳам қўшиб 1 соат давомида милдиратиб қайнатасиз. Нўхат юмшагач, (бармоқ билан эзиг кўринг) зирвакка туз ва зираворлар соласиз. Тайёр бўлган зирвакка ивиллаган гуручни солиб, керагича сув қўясиз. Суви тортилгач, 25 минут дам едирасиз.

Сўнг яхшилаб аралаштириб, лаганга сузасиз-да, ҳоҳлаган салат билан бирга дастурхонга тортасиз.

*Масаллиқ: 800 гр гуруч, 1 стакан нўхат, 500 гр гўшт, 500 гр сабзи, 2—3 бош пиёз, 250 гр қўй ёғи, туз ва зираворлар таъбга кўра олиниади.*

## Ловияли палов

Палов худди юқоридаги рецептда айтилгандек тайёрланади, гўштни, пиёзни ва сабзини ҳам ўша усулда тўғрайсиз. Гуручни ювиб, исик сувга ивитешиб қўясиз. Зирвакни ҳозирлаб, паловни дамлаш олди-

дан қайнатилган ловияни қўшиб юборасиз. Бунинг учун ловияни ювиб, совуқ сувли идишга солиб бир қайнатиб олиб, қорайиб кетган сувини тўкиб ташлайсиз ва яна сув қўйиб, юмшагунча пиширасиз. сўнгра сувини тўкиб ташлаб, паловни дамлаш олдидан гуруч юзига солиб, дамтовоқни ёпасиз, дамлаш муддати 20-25 минут.

Палов дам егач, яхшилаб аралаштирасиз-да, лаганга сузиб, юзиға мурч сепиб, дастурхонга торласиз. Алоҳида идишда узум сиркаси берилади.

*Масаллиқ: 800 гр гуруч, 1,5 стакан ловия, 500 гр гўшт, 500 гр сабзи, 300 гр қўй ёғи, 2—3 бош пиёз, туз, зира, мурч ва сирка таъбга кўра олинади.*

\* \* \*

Муҳтарам мезбонларга уқдириб ўтмоғим жоиздирки, меҳмон учун тайёрланадиган таомлар шулар билангина чегараланиб қолмайди, улар неча юзлаб хиллардан иборат. Бу ўринда ихчам қилиб, уйингизга меҳмон келганда шошиб қолмаслигингизни назарда тутиб, тез ва осон тайёрланадиганларидан факат 125 хилини келтирдик, холос.

Аслида меҳмон учун тайёрланадиган таомларнинг барчаси «Очил дастурхон», «Нон — ризқи-рўзимиз», «Ўзбек тансиқ таомлари» ва бошқа китобларимда баён этилган. «Меҳмон — отадан улуг» дейди меҳмондўст халқимиз. Биз меҳмонни шу қадар яхши кўрамизки, унинг учун маҳсус тайёргарлик кўриб, мазали таомлар тайёрлаймиз. Халқимизда яна «Таом лаззати — меҳмон иззати» деган мақол ҳам бор. Бу мақол ҳам бежиз пайдо бўлмаган.



Дарвозангни чертиб мен келсам,  
жонажон укам,  
Ташрифимни қабул эт,  
мехмоннавоз, эй бекам.

*Абдулла Орипов*

## МЕХМОН БЎЛИБСИЗ — НУРГА ТўЛИБСИЗ

(Мехмоннинг вазифалари, ўзини  
тутиши, овқатланиш одоби ҳақида)



## МЕҲМОН ОТАДАН УЛУҒ

Гўдак тилга кириши, у-бу нарса ва ҳодисаларни англай бошлашиданоқ ўзига ўртоқ қидиради. Ота-она, ака-ука, қўни-қўшни болалари — жони-дили, уларга талпинади, улар билан муносабат боғлагиси келади. Ҳа, одамнинг одамга муносабати, меҳр-оқибати ҳатто бир ёшли гўдакда ҳам инстинкт орқали рўёбга чиқишини неча бор кузатганмиз. Инсон инсон билан доимо муносабатда, мулоқотда бўлади. Жамиятда яшаётган одамлар бир-бирлари билан икки хил муносабат боғлайдилар.

Бири — моддий муносабатлар. Бу ишлаб чиқариш жараёнида турли синфлар, миллатлар ва ҳатто давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир. Бу ўринда ушбу муносабатларни шарҳлаш вазифамга кирмайди. Иккинчи хил муносабатлар — одамлар ўртасидаги мафкуравий муносабатлар, яъни сиёсий, илм-фан, ҳуқуқий, ахлоқий, оиласвий ва турмуш шароитидаги муносабатлар бўлиб, у кишилар ўртасидаги маънавий алоқаларнинг ифодаси ҳисобланади. Шундай муносабатларнинг кичик бир қиррасини меҳмон-мезбонлик муносабатлари ташкил этади.

Умуман олганимизда, ҳар қандай жамиятда дўстсиз шахс, қариндошсиз оила, ҳамкасбисиз меҳнаткаш, таниш-билишсиз киши, қўйинг-чи, муҳаббатсиз қалб бўлмайди.

Шундай экан, одамларнинг бир-бирлари билан борди-келди қилишлари, мулоқотда бўлишлари, бир-бирларини қўмсашлари, меҳмон ва мезбонлик алоқалари боғлашлари бу инсоний фазилат ҳисоб-

ланади. Дўстлар, қариндош-уруғ, ёру биродар, ҳамкаслар, танишибилишлар ва ҳатто таниш бўлмаган одамларнинг бир-бирига нисбатан ана шундай инсоний фазилатлари инсоният жамияти пайдо бўлганидан эътиборан таркиб топиб, шаклланиб, бизгача етиб келган ва янада ривожланмоқда. Шундай экан, барча ҳалқлар меҳмондўст бўлади, бироқ бу удум кимларда қандайлиги ўша ҳалқ яшаб турган жамият, табиий шароит, аҳолининг майший ҳёти, энг муҳими, хўжалик, маданий аҳволига боғлиқ бўлади. Ўзбекларда мезбоннинг зиммасига нечоғлик муҳим масъулият юкланажагига аввалги бобларда гувоҳ бўлдик. Ўзбекларга хос меҳмондорчилик мезбондан ташқари, меҳмон зиммасига ҳам қатор вазифалар юклайди. Меҳмонга бориш — овқатланиб, ўёқ-буёқдан гаплашиб қайтишдангина иборат бўлмасдан, анча масъулиятли ва бир талай қоидаларга амал қилишни талаб этадиган вазифа. Аввало, меҳмонга боришга ваъда берган киши ўз зиммасига каттақон мажбурият олади.

Кимки меҳмон деб қабул қилинса-ю, лекин меҳмонга хос иззатини сақламаса, меҳмон әмас. Меҳмон бўлган киши ўзини тута билиши, шу билан бирга, хушчақчақ, ширинсўз, ҳатти-ҳаракати орастга, бошқаларга бўлган муносабати самимий бўлиши даркор. Меҳмондорчилик пайтида қовоқ уйиб ўтирувчи ёки ҳётида юз берган бирор фожиани эслаб, кўзёши қилувчилар ҳам учраб туради. Билингки, бундай қилинганда меҳмонларнинг ҳам, мезбоннинг ҳам кўнгли хира бўлади. Меҳмондорчиликка соя тушади. Яххиси, баҳор қўёшидек чараклаш, қор остида қолиб кетган гиёҳларни совуқлик зиндонидан халос этиб, кўкка бўй чўздириш, ўзи ҳам хушчақчақлик боғида чамандай очилиш айни муддао. Ана шунда мезбоннингизга улкан қувонч баҳш этган бўласиз.

Лекин, кўп гуллаган дарахтнинг меваси камшира ва майда, кам гуллаганида ширадор ва иирик бўлганидек, хушчақчақликнинг ҳам меъёри бор. Баъзи ўшлар хушчақчақлик қиласман деб даврани бузишади, майнабозчилик қилишади, масхарабоз бўлиб, ясама ҳаракатлар кўрсатишади, аёллар ва ёш болалар ҳузурида уят латифалар айтишади. Бу одобдан әмас. Албатта бундайлар ўзининг ким эканлигини бошқаларга дарҳол билдириб қўяди. Бундайларга бошқалар хушомад қилиб, «жуда очиқ экансиз», дейиши ҳам мумкин. Бундай хушомад замирида масхара қилинаётганлиги эҳтимоли борлигини эсдан чиқармаслик керак.

Меҳмонга чақирилган экансиз, сиз тўғрингизда бошқаларда яхши таассурот қолишига ҳаракат қилинг. Самимилик, камсуқумлик, шакаргуфторлик ва табассум орқали ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам ўнгайсизликлардан халос қилишингиз мумкин. Айниқса, сиз ва бошқалар учун ташвиш тортиб, тайёргарлик қилган мезбоннингизда яхши таассурот қолсин. Мабодо дастурхонга келтирилган ноз-неъматлардан емай, лаб буриб, «назари тўқ экан» деб ўйлашсин қабилида иш тутсангиз, ёки аксинча, «биз оқ ичмас эдик, юлдузлигидан йўқмиди?» деб писанда қиласиган бўлсангиз, бунинг маъноси: «Мен сендан яхшироқ яшайман, сенинг бу илтифотинг менга манзур әмас», дегандек бўлади. Бунака «меҳмон»ни чақирган мезбон пушаймон бўлиши турган гап.

Меҳмонга таклиф этилганда куни, соати ҳаммавақт аниқ айтилади. Боришга вайда берган экансиз, кечикманг. Бу билан сиз мезбон томонидан күрсатилган ҳурматта ҳурмат билан жавоб берган бўласиз.

Билмайсанми, кимки бузса ахд-паймон,  
Даврада топгай на шавкат, на шон,—

дейди Абўлқосим Фирдавсий.

Соат еттига чақирилганмисиз, ўз вақтида етиб боринг. Баъзилар «бу очидан ўлган экан-да», деб ўйламасин учун атайин кеч келишадида, яна дард устига чипқон деганларидек кинояли кулги аралаш гайритабии қилиқ билан: «Ўҳ-ҳў, жамоат жам-ку! Биз кечикиб қолганга ўхшаймиз», деб қўйишади.

Маълумки, бу ҳол кўпроқ ўзи тўғрисида жуда юқори фикрда бўлган, гоят кибрли ва каттазанг шахсларда юз беради. У кечикиб келиш билан вақтида келганларнинг барчасини безовта қиласди, бундай одам-



да ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилиш, қолаверса, иззатталаблик мақсадлари ҳам бўлади.

Маълумки, тартибли ва интизомли одам ҳеч қачон ишга, йигилишга, учрашувга кеч қолмай боради. Меҳмондорчилик, тўй ва улфатларнинг йиғилишига борганда ҳам у интизомли ва тартибли эканини намойиш қиласди. Бирор бирорни кутганда вакт жуда секин ўтгандай туюлади, чунки интизорлик кишини ташвишга тушириб, кайфијитини бузади, мезбон бўғилиб кетади. Меҳмон бўлувчилар буни албатта ҳисобга олсинлар.

*Дарвоҷе, ривоят.* «Қадимда бир меҳмоннавоз одам жуда кўп меҳмондорчилик ташкил этар экан, навбатдаги меҳмондорчиликлардан бирида не сабабданdir меҳмонлардан бирортаси ҳам ўз вақтида келмайди, мезбон кўп кутади, чор тарафга югуради-елади, илож топмагач, ўзини бўғиб ўлдиради. Тузалган дастурхон устида ушбу байт ёзилган экан:

Интизорлик торта-торта танда тоқат қолмади,  
Кўп зориқдим кўз тутиб, менда фароғат қолмади».

«Кутавериб бўғилиб кетдим», деган ибора ана ўша воқеадан кейин пайдо бўлган экан. Ўзингиз ҳам бу иборани жуда кўп маротаба ишлатган бўлишингиз керак.

Меҳмонга чақирилган экансиз, сизни ўз вақтида келган меҳмонлар ва айниқса, мезбон интизор бўлиб кутади. Бирорни зориқтирмаслик ҳам одоблиликка киради. Вақтида боришнинг сира ҳам иложи бўлмай, кечикиш ёки бормай қолиш заруриятга айланган тақдирда мезбон огоҳлантирилса ва узр сўралса, бу ҳам одоблилик ҳисобланади. Меҳмоннинг кечикиши мезбонни жуда ташвишлантиради. Бирор сабаб билан кечикиб келган меҳмон аввало мезбондан, сўнгра ўз вақтида келган меҳмонлардан узр сўраши керак. У ҳеч кимни безовта қилмаслиги, кўрсатилган жойга ўтириши ва ўтирганлар билан қўл бериб (айниқса таом ейилаётганда) кўришмаслиги, балки ўнг қўлни чап кўкрагига қўйиб, таъзим билан саломлашмоғи лозим. Борди-ю, меҳмонлар орасида ёши улуғ одам бирон сабаб билан кечикиб қолса, ўтирганлар дарҳол ўринларидан туриб, одоб билан унга юқоридан жой бўшатишлари зарур. Ўзбек урф-одатлари ичидаги қарияларни ва ҳурматли кишиларни ўриндан туриб кутиб олиш, то у ўз ўрнини топиб ўтиргаунча ва бошқаларга «ўтириинглар» деб рухсат бермагунча қўл қовуштириб туриш яхши анъаналардан ҳисобланади.

Меҳмондорчиликка ювениб, тараниб, чиройли ва озода кийиниб бориш керак. Баъзилар каби иш кийимида бориш ярамайди. Лекин зеб-зийнатга берилиш, ўткир ҳидли атир сепиш, ортиқча пардоз-андоз билан ўзни «кўз-кўз қилиб» бориш ярамайди. Айниқса, этаги калта ва тор кўйлак кийиб бориш ўзбекча меҳмондорчиликка сира ҳам тўғри келмайди, кекса одамлар ҳузурида ўтириб туришни ҳам ҳисобга олиш ва ҳурматли кишиларнинг назаридан қолмасликка ҳаракат қилиш зарур.

Меҳмондорчиликка озгина тамадди қилиб борган маъқул. «Тўйга борсанг, тўйиб бор», деб бежиз айтилмаган.

Сиз энг иззатли меҳмон бўлишни хоҳласангиз айтилмаган жойга бирорлар билан қўшилиб кетавериш одатидан воз кечинг. «Айтмаган жойга ўйнмаган таёқ бўлма!» дейди халқимиз. Яна Фаридиддин Аттор айтганидек:

Чақирмасалар ташриф буюрма,  
Мурдор кетидан қарғадек юрма!

ёки Паҳлавон Маҳмуд дейдики:

Борма айтмаганинг дастурхонига,  
Қўл узатсанг, қадринг тушар нонига,  
Қўшма ўзгаларнинг барра кабобин  
Қотган нон-у, совук сувинг сонига.

Ёдингида бўлсинки, меҳмон-мезбонлик меъерида бўлганидагина яхши натижалар бериши мумкин. Меҳмон-мезбонликнинг талабларидан яна бири — уларнинг бир<sup>XX</sup>-бирига назокат, мулоимлик, хурмат, одоб билан муносабатда бўлишидир.

## ЗИЕФАТ ПАЙТИДА

Меҳмон бўлиш шарафида мұяссар бўлибсизми, энди сиз мезбонингизнинг энг азиз, мўътабар, улуғ бир одамисиз. Улуғ одамларда, маълумки, димоғдорлик, қўрслик, қўполлик, мақтанчоқлик, худбинлик, одобсизлик, таъмагирлик каби ярамас иллатлар бўлмайди. Шундай экан, азизлик, мўътабарлик, улуғлик фазилатларингизни оқламоғингиз даркор.

Меҳмондорчилик дастурхони устида ширин суҳбатнинг ўзига хос гашти бор. Бунга меҳмон ўзидан бошқа меҳмонларни ва мезбонни ҳурмат қилиши асосида, ўз билими ва ҳаётий тажрибаларидан баҳраманд этиши орқали эришилади. Ҳар ким ўзи топган янги, қизиқ-қизиқ гапларни бошқаларга айтади, енгил ҳазил, асқия қиласди. Ўзининг ахлоқи, одоби, эътиқоди ва яхши фазилатлари билан бошқаларга ибрат бўлади ва ҳоказо. Худди М. Горький айтганидек: «Инсондаги ҳамма яхши фазилат инсонлар учун!» — қабилида иш тутади.

Суҳбатда бўлар-бўлмасга «хо-холаб» кулавериш одобсизликдан бўлгани каби, ўзи гапириб ўзи кулиш ҳам бошқаларда яхши таассурот қолдирмайди. «Қобуснома»да меҳмон бўлгувчи беҳуда кулавер-маслиги, кўп кулиш девоналиknинг бир нишонаси экани айтилиб: «... кам кулиш бир нав сиёсат ва сабр-матонатдир. Шундай деганларки, беҳуда ва бевақт кулги ғам ва ташвиш пайтида воқе бўлади», деб ёзилган. (62.52.)

Суҳбат навбатма-навбат давом этади, ҳадеб бир киши гапираверса бу суҳбат эмас, балки монолог бўлиб қолишини унутманг. Дастурхон устида ғийбат, ҳасад ва фисқу-фасодга асло йўл қўйиб бўлмайди. Гапирганда бошқаларни писанд қиласлик ёки ён-веридагилар билан пицирлашиб гаплашиш ҳам одобдан эмас. Бундай қилинганда бошқалар шубҳага тушиши, менинг тўғримда ғийбат қилаяпти, деб ўйлаши мумкин.

Шуни англаш зарурдирки, суҳбат пайтида эзмалик қилиш, бир айтган гапини такрорлайвериш ақлнинг озлигидан далолат берса, ёлғон-яшиқ гапларни тўқиб, суҳбатга аралашиш эса ироданинг заифлигини кўрсатади. Суҳбатда овозни жуда пастлатиб, висир-висир гапирган кимса фисқу фасодчилигини, билъакс, шовқин солиб гапиравчи ичи бўшлигини сездириб қўяди. Шундай экан, меҳмондорчилик дастурхони атрофида суҳбатда кимки назокатли гапириб, оз сўзлар

билин теран фикр англатса, далиллари ишонарли, иборалари қизиқарли бўлиб, тингловчиларни ўйлатиб қўйса, ана ўша одам доно, ибрат олишга сазовор киши бўлади. Унинг суҳбати она сутидек лаззатли, баҳор шабадасидек оромбахш бўлади.

Суҳбатда ёлғончи, фийбатчи, маҳмадона, шилқимларни таниб олиш ва уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарур. Билингки, маҳмадоналик донолик эмас, шилқимлик эса ўзини билмаган суюқ шахсларнинг иши. Бундай шахс ўзига нотаниш кишиларнинг гапига ҳам аралашаверади, унга мурожаат қилинмаган тақдирда ҳам мошхўрдага қатиқдай гапга қўшилаверади, гапни гапга қовуштирумайди. Шилқимликнинг энг ёмон томони издаҳомдаги хушрўйроқ хотин-қизларга синчковлик билан тикилиб ўтириб, кўзи кўзга тушганда иржайиш, гапига гап қистириш каби ҳолатларда кўринади.

Меҳмон суҳбатда ҳеч кимга кесатиқ қилмайди, гапиравчига эътибор бериб ўтиради, маърузачи мантиқли, ўринли фикрлар айтса, бош силкиб маъқуллайди. Мабодо суҳбатдоши ёлғон, иғвога қараб кетса, эшитмасликка олиш билан маъқул тушмаганлигига ишора бериш мумкин.

Мабодо дидингизга ёқмаган кимса беодоблик, бебурдлик қилаверса, унга танбеҳ беришга ҳақлисиз. Сўзингиз жанжал чиқармайдиган даражада назокатли ва қисқа бўлиши шарт. Балки эътирозингиз суҳбатдошлар орасидаги ўжар, ҳасадчи, нодон, серҳасрат, лофчи, каттаванг, ғайир, жizzаки шахсларни хафа ҳам қилиб қўяр, бундан ташвиш тортманг, негаки булутнинг кўзёш тўкиши чаманзорнинг барқ уришига сабаб бўлади. Меҳмондорчилик суҳбати тарбия мактаби бўлиб, ана шунақа ўзини билмаганларни тийиш ва тўғри йўлга солишига ҳам хизмат қилади.

Баъзан гурунгнинг энг қизиган жойида айримлар гапиравчининг сўзини шартта кесиб, «кечирасиз, гапингизни оғзингиздан олдим», «шакар оғзингизда» деб уэр сўрагандай бўлишади. Бироннинг фикрини чалғитиши, гапини шартта бўлиш одобданмас. Саъдий Шерозийдан бир шингил эшитинг-а:

Эй, оқил, сўзнинг ҳам бош-оёғи бор,  
Ўзга сўзга сўз қистирма зинҳор.  
Ақлу ҳуш әгаси — тадбирли инсон,  
Сўз бошлар суҳбатдан жим бўлган замон.

## ОВҚАТЛАНИШ ОДОБИ

Зиёфат пайтида қандай овқатланиш керак? Овқатланиш асбобларидан фойдаланиш қоидалари қандай? Ушбу саволларга жавоб берар эканмиз, халқнинг урф-одати ва ҳар кимнинг овқатланиш одоби билан боғлиқ бўлган анчагина қоидалар мавжудлигини айтиб ўтмоқчимиз, зеро, бунга ҳар бир меҳмон бўлгувчи амал қилмоғи зарурдир.

Дастурхонга зиёфатдагилар орасида ёши улуғ одам қўл узатмагунча одоб сақлаш ўзбек урф-одатларининг энг яхши анъаналаридан биридир.

Меҳмон ўзининг қанчалик одобли ва эътиқодли эканини хатти-ҳаракати, юриш-туришидаги энг кичик, жузъий жиҳатлари билан ҳам сездириши мумкин. Меҳмондорчиликка боргандада таом тановул

этиш масаласи баъзилар ўйлагандек «майдада масала» эмас. Бунда ахлоқ ва одобга тааллуқли кўп гап бор. Биласизми, овқат еганда кишининг ўзига сезилмайдиган хунук одатлар учраб туради, чунончи: «чапиллатиб» чайнаш, «хўриллатиб» ичиш, оғзи овқат ейиш билан банд-у, яна гапга аралашиш, қошиқ-вилкаларни идишга «шарақлатиб» уриш, егуликнинг каттароқ бўлакларига кўл чўзиш, тишлаган егуликни охиригача емай қолдириб кетиши, ўз олдига ҳар хил овқатларни керагидан ортиқча тўплаб олиб, нишхўрд қолдириш, овқатланишда бошқаларга мутлақо эътибор бермай («кўрибсанки ош, кўттарма бош» матали гамомила ноўрин бу ерда) еябериш — буларнинг ҳаммаси ярамас одатлардир. Шу хил одатлар одамнинг ўзига билинмаса-да, аммо бу бошқаларнинг ғашига тегиши, асабини бузишини унутмаслик керак.

Ҳар ким овқатланиш одобига бир қадар эътибор берса яхши бўларди. Шундай экан, меҳмонга боргандана ҳам, жамоат жойларида ҳам, ўз уйингизда ҳам қандай овқатланишингизни бир текшириб кўринг.

Одатга кўра, зиёфат чойдан бошланади. Чойни мезбоннинг ўзи ёки зиёфатдагилар орасидаги ёшроқ меҳмон қуйиб беради. Чой қуювчи биринчи пиёлага қўйилган чойни чойнакка қайтаради. Бунда чой барглари конвекцион ҳаракатга келиб, яхши шира беради. Чой қуювчи дастлабки пиёладаги чойни ўзи ичади, сўнг ўнг қўл тарафдан бошлаб навбат билан меҳмонларга узатади ёки дастлабки пиёлани ёши ҳаммадан улуғ меҳмонга тутади. Чой пиёлаларга яримдан озроқ қуийлади, шундай қилганда тез ичилади ва қайноқ тафти, хушбўй ҳиди сақланади.

Зиёфатдаги таом тановули яхна овқатлардан бошланади. Бунда салатлар қошиқ билан олиниб, ҳар ким ўз олдига ликопчага солади ва вилка билан ейди. Норин ҳам шу усулда истеъмол этилади. Яхна гўшт вилкада олиниб, пичноқ билан кесиб ейилади. Бу ҳолда пичноқни ўнг қўл билан, вилкани эса чап қўл билан ушланади, пичноқ ишлатилмаса, вилка ўнг қўлда бўлади. Яхна овқатлардан қази, ҳасип дастурхонга тўғраб тортилади, бунда қазини вилкада, ҳасипни эса қўлда олиб ейилади.

Қуш гўштлари (товуқ, ўрдак, гоз, курка, бедана, каклик ва шу кабилар) ва қовурилган балиқ ҳам қўл билан ейилади, негаки вилкада еганда майдада суюкларни ажратиш қийин бўлади. Бу масаллиқларни шунинг учун ҳам бутун дунёдаги ресторонларда, ҳатто ҳукумат зиёфатларида ҳам қўлда ейиш қабул қилинган. Қўлни ва оғизни вақти-вақти билан қофоз салфеткада артиб турилади. Салфетка ўрнида бошқа хил қофоз ёки газета парчасидан фойдаланиш ярамайди, чунки газета ҳарфларининг бўёғида заарли модда бўлади. Қўл артилган салфетка, суюк ва таом қолдиқлари, пўчоқ ва мева данаклари алоҳида тахсимчаларга тўпланиб, юзига салфетка ёпиб қўйилади.

Вилка билан овқатланганда учлик томонини пастга қаратиб устидан кўрсаткич бармоқни босиб ушлаш маъқул.

Суюқ ош ва шўрвалар қошиқ билан ичилади, қошиқнинг сопи устидан бош бармоқ босиб ушланади. Суюқ овқатларни косанинг ўзидан хўплаб, «хўриллатиб» ичиш, шўрвага нон тўғраш ва нон бўлакларни икки бармоқ билан илиб ейиш, идиш бўшагач, уни бармоқ билан ялаш булар бари овқатланишдаги беадаблик саналади. Щўрвага нон тўғраб ейишни ҳар ким ўз уйида овқатланганда амалга ошириши мумкин, бироқ жамоат жойларида, айниқса, меҳмонга борганида бундай қилиш нотўғри бўлади.

Лағмонни баъзилар емасдан олдин косанинг ўзида аралаштириб, бўтanasини чиқариб истеъмол этадилар. Мана шу деталь ҳам овқатланиш одобини бузишга киради. (Лағмоннинг узун қилиб чўзилишининг рамзий маъноси бор: бу умр узоқ бўлишига истак билдиришdir.) Албатта, «қандай овқатни ким қандай ейиши ўзининг иши», дегувчилар ҳам топилиши мумкин. Бироқ турли таомларни ўзига хос усулда тановул этиш халқнинг узоқ асрлар мобайнидаги овқатланиш одобига ва одатига кўра келиб чиққан ва унга амал қилиш керак бўлади.

Лағмон бу таомнинг ватани Хитойда бир жуфт чўп — «ков-за» билан ейилади. Бизда эса хамирни вилка билан ўраб ейиш, қайласини қошиқда ичиш қоидага кирган. Агар аралаштириш қоида бўлганда эди, ошпазнинг ўзи косага аралаштириб сузган бўлар эди, ваҳоланки, аралаштирилган лағмоннинг кўриниши хунук бўлади.


Лаганга сузилган чучвара вилка билан, бироқ косага шўрваси билан сузилган чучвара эса қошиқ билан истеъмол этилади.

Манти билан сомса қўлда ейилади, чунки мантини вилкага илиб ейиш жуда ноқулай.

Шовла, ширгуруч ва мошкичири каби қуюқ овқатлар қошиқ билан ейилади, лекин паловга келганда уни қошиқ билан ҳам, қўл билан ҳам ейиш мумкин.

«Ошни қўл билан ейиш — маданиятсизлик бўлади», дейдиганларнинг фикрига қўшилмайман. Негаки, бу ибтиодан буён урф бўлиб, ҳанузгача жуда кўп халқларда (жумладан бизда ҳам) сақланиб келаётган бир одатdir. Тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, уйғурлар, покистонликлар, аффонлар, ҳиндилар, эронлар, озарбайжонлар, доғистонликлар, арманлар, грузинлар, турклар, араблар ва бошқа халқлар ҳатто айрим қуюқ таомларни ҳам қўлда ейишга одатланишган. Бунда қўл таом тановулидан олдин ҳам, кейин ҳам ювилади.

Таом тановулидаги қоида қандай қулай бўлса, шундай қабул қилишdir. Юқорида айтиб ўтганимдек, барча халқларда қуш ва балиқ гўштини қўлда ейиш қулай деб қабул қилинган. Шунингдек, ўзбекларда ҳам паловни қўлда ейиш қулай деб қабул қилинган давр паловнинг келиб чиқиши тарихи билан боғлиқdir. Бу тақрибан эрамизга қадар V аср билан эрамизнинг II асли оралиғидаги давр бўлиб, худди шу вақтларда Ўрта Осиёда шоли экила бошланган ва паловпазлик вужудга келган. Ўшандан буён паловни қўлда ейиш ҳеч қандай ноқулайлик келтириб чиқармагани боис бир неча минг йил мобайнида расм бўлган бу одат ҳанузгача сақланиб келмоқда. Сўнгра халқда «палов қўлда ейилганда лаззатлироқ туюлади», деган тушунча ҳам бор. Ушбу тушунчанинг ҳаққоний эканлигини исботлашга ҳаракат қиласман. Гап шундаки, бармоқларнинг сезгир учлари иссиқ паловга тегиши билан унинг тафтини нерв толалари орқали бош мияга узатади. Бунда импульс таомни ҳазм қилиш марказигача ёйилиб боради, бу марказ ўз навбатида сўлак ва меъда безларининг яхшироқ ишлашига «буйруқ» беради. Натижада ейилаётган ҳар бир луқма қошиқда егандан кўра тотлироқ туюлади. Яна бир сабаби: қўл билан олинаётган ҳар бир ошамда палов таркибидаги гуруч, сабзи, гўшт бир меъёрда олинади, иштаҳа бўғувчи ёғ эса бармоқлар орасидан силқитилиб, лаганда қолдирилади. Қошиқ билан еганда бунга сира эришиб бўлмайди. Ана шу сабабларга кўра паловни қўл билан ейиш маданиятсизлик бўлмасдан, балки, аксинча, овқатланиш маданиятидаги



узоқ тарихга эга бўлган одатdir. Қолаверса, унинг таом ҳазмлаш физиологиясида ҳам аҳамияти борлигини билиб олдик.

Одатга кўра, буханка нон дастурхонга кесиб тортилади, синдириб ейиш мумкин эмас — уваланиб кетади. Аммо тандир нонлар дастурхонга бутунлигicha тортилади, у синдириб ейиллади. Бунда қоида ҳар ким ўз олдидаги синдирилган бурданি тўла ейиши шарт, тишланган нонни дастурхонда қолдириш ҳам исрофнинг кўпайишига сабаб бўлишини меҳмон унутмаслиги керак.

Қовун-тарвуз дастурхонга тилик, карч, кося қилиб кесиб тортилади: бунда тилик ва карчларни қўл билан, кося қилиб кесилганини эса вилка билан олиб ейилади. Меҳмондорчиликда ҳар кимга биттадан кося усулида кесилган қовун ёки тарвуз тортилган бўлса, унда қўл билан олиб ейилади, агар умумий қўйилган бўлса, қўл билан олиш одобдан эмас.

Узум, шафтоли, ўрик қўл билан олиб ейилади, вилка ёки пичоқ ишлатиб бўлмайди. Аммо анор, беҳи, олма, нок каби мевалар пичоқда кесиб ейилади. Беҳи, олма ва нокнинг пўчоғини арчиш хато, чунки фойдали дармондорилар бу меваларнинг пўчоғида кўпроқ бўлади.

Мисол учун олманинг қүёш теккан жойи қизил бўлиб, бунда маъдан моддалари, айниқса, темир моддаси кўп бўлади. Шу фойдали неъматни пичоқ билан арчиб ташлаган киши режали овқатланиш илмидан бир қадар саводсиз эканини билдириб қўяди. Иложи бўлса, ёш бодрингни ҳам арчмай ейиш керак, редискани ҳам. Редиска учи ва банди олиб ташланиб, яхши ювилган бўлса бас. Пўчоги қизилида — темир, оқида — фосфор моддалари бўлади.

Пўчоги табиий арчиладиган меваларни (масалан, шафтоли) қўлда арчиб ейилади.

Субтропик мевалардан мандарин, апельсин пўчоги арчилиб, эти ейилса, лимон эса пичноқда паррак-паррак қилиб кесилиб, уруги олиб ташланади-да, пўчоги билан бирга истеъмол қилинади, негаки, лимондаги энг зарур моддалар пўст қисмида кўпроқ бўлади.

Кўриниб турибдики, овқатланиш одоби у қадар майдада масала эмас, балки барча эътибор бериши зарур бўлган, инсонга хос эътиқодий ва психо-физиологик муаммо экан.

## БОЛАНИ ДАСТУРХОН АТРОФИДА ЎТИРИШГА ЎРГАТИШ

Оиланинг тарбиявий вазифаси ҳамма жойда, ҳатто дастурхон устида ҳам амалга оширилаверади. Оила аъзолари ўтириб овқатланаётганларида ёки меҳмондорчилик дастурхони атрофига ўтирганда боланинг ҳар бир хатти-харакати кузатиб турилади ва хатолари қунт билан тузатиб борилади. Меҳмонга олиб борилган бола агар яхши тарбияланмаган бўлса, очкўзлик, суқлик қила бошлайди, ширинликларга чанг солади, гоҳ уни ейман, гоҳ буни ейман, деб хархаша қиласди.

Шундай қилиб, боланинг одобсизлиги айниқса меҳмондорчилик дастурхони устида яққол кўринади. Бундан эса, аввало, ўзингиз хуноб бўласиз, қолаверса, бошқа меҳмонларнинг ва мезбоннинг (пинак бузмасликка интилса-да) асаби бузилади. Шунинг учун бола меҳмонга олиб борилганда ўзини қандай тутиши кераклигини қайта-қайта уқдириш зарур ва кундалик, оила аъзолари овқатланаётган дастурхон устида унга энг оддий, майдада-чуйда қоидаларгача ўргатиб бориш лозим бўлади.

Меҳмонда болаларни ҳам катталар билан бирга ўтиришга таклиф этишади. Бунда шу нарсага эришиш зарурки, у югуриб ҳаммадан олдин тўрга чиқиб олмасин. Овқат ейишга таклиф этилмасдан дастурхонга қўл чўзилмасин. Катталар бошлагач, бир-икки такаллуфдан кейин олсен. Олганда ҳам оч қолган кишидек апил-тапил эмас, босиқлик билан, одоб сақлаб овқатлансин.

Бунинг учун яхшиси меҳмонга етакланган боланинг қорнини тўйдирив олиб бориш керак ва у ерда ўзини қандай тутишини йўл-йўлакай эслатиб бориш зарур.

Сиз уйда болага қошиқ билан вилкадан қандай фойдаланишни, уни қандай ушлашни доим ўргатиб боринг. Ўргатилмаган бола қошиқни ҳам, вилкани ҳам муштумида чанглаб ушлайди. Бу жуда хунук кўриниши билан бирга улардан тўғри фойдаланиш имконини бермайди. Ҳар гал овқатланаётганда болага қошиқ ўнг қўлда ушланишини, бунда бош бармоқ қошиқ сопининг тепа қисмида, кўрсаткич бармоқ ўртада, бошқа бармоқлар эса остки қисмида бўлишилиги-

ни қунт билан ўргатиб борилади. Вилка ушлаганда эса бош бармоқ сопининг остиқ қисмида, бошқа бармоқлар юқори қисмида бўлмоғи даркор. Баъзи болалар бир-икки кўрсатилганда ўрганиб олишади, айримлари эса кўп маротаба тақорири ўргатишига муҳтоҷ бўладилар.

Овқатни болага мөтъерида, тобини чиқариб бериш керак, шунда у зебо овқатланишига тез ўрганади, акс ҳолда иссиқ овқатни пуфлаб советаман деб дастурхонга ва уст бошига сачратиб юборади.

Бола 1,5 — 2 ёшдан бошлаб ўзи мустақил овқатлана оладиган бўлиши керак, шу ёшдан бошлаб хўриллатиб ичмасликни, чапиллатиб чайнамасликни доим уқдириб туриш яхши натижа беради. «Чапиллатиб ема!» — десангиз, чапиллатиб емасликка сира ўргана олмайди. Кўрсатиб, ўrnak бўлиб ўргатиши керак, яъни, овқатни еганда оғзини юмиб, лабларини катта очмасдан, жағни қимирлатиб чайнап кераклигини амалда кўрсатинг. Албатта буни меҳмонга борганде эмас, балки уйда ҳар куни ўргатиши керак.

Баъзи болалар кўпроқ нон ейдилар, баъзилари эса сира ҳам ногемайдилар. Ҳар иккаласи ҳам нормал эмас. Ўз вақтида эътибор берилмаса, бу одатга айланиб қолади. Яна бола ноннинг сирти билан юмшоқ қисмини ажратиб ейди. Баъзи бола сиртини, баъзи бола ички юмшоқ жойини хуш кўради. Бу ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Яна бола ноннинг катта бўлагини олиб ёки бутун нонни тишлаб ейиши ҳам ярамайди.

Овқатланаётганда ўнг қўлда қошиқ, чап қўлда нон ушлашни ўргатиши керак. Тишланган нон еб тугатилиши кераклигини болага ёшлигиданоқ уқдириб боринг.

Боладан овқатланаётганида жим, гапирмай ўтиришни талаб қилиб бўлмайди, чунки катталар овқат пайтида сухбатлашиб ўтирадилар. Бола ҳам гаплашади, лекин унинг ўта маҳмадоналиқ қилишига йўл қўйиб бўлмайди. Негаки, овқат пайтида ортиқча вайсақилик қилиш натижасида меъда шираси яхши ажралмаслигини ва ҳазм қилиш бузилишини олимлар исботлашган.

Болага ҳам доим оғзидаги овқатини ютгандан кейин гапиришни ўргатиши керак, акс ҳолда таом бўлаклари нафас йўлларига кетиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, овқатни чайнаб туриб гапирганда то вуш ва сўзлар бузилиб талаффуз қилинади, бошқаларнинг ғашига тегади.

Болани йигинчоқ ўтиришга ўргатишинг ҳам катта аҳамияти бор шунингдек, столга тирсакларини қўйиб олмаслигига ҳам аҳамият бериш зарур, чунки бундай қилиш билан у ён-веридагиларга халақит бериси мумкинлигини уқтириш лозим.

Стулга ўтқазилган боғча ва кичик мактаб ёшидаги болаларнин оёқлари ерга тегмайди, шу сабабли аксарият болалар овқатланаётис оёқларини ликиллатиб ўтирадилар. Бу ҳам эътибордан четда қолмасин, негаки рўпарада ўтирган кишининг тиззасига тепиб юбориши мумкин. Бу хунук қилиқ ўз вақтида барҳам топдирилмаса, бола катта бўлганда ҳам оёгини ликиллатиб овқатланадиган бўлиб қолади. Бу бир қараганда икир-чикир нарсадай бўлиб кўриниши мумкин. Лекин машҳур педагог А. С. Макаренко айтганидек: «Тарбиявий ишнин икир-чикири бўлмайди».

Болага овқатланиш одоби борасида тарбия берганда: «Шуни шундай қилишинг шарт!» — деб туриб олмай, балки, аввало, ўзингиз ўнак кўрсатишингиз, сўнг боладан талаб қилишингиз даркор. Чунки

жар қандай бола «қил!» дегани қилмайди, ибрат бўлган ишга амал қиласди.

Боланинг назарини тўқ қилиш учун эрта баҳордан то кеч кузгача барча мева ва сабзавотларга уни бир марта бўлса ҳам тўйдириш зарур. Қулупнай, редиска, помидор, ҳандалак, гилос, узум, қовун-тарвуз, шафтоли, олма, анор, беҳи ва ҳ. к. — шуларнинг барига бир марта тўйдиринг, натижада боланинг организми зарур бўлган дармондорилар — А, В, Р, Д, С ва бошқа маъдан моддалар: калий, кальций, марганец, темир, фосфор тузлари, шакар моддалари: сахароза, фруктоза, глюкоза кабилар ҳамда ўсимлик оқсили ва органик жаъфарлар билан таъминланади.

Шундай қилсангиз, болангиз ўзини яхши ҳис қиладиган, унчамунча касалликка чалинмайдиган бўлади. Энг муҳими, назари тўқ бўлиб етишади. Бунга яна овқатланишни аниқ режимга солиш ва муайян режа билан тузилган таомнома асосида овқатлантириш билан эришилади.

Болани тўғри овқатлантириш тарбия беришнинг моддий асосини ташкил қиласди. Русчада «питание» — овқатланиш ҳамда «воспитание» — тарбия сўзларининг ўзаги бирлигига аҳамият берсак, масала аниқ бўлади-қолади.

Тарбиянинг режим ҳамда режали овқатлантириш билан бирга кўшиб олиб борилиши шу қадар муҳимки, масалан, спорт билан шуғулланаётган бола қувват бўладиган овқат еб турмаса чақилиб, жисмоний заиф бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Болани покиза ва саранжом қилиб тарбиялаш ҳам даставвал овқатланиш билан боғлиқ бўлади, чунончи жар ғал кир уст-бошларини алмаштириб, қўлини ювиб, дастурхон атрофига ўтиришга ва овқатдан сўнг ҳам зарур бўлса қўл ювиш ва оғиз чайқашга ўргатилган бола ҳаётида доим санитария-гигиена қоидаларига риоя қиладиган, озода киши бўлиб етишади. Бу эса ўз навбатида софдил, ахлоқий покиза бўлишига омил бўлади.

Боланинг худбин, «келтир менга, йўқдан сенга» қабилида иш туладиган бўлишининг ҳеч кимга — ота-онасига ҳам, жамиятга ҳам кераги йўқ, албатта. Уни одамшаванда, колективчи қилиб тарбиялаш зарур, бу иш эса энг аввало овқатланиш жараёнида амалга оширилади. Болани жуда ёшлигидан оила аъзолари билан бирга, aka-укалари билан ҳамжиҳат овқатланишга одатлантиришнинг катта аҳамияти бор. Ўзига алоҳида овқат солиб бериб, бошқалардан ажратиб қўйиш ярамайди. Бирга ўйнайдиган ўртоқларидан, aka-укаларидан айириб, алоҳида овқатлантирилган бола худбин бўлиб қолади. Сиз шундай қилингки, болангиз aka-укалари, ўртоқларини ҳам бирга ўтириб овқатланишга ўзи таклиф қиладиган бўлсин. Чунки бола ҳаммавақт таомни бошқалар билан бирга баҳам кўрадиган бўлса, унда эгоизм (худбинлик) пайдо бўлмайди, балки одамларни хуш кўрадиган, меҳмондўст ва бинобарин, коллективчи бўлиб етишади.

Қўриниб турибдик, тарбия қулфини овқатланиш калити билан очишнинг анча аҳамияти бор бўлиб, бу меҳмондўстлик дастурхони устида ҳам яққол рўёбга чиқади.

## МЕҲМОН МАИШАТПАРАСТ БЎЛМАСЛИГИ ЖОИЗ

Меҳмонлик шарафига мұяссар бўлган киши дастурхондаги ноз-небъматларнинг барчасидан овқатланиш одобига риоя қилган ҳолда баҳраманд бўлиши шарт, чунки бу нарсалар сизга атаб тайёрланган ва дастурхонга кўйилган. Яхши мезбонлар меҳмонлар томонидан таомлар қанча кўп ейилса, шунча хурсанд бўладилар ва пазандаликда «яхши овқат еб тугалланиши билан баҳоланади», деган қоида ҳам бор. Аксинча, озгина татиб кўриб: «Яхши бўпти, мазали экан», деб емай кетиш, нишхўрд қолдириш — шу таомни тайёрлаган пазандани ҳам, дастурхонга келтирган мезбонни ҳам анча ранжитади.

Аммо, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дастурхондан бош кўтармай еявериш, тўлатилган қадаҳларни бирин-кетин сипқоравериш уят бўлади, инсофдан ҳам эмас, соғлиққа ҳам нафи йўқлиги маълум. Ҳамма нарсанинг меъёри бўлади. Энг яхши меҳмон шундай бўладики, у ўзини ҳеч кимдан юқори тутмайди, мезбоннинг қурби етмайдиган нарсага таъма қилмайди, дастурхонга нимаики қўйилса, хурсандчилек билан тановул қилади ва албатта, одоб юзасидан дастурхон майдонида жуда ортиқча «ов» қиласкермайди, инсоф ойнасини беҳаёлик губори билан хиралаштирумайди. Қисқаси, яхши меҳмон мезбонга малол келмайдиган иш тутади, унинг ортиқча ташвиш тортишига йўл қўймайди.

Халқ донишмандлигига айтилишича:

Меҳмонлар — ёқут жавоҳирдир, соҳиби хона,  
Суҳбатдан дур термоққа дастурхон бир баҳона.

Ҳар бир меҳмон яна шуни англаши жоизздирки, меҳмондорчиликни тилёғламачилик ва лаганбардорликка буриш мутлақо мумкин эмас. Маълумки, экинга ўғит кўп солинса, томирини чиритиб юборади, агар сув ҳам керагидан кўп қўйилса, ҳосилини хароб қилади. Инсон учун кўп овқат ейиш ҳам ақлий, ҳам жисмоний заифлик келтириб чиқаради. Меҳмон зинҳор майшатпаст бўлмаслиги керак.

Фактлар. Қадимги Римда бир тоифа қулдорлар майшатпастликка берилиб кетиб, ҳаётнинг ҳузур-ҳаловатини фақат кўп овқат ейишдан иборат, деб билишар экан. Ҳатто, ким кўп овқат ейишга мусобақа уюштиришар, гаров ўйнашар экан. Еки биз машҳур рус ҳажвчиси Н. В. Гоголь асарларида мечкай ва юҳо помешчиклар тасвирланганлигининг гувоҳимизки, булар ҳам — кечаси уйқусизликда ҳам, кундузи бекорчиликдан зерикканларида ҳам ўзларини овқатга урадилар. Тўйиб-тўйиб лаззатли овқат ейишни ҳаёт кечиришнинг энг яхши намунаси деб биладилар. Ўша давр маълумотларига қараганда, римлик қулдорларнинг ҳам, Гоголь қаҳрамонлари бўлмиш помешчикларнинг ҳам ўртacha умри 25—30 ёш бўлган, холос! Сабаби маълум, меҳнатсиз овқат ейиш кишининг саломатлигини заиф, фикрини қашшоқ, танасини ҳилвираган ва турли касалликларга мубтало қилиб қўяди. Шу сабабли ҳам ёзувчи Ф. Честерфельд: «Майшатпастларни ўзига-ўзи сиртмоқ солувчилар», деб ёзган эди. Замонавий тиббиётдан ҳам маълумки, майшатпастрас одам тез қарийди, фикри ўтмаслашиб, атеросклероз касалига дучор бўлади, аъзоларидага модда ал-

машинуви издан чиқади, меҳнат қобилиятини жуда эрта йўқотади. Бир овқат ҳазм бўлмасдан туриб, устига-устак пала-партиш овқатланиш — нодон кишининг иши. Буни қадимги алломалар жуда яхши таърифлашган. Абдуқодир Бедил бу ҳақда шундай дейди:

Бир табиб ёнига келиб бир инсон,  
Демиш: «Қорним қур-қур қиласди чунон,  
Ҳазм бўлмайди ҳеч еган овқатим».  
Деди: «Ҳазм қилиб е-да, э, нодон!»

XI асрнинг тарихчisi, буюк адабшунос олими, турмушнинг сонсаноқсиз икир-чикирларигача ўрганиб, қоидаларини аниқлаган Болософунли Юсуфнинг «Саодатга йўлловчи билим» номли асарида меҳмон бўлгувчи киши ўзини қандай тутиши, қандай овқатланиши тўғрисида ажойиб фикрлар айтилган. Турли байтларнинг асосий мазмунини наср билан ифода қилсак, ушбу насиҳатлар ҳосил бўлади: «Бир тўйимли овқат ва ичимликни деб сен ўзингни бекадр қилмагин. Нафсни сақла, кишиларнинг пасти бўлма. Нафсинг учун нафсингнинг қули



бўлма. Мен жуда кўп кўрганманки, қадр топган кишилар ҳам нафси-ни тия олмагани учун юз тубан кетдилар. Элда улуғлик топган кишиларни ҳам нафси қул қилиб ер тишлатди. Кўп бойларни кўрдим, уларни ҳам нафси тутқин қилди, улар ҳам хонавайрон бўлиб, қашшоқлашиб қолдилар. Эй нафси ғолиб, сен нафсингга тутқин бўлма, нафс қопқонига илинсанг, ундан қутулиб бўлмайди.

Сен қайси зиёфатга борадиган бўлсанг ҳам одоб билан овқат егин. Тартиб, қоидаларни билмайдиган, фаросатсиз, бадфөъл киши тартибли кишини кўрса боши гангийди. Сендан катта овқатга қўл сунгандан кейингина сен қўл сун. Бошқа одам олдида турган нарсани чўзилиб олувчи бўлма, ўз қаршингга қўйилганини ол ва е. У ерда сўнгак олма, занҳор юҳо, бетоқат ва енгилтак бўлма. Нима олсанг тишла, майдалаб чайна. Иссик ошни оғзинг билан пулфлама. Сен овқатни лаззатланиб егин, уй бекаси бу ҳолатдан севинсин. Бирор меҳнат қилиб сенга овқат ҳозирлабдими, меҳнатини беҳуда қилсанг, унинг кўнгли ранжиши мумкин. Кишининг кўнгли бамисоли юпқа шиша бўлади, уни жуда авайлаб эҳтиёт қил, уни қўзғатма, синади. Кишининг кўнгли қолса, ҳаловат кетади, яқинлик узилади. Овқатни меъёри билан е, кўп овқат ема, заковатли азиз киши сенга шундай таълим берадики: кўп овқат еювчиларнинг овқати бало бўлади, овқати бало киши эса доим дардман бўлади. Дард томогидан киради, демак, нафсни эҳтиёт қил.

Иссиклик ошса, дарҳол совуқлик ичиб ўзингни енгиллаштири, совуқлик ошадиган бўлса, иссиқлик билан тузат, агар сен йигит ёшида бўлсанг-у, баҳор фасли бўлса, совуқлик нарсаларни истеъмол қилиб юр, бу қонингни равон қилади. Ешинг қирқдан ошган бўлса, куз ойлари бўлса, сен ўз таъбингни иссиқлик нарсалар билан таъминла. Ешинг олтмиш ва ундан ортиқ бўлса, қиши мавсуми бўлса, сира совуқлик истеъмол қилма, иссиқлик истеъмол қил. Инсонни ҳайвондан фарқлайдиган нарсалардан бири — ўз мижозига қараб овқат ейиш. Назар солсанг, табиблар яхши айтибидилар: киши овқатни оз еса, саломат бўлади. Дарду касалликсиз, сиҳат-саломат яшашни истасанг, «оз» деб аталган дорини истеъмол қилиб яша. Ўз фароғатинг узоқ ва осоишишта бўлишини истасанг «тил» деб аталган гўштни истеъмол қилиб яша» (76. 685 — 693). Мана шу айтилганларнинг қисқа мазмунини Алишер Навоийнинг ушбу ҳикматли сўзи билан якунласак бўлар:

Иzzat истасанг, оз де,  
Сиҳат истасанг, оз е.

## ХУРМАТИМ САҚЛАНСИН ДЕСАНГИЗ...

Тўйларда кўпинча дастурхон турли ҳамкасларнинг составлари-га қараб ёзилади. Шунинг учун составлар тўйларга баробар келсалар соз бўлади.

Мезбон илтимос қилган ҳамон меҳмонлар кўрсатилган жойга одоб билан ўтиб ўтиришлари керак. Лекин, жой кўрсатилмаса, ўзбошимчалик билан тўрга чиқишдан воз кечиш лозим. Аваз Ўтарнинг ушбу насиҳатини меҳмон доим ёдида тутсин:

Ҳурматингни қилмаса, ўзингча тўрга чиқмагил,  
Миннат аҳли ошини, очингдан ўлсанг емагил.

Туғилган кунни нишонлаш, ҳовли тўйи, никоҳ тўйи, банкет ва юбилей каби меҳмондорчиликларда айрим меҳмонларнинг мезбонга айтадиган илиқ-илтифотли сўзлари, яхши ният ва самимий табриклиари бўлади. Меҳмондорчиликда буни дарҳол бошқарувчига англатилиди ва навбати билан сўз берилади.

Бунда қоида шуки: табрик учун сўзни биринчи бўлиб нуроний қария ёки ҳозир бўлганлар орасида энг мартабали, обрўли одам гапиради, сўнг бошқалар сўз олади. Бироқ, ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги гапиравериши, гапирганда ҳам эзмалик қилиб узундан-узоқ ваъз айтиши, ўзининг ва мезбоннинг маржимай ҳолидан тушиб, корхонада ишлаб чиқариш планининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларгача келтириши кабилар меҳмондорчиликни мажлисга айлантириб юбориши мумкин. Мажлис бу — ишлаш методи, меҳмондорчилик эса — дам олиш пайти. Дам олаётганда ҳам ишдан гапирилаверса, кишининг ҳордиги ҳеч ҳам чиқмайди. Албатта лутф қилиб, мезбонни қувонтириш керак, лекин меҳмонларни зериктириб, ўз ҳурматига путур етказмасликни ҳам ўйлаш даркор. Тўй ва бошқа меҳмондорчиликлар дастурхони устида кўп гапириб, оз фикр айтадиган вайсақиларни ўзингиз ҳам кўп учратгансиз. Бадриддин Ҳилолийнинг ушбу байти меҳмондорчиликларда сўзловчи ҳар бир кимсанинг эсида турсин;

Кўп вақиллаган донодан кўра,  
Жим ўтирган нодон яхшироқ, жўра.

Табриковчи ўз фикрининг ширин шарватини изҳор қадаҳининг жарангдор пиёлаларига тўлатиб, тингловчиларга сипқартирса, уларнинг ҳар бирига ҳузур баҳш этиб, одоб бοгининг баҳтиёр сайр қилувчилирига айлантиради. Йўқса нотиқнинг бурди кетади. Ҳурмат меваси иззат бандидан чирт узилиб, ерга тушиб тупроққа қоришади. Шунинг учун ҳар қандай табрик икки-уч минутдан ошмаслиги зарур, узоги беш минут гапирилади ва гоятда лутф сўзлар топиб айтилади. Бундан ортиқ гапириладиган бўлса, ҳамма айтилган гапларингиз чиппакка чиқади, сизни ҳеч ким эшитмай қўяди, чунки одамлар бу ерга ваъз тинглагани эмас, меҳмон бўлгани келишган. Қоида бўйича биринчи табрик сўзи меҳмондорчилик бошлангач, яхна овқатлар истеъмол қилинаётган пайтда икки ёки ҳам киши томонидан айтилса бас. Издаҳомга келган барчанинг гапириши асло шарт эмас.

Мезбонга бўлган миннатдорчиликни хайрлашаётганда ёки бошқа бир вақт топиб изҳор этилса ҳам бўлаверади.

Иссик овқат тортилаётган ва ейилаётган пайтда расми гапирилмайди, чунки бирор гапириб турса, бошқалар уни тинглаб, таомларнинг совиб, мазаси қирқилишига, исрофнинг кўпайишига сабаб бўлади. Овқатланиш пайтида яхши ашула ва дилрабо куй янграб тургани яхши. Санъатчilar даврада экан, тинчликни сақлаш, ашула ва ўйин пайтида ўриндан туриб чиқиб кетмаслик, хушомад қилиб, таҳсинлар айтиш, лекин зинҳор пул қистирмаслик керак. Ўзини ҳурмат қиладиган ва касбини улуғлайдиган ҳақиқий санъаткор дўпписига пул қистириб ҳаводор берилишини камситиш ёки ҳақорат деб тушунади. Пул қистириш революцияга қадар мавжуд бўлиб, бизнинг давримизда у сарқит бўлиб қолган. Илгари талантли ашулачи, ўйинчи, музикачи,

қизиқчи ва асиячилар театрларга бирлаштирилмаган бўлиб, ўз истеъдодларини бозор, гузар, чойхона ва тўйларда намойиш қилиб, эвазига ҳиммат қилганлардан чойчақа олиб, тилангандай кун кечирар эдилар. Эндиликда барча санъаткорлар истеъдодига яраша маош билан таъминланган ва улар садақага муҳтоҷ эмас. Аммо осон йўл билан бойлик орттириш пайига тушган машшоқларни халқимиз «отарчилар» деб атайди. Бунинг маъноси шуки, чолгувчи дутор, рубоб ва тамбурни милтиқ янглиғ ушлаб, жамиятимизга бегона бўлган порахўр, юлгич, ўғри, чайқовчи каби ишламай пул топадиганларни маст қилиб, «отади» ва ҳамёнини қоқлаб олади. «Отганда шундай унсурлардан жамиятни халос қилса майли эдику-я, билъакс уларга хушомад, муқом қилган «отарчилар» бундайларнинг сероб бўлишига, «мастликда мард» бўлиб кетишлирга сабабчи бўладилар.

Мана шуни ҳар бир меҳмон англаб этиши ва буни барчага тушунириши орқали меҳмондорчиликларимизни ҳаводорбозлик иллатидан халос қила оламиз.

Издаҳомда иккинчи бор табрик сўзи меҳмондорчилик авжи қизиган пайтда, яъни, биринчи иссиқ овқат ейилиб бўлингандан кейин айтилади. Бунда ҳам бир ёки икки киши гапирса бас, гапириш муддати 3-5 минутдан ошмаслигига эришиш зарур. Сўнг яна ўйин-кулги давом этиб, учинчи бор табрик сўзи иккинчи иссиқ овқат ейилиб бўлганда айтилади ва бир ёки икки кишининг қисқа гапи билан якунлади.

Пировардида мезбонга ҳам сўз берилади ёки унинг номидан меҳмонларга ташаккурни бирор кекса одам изҳор этади. Мезбон томоне меҳмонларга илиқ миннатдорчилик билдириб, сўзининг охирида «Хуш кўрдик», «Келганларингизга раҳмат!» — деса, бу зиёфат туганлигидан дарақ бўлади. Барча ўрнидан туриб, ўз иззати билан хайрлашиб тарқаши керак. Меҳмондорчиликнинг табриксиз ўтадиган турларида эса, меҳмонлар дастурхонга келтирилган палов тановулида сўнг ўринларидан қўзғаладилар.

## ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

Меҳмон ўзгаларга эътиборли ва марҳаматли бўлиши, икки ёнида ва рўпарасида ўтирганлар таниш бўлмасалар ҳам уларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилиши керак.

Дастурхондаги шириналарни аёллар ва болалар олдига яқинроқ суриб қўйинг, юмшоқ ва ҳил-ҳил пишган таомларни қарияларга таклиф этинг. Мезбон «олинглар» деб айтмагунча дастурхондан ҳеч нарса олманг.

Кресло, диван ёки бирон қулай, юмшоқ жойга ўтириб қолган бўлсангиз, бу жойни аёл ёки қари кишига бўшатиб беринг. Мабодо аёл киши сизни ўз ёнига таклиф этиб қолса, бирга ўтиринг, лекин унинг пинжига кирманг, суйкалманг.

Меҳмондорчиликда одамлар бир-бирлари билан сухбатлашиб ҳазиллашиб ўтиришлари жуда яхши одат. Лекин ҳазил одоб доира сидан чиқмаслиги жоиз. Шундайлар борки, улар ҳазилни кўтармайди, нозик табиат бўлади. Баъзи бировлар борки, ҳазилкашликни ортиқча қўпол қилиб юборишади. Шундай ҳолларда Камолиддин Биноийнинг ушбу насиҳати ёдга келтирилса яхши бўлади:

Эй биродар, ҳазилга ҳеч очма лаб,  
Агар очсанг бўлсин унда соз адаб.  
Ҳазил одам обрўсини тўкар бил,  
Ҳазилни кўй, обрўйингни тўкмагил.  
Сенинг жонингга хуш ёқсан ҳазил,  
Ўзга дилга наштари қотил.

Овқатланиб ўтирганда ҳам, аёллар, ёш болалар, қариялар ҳузурида ҳам чекилмайди. Чекиш учун мезбондан ва меҳмонлардан рухсат сўралади ва ташқарига чиқилади. Агарда ўтирилган жойнинг ўзида чекаверишга рухсат этилса, миннатдорчилик билдирилади. Чекиб туриб тутунни дастурхон томонга ёки меҳмонлар тарафига пулланмайди, ликоп ва тақсимчалардан кулдон сифатида фойдаланиш ярамайди.

Меҳмондорчиликда баъзан дастурхон атрофига кўрпачалар тўшалади ва ёстиқлар қўйилади. Жуда ҷарчаган бўлсангиз ҳам ясланиб, айниқса, бирорлар томонга оёқ узатиб ётиб олманг. Стулда ўтирганда оёқларни чалиштириб ёки орқага ташланиб, қўлларни ёнида ўтирган кишининг стули суюнчиғига қўйиб ўтириш ҳам одобдан эмас. Бирор кишини ёинки нарсани кўрсатишни истасангиз, қўлни «бигиз» қилиб эмас, балки кўз билан, бошқалар сезмайдиган қилиб имлаб кўрсатиш керак. Меҳмонга келган жойингиздаги таомил, тайёрланган овқатлар, меҳмондорчиликнинг баъзи қоидалари сизнинг ўз жойингиздагига ўҳшамаслиги мумкин. Масалан, Тошкент ва Фаргона водийсининг шаҳар ва қишлоқларидаги мезбонлар дастурхонга палов тортганларида уни яхшилаб аралаштириб, таркибидаги гуруч, гўшт, сабзи, пиёз ва ёғ масаллиқларининг мазасини умумлаштириб, ажойиб бир лаззат гаммаси ҳосил қилгач, лаганга сузадилар. Бироқ, самарқандлик ва бухоролик мезбонлар меҳмон дастурхонига тортила жак паловни сира аралаштирмайдилар: лаганга аввал гуручни, сўнг устидан сабзи ва гўштни гумбаз қилиб сузадилар. Бу одат ҳам меҳмонга бўлган ҳурматдан келиб чиққанки, аралаштириб сузилган ошни меҳмонлар, янги тайёрланмаган, иситилган ёки бирордан ортган, деб кўнгилларига келтирмасинлар, деган мулоҳаза билан шундай қилинади.

Шу икки мисолдан кўриниб турибдики, дастурхон тузашда ҳар жойнинг таомили ҳар хил ва ўзига хос мантиқа эга. Сиз меҳмон сифатида ўз жойингиз одатларидан фарқ қиласиган таомилларни қалака қилмаслигиниз жоиздир. Бирорнинг уйига қадам босиб кирдингизми, унинг узоқ йиллар мобайнида шу жойнинг шароитига қараб таркиб топган одатларини ҳурмат қилишга мажбурсиз. Албатта, яхши мезбон қандай йўл билан бўлмасин, сизнинг таомилингизни бажаришга, сизни албатта хурсанд қилишга тиришади, аммо яхши меҳмон ўз мезбонининг ортиқча ташвиш тортишига сира йўл қўймаслиги, вақти ва маблағи ортиқча сарфланишидан сақлаши жуда-жуда муҳимдирки, бунга эриша олган меҳмон ўзига нисбатан бўлган ҳурматни янада ортирган бўлади. Чунончи, мезбонингиз сиз қилган катта илтифотни кўнгилдагидай қайтара олмаса ҳам, катта заёфатингиз эвазига бир чойнак чой дамлаб қўйса ҳамки, мезбонингизга миннатдорчилик билдиринг. Шундай қилингандағина кейинги меҳмон-мезбонлик алоқалари учун мустаҳкам замин ҳозирланади.

Яхши меҳмон қандай бўлади? Бу саволимизга таниқли шарқшу-

нос олим Шоислом Шомухамедов ўзининг «Яхши меҳмон» номли лавҳасида бундай жавоб беради:

«Меҳмоннинг яхшилиги шундаки, — деди менга бир кекса, — у кишини икки маротаба севинтиради: бири — келганида, бири — кетганида.

— Демак, меҳмонликнинг шарти иккита экан-да, — дедим мен, — бири — тез-тез келиб, дийдор кўришиб туриш ва иккинчиси — меъдага урмай қўзғалиш.

— Ха, балли, шундай.

Кўшиғингиз қисқа, дейишар нукул,  
Бунда бир ҳикмат бор тузукроқ уққил:  
Кўшиқ қаҷон тамом бўлар, дегандан,  
Эсиз, тугаб қолди дегани маъқул».

Меҳмон қайгар экан, мезбонга сидқидилдан ташаккур билдириб, самимий хайрлашиб, ёр-бири ёдарларга тўширилган саломни олиб кетади.

Меҳмон бўлгувчи юқорида атилган барча қоидаларни бажара олса, чинакам ахлоқ, одоо нурига тўлиб тошади.



Эй сипеҳрида сиёдат моҳи тобон ассалом!  
Баҳрда олий насаблик дурри ғалтон ассалом!

*Муқими*

**САЛОМ БЕРИШ ФАРЗ —  
АЛИК ОЛИШ ҚАРЗ**  
(Кўришиш, саломлашиш, сўрашиш,  
илтифот ва хайр-хўш тўғрисида)



Муқими, кабот, яхом таъсир айнанниб  
шакларини кечиди, шакларини кечиди

## ОДОБЛИИКНИНГ ОЛИЙ БЕЛГИСИ

Эпиграфдаги байт Муқимиининг дўстларига ёзган шеърий мактубларидан бирининг бошланишидир: «Юзлари фалак гумбазида улуғланмиш ойга ўхшаш, ўзлари денгиздаги энг қимматбаҳо дурга баробар дўстларимга салом», дейиш билан шоир инсоннинг қадр-қиммати нечогли юксак эканлигини ифодалайди.

Салом-аликни «Меҳмоннома»га алоҳида боб қилиб киритишимнинг боиси, ҳар қандай меҳмон-мезонлик алоқалари ана шу салом-аликдан бошланади.

Салом-алик тарози палласидаги неъматдирки, уни фақат ҳурмат тоши билан тортиб олинади.

Саломлашиш, сўрашиш, кўришиш инсонга хос бўлган ажойиб фазилат, одамийликнинг кўрки, асрлар давомида таркиб топган ва кишиларнинг ўзаро алоқаларидағи принципларни ва ахлоқий қиёфаларидағи нормаларни ифодалайдиган белги ҳисобланади.

Қўл олиб кўришиш тарихи ибтидоий уруғчилик даврида келиб чиққанлигини этнограф, археолог олимлар бундай талқин қилишади. Яъни, ибтидоий одамлар бир-бирларига дуч келганларида: «Мен сени ўлдирмоқчи эмасман, мана қара, қўлимда тошим йўқ», дегандай бир-бирининг қўлини ушлаб қўйишаркан. Қўл қисиб саломлашиш ўшандан мерос бўлиб, дунёдаги барча халқларга хос одат тусиға айланиб кетган.

Бундан ташқари, турли халқларнинг ўзига хос уфр-одати, турлича шароити ва тарихий тараққиёти заминида саломлашишнинг яна бошқача шакллари ҳам таркиб топган. Масалан, кўпчилик Европа халқлари саломлашганда бош кийимларини ечиб-кийиб қўйишади. Бунинг маъноси: мен сенга дўст бўламан, бошимга тўқмоқ билан урмассан, деганидир.

Феодализм Европасида ҳар бир мамлакат графлик, князлик ва қиролликларга бўлиниб, ҳар бири ўзи мустақил давлат ҳисобланган. Бир князликнинг одами иккинчи князликка ўтиб қолгудек бўлса, орқасидан келишиб, бошига тўқмоқ билан бир уриб ўлдириб ёки каракт қилиб қўйишар экан. Зарурият туфайли бир графлик одами иккинчи томонга ўтганда бошига шлем (металл қалпоқ) кийиб юрган. Эндиликда бош кийимни ечиш — ўз одаминг бўлганимдан хотиржам юрибман, деган маънони англатади.

Ҳиндистонликларда кафтларини жуфтлаб, пешонасининг ўртасига тегизиб, «намасте!» сўзини айтишади. Бунинг маъноси — «бошомон бўлса, ҳамиша сиз билан бирга бўламиз» деганидир.

Афғонларда эса ўнг қўлини манглайига тегизиб, таъзим бажо келтиришади. Бу ҳам «бошимиз омон бўлсин», деб истак билдиришдир.

Хитойда саломлашиш «чи-фан-ля-ма!» хитобини айтишдан иборат бўлади. Маъноси — «сен бугун овқатландингми?», «қорнинг тўқми?» деганидир. Саломлашишнинг бундай шакли келиб чиқишини ҳам одамларнинг турмуш шароитларидан қидирмоқ керак. Маълумки, Хитой тарихнинг ҳамма даврларида ҳам ахолисининг кўплиги билан машҳур бўлган, ахолининг кўплиги эса озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа масалаларни ҳал қилишда анча қийинчилек туғдиради. Хитойда қорин тўйдириш доим муаммо бўлиб келган, шу сабабли ҳайвоноту набототнинг барча турларидан таом тайёрлаш услублари келиб чиқсан. Қорин оч-тўклигини сўраш — саломлашишнинг бир шакли сифатида келиб чиқишининг боиси ҳам шунда.

Тибетниклар саломлашишганда бир-бирларига қараб тилларини чиқариб илжайишар экан. Чунки Тибетда кишига қараб тилини чиқариш ўзига хос назокат, хатти-ҳаракатдаги зийнат деб тушунилганидан шундай саломлашиш урф бўлган экан.

Ўзбекларда саломлашиш, кўришиш, сўрашиш, илтифот қилиш ва умуман одамга бўлган ҳурматнинг кучли эканини ифодаловчи одатнинг йигирматача шакли мавжудdir. Кўпчилик бу шакллардан тўла ва яхши фойдаланаётган бўлса-да, айрим ёшлар ана шу одатлардан бебахра қолганликлариданми, бир-бирларини кўрганда: «Хелло», «Салют!», «О, кей!» сўзларини айтиб, хайрлашганда эса: «Гудбай», дейдиган бўлиб кетишиди. Ёки берган саломини ҳам таъна қилиб: «Ҳа-а, салом берде-ек!» — дейдиган одам менсимас, сўқирнухсалар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ўзбекча салом-аликнинг тартиб-коидали, аҳамияти ва эътиқодий томонларини баён этишини лозим кўрдим.


Ҳурматли меҳмон ва мезбон бўлувчи ёшлар билиб қўйисинларки, кўрганда салом бериб, ҳол-аҳвол сўраш ҳар бир кишининг ички маданиятилиги, хулқ-атвори, инсонийлиги, одамшаванд ва халқпарвар эканлигининг дастлабки кўрсаткичи бўлади. Маданиятли, одобли, тарбия кўрган киши меҳмонга боргандагина эмас, умуман таниш-билишларини учратганда ҳам самимий саломлашиши, ҳол-аҳвол сўраши фарз ҳисобланади. Саломга алик олиш эса, қарз ҳисобланади. Иши битгунча салом-аликни қуюқ қилиб, эшаги лойдан ўтгач, тескари қараб ўтадиган шахслар одобсиз кимсалардир. Одамларга салом беришни, каттага ҳурматда ва кичикка иззатда бўлишни боласига ўргатмайдиган оила йўқ, бу олий одоб боғча ва мактабларда ҳам ўргатилиди. Дарсхонага муаллим кириши билан талабалар «гурр» этиб ўрниларидан туриб қарши оладилар. Солдат йигит командирини кўрганда, честь бериб ўтади. Булар ҳайиқиши эмас, балки одоблилик ва ҳурматнинг белгилари, саломлашишнинг касбга хос шакллари ҳисобланади.

Бирорга хат ёёсак гапни саломдан бошлаймиз. Кўчага чиқибок учраган кишига салом бериб ўтилади, дўстлар билан тўхтаб сўрашилади. Иш бошлашдан олдин ҳамкаслар билан салом-алик қилишиб оламиш ва ҳ. к. Демак ҳар биримизнинг ҳар куни ўнларча ва юзларча одамлар билан салом-алигимиз бор. Салом — турмуш одоби деб аталимиш китобнинг сарлавҳасидир. Маълумки, сарлавҳа билан танишилгач, китобнинг мазмунидан қисқача воқиф бўлиш мумкин.

## Салом берилмаслик мавриди

Хаётда шундай ҳоллар ҳам содир бўладики, кимсага салом бергандан кўра билъакс саломлашмаслик одобилик қамровига молик бўлади. Таниш бўлса ҳам бадмаст, безорилик қилган, жамоат тартибини бузган, бадфеъл, одамгарчиликдан чиқсан шахсларга салом бермаслик жоиз. Негаки, бундай шахслар ўз қадрини билмайди, инсонийлигини унутган бўлади ва бинобарин, сизнинг саломингизни ҳам қадрига етмайди, саломингиз беинобат қолади ёки сидқидилдан алик олинмайди. Ахлоқи бузуқ, бадмаст, безори ва тентак кимсаларга салом бериб ҳурматласангиз, улар қилмишларим тўғри экан-да, деб ўйлаши ва баттар ҳадидан ошиши ҳам мумкин. Бундайларга нисбатан жамоатчилик салом билан эмас, нафрат билан ўз муносабатини англатиши лозим. Салом яна шундай вақтларда берилмайди: улфатларнинг сухбати қизиб турган пайтда халақит бермаслик учун бир чеккада одоб сақлаб турилади. Яна жамоат жам жойларда кечроқ келиб, ҳаммани безовта қилиб қўл бериб кўришиш шарт эмас. Бундай пайтда қўлни кўкракка қўйиб: «кўрганимиз, кўришганимиз!» дейилади. Айниқса, овқат ейилаётганда қўл берилса, кишининг таъби хира бўлиши мумкин. Еши улуғ одам ва аёл киши дастлаб қўл узатмагунча қўл чўзиб кўришиш ҳам одобдан эмас.

Бундан бошқа ҳолларда саломлашиш — зарурий бир одат.



## Саломлашишнинг бузилиш ҳоллари...

Одам одам билан саломлашганда жуда нозик психологик ҳолатлар рўй берилади. Сўрашаётганларнинг феъл-автори, характери, тарбиявий дарражаси, ички кечинмалари, ўша пайтдаги кайфияти ҳамда кўришувчига, салом берган кишига бўлган муносабати ва ундан фарқи «мана мен» деб билиниб қолади. Мисол учун «кўришиш» деган сўзнинг маъноси — кўз-кўзга тушиши, бир-бирига қараб самимий қўл

сиқишиңи англатади. Лекин, шундай шахслар ҳам бўладики, сизга ноилож қўл чўзиб, ўзи тескари қарайди. Халқда «Тескари қараб қўл узатган кишидан яхшилик чиқмайди» деган гап бор. Эҳтимол тўғридир. Бундай одам бошқаларни севмагани учун ўша ҳаракати билан: «Сени кўргани кўзим йўқ», дегандай бўлади. Яна кўришганда инсонга бўлган илтифотини, икки оғиз ширин сўзини айдиган, тунд башара билан сўрашадиганлар ҳам учрайди.

Баъзан кўришувчи қўлни маҳкам сиқиб, қаттиқ силтаб озор бериши ҳам мумкин. Бу ҳам одобсизлик, каттазанглик бўлишини, «мен сендан зўрроқман», деган маънони англатишини унутмаслик керак. Еки аксинча, қўлининг учини бериб совуққина кўришувчilar ўзининг менсимаслигини, одобсизлигини билдиради. Бундай ҳоллар салом-аликнинг бузилишига сабаб бўлади. Салом-алик шу қадар муқаддас нарсаки, уни бузиш ҳақоратга тенгдир. Саломнинг бузилиши яна қўйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин. Бахил сахийни, нодон донони, одобсиз одоблини, тунд хушчақчақни, истеъдодсиз истеъдодлини, жинояткор диёнат аҳлини, аҳмоқ оқилни, мунофик олийжанобни кўрганда юраги сиқилиб, қони қайнайди, ранги алланечук бўлиб, юзларидаги табассум чироғи кўнглидан тўлқинланиб чиқсан ҳасад шамоли билан ўшиб қолади, бу эса салом-аликнинг бузилишига сабаб бўлади. Бундай одамлар бир-бирига хил келмаслиги аниқ.

Одам одамга хил келганда эса, салом ва алик бузилмаган ҳолда одоб, ахлоқ ва дил саҳоватининг ақл заковатига мужассамлиги рўёбга чиқади.

Болаларни ёшлиқданоқ катталарни ҳурмат қилишга ўргатиш уларни меҳмондўстликка ҳам ўргатади. Бу даставвал салом беришдан бошланади.

Орамизда тарбия кўрмаган, салом-аликни бузадиган кишилар учраб қолса, дарҳол танбех бериш ва тўғри йўлга солиш ҳар бир кишининг вазифасидир. Чунки ўғрини тутмаслик тўғри кишиларни жазолаш демакдир. Айрим ёшлар томонидан қилинадиган хатодан кексалар «барча ёшлар шунаقا» деб, хулоса чиқаришларини ҳам унутмаслик керак.

Модомики шундай экан, одамгарчилик қоидасини бузган шахс бирордан аччиқ танбех эшитса, хатосини тан олиши ва тузатиши жоз бўлади. Алломалар дейдиларки, дори аччиқ ва бадхўр бўлади, кимки кўзини чирт юмиб ютиб юборса, дардига даво топади. Тўғри, танбех ҳам кўнгилга қаттиқ ботиши мумкин, лекин ҳазм қилолган кишига нафи тегади.

## Одамийликнинг оддий белгилари

Ҳар бир халқнинг урф-одати ва анъаналари дарҳол, бир тарихий даврда келиб чиқмаган бўлиб, узоқ асрлар мобайнида меҳнат қилиши, турмуш кечириши, ўзаро ва қўшни халқлар билан мулоқотда бўлиши, қандай тарбия кўрганлиги каби бир қатор омилларга боғлик ҳолда шаклланади, таркиб топади ва ривожланади. Ўзбек халқининг тарихий ҳаёти ва яшаш шароити заминида этнографик ўзига хослик билан узоқ ўтмишдан буён таркиб топиб келаётган кўришиш, саломлашиш, илтифот, одамийлик намуналари билан танишинг. Бундай намуналар йигирмадан ортиқ экани аниқланди ва баъзилари уч, тўрт ва беш хил шаклда амалга оширилади.

Саломлашиш, кўришиш, илтифот, такаллуфларнинг бу қадар кўплиги ва турли шаклларда амалга оширилиши ҳалқимизнинг ғоятда одамшаванда, меҳмондўст, меҳрибон, инсоннинг қадр-қимматини жойига қўядиган хислатларга эга эканлигининг ёрқин ифодасидир. Бу эса одамийликнинг қўйидаги оддий белгилари орқали рўёбга чиқади.

Кўл бериб кўришиш. Ҳар иккала кўришувчи ўнг қўлини бир-бирига узатиб, кафтлар мулойим қисилиб, енгил силтанади. Бундай кўришиш ўртоқлашиш, бирлашиш, дўстлашиш маъносини англатади. Бирор билан янги танишганда ҳам шундай саломлашилади. Бу саломлашишнинг энг оддийси ва оммавийси бўлиб, эркаклар, аёллар, қариялар, ёшлар — барча баробар қўллайдиган шаклидир. Дунёдаги барча ҳалқлар учун умумий ва тушунарли бўлган интернационал саломлашиш ҳам шу.

Икки қўллаб кўришиш. Ҳар иккала томон иккала қўлларининг кафтларини бир-бирига бирлаштириб, бир неча марта енгил силтаб қўяди. Бу — кўришувчиларнинг бир-бирига жуда қадрдан эканлигини ёки самимий ҳурмати зўрлигини ифодаловчи, қуюқ саломлашишнинг бизда фақат эркакларга хос шаклидир.

Қучоқлашиб кўришиш. Қариндошлар, ёру дўстлар ва бир-бирига жуда қадрдан бўлган кишилар узоқ вақт кўришмай, сўнг учрашганда адо этиладиган самомлашиш шакли. Бунда: аёл билан аёл, эркак билан эркак, она билан бола, ота билан бола, тенгқур билан тенгқур, aka билан ука, опа билан сингил бағрини бағрига бериб, бир-бирини маҳкам қучоқлайди ва шу пайт ҳол-аҳвол сўрашиш билан бир-бирларига яхши тилакларини айтишади.

Қучоқлашиб кўришиш эркак билан аёл ўртасида, улар нечоғли қадрдан бўлишмасин, ҳатто эр-хотин бўлсалар-да, кўпчилик олдида амалга оширилмайди, уят хисобланади.

Эркак билан аёлнинг кўришиши. Эркак киши кўришувчи аёлга ўнг томони билан сал ғелиб елкасини тутади, аёл эса икки кафти билан елка силаб, юзига суртади. Қария аёллар ёшроқ эркакларнинг елкасига эркалатгандай «уриб-уриб» қўядилар.

Фаргона водийсидаги аёлларнинг саломлашиши. Унча таниш бўлмаган хотин-қизлар кўришганларида ҳар иккала томон икки қўлнинг учини бир-бирига тегизишади, бош олға томон хиёл эгилган ҳолда «эсонмисиз, омонмисиз!» деб сўрашилади.

Катталарнинг ёш болалар билан кўришиши. Еши катта киши (эркак, аёл) меҳмон бўлиб келган хонадондаги болалар билан ҳам кўришиб чиқиши шарт, бунда мезбон ғоят мамнун бўлади. Кўришувчи боланинг пешонасидан ўпиши, унга «сизлаб» муносабатда бўлиши билан бирга: «Катта бўляпсизми?!» «Ўқишлилар яхшимиз?!» «Дастёр бўлиб қолдингизми?!» — деб сўрайди, елкасини ёки пешонасини силяди.

Кўлни кўкракка қўйиб саломлашиш. Бу саломлашишнинг энг маъқул шаклларидан бири бўлиб, жуда кенг тарқалган. Бир доно отаконнинг айтишига қараганда, одам ўзига яқин, севган, ҳурмат қилган, меҳрибон, қадрдан бўлган, дўст кишисини учратганда юраги «жиг» этиб кетади. Ўнг кўлни чап кўкракка, яъни юрак устига қўйиб саломлашиш ана шундан келиб чиқсан экан. Бунда бош хиёл олға эгилган ҳолда: «Ассалому алайкум!» — дейилади. Маъноси: «Сизга тинчлик тилайман!» — дегани. Алик учун жавоб: «Ва алайкум асса-

лом!» — «Мен ҳам сизга тинчлик тилайман!» Саломлашишнинг бу шакли беш хил вазиятда амалга оширилади:

- 1) кўча-кўйда таниш-билишни учратганда;
- 2) ҳурматли одамни кўрганда;
- 3) таниш бўлмаса ҳам кекса одам ёнидан ўтиб кетаётганда;
- 4) кўпчилик ўтирган издаҳомга кирганда;
- 5) қўл бериб кўришиш мумкин бўлмаган бошқа ҳолларда ана шутаъзим бажо келтирилади.

Қўл қовуштириши. Бу ҳам саломлашишнинг анча кенг тарқалған шакли бўлиб, иккала қўлни киндик устида қовуштириб, бош сал олға эгилган ҳолда саломлашилади, ҳол-аҳвол сўрашилади. Саломлашишнинг ушбу шакли қўйидаги тўрт ҳолатда амалга оширилади:

- 1) гоят ҳурматли кексани учратганда;
- 2) тўйхона дарвозаси ёнида кўпчилик меҳмонларни кутиб олаётганда ва кузатаётганда;
- 3) таъзияга борганда;
- 4) яна тўй, байрам ва бирон бошқа йигин дастурхонига тайёргарчилик кўрилаётганда ёш йигитлар келиб қўл қовуштириб туриши — «буюраверинг, хизмат бўлса бажаришга тайёрман!» деган маънони билдиради.

Ўпишиб кўришиш. Ота-она билан болалар, ака-ука, опа-сингиллар, энг яқин қариндош ва ёру биродарлар узоқ вақт кўришмай, сўнг учрашганларида қучоқлашиб, пешона ва икки юздан ўпишиб кўришишади. Оғиздан ўлиш гигиена нуқтай назаридан ўзбеклар орасида урф бўлмаган.

«Ҳа тинчликми?!» «Саломатмилар?!» Таниш-билишлар билан йўл-йўлакай, кўз-кўзга тушганда сўрашиб, айтиладиган хитоб. Бунда ҳар икки томон бош эгиб ўтадилар.

«Тинч ўтирибсизларми?!» Бева, ёлғиз аёллар билан эркакларнинг маълум масофадан туриб сўрашиб ўтишида айтиладиган хитоб. Қўл бериб кўришилмайди. Яна оғзаки икки оғиз илиқ сўз айтиб ўтиб кетилади.

«Болалар катта бўляптими?!» Таниш хонадон олдидан ўтиб кетиётганда шу хонадон эгаси (ҳоҳ эркак, ҳоҳ аёл) билан сўрашиб ўтиш.

— «Раҳмат! Үзларидан сўрасак? Қани бу ёққа, ҳовлига (уйга) марҳамат қиласинлар, чой ичиб кетинг!» — айтиладиган жавоб ва таклиф хитоби.

«Катта бўляпсанми (болам, ука, жиян ёки боланинг исми қўшиб айтилади)?!» Катталарнинг ёш болалар билан маълум масофадан сўрашиб ўтиши.

— «Раҳмат!» — қайтариладиган жавоб.

«Ассалому алайкум (амаки, тога, ака, хола, опа, ёки исми шарифи ва унвони қўшиб айтилади)!» Ёш болаларнинг катталарга саломи. Бунда агар катта қўл чўзса, кичик ҳам қўл узатади. Кичик биринчи бўлиб катта кишига қўл узатиши жоиз эмас.

«Саломатликми?!» «Соғлиқлар яхшими?!» «Эсон-омон юрибсизми?!» «Бола-чақалоқлар тинчми?!» «Камнамосиз?!» «Кўринмайдилар?!» Учрашганда бир-бири билан сўрашиб, айтиладиган хитоблар. Шу хитобларнинг ҳаммасини айтиш ҳам ёки бир-иккитасини айтиш ҳам мумкин. Яна чол ёки кампир билан сўрашганда исм-шарифини қўшиб: «Бардаммисиз?!» «Бақувватмисиз?!» — деб сўралади.

Жавобига: «Раҳмат, болам (ука, синглим), менинг ёшимга етгин (етинг)» — дейилади.

«Келинг!» «Келинглар». Мехмоннинг қадам ранжида сиддикини севинчга тўлиб айтиладиган хитоб. «Келинг!» хитобига меҳмоннинг исм-шарифи ё увони, ёки қариндошлик номи қўшиб айтилиши керак.

Жавоби: «Келдик!» «Тинчмисизлар?!» «Саломатмисизлар?!» — сўзлари билан сўрашишдан иборат бўлади.

«Хуш келибсиз? («Хуш келибсизлар!») Келган меҳмонни (мехмонларни) ўтказганидан сўнг мезбон томонидан сиддикиллик билан айтиладиган илтифот.

Жавоби: «Хушбахт бўлинг!»

«Хуш кўрдик!» Мезбон дастурхон ёзганда ва дастурхонни меҳмонлар олдидан йиғиштириб олаётганда айтиладиган илтифот.

Жавоби яна: «Хушбахт бўлинг!»

«Қандай шамол учирди?!» Мезбон томонидан чақирилмаган, лекин узоқ жойдан ўз ихтиёри билан келган меҳмонни хуш кўрганлиги учун: «Заб келибсиз-да, интизор бўлиб кутаётган эдик», деган маънода сўрашиш.

Жавоби: «Сизларнинг шамолингиз учирди!» — дейилиб, маъноси — «соғиниб, қўмсаб, дийдор кўришгани келдим», дегани бўлади.

«Сўраб, салом айтиши!» «Сўраб юбориши!» «Сўраб қўйинг, дейишди!» — меҳмон томонидан қариндош-уруғ, ёр-биродарлардан мезбонга йўлланган саломни топширишда айтиладиган хитоблар.

Жавоби: «Саломат бўлишсин!» «Рахмат!» — дейилиб, салом қабул қилинди деган маънони англатади.

«Яхши туш кўриб ётинг!» Маълумки, бир жойдан иккинчи жойга келган меҳмон ўз ўлан тўшагини ўзгартиргани учун ухлай олмаслиги, безовталаниб, ёмон тушлар кўриб чиқиши, кечаси уйғониб, қаерда ётганини дарҳол англай олмай алаҳсираши мумкин. Мана шу ҳолларни ҳисобга олган мезбонлар меҳмонга жой солиб бергач, безовталанмай, яхши дам олишига истак билдириб шундай дейишади.

«Яхши ётиб турдингизми?!» Уйқудан уйғонган меҳмондан мезбон сўрайдиган илтифот. Меҳмон яхши дам олиб, ажойиб тушлар кўрган бўлса ҳам ёки билъакс, безовталаниб, ёмон ухлаган бўлса ҳам бариб: «Яхши ётиб турдим», деб ижобий жавоб беради, шу билан меҳмоннинг тунги ташвишлари унутилган ҳисобланади.

«Хайр энди!» «Эсон-омон боринглар!» «Яхши боринглар!» «Оқйўл!» Меҳмон билан хайрлашаётганда мезбон изҳор этадиган тилақлар.

«Сўраганларга салом айтинг!» «Соғиниб салом деди, денг!» «Мен учун ўпиди қўйинг!» «Фалончига (исм-шарифи қўшиб айтилади) салом денг биздан!» Меҳмонга кетаётган ёки меҳмондан қайтаётган киши орқали узоқ-яқин қариндош-уруғ, дўст ва таниш-билишларга салом йўллаб, айтиладиган хитоб-илтимослар.

## Салом меҳри

Булардан ташқари, яна кўришганда кишининг ўзи ёки уй ичидагилардан бирортаси бемор бўлса ҳолини сўраш, кулфати бўлса, кўнглини кўтариш, овутиш, муваффақиятга эришса, табриклиш каби одатларимиз бор.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган кўришиш, саломлашиш, сўрашиш ва илтифот кўрсатиш одатларида одамнинг одамга


бўлган юксак ҳурмати, иззати, илиқ илтифоти, меҳрибонлиги, одамшавандалиги ва инсоний фазилатининг чўғдек тафти бор. Одоб, ахлоқ ва эътиқоднинг юксаклиги ҳам шулар орқали намоёндир.

Бинобарин, биз ёшларни меҳмоннавозлик руҳида тарбиялар эканмиз, салом-аликнинг аҳамияти зўр эканлигини сира унутмаслигимиз, унинг бузилишига йўл қўймаслигимиз жойизdir.

Салом бамисоли бир ёқимли, майин шаббодага ўхшайди. Яхши хулқли одамдан эсса, чаманзордан ўтгандек муаттар ҳид таратиб туради. Агар у ёмон хулқли одамдан эсса, бадбўй жойлардан ўтгандек сассиқ ҳиди анқиб туради. Алик ҳам ариқчадаги оқин сув мисол. Алик оловучи яхши одам бўлса, у топ-тоза ариқчадан оқаётган алик тиниқ сувини ичиб, баҳраманд бўлиши мумкин. Аксинча, алик оловучи ёмон, одобсиз одам бўлса, у ифлос ариқча, ундан оққан алик суви бўтана ва ҳаром, ичиш у ёқда турсин, қўл чайқашга ҳам арзимайди.

Ривоят. Салом ҳатто сеҳрли бир нарса, унинг сеҳри шу даражада зўрки, афсоналарда айтилишича, ялмоғиз кампирга дуч келган бир киши нима қиласини билмай, шошиб: «Ассалому алайкум!» — деган экан, шунда одамхўр: «Менга ҳам салом берадиган бор эканда», деб ўйлаб: «Гар саломинг бўлмаганда, икки ямлаб бир ютардим!» — деган эмиш. Бу афсонанинг маъноси шуки, салом ҳар қандай одамни, ҳатто ёвузнинг ҳам дилини юмшатар экан.

Сидқидилдан ва самимий салом берган кишининг юзларидан томган ёғду ва кўзларida балққан табассум нури алик оловчининг дилини равшан қилиб юборади,



Салом-алик одамийликнинг оддий белгиси экани ҳалқ мақолла-рида ҳам акс эттирилганинг гувоҳи бўламиз:

«Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер!» «Бир кўрган та-ниш, икки кўрган билиш». «Одамнинг юзи офтобдан иссиқ». «Салом бериш фарз, алик олиш қарз».

Салом бериш фарз ва бу дил саховати инсонга бўлган ҳурматнинг белгиси эканини қуидаги кичик ҳикоятда ҳам кўришимиз мумкин.

**Ҳикоят.** Қўхна Ҳирот кўчаларининг биридан Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро от миниб ўтиб борар әдилар. Ариқча бўйида ўйнаб ўтирган бир гўдакка Алишернинг кўзи тушди. У отдан тушиб, гўдакнинг ёнига борди ва қўлларини кўкрагига қўйганча икки букилиб:

— Ассалому алайкум, мавлоно зода! — деб таъзим қилди. Бола ҳайрон бўлганча Навоийга қараб, бир илжайиб қўйди-да, ўйинини давом эттираверди.

Навоий орқасига қайтиб, отга минди ва йўлида давом этди. Бу воқеани кузатиб турган Ҳусайннинг ҳайрати ўта кучли эди.

— Ажабо, Алишер! Тавқифи ман айлаб, ўшал ширхўр тифлга инчинун таъзим айламоқ не боисдан? — сўради у.


— Султон ҳазратлари сезмадилар чоги, тифли ул набираи пири-миз мавлоно Абдураҳмон Жомий эрур. Устодга ҳурматим зўрлигидин набирасига ҳам таъзим бажолиг жоиз деб билурмен.

Шунда Ҳусайн орқага, бола ўтирган томонга қаради, отдан тушмаса ҳам узангига оёқ тираб, эгардан кўтарилди-да, ўша томонга бош силкитиб қўйди ва деди:

— Султон ила амир саломлари ширхўр гўдак бошига қарзи алик вофир ўлмадиму?

— Ўлмас, ўйлармен, Султон ҳазратлари! У ҳам тез орада камолот отига мингач, алик қарзин узиб, ўзимизни қарздори салом қилғонидин ғофил ўлурмиз.— Навоий маъноли кулиб қўйди. Улар сарой дарвозасига кириб кетдилар...

Мана шу ҳикоятчадан таълим берган устознинг авлодигача ҳурмат қилиш зарурлиги ва бу ҳурмат даставвал салом орқали рўёбга чиқиши ҳамда салом бериш фарз, алик эса қарз эканлигини зеҳни ўқувчиларимиз англаб олган бўлсалар керак.



Агар неъматга етсанг сен адолат  
Ҳам ақлинг бирла бер дўстларга инъом.  
Хасислигу ҳасад ҳам ёлғончилик,  
Заифлик, дарди йўқлиққа бўлма ром.

*Абу Али ибн Сино*

## МЕҲМОНДЎСТИК СОҒАСИ ВА СОХТА ДЎСТНИНГ ФОҒАСИ

(Мехмонга борганда совға-салом  
олиб бориш хусусида)



## СОВГА-САЛОМ МУАММОСИ

Меҳмонга борганда бирон совга-салом олиб бориш керакми ёйўқми? Бу саволга «ҳа» деб жавоб берамиз.

Кишилар бир-бирлариникига ташриф буюрганларида ўртада нарса олди-берди қилмасдан илож ўйқ. Бу одат фақат ўзбеклардагина эмас, кўпчилик халқларда бор. Халқимизнинг бу одатини қоралаш, танқид қилиш расм бўлиб қолган. Бизнингча, буни жуда ҳам тўғри деб бўлмайди. Тўйга, бирон йифинга ёки меҳмондорчиликка борганда совга олиб бориш аслида ёмон одат эмас, чунки бу мезбонга ёрдам, мадад беради. Эсадалик учун бирон буюм келтирилган экан, бу нарса совфа қилган кишини узоқ вақтгача эслаб юриш учун бир воситага айланади.


Тўйга ва катта зиёфатларга қуруқ боришни меҳмон ўзига эп билмайди. Мезбон шунча тайёргарлик кўриб қўйган бўлса-ю, индамай еб-ичиб кетавериш ўзини билган меҳмонлар учун анча ноқулай сезилади. Шунинг учун совфа удуми азалдан ҳам бор эди, эндиликда у ҳайётга янада сингиб кетди. Никоҳ тўйида, туғилган кунни нишонлашда, банкет берганда, юбилей қилганда, 8 марта хотин-қизларга совга олиб бориш удумидан воз кечиши қийин. Армия хизматидан қайтганда сарпо кийдириш, узоқ сафардан қайтувчи киши ўз таниш-билишларига бирон севинчи буюмлар келтириши, боласи кўп оиласнинг меҳмондорчилигига борганда ҳар турли ширинликлар олиб бориш анча умуминсоний одатdir.

Меҳмон ўзи борадиган, зиёфатда бўладиган хонадонга бирон совга олиб боришини «эскилик сарқити», «реакцион одат» деб қораловичлар ҳам бор. Шундай одамлар ўзиникига совга олиб келувчилардан ғоят миннатдор бўлади, бироқ, совғани ўзи олиб бориши зарур бўлиб қолганда бу одатни ёмонга чиқаради.

Меҳмонга кетаётib бирон совга ёки насиба олиб бориш сира ёмон одат эмаслигини классик шоирлар ҳам куйлаб келганлар, чунончи Муҳиббий дейдикни:

- Меҳмонга сен дастурхонинг билан бор,  
Ясангин, шавкату шонинг билан бор.
- Холислик бўлмаса не фойда? — дедим.  
Яхшиси, муҳаббат конинг билан бор.

Аммо совға келтиришни асло шарт қилиб қўймаслик керак. «Топган гул келтирур, топмаган бир боф пиёс», дейдилар. Бирор нарса келтириш ёки келтирмаслик меҳмоннинг ҳимматига боғлиқ. Совғасиз, қуруқ салом билан келавериш ҳам айб саналмайди. Бироқ, совға олди-бердисида миннат қилиш, ўзининг нима олиб бориб, эвазига нима олиб келганини писандади. Совғасиз келган меҳмондан ёки совға эвазига бирор нарса қайтармаган мезбондан хафа бўлиш энг ярамас одатлардандир.



Кузатишларимдан маълумки, ёш меҳмон бўлгувчилар орасида бирор нарса олиб бориб, мезбонни «қарздор қилиб» қўювчилар ҳам бор. Дурустроқ жойга айтилса бориб, бундайроқ жойга айтилса бормай, мабодо борса ҳам олиб борган совғасининг нархини баланд ва паст қилиб боргувчилар ҳам учраб туради.

Шоир Толиб Йўлдош шундайларга қаратади:

Токайга сену мен оқу қорамиз,  
Ер билан осмонча фарқдир орамиз.  
Қўл боғлаб айтсалар бирор мавридга  
Иўқни йўққа санаб, борга борамиз?

Одамларнинг турмуш шароитларида, майший ҳаётларида озми-кўпми фарқ ҳозирча бор, албатта. Бу фарқ шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутлардан келиб чиқади. То бу тафовутлар тугатилмагунча фарқ ҳам бўлиб тураверади. Бироқ, биз меҳмон-мезбонлик муносабатларимизда арзимас нарсанинг олди-бердисини ҳам ана шу фарқка қараб бажармаслигимиз зарурдир.

Аслида совға бу — эътиборлиликни, дўстликни, қувончни, миннатдорчиликни, табрикни, ҳурматни ва эҳтиромни ифодалайдиган бир нарсадир. Шу туйғуларни сўз билан ифодалаш ҳам мумкин, очиқ ёки ёпиқ хатларда изҳор этилса ҳам бўлади. Лекин буниси совға эмас, салом бўлади.

Туйгуни бирор буюм воситаси билан изҳор этиш, киши кишига тухфа бериши куни кечә пайдо бўлган одат эмас, бунинг асрий тархи бор. Мехмоннинг мезбонга ва ўз навбатида мезбоннинг меҳмонга совға инъом қилиши азалий ва оммавий бир одатdir. Мехмон ва мезбон бўлгувчилар билиб қўйсинарки, совғанинг қадри пул билан ўлчамайди. Демак, меҳмоннинг нархи арzon совға олиб боргани мезбонни менсимагани эмас. Арzon совға олган мезбон ҳам «менинг қадрим шу бўлдими», деб кўнглига келтирмаслиги керак. Совға қилинадиган ҳар қандай буюм аслида иккита қиймати: алмашув (яъни олди-сотди) қийматига ва истеъмол қийматига эга бўлади, албатта. Бироқ, ўша буюм совғага айлангач, олди-сотди қийматини йўқотиб, совға қийматини касб қиласди, совға қийматининг маъноси эзгулик ва на зокат демакдир.

Ҳар қандай совғани нархи ва истеъмол қийматига қараб классификация қилсак, у беш турга бўлинади: сувенир, дастурхон, тухфа, мукофот ва тақдим.

**Сувенир** — бу туркча «севинир» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, кишини севинтириш учун тортиқ қилинадиган эсдалик буюм маъносини англатади. Сувенир асосан нархи арzonроқ майда-чўйда нарсалар (значоклар, авторучкалар, зажигалкалар, портсигар, брошка, запонка, қўғирчиқ ва ўйинчоқлар, ҳар хил безак асблолари) ва китоблардан иборат бўлади. Сувенир узоқ сафарга борган жойдан эсдалик учун олиб келинади ва кўпчиликка совға бериш зарур бўлганда, ёш болаларни қувонтириш керак бўлиб қолганда ва ҳ.к.ларда ҳадя қилинади.

Китоб, сурат кабиларни сувенир тарзида тақдим этганда дастхат ёзиб беришдан воз кечиш керак, китобга ва суратга ёзиб бериш бу факт автор-муаллифларнинг ҳуқуқидир.

**Дастурхон.** Совғанинг бу тури тўйларга ва бошқа издаҳомларга олиб бориладиган жамийки егулик нарсалардан иборат бўлиши мумкин. Чунончи мева-чева, қанд-курс, тортлар, нонлар, сомсалар, катлама-патир, пиширилган ош ёки хом масаллик кабилар. Бундай дастурхон никоҳ тўйи, ҳовли тўйи, туғилган кунни нишонлаш ва умуман меҳмон бўлгувчи ўзи лозим топган барча издаҳомларга олиб борила ди ёки ўзи боролмаса бирор киши орқали бериб юборилади.

Дастурхон туридаги совғанинг нархи ўртачароқ бўлиб, меҳмоннинг мезбонга моддий қўмаклашиб иштиёқи борлигини билдиради.

**Тухфа.** Тўйларда, янги уй қурганда ёки квартира олганда, юбилей қилганда қариндош-уруг, ёр-биродар, ҳамкаслар ва жамоат ташкилотлари томонидан мезбонга инъом қилинадиган совғадир. Тухфа бош-оёқ сарпо ёки шу сарпонинг бир қисми (чопон, дўппи, чорси, қўйлак)дан иборат бўлиши мумкин. Яна уй анжомлари ва жижозлари: гилам, кўрпа-тўшак, мебелларнинг барча турлари, ҳар хил соатлар, радио, телевизор, фотоаппаратлар, музика асблолари, транспорт воситалари (велосипед, мотоцикл), уй ҳайвонлари (қўй, сигир, от) ёки нақд пулдан иборат бўлиши мумкин.

Тухфа издаҳомни ўюнтирган мезбонга катта моддий ва маънавий рағбат вазифасини ўтайди.

**Тақдим.** Совғанинг бу тури тақдим этиладиган гулдаста, адрес, дастхатлар ёзилган китоблар, ноталар, пластиналар, суратлар ва бошқа предметлардан иборат бўлади. Тақдим юбилей, зиёфат меҳмондорчиликларида ва имкони бўлган ҳамма вактларда берилаверади.



Гулдаста тақдими эса жуда кенг қўлланилади. Гулдаста тақдими издаҳомда ҳам, bemavrid ҳам амалга оширилавади.

**Мукофот.** Совғанинг олий шакли бўлиб, ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга қаратилади. Бу ҳукумат томонидан хизматда ва бошқа соҳаларда ўрнак бўлган гражданларга ҳамда уларнинг юбилейлари муносабати билан бериладиган орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар, қаҳрамонлик ва лауреатлик унвонлари, Хизмат кўрсатган

ўқитувчи, маданият ходими... Халқ шоири, артисти, ёзувчиси каби унвонлар ҳам кишининг меҳнатини ва хизматини қадрлаб берилган мукофотлар қаторига киради. Қоидага кўра мукофотланган шахс қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари, қўни-қўшнилари, ҳамкаслари ва бошқа таниш-билишларининг мезбонига айланади, юксак марта-бага, унвонга эришганлигини камоли қувонч билан ўртоқлашади.

**Табрик.** Бу совғанинг маънавий хили бўлиб, байрамлар, тўйлар, мукофотланганлик, маълум ёшга етганлик муносабати билан мезбонни открытка, хат, телеграмма, телефон, видеофонлар орқали ёки дастурхон устида илиқ-илтифотли, камоли эҳтиромли сўзлар билан қувонтиришдир.

Табрик яна дастурхон устида меҳмонлар ҳузурида қадаҳ маъносида ҳам айтилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, табрикнинг мана шу шаклидан ўз манфаатлари учун фойдаланувчилар меҳмондўстлик каби ижобий одатимизни салбий томонга буриб юбориши ҳоллари ҳам учрайди. Чунончи орамизда обрўсизланиб қолган, иззатталаб одамлар бор. Ана шулар уйининг тўридан то остонаяча дастурхон тузаб, анвойи турли таомлару ичкиликларни муҳайё қилиб, таниқли арбоб одамларни қўярда-қўймай меҳмонга чақирадилар. Меҳмонлар дастурхон устида табрик сўзлари айтиб, мезбонни мақтайдилар. Бу-нақа мезбонга ана шундай мақтовлар керак. Албатта, дастурхон устида ўтирган одамлар мезбонни ёмонлай олмайдилар, балки аксинча, «олижаноб», «инсоний инсон», «ҳурматли зот» каби иборалар билан табрик сўзи айтадилар. Маҳдуд шахс учун мана шу керак, ҳурматни меҳнати орқали эмас, балки бир қадаҳ майга сотиб олади. Натижада меҳмондўстлик тилёғламачиликка бурилиб кетади. Яхши меҳмон кимникуга бораётганини англаши керак, албатта, акс ҳолда Алишер Навоий айтганидек ҳол рўй беради:

Ки айлар ўзи ўз шукухини паст,  
Ўзи берур ўз поясига шикаст.

## СОВҒА ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Яхши ният билан ҳозирланган совғани топшириш ва совға бергувчини мамнун этиб, уни қабул қилиш ҳам анча нозик масала. Бунда Алишер Навоий айтганидек: «Бергучининг қўли юқорида, олгучиники эса пастда бўлади», лекин шу паст-баландик туфайли келиб чиқадиган психологик ҳолатни баъзилар тушунмайди. Шундай кишилар борки, писанда қилиб ёки атайнин мақтаниш учун олиб келган нарсасини ҳаммага билдиргиси, сифатини намойиш қилгиси келади, чунончи, «менинг қатламамдан синдирмайсизми, нақ сариёғ билан қаймоқда пиширганман» ёки «дўппини заказга тикдирганман-а, эҳтиёт қилиб киясиз-да», каби иборалар билан писанда қилиб қўйишиади. Бу пастлик бўлади. Аслида ҳар қандай совға кўнгилдан чиқариб олиб борилиши керак, кўнгилдан чиқмаса, олиб бормаса ҳам бўлаверади. Совға мезбонга топширилгач, меҳмоннинг ихтиёридан чиқади. Совға эътиқодини таъмагирлик томон бурмаслик ва ундан қандай фойдаланиш тўғрисида маслаҳат бермаслик керак.

Бинобарин, гап совғанинг катта-кичиклиги, арzon-қимматлигига эмас, балки топширувчининг қабул қилувчига бўлган муносабатида,

эътиборида, дўстлигига, ҳатто муҳаббатидадир. Шундай экан, топширувчи киши ўзини ғоят камтар тутиши, «мана кўриб қўйинглар, биз совғанинг қанақасини олиб келишга қодирмиз», деган маънони англатадиган ҳатти-ҳаракат ва гап-сўз қилмаслиги, сипо бўлиши жуда жуда муҳимдирки, бунинг акси бўлса худди Фаридиддин Аттор айтганидек ҳол бўлади:

Кимки кеккаяр манманлик билан,  
Дўстлари охири бўлишар душман.

Бирорга тақдим қилинган нарса эвазига керилиш, манманлик қилиш нодонлар иши эканини асло унутмайлик.

Совға топширувчи нутқ сўзлаб топширса ҳам бўлади, лекин бу нутқ бир-икки оғиз лутф қилиш ва табрикдангина иборат бўлиши керак. Бошқа меҳмонларга малол келадиган жойи шуки, айrim нотиклар жуда эзмалик қилиб юборадилар, бераётган совғасидан мезбон қандай фойдаланиши тўғрисида маслаҳат берадилар, бу совғани тайёрлашга қанча пул сарфланганлигини, қанча ташвиш тортганларини ҳам айтиб қўядилар. Бу эса худписандлик нишонасидир. Билингки «худписанд — ноҳироманд» бўлади, дейди Навоий. Яна нутқ сўзлаб совға топширганда, ниҳоятда рост ва тўғри гапириш талаб этилади, тилёғламалик қилиш, ёлғон-яшиқ сўзларни аралаштириш, висирлаб гапириш, буларнинг ҳаммаси тингловчиларнинг ғашига тегиши, энсасини қотириши, натижада сўзловчининг ҳурматига путуретиши мумкин. Абу Шукур Балҳий айтадики:

Ёлғон айлар одам эътиборин кам,  
Сўнг ҳеч ким ишонмас, рост гапирса ҳам.

Совғани қабул қилиб олиш масаласи ҳам анча нозик иш бўлиб, совға олган турли кишилар ўзларини турлича тутадилар, ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ўзгариб қолади. Баъзилар, масалан, нимаики берилса, назокатсиз оладилар, ёш болаларга ўхшаб енгилтаклик билан суюнадилар. Бошқа бирорлар эса, совғани тунд башара билан қабул қиласидилар, қўлга олиб ҳатто қараб ҳам қўймай, бир чеккага ташлайдилар. Яна бир хил мезбонлар борки, уларга совғанинг ҳеч қанақасини манзур қилиб бўлмайди, қўлингиздан қабул қилиб олмайди, қабул қиласа ҳам сира менсимайди. Мана шу учинчи тоифа мезбонга совға олиб бормаган меҳмон жуда тўғри иш тутган бўлади.

Мезбон совға қанақа бўлишидан қатъи назар, уни бир хил миннатдорчилик билан қабул қилиб олиши керак ва турли хил совға топширганларнинг барчасига бир хил назокат билан ташаккур изҳор этиши керак.

Совғани олиб, очиб кўриб, юзида табассум пайдо қилиш жуда яхши одат, аксинча, топширучининг қўлидан дарҳол олмасдан мунтазир қилиш ва қабул қилиб олгандан сўнг совғага бефарқ қарап мезбоннинг ғоят одобсизлигини билдиради ва бу ҳол меҳмонни анча ранжитади. Тўйларда совға қўйиладиган маҳсус жой тайёрланса жуда соз бўлади. Агар сиз ҳақиқий меҳмондўст мезбон бўлсангиз, совғасиз келган меҳмонларга эътиборни сира ҳам сусайтиранг, акс ҳолда меҳмон ўксийди, эҳтимол, объектив ёки субъектив сабабларга кўра совға олиб келиш имкони бўлмагандир. Сизникига инсоннинг ташриф буюришининг ўзини катта мукофот деб билинг.

Баъзи ёш меҳмонлар совғасиз келган бўлсалар, катта издаҳомларда мезбонга ўз хизматлари билан ёрдам берадилар. Шундай мезбонлар борки, совғасиз келган меҳмонларни пастга ўтқазади, эътибор қилмайди. Совға билан келгандарни эса яхши сийлаб, мақтайди, кўкларга кўтаради. Ана шу хил мезбондан жуда эҳтиёт бўлиш керак, чунки Саъдий Шерозий дейдики:

Сендан бир наф кўриб: сени мақтаса,  
Ундан мақтоловларга солмагин кулок.  
Агар бир муродин бермасанг шу пайт,  
Топар икки юз айб ва ундан кўпроқ.

## ОШНОЛАРДАН БИРИ...

Чинакам меҳмондўстлик совға олди-бердисида тамагирликка барчам беради, бироқ сохта дўстлик эса, совға беришдан ёки олишдан бирор манфаат кутиш, берилган совға эвазига тузукроқ қайтариқ олишга ҳаракат қилишдан иборат бўлади. Сохта дўстлик эса ошноликдан келиб чиқади. Балки айрим ёшларимиз «ошно» сўзининг маъносини англашмас ёки нотўғри талқин қилишар, ҳарҳолда кўча-кўйда:

— Ҳа, ошна! Қалай?

— Ошна, бу ёғи михдай! — қабилидаги салом-алик баъзан қулок-қа чалиниб туради.

Аслида «ошна» тушунчаси «ош» ва «нон» сўзлари бирикмасидан таркиб топган бўлиб, дўстлашища тамагирлик бўлиши шартлигига ишора қиласди. Кимсанинг ошига, нонига, пулига, мансабига, чиройига, мавқеига қараб ёки бирор манфаатни кўзлаб «дўстлашиш» — ошнолик дейилади. Бундай сохта дўстлик арзимас нарсанинг олди-бердиси туфайли тезда оқибатсизланишга олиб келади. Сохта дўст дастурхонингиз устида тилёғламачи-ю, бошка жойда обрў тўкишдан ҳам тоймайди.

Ошнолар — сохта дўстлар тўғрисидаги мана шу фикрларни бир куни шоир Азиз Абдураззоққа гапириб бердим. У анча таъсиранланган чоги, бир неча кундан кейин ушбу тўртликни менга тақдим этди:

Сохта дўстлар хира пашиб бўлади,  
Оғир кунда гингшиб-гингшиб кулади.  
Қачон ёсанг тўла-тўқис дастурхон,  
Ана шунда ёпирилиб келади.

Воқеа: автобусда икки аёлни кўрдим, улар қўлларидағи тогораларини қия қилиб базур чиқиб олишди. Бўшатилган жойга ўтириши. Бири тугунини ечди-да, тогорани титкилай кетди.

— Вой шўрим! — деди у лабини буриштириб. — Қурумсоқлигини билувдим ўзим. Қаранг овсин, оши хомини нақ ўн кишилик қилиб, теппасига икки метр гирбишнини сўлқиллатиб қўйиб боримман-у, қайтариғини қаранг-а! Пуфласа Бухорога учадиган тўрт дона нон-у, яримта қатлама, бир лозимлик чит қўйипти-я!

Иккинчи аёл ҳам ўз тугунини апил-тапил очиб, бошини сараксарак қилди да, йўлдошининг фикрини маъқуллаб:

— Ордона қолсин, мен йигирмата бўрсилдоқ ширмой билан беш метр штампил оборудим. Буни қаранг, овсинжон, ўнта суви қочган бўличка-ю, бир сиким қанд. Мана бу читни бошимга ураманими?

— Тўй қипсан, қипсан, ха, ярашиги билан қил-да!

— Қурумсоқ бўлмай ўлгур!

Автобус тўхтади. Манзилимга етганим учун тушиб кетдим, аммо воқеа хаёлимдан сира нари кетмасди.

Халқимизнинг яхши одатларига ёмон тус берувчи, ижобий нарсани салбийлаштирувчи кимсалар хали учраб туради ва уларга қарши курашиб керак.

Ҳамма гап шу икки аёлнинг тўй қилувчига нисбатан сохта дўстлигига, ошнолигига, олиб келган нарсаси эвазига тузукроқ қайтарик олиш умидига эканлигига! Совға олиб боришипти, бу — яхши, тўй қилувчига ёрдам, мадад бўлади. Лекин нарса олди-бердисидан кўнгли тўлмаганлиги учун гийбат қилиш, жамоатга эшиттириб тўй қилувчига адоварат изҳор этиш уятдир. Ҳамма гап уларнинг заиф, ҳа-садгўй ва пасткашлигига.

Келинг, шу масаланинг илмий томонига кўчайлик.

«Донишнома»да Абу Али ибн Сино иродасиз, пасткаш ва хасис шахсларнинг лаззатланиши кўпинча ташки кучлар таъсирида ҳосил бўлишини айтади:

«Қаҳрга — қаҳрамонлик, завқка — қоникиш, тасаввурга — ишонч мос келганидек, тана сезгисининг ўзига лойик, ҳидлашнинг ҳамда кўришнинг ўзига муносаб томонлари бўлади. Доно одамларда лаззатланиш кўпинча ички кучлар воситасида содир бўлади, аммо иродасиз, пасткаш ва хасис кимсаларнинг лаззатланишида кўпроқ ташки кучлар воситачилик қилади. Мободо кишига лаззатли нарсани ейиш ёки мартабага эришиш, ҳурмат, олийжаноблик... таклиф этилса, бунда пасткаш ва иродасиз шахс күшхўр овқатни танлайди. Аммо юксак иродали, серфазилат одам эса таомга қараб ҳам кўймайди ва уни юқорида айтилган (ҳурмат ва олийжаноблик — К. М.) билан тенглаштирумайди.

Пасткаш одам шундай одамки, унинг ички кучлари ўлиkdir ва у бундай кучлари рўёбга чиқмаган гўдаклар сингари ички кучларининг ҳаракатини сезмайди ҳам» (51.195).

Дейдиларки, қаҳрамоннинг шижоати — жанг ва меҳнат майдонларида, хотиннинг фидокорлиги — камбагалликда, қариндош-урурнинг раҳнамолиги тўйда билинар экан. Дўстнинг садоқатлилиги бошга кулфат тушганда, унинг соҳталиги, ошнолиги ва пасткашлиги эса дастурхон устида билинади.

Саъдий Шерозийда шундай сатрлар бор:

Қўлинг очиқ, дастурхонинг мўл куни,  
Дўсти — ёринг мана, менман деганмас,  
Дўст ўшаки қийин кунга тушганда —  
Қўлтигингдан даст кўтариб кўйган кас.

## ХАСИСЛИК — ПАСТЛИК

Хасис одам меҳмондўст бўлмайди. Оиласида билмадим-у, маҳалла-кўй, ҳамкаслари ундан юз ўгиришади. Чунки баҳил, хасис шахслар меҳмонга дастурхон солишдангина қочмай, ҳатто одамлардан яхши сўзини, маслаҳатини, билимини, талантини (агар у бор бўлса) ҳам аяди, ҳеч кимга ҳеч қанақа фойда келтиргиси келмайди. «Бахилнинг боғи кўкармас», деган ҳалқ маталининг мағзини чақинг.

Ҳалқ орасидаги «Бахил эҳсондан қочар, хасис меҳмондан қочар» деган мақолнинг маъноси шуки, у ўзи берадиган эҳсондан ва уйига келадиган меҳмондан қочади, холос. Совға берсангиз, меҳмонга чақирсангиз асло қочмайди, чопиб келади. Шундан фойдаланиб, уни тарбиялаш мумкин. Сахийлик билан меҳмон қилиб, яхши тухфалар инъом қилинса, хасис ҳам инсон-да, ич-этини ейди, калтаклангандай азоб тортади, ўзининг сиздай бўла олмаганига кўп афсусланади, шундан сўнг зора унинг одамгарчилиги тутиб кетса...

Баъзи ёшлар пишик одамни хасис деб ҳисоблайдилар, бу тўғри әмас. Пишиқлик — бу сермулоҳазалилик, меҳнат билан топилган маблагни беҳуда исроф қилмай, жой-жойига сарфлаш, тежаб-тергаб ишлатиш демакдир. Хасислик ва баҳиллик ҳақида қўйида келтирилган латифаомуз гапларга бир эътибор беринг-а. Мен буларни ёшларимизни меҳмондўстлик руҳида тарбиялашда бир ибрат бўлармикан деб, ўтмиш алломаларининг китобларидан тердим.

\* \* \*

Ривоятларга кўра, қадимда Ҳуросон боёнлари уйларига келган меҳмон билан «қорин қалай?» деб сўрашишаркан. Меҳмон, албатта, «тўқ» деб жавоб беради. Шунда мезбон: «Афсус, овқатланмаган бўлганингда мен сени лаззатли таом билан сийлар әдим», деб қўяр экан одамгарчилигини билдиргандек бўлиб.

Борди-ю, меҳмон: «Овқатланмаган әдим, қорин оч», деб қолгудек бўлса, унда боён: «Хе, аттанг, овқатланиб келганингда ажойиб хурмо шаробидан қўйиб берардим, у жуда ҳазми таом бўлади», дер экан.

Шундай қилиб, келган меҳмон ҳеч нарса тамадди қилмай, қуруқ манзират билангина қайтар экан.

«Ҳуросон манзирати» деган гап шундан қолганмикан?  
Еки Саъдий Шерозий айтганидек:

Бино асосидин асли вайрондир,  
Хўжанинг ташвиши нақши айвондир.

\* \* \*

Битта хасис бирорларнинг тўйига бориб, тайёрланган қуюқ-суюқнинг ҳаммасидан истеъмол қилмагунча кўнгли ўрнига тушмас экан. Бир тўйдан сўнг қўшниси билан ғижиллашиб қолибди. Сабабини сўрашса, у: «— Бу очкўз мени олдимга қўйилган туршакни тортиб кетди», дер эмиш.

Бир арпага сотма шараф гавхарин,  
Тама түккүси ҳурматингнинг борин,  
дейди Саъдий Шерозий шундайларга қаратади.

\* \* \*

Иссиқ овқат тайёрлашга ҳеч қурби етмайдиган бир камбағал оила нон-чой билан кун кечирад экан. Бир куни боласи:

— Қуруқ нон-чой кўнгилга тегиб кетди, — депти.

Шунда онаси ноиложликдан ҳазил-мутойиба қилиб:

— Ана, қўшнимиз ҳар куни лаззатли таомлар тайёрлайди, деворга чиққин-да, нонни таомнинг хушбўй ҳидига «ботириб» еавер, — депти.

Еш бола эмасми, деворга миниб, таом исини ҳовучи билан оғзиға ҳайдабди. Буни қўшниси сезиб қолибди, у ўта бахил экан. Овқатнинг «ҳидини истроф» қилмаслик учун ертёлада пиширадиган бўлибди.

Ўша шахс куни билан оч юриб, тун қоронғисида тамадди қилар экан ва ўзининг ушбу тежамкорлигидан мамнун бўлиб, мақтаниб юаркан. Сабабини сўрашса, у:

— Кечаси ҳамма пашшалар ухлайди, овқат ҳидини искағ кетувчи болалар ва дарвозани тақиллатиб қолувчилар ҳам бўлмайди, — деб жавоб бериди.

Ана шунга ўхшаганлар тўғрисида бўлса керак, Саъдий Шерозий ёзади:

Камбағалдан таомнинг исин ҳам тутар йироқ,  
У нон еган дастурхондан қуш тополмас бир увок.

\* \* \*

Бир донишманд ҳасисга қараб дебдики:

— Сен ўзингни тежамкор деб ўйлама, ғоят даражада истрофкунандасан, Ўлмайдиган одам йўқ. Тириклигингда ўзинг емай-ичмай тўплайсан, аммо ўлганингдан кейин молу мулкинг ўзгалар қўлида талон-тарож бўлади!

Бу гаплардан ҳасиснинг қўзлари косасидан чиқиб, пиёладай бўлиб кетган экан.

Абдураҳмон Жомий шунинг учун ҳам бундай деганлар:

Ҳарна кирса жўмард киши қўлига,  
Сочар дўстлар оёғига барнасин.

Ўзи ўлгач, душманлари бўлишар,  
Ҳасис киши йигиб-терган нарласин.

\* \* \*

Ҳасис ўлим тўшагида ётиб, ўғлига васият қилар эди:

— Ўғлим, мэндан кейин қоляпсан. Хоҳлардимки, сен одамлар билан бўлган муносабатингда шахматчига тақлид қилгин.

Шахмат устаси ҳар турли йўллар билан ўзиникини сақлаб, бирорвонкини олишга интилади.

Бундай пайтларда худбин отанинг васиятларига эмас, одобрушуносликнинг бобокалони Саъдий Шерозийнинг сермаъно насиҳатларига қулоқ солган бола баҳтли бўлади:

Бошқалар мулкига кўнгил қўймагил,  
Сўнгра кўнгил узмоқ жуда ҳам мушкул.

Яна:


Е эй, хушбахт, ҳеч нима аямасдан,  
Үлди бадбахт, йикқанини емасдан.

\* \* \*

Меҳмон-мезбонлик алоқаларида, нарса олди-бердисида, совға-салом муносабатларида ҳар ким ўртacha йўл тутиши, ҳаддан ошмаслиги энг яхши қоидадир. Дейдиларки, тоққа чиққан пастга тушади, лекин қудуққа тушган ё чиқади, ёки чиқолмай қолади. Шундай экан, меҳмон-мезбонлик алоқаларида тоғдан туриб «бойваччалик» қилиш ёки жуда пастлаб, хасислик қилиш одамгарчиликка хилоф эмиш.

Хаддан ошмагин обод истасанг, ўртacha жойда бўл одоб истасанг.

Менимча, Бадриддин Ҳилолийнинг мана шу байти меҳмон-мезбонлик, олди-берди, совға-салом удумига ҳам оидга ўхшайди. Хуллас, ҳақиқий меҳмондўст одам совғани кўнглидан чиқариб, назокат ва эзгулик нишонаси сифатида инъом қиласди, аммо соҳта дўст эса ҳасад ва хасислик қилиб, нарса олди-бердисида говға чиқаради. Меҳмон-мезбонлик алоқаларида ана шу пасткашликка барҳам бериш ҳар кимнинг вазифасидир.



ХҮЧҮНДЭ

(Мэхмөнжопшигийн түүчинжир мэсажицн

## ХАМ ТӨРҮ, ХАМ ОТЫ

Айыр аюу үүн чулоо

Ози таатек, кийин оңд засхан моптун,

Ман мачтияа аймадын хүмөртэй элдүүп,



## СОЦИАЛ ИЛЛАТЛАРДАН БИРИ

Кейинги вақтларда күпгина мезбон бўлувчилар уйига меҳмон чақиришдан кўнгли совиб қолганлигининг, кўпгина меҳмон бўлувчилар ҳам бирон жойга чақирилишдан безиб қолганлигининг гувоҳи бўлганимиз.

Нега шундай?— деган саволга: «Бунинг боиси меҳмондорчиликда ичкиликнинг албатта бўлишиди!»— деб жавоб бермоқ керак.

Аслида меҳмондорчиликларимиз тарихи ичкиликсиз бошланган ва мақсади ҳам меҳмон кўнглини майсиз чоғлашдан иборат бўлган. Кейинчалик тўйларимизга, байрам меҳмондорчиликларига, оиласий меҳмондўстликларга, улфатлар давраларига, маврид ва bemavrid учрашувларга, меҳмон билан мезбоннинг ҳар қандай муносабатларига, баъзан ҳатто таъзиядек нозик издаҳомга ҳам ичкилик аралашадиган бўлиб қолди.

Меҳмондўстлик каби яхши одатимизга ичкиликнинг аралашуви унинг тарбиявий аҳамиятига путур етказди, натижада ижобий одат салбийликка, чин дўстлик ошноликка (сохта дўстликка) айланди. Лаганбардорлик, тилёғламачилик, ошна-оғайничилик ёки таниш-билишчилик орқали иш битириш, бирон манфаат кетидан қувиш, меҳмоннинг обрўсига, мавқеига, мансабига қараб муомалада бўлиш, пора олиш-бериш мақсадида меҳмондорчиликлар уюстириш авж олиб кетди. Ичкиликсиз меҳмондорчиликни сира тасаввур қилиш мумкин

бўлмай қолди. Ичкилик оралаган меҳмондорчиликларда эса, албатта бирон-бир кор-ҳол, гап қочишилар, кесатиклар, жанжаллар, муштлашишлар, пичоқбозликлар келиб чиқадиган бўлди. Жуда кўп қонун бузишларга, оила бузилишларига, одамгарчиликнинг йўқолишига, алкоголизм ва гиёхвандлик каби иллатларнинг келиб чиқишига ҳам ичкилик сабаб бўлиб, у ҳам моддий, ҳам маънавий оғунинг ўзгинаси бўлиб қолди.

Биз уни «ҳам дору, ҳам оғу» деб атадик.

Биз ҳар бир нарсага, воқеага, одатга диалектик материализм нуқтаи назаридан, қарама-қаршиликларнинг зидлиги ва бирлиги қонуни асосида ёндашмоғимиз даркор. Оддий қилиб айтганда, ҳар бир нарса, воқеа ва одатнинг ижобий ва салбий томонлари бўлади. Биз ижобий деб қабул қилган нарса ўзининг озроқ бўлса-да, салбий қирраларига эга, шунингдек, биз салбий деб ўйлаган нарсада қандайдир ижобий элементлар борлигини унутмаслигимиз керак. Шунга кўра, ичкилик ичишнинг салбий томони билан бирга дорилик жиҳати ҳам бор. Бирор аъзо (қорин, бош, тиш) оғриганида ёки шамоллаганда дори учун озгина ичилади ёки аракдан компресс қилинади. Бунда ичган киши ўзини енгил сезгандай бўлади, танасидаги оғриқ босилиб, ҳордиги чиққандай туюлади. Мана шу психологик ҳолат эъфория ёки жонли тилда ширакайфлик деб юритилади.

Аммо ичкилик ичишда меъёрга қатъий риоя қилиш, уни ичкиликбозликка айлантириб юбормаслик муҳимдир. Шоир Нормурод Нарзуллаев бу борада шундай дейди:

Ҳар нарсанинг бордир меъёри,  
Меъёрида ҳар нарса шакар.  
Меъёр билан инсоннинг умри,  
Бузилса у қўшилар заҳар.

Меъёрда ҳам бордир бир мезон,  
Наздимда у инсонда виждон.

Бироқ, айрим шахслар борки, ширакайфлик ҳолатини узокроқ сақлаш учун ўзини қайта-қайта ичишдан тийиб туролмай қолади. Натижада ширакайфлик бадмастликка айланади. Бу шундай оғуки, сихат-саломатлик биноларини, ақл-идрок кошоналарини бир зумда бўлиб ўтган зилзиладек вайронага айлантиради.

Ичкиликнинг бош мияга таъсирини бундан 1000 йил муқаддам илмий асослаб берган буюк олим, табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино эди. Аллома ўзининг «Уржуза» ва «Тиб қонунлари» асарларида бу тўғрида кўп гапириб, «Юрак дорилари» рисоласида яна бундай дейди:

«...Мияда бўладиган нафсоний қувватнинг руҳи мўътадил рутубатга муҳтоҷ бўлади; бундай рутубат фикрнинг ҳаракатига ва ақлнинг ишлатилишига тобе бўлиши керак. Ҳолбуки, мастилик вақтида мазкур йўсинда рутубатланиш ортади, натижада нафсоний қувватлар ақлга бўйсунмайди, шу билан бирга мияга мавжланиб кўтариувчи буғлар билан аралашиб, ҳаракати ортади. Рутубат жиҳатидан ақлнинг ҳаракатланишига бўйсунмайди, балки руҳоний латиф бўлмаган зўраки жисмоний ҳаракатгагина тобе бўлади. Изтироби жиҳатидан ҳам руҳоний ташкилга бўйсунмай, фақат зўраки жисмоний ташкилга бўйсунади. Бу ҳолда ҳақиқий фикрлашда унинг истеъмоли ҳайин-

лашади. Шундай бўлгач, унинг ҳолининг талабига кўра, яъни мижози мўътадиллашиб, мавжланishi тўхтагуна қадар ақлий қувват ундан қочади. Сўнгра юракда бўлган ҳайвоний қувватнинг хурсандчиликка бўлган истеъдоди мастлик вақтида ортади...

Ҳолбуки, савдои мижозли ва хира руҳли кишининг ғамгинлиги мазкур сабабларнинг тескарии бўлган ғам ва ваҳшат берувчи сабаблар натижасида давом этади. Масалан, юз берган хатарлар, кўрган аламлар, нафрат, қўпол муомала ва алоқалар, келгусида бўладиган қўркувдан ваҳималаниш, ақлли инсоннинг у қадар аҳамият бермайдиган шу дунёдан айрилиш каби нарсаларни ўйлаш: қилиниши лозим бўлган муҳим ишларни ўйлаш, бирон ҳодиса туфайли машгулот ва фикр қилишдан ажралиш, муродда камчилик бўлиши ва санаб бўлмайдиган даражада кўп бошқа нарсалар каби.

Савдо мижозли киши әса хаёли кучли бўлгани учун унинг хаёли ғамлашишга сабаб бўладиган манзаралар келтириб, уни ваҳшат ва қоронгу фикрларга тушариди. Яна ичаберса, ғам йўқолмай, бу нарсалар гўё доимо бўлиб турадигандек туйилиб, улар ғам ва хавфдан қутулмайдилар» (81.78—80).

Кўриниб турибдики, мастлик пайтида кишининг миясида фикрлаш издан чиқиб, хатти-харакатлар ақлга бўйсунмай қолар экан. Ичкилик одамни ҳеч яхшиликни ўйламайдиган, фақат қоронги фикр юритадиган қилиб қўяр экан.

Одобшунослик қомуси бўлмиш «Қобуснома»да ҳам ичкиликнинг одамга (дономи, нодонми бари бир) таъсири, яъни мастлининг қиликлари қанақа бўлиши кўрсатилиб, бундай ёзилган: «Шароб хилмалик қиликларни қўзгатади: кўплар маст бўлганиларида чапак чала-дилар, ер тепадилар, куладилар, йиглайдилар, ашула айтадилар, сухбатлашадилар, гапирмайдилар, тантик бўладилар, мулозамат қила-дилар — булатнинг ҳаммаси шаробнинг таъсири ёки ақлсизликдир» (62.53).

Ўғрилик, юғичлик, порахўрлик, чайқовчилик, бузукчилик каби-лар кўчасига бир кириб қолган кипши яна ва яна киргиси келаверганидек, бир марта ичкилик кайфини сурган одамнинг яна ичгиси кела-веради.

Баъзан ичувчилар Умар Ҳайём ҳам оз-оз ичини мумкин деган, деб пеш қиласидилар. Бу ҳол Умар Ҳайёмни тушунмасликдан пайдо бўлган хато мулохаза. Тўғри, Ҳайём ичкилик тўғрисида ёзган, лекин алломани ичкиликнинг тарғиботчиси, деб бўлмайди. Шоир ўз рубоийларида ичкилик каби инсоният ўзи яратиб қўйиб, ўзи кутула олмаётган нарсани мавзу қилиб олиб, бунинг воситаси-ла, жуда мураккаб ижтимоий ва фалсафий масалаларни олга суради, мана, ўқинг:

Хушёр бўлсам — мендан хурсандлик йирок,  
Маст бўлсам аклидан ажрайман бирок.

Бу сатрларда у: «Ҳаётда содир бўлаётган воқеаларга ҳушёрлик билан қарайдиган бўлсам, хафа бўлиб кетаман, мастига ўхшаб қарайдиган бўлсам, ақлсиз ғдамнинг ищини тутган бўламан», деб замондан норозилигини ифодалайди. Айниқса ушбу рубоийсида шоир инсонни шод бўлишга, лекин ҳушёр бўлишга чақиради:

Умрингдан нафас ҳам ўтса, эй инсон,  
Қўлдан чиқармагил бўлмайин шодон.  
Қандоқ ўтказурсан, шундоқ ўтар умр,  
Ҳушёр бўл, аслида шундақа замон.

Умар Ҳайёмнинг бошқа рубоийлари тўғрисида ҳам мулоҳаза  
қилиб кўрилса, чуқур фалсафий фикрлар борлиги аён бўлади.

\* \* \*

Бир куни ота-бала ўртасидаги шундай савол-жавобнинг гувоҳи  
бўлдим:

Ўғли:— Дада! Ароқ исча киши саломат бўладими?

Дадаси:— Йўқ ўглим, у касал қиласди.

Ўғли:— У одамни бахтли қиласдими?

Дадаси:— Йўқ, асло, бахтсиз, шарманда қилиб, обрўсими тўка-  
ди.

Ўғли:— Нега бўлмаса тўйларда катта амакиларим: «Бахтли бў-  
лиш учун», «Соф-саломатлик учун», деб ичишади?

Дадаси:—...

Бу боланинг гаплари мени ўйлантириб қўйди: дарҳақиқат, нега  
шундай яхши тилаклар айтилиб, ёмон ичимлик ичилади. Яна устига-  
устак бу оғу «Кристалл», «Посолская», «Золотое кольцо» деб атала-  
ди. Шишалари ҳам, этикеткалари ҳам чиройли. Ичкилик ишлаб чи-  
қаришни бирданига тўхтатиб бўлмайди, бирдан камайтириб юбориш  
«хонакиси»ни тайёрлаш, таркибида спирти бор нарсаларни истеъмол  
қилиш ёки кайф қилдирадиган гиёҳларни чекиш каби оғатларни кел-  
тириб чиқарганлигининг гувоҳимиз. Агар ароқ ишлаб чиқарилади-  
ган бўлса, уни бундан бўён маҳсус қингир-қийшиқ шишаларда, эти-  
кеткаларига карикатуралардаги мастларнинг суратини солиб, «оила  
бузар», «безори», «жонга жафо», «бошга бало» каби ўта салбий ном-  
лар билан аталса қандай бўларкин? Одамлар шишаси ҳам, этикетка-  
си ҳам, номи ҳам хунук бу ичкиликларни олишдан, меҳмон дастур-  
хонига қўйишдан уялиб қолишармиди... Ҳар ҳолда ақлли бир бола-  
нинг гапи асосида қилинган мулоҳазалар бу.

Энди ичкилик борасида улуғ одамлар айтган сўзлардан андак  
намуналар келтирайлик. Алломалар турли даврларда яшаганлар ва  
ичкиликка нафрат билан қараганлар.

Гиппократ: «Ичкилик болаларнинг нимжон туғилишига ва  
касалманд бўлиб ўсишига сабабчидир».

Кайковус: «Мастлик девоналийк ва дарбадарликдир».

Алишер Навоий:

Бадмастлик дамо-дам ичмоидин не баҳр,  
Ки, одамийлик қатлига ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.

Саъдий Шерозий: «Бу лаънати шайтон идиш ичиди тинч  
ва осойишта ўтиради. Аммо агар уни ташқарига қўйиб юборсангиз,  
май билан бирга томоқдан ўтиб, ҳатто филни ҳам худди масхарабоз-  
лардек ўйнатади».

М. Сервантес: «Кўп ичадиган киши сир сақлай олмайди  
ва берган ваъдасига вафо қилмайди».

В. Скотт: «Ҳамма ногиронликлардан кўра майхўрлик одам зотига зиддир».

Л. Н. Толстой: «Инсониятга доғ солувчи ўнта жиноятдан тўққизтаси ичклик ичиш туфайли содир бўлади».

Камол Хўжандий: «Ичиладиган биринчи қадаҳ, одатда, соғлик учун, иккинчиси — кайфият учун, учинчиси — сурбетлик учун, тўртингчиси — ақлдан озиш учун ичилади».

Вильям Шекспир: «Ичувчи одамлар душманга оғизларидан йўл берадилар ва бу иблис уларнинг мияларини ўғирлаб кетади».

А. П. Чехов: «Арақ оқ, лекин у бурунни қизил, обрўни қора қиласди».

Абул Фараж нинг ёзишича: «Ичклик кишига тўрт ҳайвон сифати ато қиласкан:

Биринчи қадаҳни ичганда одамнинг юзларига қон югуриб, товус-дек товланадиган, харакатлари ҳам сипо бўларкан.


Иккинчи қадаҳни кўтаргач, маймундек қийшанглайдиган, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам масхара қиласдиган бўлиб қоларкан.

Учинчи қадаҳни сипқоргач, у шердек такаббур, ўз кучига ишонгани, ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган, жанжалкаш бўлиб қоларкан.

Тўртингчи қадаҳдан сўнг у энди тўнгиздек ифлосланиб, балчиқка ботиб ётишни ўзига бир фазилат деб биларкан».

Ичкликка ружу қўйганлар орасида шу тўрт ҳайвон тахлитига тушмаган одам топилмаса керак.

Ўтмиш одобшуносларининг ичклик тўғрисида бизга мерос қилиб қолдирган фикрлари ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайдиган жавоқирлардирки, буни ҳар ким меҳмон ва мезbon бўлганда бошига тождек қўндириб олса, ахлоқ либосининг энг аъло безаги мана шу бўлади.



Мезбон яхши бўлса, меҳмон кўпаяр,  
Меҳмон яхши бўлса, мезбон кўпаяр.  
Меҳмону мезбонлар кўпайса элда,  
Ўзаро дўстлигу дармон кўпаяр.

*Муҳиббий*

**ДАВРНИНГ ДАВРОНИ — ҒАНИМАТ,  
ЭНГ АЗИЗ МЕҲМОНИ — ҒАНИМАТ**  
(Ўзбек меҳмондўстлигидаги ҳар  
хил анъаналарнинг шакллари  
ва мазмунлари тўғрисида)



## АНЬАНАЛАР — БЕБАҲО БОЙЛИК

Ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос қадимий миллий анъаналари бўлиб, улар авлоддан авлодга ўтиб келади. Шу жумладан ўзбек ҳалқи ҳам ўзининг миллий анъаналарига эга. Мавзумиз меҳмоннавозлик экан, бу анъаналар орасида энг қадимий ва ҳамиша «навқирон» бўлган меҳмондўстлик ҳақида сўз юритамиз. Меҳмондўстлик бебаҳо бойлик бўлиш билан бирга катта тарбиявий аҳамиятга, демак ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Шу боисдан ҳалқимиз бу анъанани эъзозлайди ва авлоддан авлодга мерос қилиб қолдиради.

Ўзбекистонда меҳмондўстликнинг илгаридан ва ҳозир ҳам қўллануб келинаётган шакллари жуда кўп ва хилма-хилдир. Ҳар бир меҳмондорчилик шаклининг ўзига хос мазмуни ва мақсади бўлиб, булар — меҳнатни улуғлашга, эришилган муваффақиятларни нишонлашга, бахтили ва саодатли эканликни изхор этишга, табиатда бўлган ўзгаришларга муносабат билдиришга ва ҳар ким ўзининг қувончи ва эзгу ниятларини яқин дўстлари, қариндош-уруглари, улфатлари билан ўртоқлашишига қаратилгандир. Ҳалқ ўзининг ҳар қандай анъанасини сон-саноқсиз маротаба синовдан ўтказади ва демократик асосда маъқуллайди. Шунинг учун ҳам расм-русум, урф-одат ва анъаналар узоқ умр кўриб яшайверади.

Ўзбекистонимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилувчи юзлаб ва минглаб доно кексалар билан қурган суҳбатларим



ва узоқ йиллар ҳаётни күзатишим натижасида олган таассуротларим мени, меҳмондорчилигимизнинг ҳар бир тури орқали кишида одамшавандалик, иноқ-иттифоқлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби инсоний хислатлар шаклланиши мумкин экан, деган холосага олиб келди. Ана шу меҳмондорчилик турларини ўрганиб чиқиб, системага солдим ва учта группага бўлдим:

а) Қадимий, анъанавий, прогрессив ва оммавий турлари. Буларга: қизлар мажлиси, никоҳ тўйи, келинчак қўлидан чой ичиш, чорлар, бешик тўйи, гап-гаштак, боғ сайли, дала сайли, қовун сайли, наврўз байрами, сумалак сайли, қўшчи оши, гули сурх, анор базми, қорхат, ҳарифона, оддий оила меҳмондорчилиги киради. Бундан ташқари, яна азиз меҳмон келганлиги шарофати билан қўни-қўшни, ёрбиродарларни чақириб зиёфат бериш, чойга таклиф (чойхонага таклиф), ошга таклиф (ошхонага таклиф), чойхоналарда ош ташкил этиш ва шу кабилар.

б) Меҳмондорчиликнинг янги замонавий турлари. Буларга: байрам меҳмондорчиликлари, ҳовли тўйлари, туғилган кунни нишонлаш, олтин тўй, банкет ва юбилейлар мисол бўла олади.

в) Қадимий, реакцион ва диний характерда бўлган меҳмондорчилик турлари. Буларга: суннат тўйи, мушкулкушод, мавлуд, ифтор, арвоҳ пири, худойи кабилар мисол. Ушбу турдаги меҳмондорчиликларда реакцион урф-одат намойиш этилиб, диний гоялар ҳамда хурофот олга сурилади. Бу маросимларнинг суннат тўйидан бошқа турларида ҳатто ўйин-кулги, музика чалиш, ашула айтиш ёки радио тинглаш ман қилинади, ўрнига намоз ўқиши, қуръон тушириш, чироқ ёқиши ва зикр тушиш каби диний одатлар ижро этилади.

Бизда ҳозир мана шу эскилик сарқитларини вужудга келтирадиган моддий шароитлар йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, булар одат ва анъа-



нага айланиб, ўтмишнинг «туғма доғи» сифатида сақланиб келмоқда ва янги турмушга чирмашиб олмоқда. Мехмондорчиликнинг бу турлари бир авлоддан иккинчи авлодга ўта бориб, бизгача етиб келди ва жамиятимиздаги қолоқ кишилар томонидан мустаҳкамлаб қўйишига ҳаракат қилинмоқда. Бу хил меҳмондорчиликлар ёшларни тарбиялаш ишига маълум маънода салбий таъсир кўрсатади. Шу босдан меҳмондорчиликларнинг реакцион-диний характердаги турлари ҳаётимиизда ўрин тутмагани маъқул.

Бироқ, эски бўлса ҳам прогрессив характердаги шакллари сақлаши керак, чунки булар ўтмиш маданиятининг намуналаридир. Шу нарса барчага аёнки, ўтмиш бўлмаганида келажак ҳам бўлмас эди. Агар биз ўз ўтмишимизни, тарихимизни сохталаштирмай ўргансакгина замонавий турмушимизнинг қадрига ета оладиган бўламиз. Ана шунинг учун ўтмишга (шу жумладан, урф-одат ва анъаналарнинг ўтмишига ҳам) кул деб қарамасдан, балки тарихнинг тўзонли қатламлари остида қолиб кетган чўғини топиб, пуллаб ёндиromгимиз даркор.

Шундай ҳам бўладики, анъана эски бўлса ҳам прогрессив, ҳаётда қандайдир аҳамияти бор-у, бироқ бузиб ижро этилгани учун кўзга ёмон кўриниб қолган бўлади. Масалан, узоқдан келган меҳмонни улуғлаш, пойига қўй сўйиш одатини олайлик. «Ўз қўйинг бўлса сўявер, меҳмон кечгача еса ярим кило гўшт ейди, қолгани ўзингга сийлов», деган тасаввурлар ҳам бор. Лекин шу одатни бузиб, колхоз, совхоз, ташкилотлари ҳисобидан қўй сўядилар-да, уни ҳар хил нотўғри йўллар билан ҳужжатлаштириб, сарф-харажати ҳеч кимнинг бўйнига тушмайдиган қилиб қўядилар. Худди мана шу ҳол меҳмонни улуғлаш каби ижобий одатнинг моҳиятини салбийлаштиради ва урф-одатларимизга қарши чиқувчиларга жуда-жуда қўл келади. Еки яна бир мисол: «Дўстимнинг меҳмони менинг ҳам меҳмоним», деган гап бор. Шунга биноан, бир хонадонга келган меҳмон бошқа хонадонларга ҳам албатта таклиф қилиниши керак. Бироқ, таклиф қилинган жойларда ҳам албатта палов дамланади. Палов — халқимизнинг азиз меҳмон учун тайёрланадиган тансиқ таоми, лекин уни бир қунда учтўрт марта ейиш мумкин эмас. Аслида палов ҳафтада бир тановул этиладиган таом, уни соғиниб-соғиниб ейилмаса, кўнгилга уриб, меъдани ишдан чиқаради.

Еки биз ўз элимизга бошқа ёқдан ташриф буюрган кишиларни азиз меҳмонлар деб қабул қиласиз. Шунга кўра, текширувчиларни ҳам, ревизорларни ҳам «меҳмон» деб қабул қиласиган бўлиб қолганимиз. Уларни албатта ташкилот ҳисобига ёки ҳарифона қилиб, жуда «ёғли» дастурхон устида зиёфат қиласиз. Анъана тусига кириб кетган бу одат ҳам меҳмондўстлик танасига тушган қурт бўлиб, уни кемиради ва илгариги бобларда неча бор таъкидлаб ўтганимиздек, лаганбардорлик, тилёғламачилик, таъмагирлик каби иллатларни келтириб чиқаради.

Мисол учун яна гап-гаштакни олайлик. Аммо бебилиска пул тоғадиганлар навбатма-навбат гап берганда шундай ярамас одатни жорий қилгандарки, бу — кечикиб келган меҳмонга жарима солиш одатидир. Бу одат пора беришнинг янгича, ошкора шаклига айланиб кетдики, ҳўжайин ўз навбатида гап меҳмондорчилиги ташкил этганда лаганбардор шахслар атайлаб кечикиб келишиб, мезбоннинг чўнтагини қаппайтирадиган бўлиб қолдилар. Шунинг учун меҳмондўстлик анъаналарининг қандай шакли бўлмасин, унинг мазмунини қунт

билин ўрганиб чиқишимиз, бузилган бўлса тузатишими, салбий бўлса йўқотишимиз, ижобий бўлса қолдириб, такомиллаштишишимиз жоиздирки, бу ишни халқ билан бамаслаҳат амалга оширишимиз керак. Халқ маъқулламаса, ҳар қандай салбий анъанани ҳаётдан дарҳол чиқариб ташлаш мумкин бўлмагани каби, халққа манзур бўлмаса, ҳар қандай ижобий расм-русумни ҳам турмушга тезда татбиқ этиб бўлмайди. Фикримизнинг исботи учун мисолларга мурожаат этайлик: ифторлик, мавлуд, мушкулкүшод каби диний шаклдаги меҳмондорчиликлар (қаттиқ кураш олиб борилган бўлишига қарамай) ҳамон давом этиб келмоқда. Янги, прогрессив, байрамлар сифатида «пахта байрами», «ўроқ-болға байрами» кабилар жорий этилди. Бироқ, раҳбар ташкилотлар буйруқ бермагунча, улар ташаббус кўрсатиб елиб-югурмагунча, халқ ўз-ўзидан ҳаракат қилиб, шу байрамларни ўтказишга тайёргарлик кўришга сира киришмайди.

Демак, бу ишда энг тўғри йўл — анъаналарни демократик асосда амалга оширишdir.

Биз ушбу бобда ўзбек халқи меҳмоннавозлиқ анъанасининг ўттизга яқин шаклларини ва уларнинг мазмунини баҳоли қудрат изоҳлашга ҳаракат қиласиз. Зоро, меҳмондўстлик тарихнинг ҳамма даврларида ва ҳозир ҳам (агар улар бузиб ижро этилмаса) одамларни, бинобарин, турли миллатларни, халқларни бирлаштирадиган, дўстлаштирадиган воситадир. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган меҳмондўстлик турлари прогрессив ва демократик характердагилари бўлиб, ҳар бирининг ўз мазмуни ва мантиқи бор. Масалан: қизлар мажлиси, никоҳ тўйи, келинчак қўлидан чой ичиш, чорлар, бешик тўйи, ҳовли тўйи, туғилган кунни нишонлаш, банкет, юбилей, олтин тўй каби издаҳомлар кишининг шахсий ҳаётдаги муҳим воқеаларни бир умр эслаб қолиши мақсадида эл олдига дастурхон ёзишга қаратилгандир.

Гап-гаштак, дала сайли, ҳарифона, чойхонада ош ташкил этиш каби хиллари эса кўнгилли дам олишга бағишлиланган меҳмондўстлик хилларидир.

Табиатда бўлган ўзгаришларни нишонлаш эса қорхат, наврўз байрами, сумалак сайли, гули сурх каби издаҳомлар орқали амалга оширилади.

Анор базми, қўшчи оши, боф сайли, қовун сайли кабилар орқали эса меҳнат улуғланади, ҳосил йигим-терими олиб борилиши билан бирга меҳмондорчилик амалга оширилади.

## ШАХСИЙ ҲАЁТДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРНИ БИР УМР ЭСЛАБ ҚОЛИШГА БАҒИШЛАНГАН МЕҲМОНДОРЧИЛИКЛАР

Қизлар мажлиси. Турмушга чиқадиган қиз тўйдан аввал ўз дугоналарини чақириб, анжуман қуради, зиёфат беради, таомлар одатдагича тайёрланади. Бундай меҳмондорчиликнинг мазмуни: бўлажак келинчак ўзининг энг яхши ёшлиқ даври — қизлик даври билан хайрлашишидир. Бўлажак келин ўз ўртоқлари билан қучоқлашиб, қизларга хос иффат билан маъюс ҳолатда кўзёши қилиб кўришади. Бу

кўзёшининг икки хил маъноси бўлиб — бири севган йигитига узатилётгани учун севинч ёшлари. Иккинчиси — мажбур қилиниб эрга берилаётгани учун алам-изтироб йифиси.

Меҳмон қизлар мезбон дугонасининг бу кунги кечинмаларига — севинчига ёки изтиробига шерик бўладилар. Сўнгра бўлажак келинчакнинг қувончига қувонч қўшилиши учун ёки хафалигини ёзиш учун ўйин-кулги қиласидилар.

Қизлар орасида битта-иккита шўх, нуктадон, шаддодлари албатта топилади. Ана шулар анжуманни бошқариб, ашула айтадиган, шеър ўқийдиган, рақсга тушадиган қизларни аниқлашади, мажлис ўйин-кулги билан тугайди. Қизлар мажлиси — базми яна Наврўз байрамида ҳам ташкил этилади.

Никоҳ тўйи энг катта меҳмондорчиликлардан ҳисобланади. Иккни ёшнинг қовушиб, турмуш қуришига бағишлиланган маросим. Никоҳ тўйи меҳмондорчилиги аслида уч кун давом этади. Тўйдан иккича-уч кун илгари «маслаҳат оши» ўтказилади, бунда тўй қилувчилар, тўй бошқарувчилар ва хизмат қилувчилар йиғилиб, ош устида: кимларни тўйга таклиф қилиш, нималар тайёрлаб қўйилгани, неча хил таомлар тайёрлаш кераклиги, дастурхонни қандай тузаш, базмни қандай ташкил қилиш каби масалалар юзасидан маслаҳат қилиб оладилар. Тўйнинг биринчи куни эрталаб ёки тушда халқقا ош берилади ва куёв томон келинникига тўй, яъни қозонда ош, тоғораларда пиширилган таомлар, ўн, гуруч, қўй, сарпо-суруг ва ҳ.к.ларни юборади. Иккичи куни — базм, зиёфат тўйнинг асосий куни ҳисобланади. Бу куни меҳмондорчилик чақирилган меҳмонлар ва келин-куёв шарафига ташкил этилади. Дастурхонда ширинликлар, яхна овқатлар, мева-чева, нон-сомса ва бошқа хил нозу неъматлардан ташқари яна бир суюқ овқат (шўрва, мастава) ва бир қуюқ овқат (палов, қовурма, кабоб) тайёрланади. Қуюқ овқат зиёфат тугаси олдидан берилади.

Тўйга келган меҳмонлар эса имкониятларига қараб «дастурхон» (қатлама, сомса, патир, торт, ширинликлар ёки бирон таом тайёрлаш учун зарур масаллик) келтиришлари, ёки «сарпо» (келин ёки куёвга бирон кийимлик) тақдим этишлари, ё бўлмаса «жиҳоз» (келин-куёв учун бирон уй жиҳози) совға қилишлари, ёинки бир даста гул келтиришлари мумкин.

Учинчи куни — юз очди, бунда келиннинг ота-онаси, қариндош-уруғлари тўйда хизмат қилган ва уни бошқариб борган кишилар билан бирга яна бир қур зиёфат қилиниб, уларга миннатдорчилик билдирилади.

Никоҳ тўйида озиқ-овқат, кийим-кечак ёки пул исрофгарчилигини кўпайтириш, тўй эгаларининг ман-мансирашлари, жанжал чиқариш каби ярамас қиликлар ушбу издаҳомдаги сарқит ҳисобланади ва буларга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Келинчак қўлидан чой ичиш. Меҳмондорчиликнинг унүтилган ёки нотўғри адо этилаётган бир шаклидир. Аслида никоҳ тўйи бўлиб ўтгандан сўнг биринчи келган байрам ёки сайилда куёв томон ўз дўстлари, қариндошлари ва бошқа яқин кишиларини уйига таклиф этади. Бу меҳмондорчиликнинг мазмуни: келиннинг одамларга бўлган дастлабки илтифоти, пазандалиги, уй тутиши, расамадлилиги ва умуман турмуш қуришга лойиқ эканини намойиш этишdir.

Янги оилани мустаҳкамлашда бу меҳмондорчиликнинг аҳамияти катта: меҳмонларни кутиб олишда, зиёфатда келин ўзининг чақ-

қонлигини, саранжом-саришталигини, рўзгорни бошқара олиши, пазандалигини келганлар олдида намойиш эта билиши ва гап-сўзлари, одамларга бўлган муносабати, юриш-туриши билан меҳмонларда яхши таассурот қолдира олиши керак. Шунинг учун келин бунга издаҳомдан анча бурун тайёргарлик кўради. Уй тузайди, анжомларни саранжом-саришта қиласди. Меҳмонлар келадиган куни эса ўзи биладиган таомлардан бир неча хилини тайёрлайди, дастурхонни дид, нафосат билан безайди. Меҳмонлар келганда келин уларнинг ҳар бирини салом билан кутиб олади, яъни бошига ҳарир рўмол ташлаб, қўлларини қовуштириб, икки букилиб салом қиласди. Қуёв эса меҳмонларни жой-жойига ўтқизади. Ҳамма жойлашиб ўтириб олгач, келин ҳар битта меҳмонга таъзим билан чой тутади. Меҳмонлар эса чойни қабул қилиб олаётуб: «Қўп яшанг!» «Қўша қаринглар!» «Ували-жували бўлинглар!» каби хитоблар орқали яхши ният ва тилаклар билдирадилар.

Чой дамлаш ҳам — бир санъат. Келинчак чой дамлаш санъатини ўша издаҳомда намойиш қилишга катта аҳамият беради. Келинчак қўлидан чой ичиш эса, меҳмонларга ажиб бир ҳузур-ҳаловат бағишлади.

**Чорлар.** Меҳмондўстлигимизнинг бу шакли турли жойларда турлича аталади: «Чорлар», «Қуёв чақирди», «Келин чақирди», «Чақириқ» каби. Ҳаммасининг мазмуни битта. Тўй бўлиб ўтгач, маълум бир давр ичида куёвнинг ота-онаси келиннинг қариндош-уруғларини, келиннинг ота-онаси куёвни дўстлари билан бирга чақириб, зиёфат беради, бунинг маъноси ўз оиласига аъзо бўлган фарзандининг ҳурматини бажо келтириш, қариндошларни бир-бири билан таништиришдир. Энг муҳими шундаки, тўй ўтгандан сўнг орият юзасидан бўлса керак, куёв қайнота ва қайнонасидан ўзини олиб қочиб, уялиб юради. Чорларнинг мақсади: ана шу ийманишга барҳам бериш, бундан бўён қайнота-қайнонасининг олдига ўз ота-онасининг уйига келгандек келиб-кетиб юришига йўл очишидир.

Чорлар меҳмондорчилигида таомлар тўйдагидек тайёрланади. Қуёв билан келин ота-оналарига сарпо ва бошқа тухфалар олиб келишади, ота-она ҳам ўз навбатида сарпо кийдиради.

Чорлар ўтган куннинг эртасига ёки вақтларига қараб келин-куёв «салом берди»га келишади, яъни улар (бу гал ёлғиз ўзлари) ота-она (қайнота-қайнона) хонадонига ташриф буюриб, яхши илтифот кўрсатганликлари, дўстларини сийлаганликлари учун миннатдорчилик изҳор қилиб, бош эгиб салом берадилар. Ёш оилани мустаҳкамлашда катта аҳамияти борлиги учун бу одат неча асрлардан бўён Ўзбекистоннинг кўп жойларида ижро этиб келинади. Лекин бунда ҳам исрофгарчилик ва ортиқча «манман»ликка йўл қўймаслик лозим.

**Бешик тўйи.** Оилада бола туғилиши ғоят катта севинчга сабаб бўлади ва ота-онага улкан баҳт ҳадя этади. Бола туғилиши оиланинг янада мустаҳкам бўлишига сабаб бўлади, шунинг учун ота-она ўз фарзандининг дунёга келиши, туғруқхонадан олиб чиқиш, исм қўйилиши муносабатлари билан меҳмондорчилик уюштирадилар. Илгари юз фоиз болани бешикка белаб боқсанлар, шу сабабли бу маросим «бешик тўйи» деб юритилган.

Бешик тўйига фарзанд кўрган киши, яъни мезбон меҳмонларни таклиф этмайди. Агар таклиф этилса, «бирон совға келтириш керак», деган маъно чиқиб қолиши мумкин. Дўстининг, қариндошининг,

ҳамкасбининг ёки бирон яқин кишисининг фарзанд кўрганини эшитганлар ўзларича бораверадилар ва қутлуғ бўлсинга чақалоқ учун уст-бош, ўйинчоқ ва узоқ вақт эсдалик бўлиб қоладиган севинчи буюмлар олиб боришлари мумкин. Мехмон бўлувчилар қайси куни ва қай соатда ташриф буюришларини мезбонга хабар қилиб қўйсалар, чакки бўлмайди, чунки мезбон тайёргарлик кўриб қўйиш имкониятига эга бўлади. Бешик тўйи меҳмондорчилиги бир кунда ўтказилиши ҳам ёки меҳмонларнинг хабар беришига қараб, бир неча марта оз-оздан бўлиб ўтказилиши ҳам мумкин. Бу катта зиёфат талаб қилмайдиган ва узоқ вақт давом этмайдиган меҳмондорчилик ҳисобланади. Келиннинг ота-онаси набира кўрганлигини нишонлаш учун илгари бешик тузаб борган, ҳозир эса каравотча, (баъзан бешик ҳам), аравача тузаб боради ёки бирон бошқа тухфа олиб боради.

**Ҳовли тўйи.** Ушбу меҳмондорчилик ҳам замонавий анъаналярдан бири бўлиб, янги уй қуриб битказилганда, янги квартирага кўчиб кирилганда ўтказилади. Ҳовли эгаси — мезбон ўз дўстларини таклиф этиб, зиёфат беради ва шу билан яна бир эзгу ниятига эришганигини нишонлайди. Меҳмонлар бу маросимга бирон севинчи, ёдгорлик буюмларини совға қилиб келтиришлари мумкин.

Ҳовли тўйи маросимини албатта ўтказиш шарт эмас. Бу хилдаги меҳмондорчиликни ташкил этиш мезбоннинг хоҳиш-ихтиёрига ҳавола.

**Туғилган кунни нишонлаш.** Ҳар бир киши туғилган кунини нишонлаб, йилда бир, беш йилда бир ёки ўн йилда бир зиёфат ташкил этади. Ушбу меҳмондорчиликка мезбон ҳеч кимни таклиф этмайди, бироқ дўстининг, ҳамкасбининг, қариндошининг туғилган кунини билганлар бир-бирлари билан хабарлашиб, ўзлари меҳмон бўлиб келадилар ва бирор жиҳоз, сарпо, дастурхон, гулдаста ёки самимий табрик совға қиласидар. Меҳмонлар мезбонни ташвишлантирмаслик мақсадида келишлари тўғрисида олдиндан хабар бериб қўйсалар, яхши бўлади.

Бироқ, туғилган кунни нишонлаш айрим шахслар томонидан нотўғри талқин қилиниб, хато бажарилмоқда. Бу хатолик уч хил: биринчидан, таъмагирлик қилиш — яъни туғилган кунига атайлаб меҳмон чақириш, улардан кўплаб совға ундириб олишни мақсад қилиш, иккинчидан, ўғил болаларнинг «туғилган кунини нишонлаш» ниқоби остида суннат тўйи маросимини ўтказиш, учинчидан, қариялар 63 ёшга тўлганда ўзларининг Пайғамбар ёшига етганликларини нишонлаб, мавлуд каби диний маросимларни ўтказиш.

Туғилган кунни нишонлаш меҳмондорчилигида ана шу хатоликларга барҳам берилиши зарур.

**Банкет.** Бу хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар шарафига, байрамларда ёки бирон катта йиғилиш — съезд, форум, қурултой делегатлари шарафига расмий равишда ўтказиладиган катта меҳмондорчилик. Банкет дастурхони махсус мутахассис пазандалар ва официантлар томонидан одатдагидан ўзгача қилиб нафосат билан безатилади. Бунда ҳар бир таом дид билан тайёрланган ва безатиб қўйилган бўлиши шарт. Банкетда асосан яхна таомлар, шириналлар, мевалар ҳамда (иссиқ овқатлардан) қуюқ таомлар тайёрланади, суюқ овқат эса банкет дастурхонида берилмайди.

Банкет олимлар, адиблар, сиёсий арбоблар, дипломатлар, жамоат арбоблари иштирокида ўтказиладиган тантанали зиёфат бўлиб, дастурхон устида нутқ сўзлаш билан давом этади.

**Юбилей.** Таниқли олимлар, хизмат кўрсатган ўқитувчилар, санъат ва адабиёт арбобларининг илмий, педагогик ва ижодий фаолиятлари ҳамда ҳаёти (50 йиллиги, 60 йиллиги, 70 йиллиги ва ҳоказо)ни нишонлаш учун ўтказиладиган катта меҳмондорчилик. Маълум корхона, ташкилотларнинг 10 йиллик, 20 йиллик, 30 йиллик ва ҳоказо фаолият ҳам юбилей меҳмондорчилиги билан нишонланади.

Дастурхон тузалиши ва таомлар худди банкетдагидек бўлади. Вазият ҳам расмий, тантанали ва самимий бўлиб, дастурхон устида нутқ сўзлаш билан давом этади. Вақти-вақти билан қўшиқ, куй ижро этилади, рақсга тушилади, шеърхонлик, табрикномалар ўқиш ва мукофотлар топшириш, совғалар инъом қилиш бирин-кетин алмасишиб туради.

**Олтин тўй.** Оила жамиятнинг ячайкасидир. Жамиятда бўлгани каби ҳар бир оиласда ҳам иккита асосий: хўжалик ва тарбия вазифалари бўлади. Оила ўзининг ана шу вазифаларини узоқ муддатлар давомида ўтаб, яхши, ширин ҳаёт кечирса ва жамиятга муносиб фарзандларни тарбиялаб берса, бунинг аҳамияти foят каттадир. Оила шу икки вазифасини ўтайди олмаса, емирилади. Оиласарнинг бузилиши ва қўйди-чиқдининг кўпайиши эса, жамиятга ҳар жиҳатдан зарардир. Бунда меҳнат жараёнинг озми-кўпми путур етади, болалар тирик етим бўлиб изтироб чекади, ахлоқий нормалар издан чиқади ва ҳоказо.

Шунинг учун, оиласадек инсон ҳаётининг муқаддас ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ячайкасини кўп йиллар давомида мустаҳкамлай олган, турмушнинг аччиқ-чучугуни бирга татиган, одобли, қобил фарзандлар тарбиялаган эр ва хотин турмуш қурғанларининг 25 йиллигига «кумуш тўй», 50 йиллигига «олтин тўй» ва ундан ортиқ бирга ҳаёт кечирсалар, «бріллиант тўй» қилиб берадилар.

Тўйни «айбдорларнинг» ўзлари, вояга етган болалари ёки ишхонасининг касаба союз ташкилоти уюштиради. Дастурхон чақирилган меҳмонларнинг миқдорига қараб худди тўй ёки юбилейдагидек тузалади.

Чол-куёв билан кампир-келин ясанган ҳолда дастурхоннинг тўрига ўтқизилади, атрофида болалари, келин-куёвлари, невара, чевара, эваралари... ташриф буюрган меҳмонлар ҳам жой-жойларига ўтиришгач, издаҳом бошланади ва ўйин-кулги билан давом этади.

Чол-куёв ва кампир-келинга болалари, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй ва жамоатчилик вакиллари ҳозирлаган сарпо ва бошқа тухфаларни армуғон қиладилар. ЗАГС ходимлари эса «олтин тўй» шарафига мұяссар бўлганларга махсус ёрлик ёки диплом топширадилар.

Ушбу меҳмондорчиликнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, тўй эгалари оила каби мураккаб ҳаёт йўлининг қийинчиликларини қандай енггандарни, унинг лаззатидан баҳраманд бўлганлари, болаларни қандай тарбиялаганлари, ўқитганлари ёки ҳунар ўргатганлари тўғрисида ҳикоя қилиб берадилар. Бу удум тантанали бир вазиятда амалга оширилаётгани учун ҳам ёш оиласарга ибрат мактаби бўлади, ҳамманинг шулардек ҳаёт кечиргиси, иноқ-иттифоқ яшагиси келади, ёшларнинг бир-бирига бўлган, болаларига ва ўз ота-оналарига бўлган меҳри ортади. Оиласа мөхрнинг ортиши эса жамиятга, Ватанга бўлган муҳаббатнинг кучайишига сабаб бўлади.


**Бориб кўриш.** Меҳмондўстликнинг ушбу шакли бир неча хил бўлиб, булар: келин ёки куёв кўрганда, бола туғилганда, узоқ сафардан

қайтиб келганды, ҳарбий хизматни ўтаб қайтганды ва бемор бўлганда бориб кўриб, ҳол-аҳвол сўраб қайтишдан иборат. Одамнинг одамга дўстлиги, меҳрибонлиги, ана шулар орқали ҳам ёрқин намоён бўлади.

Бориб кўришнинг барча хиллари тўғрисида эмас, бу ўринда факат бемор кўриш удуми тўғрисида андак мулоҳаза юритмоқчимиз.

Бориб кўришнинг бошқа хилларида дастурхонни одатдагидек мезбон тузаса, бемор кўриш хилида эса, аксинча меҳмон мезбонга дастурхон олиб боради. Бемор кўргани борганды расми қуруқ борилмайди, нима ейиши мумкин эканлигини суриштириб билиб, қуюқ-суюқ парҳез ва шифобахш таомлардан бирини тайёрлаб, яна сут-қатик, мева-чевалар ва хомлигича ейилаверадиган сабзавотлардан олиб борилади.

Беморни бориб кўриш одамгарчиликнинг белгиларидан бири бўлиб, бу удумнинг бемор учун шарофати каттадир, у меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.



«Иссиқ жон борки, иситмаси бўлади», дейди халқимиз. Ҳа, инсон борки, оғирми, енгилми, касал бўлади. Касалнинг психологияси эса соғлом кишиникидан кескин фарқ қилиб, у инжиқ, таъби нозик, дилҳаста, асабий бўлиб қолади. Шифокорлар нечогли меҳрибонлик кўрсатишмасин, бари, бир у энг яқин кишиларини, дўст-улфатларини, ҳамкасларни қўймайди, уларнинг меҳрибонликларига муҳтоҷ бўлиб ётади. Шунинг учун меҳмондўст одам ўз дўсти, қадрдони ёки бирон қариндоши бемор бўлса, бориб кўриши шарт ва гаплашганды (буни айрим ўшлар билмагани учун маслаҳат тариқасида ёзяпман) кўнглини кўтариш, умидсизлигини камайтириш, далда бериш, шифокорга ихлосини орттириш пайдан бўлиши керак. Сира ҳам ташвишлантирадиган гап айтмаслик, узлуктирмаслик, нима иши ёки илтимоси бўлса бажаришга тайёр туриш, севинтириш орқали сиз беморга анча куч-қувват ато қилган бўласиз. Беморни дори билан эмас, балки сўз билан даволаш афзалдир, дейди доно Сукрот. Бинобарин, сиз-

нинг бемор одамга берган далдангиз, кўнгил кўтаришларингиз ҳар қандай доридан яхши шифо бўлиши мумкин.

Ҳалқимизда bemорни бир киши қирқ марта ёки қирқ киши бир мартадан бориб кўриши шарт, деган тушунча бор.

Бемордан ҳол-аҳвол сўраганда «яхшимисиз?» дейилади, касал ҳам «яхшиман» деб жавоб беради. Кейинги борганда «аввалгидан анча дурустсиз», дейиш керак, навбатдаги боришда «тузалиб қолибсиз», рангингиз тоза, энди ўзингизни дадил тутсангиз бўлаверади» қабилидаги сўзларни айтиш жоиз. Бу ҳам bemорнинг касалликка қарши курашиб фаолиятини мустаҳкамлади. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, касални кўргани бориш удуми ёлғиз bemор учунгина аҳамиятли бўлмай, балки бориб кўрувчи соғлом киши учун ҳам муҳимдир. Негаки, ҳар ким ўз саломатлигининг қадрига кўпроқ bemор ёнига борганда етади, у «Саломатлик — туман бойлик» деган ҳикматнинг мағзини чақадиган бўлади. Бу эса тансиҳатликни қадрлай олмайдиган айрим ўшлар учун бир сабоқдир. Шоир Махтумқули айтганидек:

Кўтар кўзнинг қиммати  
Кўр ёнида билинур.  
Соғ қулоқнинг қувончи  
Кар ёнида билинур.

Демак, касални бориб кўриш юксак инсоний фазилатdir.

## ИЖТИМОИЙ ҲАЕТДА СОДИР БЎЛГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ НИШОНЛАШГА БАҒИШЛАНГАН МЕҲМОНДОРЧИЛИКЛАР

Календарни қўлга олиб вараклаб қарасак, жамиятда содир бўлган муҳим воқеаларни нишонлашга бағишлиланган қирқтacha байрамимиз борлигининг гувоҳи бўламиз: 23 февраль — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти куни, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни, 18 март — Париж Коммунаси куни, 12 апрель — Космонавтика куни, 22 апрель — В. И. Ленин хотираси куни, 29 октябрь — Ленин комсомоли ташкил топган кун. Бизда ҳар бир касб-кор эгалари маълум бир санада ўзларининг байрамларини нишонлайдилар, чунончи: Геологлар куни (2 апрель), Матбуот куни (5 май), Радио куни (7 май), Кимёгарлар куни (27 май), Чегарачилар куни (28 май), Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни (1 июнь), Енгил саноат ходимлари куни (11 июнь), Медицина ходимлари куни (18 июнь), Совет ўшлари куни (9 июль), Металлурглар куни (16 июль), Савдо ходимлари куни (23 июль), Темирйўлчилар куни (6 август), Физкультурачилар куни (12 август), Қурувчилар куни (13 август), Шахтёрлар куни (27 август), Нефть ва газ саноати ходимлари куни (3 сентябрь), Танкистлар куни (10 сентябрь), Ўрмон ходимлари куни (17 сентябрь), Машинасозлар куни (24 сентябрь), Ўқитувчилар куни (1 октябрь), Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни (8 октябрь), Озиқ-Овқат саноати ходимлари куни (15

октябрь), Совет милицияси куни (10 ноябрь), Артиллерия ва ракета қисмлари куни (19 ноябрь), Энергетиклар куни (22 декабрь).

Бундан ташқари, улуғ байрамларимиз: 7 ноябрь — 1917 йил Улуг Октябрь социалистик революцияси галаба қылганидан буён байрам қилинади. 7 октябрь — СССР Конституцияси куни — 1977 йил Социалистик давлатимизнинг асосий қонуни қабул қилингандан буён нишонланади, 1 Май — меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1889 йили Коминтернинг 1 конгресси қабул қилган қарорга биноан ҳар ийли бутун дунёдаги меҳнаткашлар жанговар кучларининг кўриги сифатида байрам қилинади. Бу улуғ байрамларимиз интернационал характерга эга бўлиб, меҳнаткаш аҳолининг ижтимоий ҳаётда яшashi, ишлаши ва курашиши жараёнида эришган муваффакиятларининг рамзидир.

Маълумки, ҳар бир байрам тантанали (маънавий) қисмдан ҳамда меҳмондорчилик (моддий) қисмидан ташкил топади. Байрам куни ҳамкаслар, дўстлар, таниш-билишлар, қариндош-уруглар бир-бирларини самимий табриклайдилар. Дастирхон атрофига йигилиб, ҳамжиҳат, самимий ва дўстона вазиятда байрамни нишонлайдилар. Байрам меҳмондорчилигига ҳозирланган дастирхон одатдагидан кескин фарқ қилиб, яхна тамаддилар, суюқ ошлар, қуюқ таомлардан тортиб, ширинликларгача тайёрланади ва нафосат билан безатилиб, дастирхонга тортилади. Дастирхонга яна мева-чевалар ва гулдасталар қўйилади.

Зиёфат қуюқ бўлиб, ўйин-кулги авжига миниб, қалблар қувончга тўлган бу меҳмондорчиликни мезбон ва меҳмонлар узоқ вақт эслаб юрадилар.

## КЎНГИЛЛИ ДАМ ОЛИШГА БАҒИШЛАНГАН МЕҲМОНДОРЧИЛИКЛАР

Дала сайли. Меҳмондорчилигимизнинг ушбу шакли кўпроқ баҳор, ёё ва куз фаслларида бажарилади. Дала сайли оила аъзоларидан, дўст ўртоқлардан, ҳамкаслардан иборат группалар иштирокида ўтади. Бу меҳмондорчиликнинг мақсади: дала, дарё бўйлари, адир ва тоғлар, ўрмон жойларга бориб сайр қилиш, табиат гўзаллигидан, соғ ҳаводан, ўсимликларнинг муаттар ҳидлари, зилол сувларнинг салқинидан баҳраманд бўлишdir. Дала сайли меҳмондорчилигига мезбонлик вазифасини ўтовчи шахс бўлмайди, зиёфат ҳарифона асосида ташкил ётилади. Таомларни саёҳатга чиқиш олдидан ҳар ким ўзи тайёрлаб олган бўлади. Агар овқат сайргоҳ жойда тайёрланадиган бўлса, бунга барча иштирок этади. Очик ҳавода таом тайёрлаш ва истеъмол қилишнинг зўр гашти бор. Дала сайлида ҳар хил ўйинлар ўйналади, гул терилади, суратга олиш ташкил ётилади ва овознинг борича ашула айтишга шу сайил жуда қўл келади.

Ушбу сайил кишига эстетик завқ берадиган, кўнгилли дам олишини таъминлайдиган, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайдиган яхши воситадир. Дала сайли, айниқса, ёш болалар учун жуда мароқли бўлади. Эркаторилар югуриб-елиб ўйнаш, роҳатланиб чўмилиш, гул ва турли мевалардан баҳраманд бўлишдан ташқари ҳали ҳаётда учратмаган

ўсимликлар ва жонли мавжудотлар тўғрисида таассурот ва билимга эга бўлиб қайтадилар. Дала сайлида экинзорларни пайхон қилиш, шиша, тунука қути ва бошқа нарсаларни ташлаш, ўрмонда бўлса, олов ёқиш, «Қизил китобга» кирган ўсимликларни териш, ҳайвонларни овлаш, сувларни ифлослантириш, овқат қолдиқларини ташлаб кетиш каби салбий хатти-ҳаракатларга сира йўл қўймаслик керак.

**Ҳарифона.** Бу ўзбек меҳмондорчилигининг ўзига хос турларидан бири бўлиб, бунда ҳам мезонлик вазифасини ўтовчи бўлмайди. Бир неча киши баробар маблағ сарфлаб, ўзларини ўзлари меҳмон қиласидилар. Ҳарифона меҳмондорчилигига мисол қилиб чойхонада ош ташкил қилишни олиш ҳам мумкин. Баъзан илгари таниш-билиш бўлмаган кишилар ҳам бир-бирлари билан бирикиб, танишиб, меҳмондўстлик қилганлар. Ҳарифона кўпинча мусофиричиликда учрашиб қолган танишлар ёки таниш бўлмаган ҳамشاҳарлар ўртасида импровизация йўли билан ташкил этиладиган меҳмондўстлик шаклидир. Ҳозир ҳам ўзбеклар орасида узок-узок жойларда бир-бирлари билан учрашиб қолганлар ҳарифона уюштириб, анъанавий таом — палов пиширишни ташкил қиласидилар ва ош устида танишиб оладилар. Бу одатнинг ҳеч қандай реакцион мазмуни бўлмаганлиги сабабли ҳанузгача сақланиб келади. Ҳарифона кичик меҳмондорчилик бўлиб, унда уч-тўрт кишидан ўн кишигача иштирок этади.

Чойхонада ош ташкил этиш. Бу ҳам меҳмондорчиликтининг бир тури бўлиб, узок ўтмишдан то бизнинг давримизгача етиб келган. Чойхонада ош ташкил қилиш меҳмондорчилигининг жуда гашти бор. Дўст-биродарлар, ҳамкасб-ўртоқлар ишдан бўш вақтларида кўнгилли дам оладилар, ширин сухбат қурадилар. Сўнгра паловпазлик бўйича мусобақа бўлади, улфатлар ҳар гал навбатма-навбат ош пиширганларида бир-бирларини синаб кўрадилар, овқат пиширишни билмаганлар эса, мана шу жойда ўрганиб оладилар.

Паловпазлик мусобақаси ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Тошкент, Кўкон, Марғилон, Фаргона, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардаги ҳамда район марказларида чойхоналарда турли ёш ва касбдаги улфатларнинг ош пишираётганини кўриш мумкин. Бу ерда бир-бирига илтифот кўрсатиш, ҳазилкашлиқ қилиш, барча иштирокчилар палов тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бирон-бир юмушни адо этиши вазияти ҳукм суради. Сабзи тўғраш, ёғ доғлаш, зирвак пишириш ва гуручни солиб дамлаш каби мураккаб технологик жараёнлар бўйича паловпазлар бир-бирлари билан тажриба алмашадилар. Тайёр палов барчанинг жамулжамлигига баҳам кўрилади.

Демак, чойхонада ош ташкил қилиш меҳмондўстлигининг мазмуни маълум маънода ёшларга таом тайёрлашни ўргатишдан иборат, десак бўлади.

Бироқ, бу анъананинг йўқотилиши зарур бўлган батъзи камчиликлари бор. Улардан бири — ош ташкил қилинганда ичкиликбозликка йўл қўйилиши бўлса, иккинчиси — ошни керагидан ортиқ ейишdir. Маълумки, шифобахш ва таомларнинг улуғи бўлган палов жуда кўп ейилганда киши саломатлигига зарар қиласиди. Абу Али ибн Сино бундай дебди:

— Таомни одам ейди, лекин шундай таом ҳам борки, у одамни ейди!

— Ие, бу қандай таом? — деб сўрашса, у:

— Ҳаддан ташқари кўп ейилган таом, — деб жавоб берган экан. Яна шуни ҳам айтиш керакки, палов тайёрлашни ўрганиб олган

айрим әрқаклар ўз маҳоратини уйда, оила аъзоларига овқат пиширишда намойиш қилмайдилар.

Ха, әрқаклар, айниңса, ёш йигитлар оиласында овқат тайёрлашга кўмаклашишлари керак. Чунки оила жамиятнинг ячейкаси ҳисобланиб, унинг иккита асосий вазифаси: тарбиявий ва хўжалик вазифаси бор, дедик. Ҳар икки вазифа тенг ҳуқуқли эр-хотиннинг баббаробар адо этадиган юмушидир, таом тайёрлаш эса, оила хўжалик вазифасининг бир қисми ҳисобланади.

Гаштак. Фарғона водийсида ушбу меҳмондорчиликни «гап ейиш» деб ҳам юритилади. Кўп жойларда «гап-гаштак» деб аталади. Илгари ҳар бир маҳаллада гаштак меҳмондорчилиги ташкил қилинадиган алоҳида жамоат меҳмонхоналари бўлар эди, баъзи жойларда ҳозир ҳам бор. Махсус меҳмонхоналар бўлмаган тақдирда гаштак навбатма-навбат хонадонларда ташкил этилади. Гаштак меҳмондорчилигининг мазмуни маҳалла-кўй, ёру биродар, ҳамкаслар ишдан бўш вақтларида навбатма-навбат зиёфат ташкил қилиб, кўнгил очишидир. Илгари кино, театр, телевизор бўлмаган пайтларда гаштак, айниңса, қишлоқ жойларда кузда экин-тикин ҳосили йиғиб олингач,



қишиш ва баҳор ойларида ҳордик чиқарышнинг ўзига хос усули ҳисобланган. Гаштакда ўйин-кулги, куй-ашула, асқиябозлик, ҳар турли қизиқчиликлар жуда авжига чиққан. Ҳар ким ўзининг ашула айтишга ёки бирор музика асбобини чалишга бўлган қобилиятини гаштак меҳмондорчилигига тўплangan ўз тенгқурларига ва бошқа меҳмонларга намойиш қилиш имконига эга бўлган. Ўзбек хонадонларининг кўпидаги дутор, танбур, рубоб, фижжак, доира каби музика асбоблари бўлади. Гаштак қатнашчилари орасидаги талантлар ўз маҳоратларини ана шу асбоблар орқали намойиш этадилар.

Гаштакнинг «гап ейиш» деб аталишининг ҳам маъноси бор. Бунда ҳар турли ҳикоялар айтилади, шеърхонлик, ашула, асқия бўлади, одамлар ўз ҳаёт ва иш тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Гаштак қоидасига кўра гийбатга, бировларни ёмонлашга йўл қўйилмайди.

Кариялар билан бирга гаштакда қатнашган ёшлар эса юриштуриш, меҳнат қилиш, одамгарчилик қоидалари юзасидан ҳамсухбат бўлиб, улардан ибрат оладилар, билмаганларини ўрганадилар. Гаштак кўнгилли дам олишни таъминлайдиган, ёшларни одамгарчиликка ўргатадиган, ҳамжиҳатликни, дўстликни мустаҳкамлайдиган меҳмондорчилик шакли ҳисоблангани учун ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Гаштакни ташкил қилиш қоидаси бўйича ёру дўстлар, маҳалла-кўй, ҳамкаслар орасидан бир киши «маслаҳат оши» ташкил этади. Бунда гап меҳмондорчилигига қатнашадиган кишиларнинг сони аниқланади, бир киши «жўра боши» қилиб сайланади. Жўра бошига гаштак ўтказиладиган жойни (маҳалла меҳмонхонасими, чойхонасими, хонадонларми) аниқлаш, вакт соатини (ҳар ҳафтами, ҳар ойдами) белгилаш топширилади. Иштирокчиларни уюштириш, гаштак навбатини белгилаш ҳам жўрабоши зиммасида бўлади. Ҳар бир иштирокчи эса, ўз навбати келганда жой ҳозирлаш, зиёфат тайёрлаш ва гаштакнинг оқилона ўтишини таъминлаш вазифаларини бажаради. Гаштакда 5 тадан 50 тагача одам иштирок этади.

Гаштак меҳмондорчилиги ҳануз ҳам сақланган ва у кўпроқ дехқонлар, косиблар ва эндиликда зиёлилар томонидан ҳам уюштирилади. Дехқонлар бу меҳмондорчиликни асосан қишлоқ хўжалик ишлари тугаган қиши фаслида ўтказадилар.

Гаштакдаги камчилик шуки, унда аксарият эркаклар иштирок этиб, аёллар эса қатнашмайдилар ёки улар ҳам ўзлари алоҳида уюштирадилар.

Яна бир камчилиги ёки бузиб ижро этилишига мисол, таомларни ортиқча тайёрлаб, ичкиликни кўпайтириб «манманлик», «бойваччалик», «мешчанлик» қилишлардир. Гап-гаштакни шу камчиликлардан халос қилиш орқалигина уни дам олишнинг бир воситаси сифатида сақлаб қолса бўлади.

**Оддий меҳмондорчиликлар.** Ўзбек меҳмондорчилигининг янги кириб келаётган шакллари кўп: аскарликка кузатиш, пенсияга узатиш, ишхонадаги ҳамкаслар бир-бирларини туғилган куни билан табриклаб, кичик-кичик зиёфатлар ташкил этиб, тухфалар тақдимлаш, 23 февраль — Совет Армияси кунида уруш ветеранлари, солдатларни, 8 март Халқаро хотин-қизлар кунида эса аёлларни табриклаб, меҳмондорчиликлар ташкил қилиниши кабилар шу жумлага киради. Бундай меҳмондорчиликлар мамлакатимиздаги барча халқлар учун умумий бўлган янги одатлардир.

## ТАБИАТДА СОДИР БҮЛГАН ЎЗГАРИШЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МЕҲМОНДОРЧИЛИКЛАР

Қорхат. Ўзбек халқи меҳмонни севгани шу даражадаки, табиатдаги ҳар бир ўзгариш ҳам меҳмондорчиликка сабаб деб қарабан. Шулардан бири қорхат меҳмондорчилигидир. Кеч куз, омборлар серҳосил ёзнинг неъматларига тўла. Авжи ҳордиқ чиқарадиган пайт. Меҳмонхоналарга тўпланиб олиб, дўстлар билан анжуман қуришга не етсин!

Дастлабки қор бунга баҳона. Биринчи қор учқунлаши билан ёрбиродарлар бир-бирларига яхши тилаклар, илиқ-илтифотли сўзлар ёки шеър билан хат ёзиб, олиб борадилар. Хатни топширган киши тезда қочиб қолади. Қорхатда албатта шарт қўйилган бўлади. Шарт шуки, хатни қабул қилувчи, хат топширган кишини маълум белгилangan паккагача тутиб олиши зарур. Тутиб олса, зиёфатни хат ёзувчи ташкил этади, тута олмаса, зиёфат хатни қабул қилувчининг гарданига тушади. Қорхатда, албатта, неча кишини не хил таомлар билан меҳмон қилиш айтилган бўлади. Шундай қилиб, бу ҳазил-мутойиба меҳмоннавозликка сабаб бўлади. Бу одат илгари халқ орасида жуда кенг тарқалган эди. Тарихчи Ю. Соколов ўзининг «Тошкент, тошкентликлар ва Россия» номли китобида қорхат меҳмондорчилигини: «Исломга қадар пайдо бўлган ва XIX асрнча сақланган байрам эди», деб тўғри фикрни баён қиласди. Бироқ, анъананинг номини «қор ёғди» деб атаб, «хотин-қизларнинг оммавий байрами бўлган» деб андак хотага йўл қўяди (90.123).

Бизнинг фикримизча, қорхат меҳмондорчилиги деҳқонларга ва косибларга хос издаҳом бўлган бўлиши керак. Бу одат XX асрнинг бошларидан бошлаб алланечук сабабларга кўра унтилган ҳисобланади. Таниқли шоирларимиздан Faфур Ғулом билан Собир Абдулла бир-бирларига шундай қорхат ва таклифнома ёзганлар.

Воқеа бундай содир бўлади. 1945 йил 17 ноябрь куни қор ёғади. Собир Абдулла ўз ижодхонасида ёзув-чизув билан машғул эди. Шу пайт эшик қоқиласди-да, унинг учун азиз бўлган ёзувчилардан Саид Аҳмад билан Туроб Тўла кириб келишиб, мезбонни кувонтиришади. Лекин меҳмонлар кўп ўтиришмай, ҳатто чойнакдаги чой тугамай, ўринларидан қўзгалишади. Улар ҳурматли Faфур акадан «элчи» бўлиб келганликларини ва эртага у кишиникига боришни илтимос қилиб чиқиб кетишади. Орадан бир оз фурсат ўтгач, Faфур Ғулом сим қоқиб, Собир акани биринчи қор билан қутлаб, сўнг қўшиб қўяди:

— Жуда соддасан, дўстим! Сенинг шу самимий меҳмондўстлигингни яхши кўраман! Китоб жавонингдаги Фузулий баёзининг орасидан қорхатни олиб ўқи! Йигитлар бу муҳим вазифани бажариб, қайтиб келишади.

Собир Абдулла Фузулийнинг қўлёзма баёзи орасидан ушбу қорхатни тоғди:

Азиз дўстимиз Собиржон ибн Абдуллоевга етиб маълум бўлсинки:

Қўлингизда ярқираб турган бу хат, қорхат укам,  
Қўлга тушдингиз, иложсиз белни боғлайсиз маҳкам.

Бисту панжум йигилурмиз улфату чор ўргулай,  
Ҳарнаки топган-таянган бўлса ноchor ўргилай.

Ўн қадоқ гўшт, бир қази, Тошкентча «норин» дейдилар,  
Қўлга тушгач, хоҳ ранжи, хоҳ оғрин дейдилар.

Воқеан, ёддан чиқай дебдир талабнинг тантиси,  
Яхна гўшт, япроқ қази закускамизнинг мантиси.

Ким келур эркан, десангиз: сақлабон эски удум  
Мен бўлурман, Мавлави Шайх, мулла Уйгуни фўрум,

Миртемир хушкайфлиги ғоят томошо бўлгуси,  
Қаҳқаҳа авжга чиқиб, совсим хорошо бўлгуси.

Собиро, тан бер ўзинг ҳам, биз каби меҳмон қани,  
Борми инсофинг, орамизда ушалган нон қани?

Балки бу суҳбат аросида ечиғлуси тугун...  
Хулласи, маняргабу, бўлсин зиёфатлар тўкун.

Шеърнинг остида: «Faфур Ғулом. Қўлга тушсам жавобгарман,  
деб қўл қўйдим», деган ёзув бор эди. Қоидага мувофиқ Собир Абдулла  
қўлга тушган ҳисобланиб, ўша заҳотиёқ ушбу таклифномани ёзиш  
га киришади:

«Бадри Шоший соний, замон адабиётининг ширин лисони, сух  
батнинг жони, дўстларнинг меҳрибони, «Машраблар қиссаси»нинг  
қаҳрамони, латифагўйликнинг хазинаю кони, яъни биродарим Fa  
фур Ғуломий.

## Корхатга мувофик

### Таклифнома

Ассалом, эй, дўсту қадрдон Faфур,  
Файласуфу Ҳозиқу Луқмон Faфур!

Ҳафталари ўтди, ўзим чиқмадим,  
Сигмаган жойга бошим тиқмадим.

Мақсад ўлиб, дўстларимни бир кўриш,  
Бир чакириб, бошларидан ўргулиш.

Сув каби бу умр ўтар шу қиёс.

Кисқа қилиб сўзни қиласай илтимос.

Киссаси шу: йўлингга муштоқ эдим,

Сенга қадрдон эдим, ўртоқ эдим,

Иўллаган у корхатинг қўндириб,

Корхати демаки, хўб дўндириб,

Ташлаганинг — бир кишини ёд этиб,

Ед этишинг бирла ани шод этиб,

Иўқлаганинг дўст ила ҳамкорни,  
Яъни «аруз бирла гунохкор»ни.  
Номини сиз — дўстларим сўзлашиб,  
Кўнглин олиш чорасини кўзлашиб,  
Мавлави Шайх, Уйғун ила Миртемир  
Улфати чор, тўртала равшан замир,  
Истасангиз кулбага меҳмон бўлиш,  
Дўсту қадрдан танига жон бўлиш:  
Қайси куни бўлса, пажолиста, хўб,  
Барчаси бор: истагил оз, иста кўп,  
Қази, узум, мантию ёғлиқ патир,  
Иўқласа ким-кимни, қадр ўрнатир!

Хурмат билан меабон: Собир Абдулла,  
Тошкент. 1945 йил 17 ноябрь<sup>1</sup>.

«Қорхат» ва «Таклифнома»дан яққол кўриниб турибдики, бу энг яқин, ҳазилкаш, сирдош ва қадрдан дўстларнинг ҳазил-ҳазил билан уюштириладиган меҳмондорчилик шакли бўлиб, дўст дўст билан узоқроқ вақт учрашолмай қолса: «Қор ёғса ҳам кўришмаймизми бир-бirimiz билан», деган маъно бор бунда. Қорхат меҳмондорчилиги эндилика тикланиб, яхши анъаналардан бири бўлиб қолишига ишонамиз.

**Наврўз байрами.** Мазмуни баҳорни кутиб олишдан иборат бу байрам на фақат ўзбек халқида, балки бутун Ўрта Осиёда, Қозогистон, Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистонда истиқомат қилувчи аҳолининг кўп асрлар мобайнида таркиб тошиб келаётган маданиятининг ажралмас қисмидир.

Чор Россияси даврида майда миллатлар ва қолоқ ўлкалар ахолисининг (Ўрта Осиё қолоқ ўлка ва барча рус бўлмаган аҳоли майда миллат деб ҳисобланар эди) тили, урф-одатлари, анъаналари, миллий маросимлари калака қилинар, маданиятсизлик деб ёки диний тус берилиб талқин қилинарди.

Аслида эса миллий маданиятдан дин ва миллатчилик келиб чиқмасдан, аксинча интернационализм пайдо бўлади. В. И. Ленин таълимотига кўра эса: «Ҳар бир миллий маданиятда гарчи у ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик элементлар бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилувчилар бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туддиради» (10.8-9.).

Ленинизм таълимотидаги мана шу ҳақиқат миллий маданиятнинг, миллий анъаналаримизнинг ажралмас қисми бўлган наврўз байрамини таҳлил қилишимиз учун асос бўлади. Эндилика ҳам социализм шиори демократия, ошкоралик, барча халқларнинг тенг ҳукуқлилиги ва интернационал маданияти шиоридан иборатdir.

Октябрь инқилобининг ютуқларидан бири шу эдики, ҳар бир халқ ўз анъана ва урф-одатларини бемалол амалга ошириш ҳукуқи-

<sup>1</sup> Шеърлар «Муштум» журналининг 1967 йил 7-сонидан бир оз қисқартириш билан олинди.

га эга бўлганди. Чунончи, 1917 йил 20 ноябрда Халқ Комиссарлар Советининг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашлари» номли мурожаатида бундай дейилган эди:

«Ўртоқлар! Биродарлар!

Россияда улуғ ҳодисалар рўй бермоқда... Бу муқаддас ишда Россия якка эмас... Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, Сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан бўён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, Сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади» (13.404-405).

Шунга қарамай, баъзи бир калтабин раҳбар кимсалар томонидан Наврўз каби миллний ва демократик характерга эга бўлган анъанамизни қалака қилишга, камситишга ва диний деб эълон қилишга уришилар бўлди. Натижада 4000 йилдан бери баҳорни ардоқловчи байрамимиз 1987 йили нишонланмай қолди. Шоир Абдулла Орипов бунга шама қилиб, ушбу тўртликни битган эди:

Сен бизни кечиргин эй, Наврўзимиз,  
Фафлатда чалғиди ул кун қўзимиз.  
Юзингга шапалоқ тортиб юбордик,  
Шўрпахта босамиз энди ўзимиз.

Орамизда Наврўзни ҳали ҳам диний байрам деб тушунувчилар бўлганлиги сабабли ушбу анъананинг исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини ва у кўп халқларнинг интернационал ҳамда демократик асосга эга бўлган қадимий одати, одамларни дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, одамгарчилик руҳида тарбиялайдиган бир мактаб эканлигини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, Наврўзнинг келиб чиққанига 4000 йил бўлди. «Наука и религия» журналининг 1967 йилги 3-сонида (48-бет) босилган озарбайжонлик атеист олима С. Ашуреванинг бу тўғридаги мақоласида айтилишича: «Наврўз тўрт минг йил муқаддамги байрам бўлиб, у билан боғлиқ бўлган одатлар ва унинг ўзгармас санаси исломгача бўлган табиат қучларига, қуёшга ва баҳорга топиниш асосида келиб чиққан». Исломнинг келиб чиққанига эса, 1400 йилдан ошди. Бинобарин, Наврўз йилнинг бошланиши бўлиб, одамларни табиат қучогига чорловчи, соф ҳаво, олам гўзаллигидан, қуёш тафтидан баҳра олдирувчи, зерикарли ва қаҳратон қишдан безган одамларга эмоционал завқ берадиган бир байрам сифатида шакллангандир.

Иккинчидан, Ислом дини билан боғлиқ бўлган барча маросимлар (рўза тутиш, рамазон ва қурбон ҳайитлари ва ҳ. к.) диний ой солномасига кўра йилнинг турли фаслларида келиши мумкин. Аммо Наврўз Қуёш солнномасига биноан фақат баҳорда, аниқ сана — 21 марта (қабиса йили 22 марта) келади. Мана шу ҳам наврўз байрамининг исломга мутлақо алоқаси йўқлигини кўрсатади.

Наврўзнинг актив иштирокчиси халқ бўлиб, у ўйин-кулги, ашула, асқия билан байрам қилинади. Илмий далилларга келганимизда, Умар Ҳайём тузган астрономик жадвалга кўра осмон ўн икки буржга бўлинган бўлиб, Қуёшнинг Ҳут буржидан Ҳамал буржига ўтиши ҳар йили 21—22 марта кундуз соат 12 да содир бўлади. Худди шу сана ва соат Наврўз бошланганидан дарак беради.

Наврўзнинг баҳорда нишонланиши жуда мантиққа мувофиқ бўлиб, баҳор йилнинг бошланиши: ўсимликлар уйғонади, ҳашаротлар инидан чиқади, қиша узоқларга учеб кетган қушлар қайтиб келади. Ҳаво ҳам мусафро ва мўътадил бўлиб, ариқларда лиммо-лим сув оқади, тупроқ ҳам қишишархатлигидан уйғонади, нимаики экилса, ўз қувватини бериб, ундиришга ҳозир... Қишлоқ хўжалик ишлари бошланниб кетади... Қўйлар қўзилайди, қирлар майсаларнинг кўм-кўк гилами билан қопланади, ариқларнинг бўйида ялпиз барқ уриб, атрофга муаттар бўй таратади.

XI асрнинг нодир ёдномаси «Қутадғу билиг» асарида Юсуф Ҳос Ҳожиб наврўз бошланадиган куннинг таърифини қўйидагича ифодалайди. Китоб қадимги туркий тилда ёзилган бўлиб, замонавий ўқувчиларга тушунарли бўлсин учун 62 — 66-байтларнинг насрый мазмунини келтираман:

«Аввал Шарқдан баҳорий шаббода эсиб келади, бу — оламни безаш учун жаннат йўлини очади. Оқ ранг (яъни қор) кетиб, ерга ипор тўлади ва ҳаммаёни аргувон — алвон ранг әгаллайди, чунки олам чиройли безанмакни истайди.

Баҳор насими зерикарли қишини ҳайдади, мусафро баҳор яна ўз ҳукмига кирди.

Қуёш қайтди, яна келади ўз ўрнига, яъни балиқ қуйруғидан кўзи, бурнига.

Япрогини тўккан дарахтлар яна яшил кийинди, ол, сарик, кўк, қизил ранг билан безанди». (76. 73.) Бунда «балиқ» эски астрономияга биноан Ҳут ойи бўлиб, осмон ўн икки буржининг энг охиргиси. Бизнинг солномага биноан февраль — марта тўғри келади. «Қуёш қайтади яна ўз ўрнига, балиқ қуйруғидан кўзи, бурнига» дейилганининг маъноси: Қуёшнинг Ҳутдан Ҳамалга ўтишига берилган тасвирdir. Ҳамал осмон ўн икки буржининг биринчиси бўлиб, Қуёш солномаси бўйлаб янги йил — Наврўз ҳисобланади.

Маълумки, Ҳамал ойидан эътиборан ер бағридан тафт келади, экилган экин кўкариши учун имкон туғилади. Буни жорий солномага қиёсласак, март ойининг учинчи декадасига тўғри келади.

Навбаҳорни шоирлар муҳаббат рамзи, дўст-ўртоқлик рамзи, поклик рамзи сифатида куйлаганлар, чунончи, Муқимий:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Суҳбат айлайлик келинглар, жўралар, ўртоқлар!  
Хуш бу маҳфилда тириклик, улфату аҳбоб ила,  
Ўйнашиб гоҳи табиатни қилайлик чоғлар.

деса, шоира Бону:

Келди наврўзи ажойиб, сайри гулзор айлангиз,  
Тўтию булбул сифат оҳангি дилдор айлангиз.  
Жам бўлиб аҳбоб ила тузмоқда базми боғ аро,  
Ошиқи девона айтмай бизни ҳам ёд айлангиз.

дейди.

Ўрта Осиёда Наврўзни байрам қилишнинг классик намунаси Хўжанд (ҳозирги Ленинобод) шаҳрига яқин Сирдарё соҳилларида ўтган. Бу жой гоятда баҳаво, лола ва чечаклар очилган адир ёнбағирлари бўлган. Сайлгоҳга бўёғи Тошкентдан, уёғи Фарғона водийисидан ва

Самарқанд томонлардан меҳмонлар келишиб, ерли аҳоли билан биргаликда дарё бўйлаб Қуёш томон юришиб, баҳорни кутлаганлар.

Сайилгоҳ каттакон бозорга айланниб, пазандалар, қандолатчилар ўз маҳоратларини намойиш этганилар. Дорбозлик, қўғирчоқбозлик, асқиябозлик, қизиқчиликлар авжига чиқкан. Чор атрофга ялла ва куй садолари тараалган. «Дилдор», «Ушшоқ», «Шашмақом» куйлари кўп ижро этилган. Ҳатто Наврӯз байрамининг гимни ҳам бўлиб, бу «Наврӯзи ажам» деб аталган ва то бизгача етиб келган.

Наврӯз бир кунда ўтиб кетадиган байрам бўлмасдан, балки бир неча кун давом этадиган қатор сайилларнинг мажмуасидир. Чунончи, сумалак сайли, лола сайли, қўшчи оши каби маросимлар бир-бирига уланиб кетади.

Наврӯз байрамига тайёргарлик бир ҳафта-ўн кун олдин бошланади: ҳамма ўзига янги либослар тикириади, уйлар, ҳовлилар, ариқлар ва кўчалар яхшилаб тозаланади, сумалак учун буғдой ундирилади.

Наврӯз байрами бошланган кундан эътиборан одамлар барча хафагарчиликларни унудишига, гинахонликларга барҳам беришга интиладилар. Наврӯз кунлари ҳеч кимнинг оғзидан ёмон гап, ҳақорат чиқмаслиги шарт ҳисобланиб, уриш-жанжал ман қилинади. Бемаънигарчилик, ўғрилик, бадмистлик ва нимаики инсонга иснод бўлса, жамоатчиликнинг газабига учрайди. Шу сабабли Наврӯз кунлари ҳамма жойда интизом, озодалик ҳукм суради, юзларидан табассум аримайди, уришганлар ярашиб оладилар, барча бир-бирига хушбахтлик, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик каби эзгу истакларини изҳор этади.

Шу улуг айёмда меҳмоннавозлик, одамшавандалик яққол намоён бўлади. Қариндош-уруглар, дўст-улфатлар бир-бирларини кига ташриф буоришиади. Ешлар кексаларга алоҳида наврӯз совгалари олиб борадилар. Наврӯз кунларида беморларни бориб кўриш, камбағал, етим-есир, бева-бечораларни йўқлаш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади.

Наврӯз кунлари ота-она фарзанд кўришса, унга Наврӯзбек, Наврӯза, Озод, Озода, Бахтиёр, Навбаҳор, Лола каби чиройли исмлар қўйишган.

Наврӯз далаларда, боғларда, қирларда, табиатнинг гўзал масканларида ўтказилар экан, бунда ҳамкаслар, маҳалла-кўй, ёр-биродарлар бирга бўладилар, одамлар баҳорнинг илк нишоналари лола, бойчек, ялпиз териб сайр қиласидилар.

Қизлар ва келинчаклар Наврӯз кунлари қошлирига ўсма, қўзларига сурма қўйишган, аргимчоқ учишган. Алоҳида қизлар базми — мажлиси ташкил қилишиб, даврада раке билан ижро этиладиган ашулалар айтишган. Мана улардан бири:

Ўсма қўяди қизгина,  
Сурма қўяди қизгина.  
— Қани, қани?  
— Ана, ана!  
Яйраб юроди, қизгина,  
Ўйнаб-кулоди, қизгина.

Ўсмир болалар бойчечак териб келиб, хонадонларга улашиб, ушбу термаларни айтиб юришиади:

Бойчечакнинг онаси, боласи, ей,  
Кулогимда донаси, донаси, ей.  
Онасини териб олсан,  
Бодраб чиқди боласи, боласи, ей.

Айтилганлардан маълумки, Наврӯз сира ҳам диний байрам эмас, балки одамларни меҳр-оқибатли, инок-иттифоқ, покиза, хуштабиат, меҳмондўст қилиб тарбиялайдиган, кишиларга эстетик завқ берадиган бир воситадир.

Сумалак сайли. Ушбу сайил Наврӯз билан алоқадор бўлганлиги учун «бу ҳам диний таом» деган тушунча кўп вақт ҳукм сурди. Сумалак таоми ва у билан боғлик бўлган меҳмондорчилик исломдан анча илгари келиб чиққан.

Чунончи сумалак тайёрлаш учун керакли буғдой маросимда иштирок этиувчи ҳар бир хонадон ёки хўжаликдан ҳарифона усулида тўпланган. Ушбу таомни тайёрлашда эса фақат аёллар иштирок этишган.

Хуллас, сумалак катта қозонда пиширилиб, тайёр таом барчага, ҳатто ҳисса қўшмаганларга ҳам тақсимланган.

Наврӯз билан алоқадорлиги шундаки, сумалак йилда бир марта баҳорда (мартиңг охири ва апрелнинг бошларида) тайёрланади, холос. Наврӯз ҳам-худди шу пайтда ўтади. Фақат баҳорда тайёрланишига: доннинг униб чиқиши учун зарур бўлган ҳаво ҳароратининг мўътадиллиги сабаб бўлади.

Сумалак сайли ўзбек, тоҷик, қозок, қирғиз, озарбайжон, афғон ва эрон халқларидагина мавжуд.

Биокимёгар олимларимиз бу таомнинг таркибини текшириб аниқлашларича, сумалакда карамелга айланган шакар моддаси, оқсил, бирмунча фойдали жавҳарлар ва дармондорилар мавжуд экан. Сумалакда, айниқса, инсон учун энг керакли С дармондориси мўлдир. Албатта, ушбу моддалар тўғрисида сумалакни кашф этган қадимги дежқонларда ҳеч қандай тасаввур ҳам бўлмаган. Бироқ, таомнинг фойдалилигини узоқ даврлар ҳаётий тажрибаларига асосланиб билиб олган халқ, уни йилнинг боши — баҳорда, Наврӯзда тайёрлашни лозим топган. Бунинг ҳам сабаби бор: баҳорда янги сабзавот ва мева-лар ҳали энди экилган бўлади, куздан бери сақланганларида эса инсон учун зарур моддалар, айниқса, дармондорилар камайиб кетади. Қишида ва эрта баҳорда кўпроқ дармондорисиз таомлар ейишга тўғри келганлиги учун ҳам одам организмида дармондориларга талаб кучаяди, дармони қурийди, буни халқда «илик узилди пайт» дейилади. Шунинг учун одамлар буғдойни хона шароитида ундириб, ундан дармондори ва бошқа моддаларга бой сумалак тайёрлаш усулини кашф этишган. Сумалак мева, сабзавот ва кўкатлар оғизга теккунча организмни керакли моддалар билан таъминловчи бирдан-бир ноёб таомдир. Уни ёш гўдаклардан тортиб, қарияларгача, соглом кишилардан тортиб, барча турдаги касалларгача ейиши албатта фарз қилиб қўйилган.

Сумалакнинг шифобахшлигини яна шу нарса исботлайдики, 1936 иили немис олимларидан Эвенс билан Эммерсон буғдой ўсимтасини олиб текширганларида, таркибида токоферол деб аталувчи модда борлигини аниқлайдилар. Мазкур модда — Е дармондорисидир. Бу дармондори фақат ёғда эрийди, жавҳарлар (кислоталар) таъсирида ҳам, кучли олов таъсирида ҳам емирилмайди. Токоферол ёки Е дармон-

дориси 170 даражасынан күчтүрүлгөн ҳароратида ҳам ўз күчини сақлаб қолар экан. Маълумки, сумалак 110—120 даражасынан күчтүрүлгөн 3000 МЕ<sup>1</sup> токоферол олиш мүмкүнлиги аниқланган. Бунча дармондорининг шифолик қуввати ҳаёт илдизи деб аталувчи женшенга баробардир. Хулоса қилиб айтганда, сумалак ўта шифобаҳаш таомдир.

Қоида бўйича сумалак тайёрланган куни бошқа таом истеъмол қилмай, фақат нон ва сумалак ейилиши керак. Шу бир кунлик парҳезнинг ўзиёқ, халқ медицинасининг тажрибаларига кўра қабзият, дармондори талаблик, қон босими ортиши, шамоллаш, ошқозон ва ичак касалликларини анча енгиллашибди.

Гули сурх (лола сайли). Наврӯз байрамининг ажралмас қисми, дала сайлининг бир тури бўлиб, йилда фақат бир марта апрелнинг охири ва майнинг бошларидаги, лолалар қийғос очилган баҳор айёмида ўтказиладиган анъанавий маросим. Ўзига хос хусусияти шуки, бу ёшларнинг кўнгил очиш маросими бўлиб, ёр-биродарлар бир-бирлари билан хабарлашиб, маълум кунни белгилайдилар ва лола сайлига чиқадилар. Мехмондорчилик баҳаво қирлардаги табиат гилами устидаги ўюштирилади. Бунда мезбонлик бурчини бирон иштирокчи ўз зиммасига олиши мумкин ёки ҳар ким ўзи тайёрлаб борган таомлар билан бир-бирларини сийлашади.

Сўнгра лола териш бошланади, гулдасталар ясаб, от-аравалар, машиналарни гул билан безатиб, ашула билан қайтиб келишади ва йўлда кўринган одамга бир донадан лола улашишади. Аслида бу исломдан илгари келиб чиқсан сайиллардан биридир. Қадимги вариантида ёшлар узун таёкларга гулни шода қилиб шундай боғлаганларки, натижада қип-қизил лола «устун» ҳосил бўлган. Ана шу лола «устун»ларни баланд кўтариб, кўча ва майдонларда сайд қилиб юришган, ашулашар айтишган ва ҳар турли ўйинлар уюштиришган.

Лола «устун»ни кўтариб қайси хонадонга кирилса, уй эгаси мезбонлик шарафига мұяссар бўлган.

Шоир Чустий бу анъанага аatab ушбу байтни битган:

Тоғу қирдан ҳам қочар уйқу баҳор айёмида,  
Қўлга олгай жилгалар чалғу баҳор айёмида.

Тўпланиб қушлар дарахт шохидаги қилгач ёр-ёр,  
Фунчалар лаълин очар кулгу баҳор айёмида.

Кўк қучогида булутлар сайд этиб, қаҳ-қаҳлашиб,  
Қўйнидан элга тўқар инжу баҳор айёмида.

Тилла баркаш бошида ҳар кун табиат ҳотами  
Ерга беармон сепар ёғду баҳор айёмида.

Ерга беркинган жавоҳир ошкор айлаб ўзин,  
Дур ташир сойларда оққан сув баҳор айёмида.

Лола сайрига чиқинг тонг юлдузидек, дарим,  
Кўкда ҳам қолмайди хеч қайғу баҳор айёмида.

<sup>1</sup> МЕ (Международная единица) — халқаро дори ўлчов бирлиги (К. М.)

Бўлса меҳнатинг паловиу кабоби, чойи ҳам,  
Иштаҳоларга кирар туйгу баҳор айёмида.

Завқи-шавқим бирла тирмашдим муҳаббат тогига,  
Урагай деб кўзлари оҳу баҳор айёмида.

Гул каби хушбўй бўлур, дилбар бўлур, Чустий, ғазал,  
Қанча кўп ёзсанг кулиб ушбу баҳор айёмида.

Кейинги йилларда лола «Қизил китоб»га киритилиши муносабаби билан лолаларни узмаслик, пиёзини депсамаслик зарурати туғилди ва бу сайилни лолани муҳофаза қилиш шаклида ўтказиш тавсия этилади.

Арча байрами ҳар йили 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси соат 12 да оила аъзолари, қариндош-уруглар, дўст-биродарлар, ҳамкасблар дастурхон атрофига тўпланиб, янги йил киришини кутиб олишга багишланган байрамдир. Император Пётр I даврида пайдо бўлган бу байрам аввалига диний маросим сифатида ижро этилар эди. 1 январда Исос Христос — христиан дини пайғамбарининг қайта тирилган кунини нишонлаш мақсадида кўчалар, уйларнинг пештоқлари, дарвозалар қишида ям-яшил бўладиган арча шохлари билан безатилар, черков ва хонадонларга ўрнатилиб, учига бут илинган арчалар атрофига одамлар чўқинишаарди. Ҳануз Европадаги капиталистик мамлакатларда арча байрами Рождество диний байрами билан уйғунлаштириб ўтказилади. СССРда Улуг Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан сўнг арча байрамининг диний мазмунига барҳам берилиб, у табиатда бўладиган ўзгариш, янги йилни қутлаш байрамига ва болаларнинг дам олиб яираш байрамига айлантирилган.

Боғчалар, мактаблар, клублар, майдонлар ва аксарият хонадонларга ўрнатилиб, чиройли безатилган арчалар атрофида кичкинтойлар ашула айтиб, ўйнаб, қувнашади, уларга ширинликлардан иборат тортиқлар берилади. Арча байрами январь ичи давом этади ва одамлар бир-бирларини кўрганда янги йил билан табриклийдилар, дўст ва қариндошлариникига ташриф буюриб, меҳмон бўлиб қайтадилар.

## МЕҲМОНДОРЧИЛИКНИНГ МЕҲНАТ ВА ҲОСИЛГА БАҒИШЛАНГАН ТУРЛАРИ

Анор базми. Ушбу меҳмондорчилик ҳозирда тамомила унутилиб кетган бўлиб, аслида у Фаргона водийсининг Қува ва Наманган кентларидаги анорзорларнинг миришкор боғбонлари томонидан қадимда ижро этилган шаклидир. Маросимнинг мазмуни: шифобахш мева пишган сентябрь, октябрь ойларида боғбон ўз меҳнатининг неъматларидан дўстларини баҳраманд қилиш мақсадида анор сайлига чақиради. Келган меҳмонлар аввало анор узиш, саралаш ва уни қишига сақлаш учун осишида ҳашар ташкил этадилар, базм эса, кечқурун бўлади. Дастурхон тузалган меҳмонхона... чинни лаганларда анор, косаларда анор шарбати ҳар жой-ҳар жойга қўйилган, тақсимчаларга шам ўрнатилган. Меҳмонлар дастурхон атрофида жамулжам бўлган-

ларидан сўнг чироқлар ўчирилади, зиёфатдагилар орасидаги энг мўътабар қария шамларни ёқиб юборади. Қоронги меҳмонхонада эртаклардагидек гаройиб бир ҳолат содир бўлади: шам анор шарбатида акс этиб, хонани қизил нурга чулғайди, бу гира-шира қизил нур меҳмонларнинг юзларида, кийимлари ва хонадаги нарсаларда акс этиб, худди «ер ости олами» тўғрисидаги эртакларда куйланадиган бир вазият ҳосил қилади. Шамлар ёниб тугагунча зиёфат, ашула, асия, ўйин-кулги давом этади. Анорни турли усулда сўйиш намойиш этилади.

Анор базми маросими тўғрисида бирорта этнографик манбага эга эмасмиз. Афтидан, бу базм узоқ ўтмишда боғбонларга хос касб-хунар издаҳоми бўлиб, меҳмондорчиликнинг боғ-роғлар ўлкаси Фарғонанинг айрим қишлоқларигагина хос бир шаклидир. У муттасил ҳар йили ижро этилмасдан, балки шинаванда улфатларнинг хоҳиш-ихтиёрига, иштирокчиларнинг вақти ва ҳафсаласига ҳамда миришкор боғбоннинг ихтиёри ёки анорнинг ҳосили ҳаддан ташқари мўл бўлган йиллари аҳён-аҳёнда бир ташкил этилганлиги сабабли бўлса керак, кўпчилик, ҳатто, энг мўътабар қариялар ҳам эслай олмайдиган даражада унутилиб кетган.

Анор базми меҳмондорчилигининг кечиши жараёнини Фарғона водийсидаги аҳолининг урф-одати, турмуши ва ўзига хос этнографик хусусиятларини кўп йиллар давомида чуқур ўргангандан Ўзбекистон ССР ҳалқ ёзувчиси Сайд Аҳмад билан суҳбат асосида қаламга олдим.

Биз бу маросимни тикласак ва уни кенг пропаганда қилиш мақсадида меҳмондорчилик дастурхони уй ичидаги тузаладиган кузги ва қишиги байрамларни қўшиб ижро этишни тавсия қилсак, ёшларимизни меҳмондўстлик руҳида тарбиялайдиган ва дидини юксалтирадиган, меҳнатдан сўнг завқланиб дам оладиган яна битта ажойиб воситага эга бўлур эдик.

Маълумки, мева ва умуман экинларга бағишлиланган байрамлар барча ҳалқларда бор. Улар тўғрисида гапириб ўтирасдан ўзимизда қадимдан ижро этилиб келаётган ва янги пайдо бўлаётган сайил ва байрамлардан айримларини эсга олсан кифоя: узум сайли, қовун сайли, гул сайли, пахта байрами, арча байрами ва ҳ. к. Анор базми ҳам ана шундай сайиллардан биридир.

Шундай савол туғилади: «Бизда анвойи ва ажиб меваларнинг юзларча тури бор, улар орасида эътиборни кўпроқ анорга қаратиб, базм уюштирилганлигининг боиси нима?»

Анорзорларнинг энг кекса миришкорлари билан суҳбатлашсан-гиз, анорнинг турган-битгани дорилиги, ҳалқ табобатида ҳатто аччиқ анор пўстини қайнатиб, турли касалликларга дори-дармон тайёрланлигини айтишади.

Бизда меҳмондорчиликларнинг барчасида дастурхонга иложи борича анорни ёки шарбатини қўйишга ҳаракат қиласдила.

Анор базми куни, анор серҳосил йили бола туғилса, ёки она анорга бошқоронги бўлса, фарзандига Анорбой, Анорхон, Норхон, Норжон, Анортой каби исмлар қўйиш одати ҳам бор.

Халқда: «Анорнинг дорилиги доналарининг орасида бир дона нори борлиги билан ифодаланади. Уни сўйиб еганда исроф қилмасликка әришиш керак, мабодо бирор донаси ерга тушиб кетса — нори йўқолиб, шифобахшлиги қирқилади», «анор доналари йилдаги кунларнинг сони — 365 тадан сира кам бўлмайди» деган тушунча ҳам бор.

Касални күргани борганда расми анор олиб борилади.  
Яна савол туғилади: «Шу тушунча ва одатларнинг боиси нимада?»

Иккала саволга жавоб ўз-ўзидан чиқиб тургандай. Неъматлар орасида энг шифобахши анордир! Лекин асослироқ жавоб топиш учун иккита сиймога: ибн Синога ва Муқимиға мурожаат қиласайлик.

Муқимий «Анор» номли шеърида бу меванинг шифолигини Ибн Сино табобатига мос равища куйлади. Шеърни тўла равища эътибор билан бир ўқиб чиқайлик-а.

Неъмат ичра хушлатофатлика мустасно анор,  
«Қой»<sup>1</sup> агар ҳикматда дерлар қотий сафро анор<sup>2</sup>  
Меъданни покиза айлаб, иштаҳони келтируб,  
Кўп фазо қилганни қилғай рангини хурмо анор<sup>3</sup>.  
Аччиғида хосият кўпдир, ҳавосида хусус,  
Бўлса ширин ташналиғ даъфиғидир танҳо анор<sup>4</sup>.  
Гар есанг фором ҳар бир дона чун лаъли хушбоб,  
Богида сунъи илоҳий меваи гатмо анор<sup>5</sup>.

Бор масалким: яхши одам дер эдим, ўзи билур  
Йўқса айлардим қачон сизларга мен даво анор.

Халтаси бирла юборинг гоҳи-гоҳи лутф этиб,  
Бўйла келганда Наманганд шахридан савро анор.

Ногаҳон ўртаб юрак турганда келтириди ўғил,  
Шодлигимдан деб юборибмен, Муқимий, ё анор! (65.174)

**Тиббий далил.** Анорнинг «минг дардга даволигини» Абу Али ибн Синодан кейинги 1000 йил ичидаги ҳам бирор олим атрофлича талқин қилиб беролмади. Қўлимда алломанинг «Тиб қонунлари» китобининг содда дорилар ҳақидаги II жилди. Керакли жойларини қисқартириш билан келтираман.

«Табиати. Ширин анор биринчи даражали совуқ ва биринчи даражали ҳўл бўлиб, нордон анор иккинчи даражада совуқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари. Нордон анор ва хусусан унинг шароби сафрони босади ва чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқишини тўхтатади. Анорнинг ҳамма турларида... тозалаш хусусияти бор.

Жароҳат ва яралар. Анор уруғининг асал билан қўшилгани ёмон яраларга суртиладиган доридир...

<sup>1</sup>. «Қой» анорнинг ҳақиқ доналик нордон нави.

<sup>2</sup>. Сафрони йўқотища ҳикматли мева анордир.

<sup>3</sup>. Анор одамнинг юзини қип-қизил қиласиган мева.

<sup>4</sup>. Муқимий анорнинг шарвати чанқоқни босиша тенги йўқ ичимликдир деб жуда тўғри айтган. Маълумки, қанд касали (диабет)га дучор бўлган кишининг оғзи қуриб чанқайберади, ҳолдан тояверади. Бундай касалнинг асосий дорилардан бири инсулиндир. Инсулин кейин ижод қилинган доридир, илгари эса ибн Сино касалларга анор шарвати иччиши тавсия қиласиган эди. (Медицина фанининг тарихи билан шуғулланувчи академик В. Н. Терновский «анор шарватининг инсулинсимон таъсири борлиги энди бизга яхши маълумдир» деб ёзади).

<sup>5</sup>. Бу шундай меваки, унинг сершарват, лаъл каби қизил доналари бояда битган ҳафори (таблетка)дир, деган маънода.

Ширин анор юмшатувчидир... Унинг нордон-ширини меъда учун кўпинча олма ва беҳига қараганда манфаатлироқ бўлади...

Унинг қисмларидан энг буриштирувчиси пўстлоғи бўлади...

Бош аъзолари. Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш ва қулоқ оғриғида фойда қилади ҳамда у бурун ичига суртиладиган доридир...

Кўз аъзолари... Ширин ва аччиқ анорнинг сиқиб олинган сувини асал билан қўшиб бир неча кун офтобга қўйилса, кўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишга фойда қилади...

Кўкрак аъзолари... Анорнинг ҳамма турлари хафақонга фойда қилади ва ширини кўнгил очади.

Озиқланиш аъзолари... Нордон чучук анор меъданинг яллиғлашишига фойда қилади... Иситмалаган киши анорни овқатлангандан кейин сўриши керак, чунки бундай қилганда... ёмон моддалар танадан чиқиб кетади.

Анор илдизининг пўстлоғи узум шарбати билан ўз ҳолича ёки қайнатиб касал кишига берилса... гижжаларни ҳайдайди» (93.570, 572).

Демак, илдизидан то мевасигача минг дардга даво бўлган ушбу неъмат шарафига шеърлар ёзилиб, ашуулалар айтилиши ва базм ўюштирилиши тамомила асослидир. «Анор базми»да шароб ўрнига шарбат ичилади ва бинобарин, меҳмондорчиликнинг бу шакли, ўзига хос экзотика ва нафосати билангина әмас, ҳатто одамларнинг саломатлигини сақлаш учун ҳам бир восита бўладиган мазмунга эга экан.

Кўшчи оши бободеҳқонларимизнинг қадими анъаналаридан-дир.

Дехқончиликнинг қадими ватанларидан бири бўлган Фаргона водийсидаги айрим қишлоқларда ахён-ахёнда ўтказиладиган бу маросимнинг кечишига қараб мулоҳаза қиладиган бўлсак, бу Наврӯз байрами билан боғлиқ ва далага биринчи кўш чиқадиган пайтда дехқонлар ийғилишиб, ҳарифона усулида ёки биронта дехқоннинг мезбонлигига уюштириладиган меҳмондорчиликдир. Маросим даланинг ўзида ўтказилади. Жонлиқ сўйиб, гўжа оши тайёрланади. Кечгача ашула, ўйин-кулги, аскиябозлик ва кенг майдонда ўтказиладиган ҳар хил ўйинлар ташкил этилиб, ҳордиқ чиқарилади. Кўшчи оши издахомидан мақсад: қилинажак ишлар тўғрисида тажрибакор қариялар билан ёш дехқонларнинг маслаҳатлашиб олишидир.

Эртасига эрталаб дала ишлари: чопиши, ҳайдаш ва экин экиш бошлиниб кетади. Кўшчи оши меҳмондорчилигига барча: қариялар, ёшлар, аёллар ва болалар ҳам иштирок этишади. Аскиябозлик пайтида аёллар ва болалар кўк теришга кетишади. Бунда ердан янги кўкариб чиқкан ҳар турли гиёҳлар: ялпиз, жағ-жағ, отқулоқ, момақаймоқ, йўнгичқа, чумчуқкўз, түяпойбарг, исмалоқ, семиз ўт, мачин, шўра каби ўнларча хил кўкатларни териб келиб, кечқурун булардан кўк чучвара, кўк сомса, кўк бийрон, кўк патир тайёрлаб, қўни-қўшиларга улашадилар. Чунончи, бизда ошкўкларни теришдан ташқари яна дўлана, писта, зира, тог ёнғоқ, қўзиқорин, пиёзи ансур, равоч каби ўнлаб ёввойи мева ва сабзавотларни териш ҳануз ҳам бор.

Ўсимлик дунёсини кўпайтириш, ёввойиларини маданийлаштириш, маданийлари ҳосилини ошириш борасида ўйлаш, биргалашшиб меҳнат қилиш, бамаслаҳат иш тутиш — булар бари қадимда ана шу қўшчи оши издаҳомида ўз ифодасини топган. Эндиликда буни колхоз-совхозларда экин-тикин ишларининг бошланишига багишланган сайилга айлантириш мақсадга мувофиқ бўларди. Уни, мисол учун,

тракторчилар куни деб атаб, янги шакл ва мазмун берилса, меҳнатга бағишлиланган яна бир меҳмондорчиликка эга бўламиз.

**Боғ сайли** (узум сайли, мева сайли). Булар ҳам ўзбек меҳмондорчилигига ҳос шакллар бўлиб, боғбон томонидан ташкил этилади. Мазмуни қариндош-уруг, ёр-биродарларини ўзи меҳнат қилиб ўстирган боғ-роғининг ям-яшил гўзаллигидан, гулларнинг муаттар ҳидлари ва ажаб зеболигидан, ширин-шарват меваларнинг лаззатидан ва мусафро ҳаводан баҳраманд қилишдир. Ҳар бир меванинг пишиш мавсумида, миришкорнинг таклифи билан уютириладиган бу меҳмондорчиликда ёш болалардан тортиб қарияларгача ҳамма иштирок этади.

Меҳмонлар ноз-неъматларни ўз қўллари билан узиб олиб, истеъмол қиласидар. Даствурхонга ҳам келтирилади. Боғ сайлида асосан мева-чева кўп истеъмол қилинганлиги учун мезбон меҳмонларни доим иссиқ чой билан таъминлаб туради ва пировардида шўрва, палов, қовурма ёки бирон-бир овқат тайёрлайди. Боғ сайли меҳмонлар учун фақат мева-чева еб, ўйнаб кетиш учунгина ташкил этилмай, ҳашар шаклида ҳам ташкил этилади. Бунда боғни очиш (кўмилган узум, анжир, анорларни очиш, боғ тозалаш), кўчкат экиш, мевазор сугориш, ҳосил йиғиш, хазанак (яъни, кузда дараҳтларни кесиш, узум, анжир, анор кўмиш) каби ишлар бажарилади.

Боғ сайли жуда прогрессив анъана бўлиб, кўнгилли дам олиш билан бирга фойдали иш бажаришга ҳам имкон берадиган меҳмондўстлик шаклидир.

**Қовун сайли.** Худди боғ сайли каби миришкор томонидан ташкил этилади. Мазмуни: ҳосилга кирган қовун-тарвузлардан дўстларни баҳраманд қилиш. Шу билан бирга, ҳосил йиғиш ва хазанак қилиш каби юмушларда ҳашар ташкил қилинади. Қовун сайлида мезбон шўрва, ош тайёрлайди ва буни зиёфат ўртасида ёки пировардида даствурхонга тортади.

Қовун сайлида иштирок этувчилар «ширинкома» (баъзи жойларда «ширинаки») ўйинини ташкил этадилар. Бунда ҳар ким биттадан қовун ёки тарвуз танлаб, кимники ширин чиқишига мусобақа ўйнайди. Кимнинг танлаган қовуни энг ширин бўлса, ўша ғолиб, bemaza қовуннинг эгаси эса, энг паст ўринни эгаллайди, ҳамма хизматлар bemaza қовун «эгасига» буюрилади. Бу ҳазил-мутойиба ўйин бўлгани учун ёши улуғ одамлар ҳам: «Хизматларига тайёрмиз?» — деб жавоб берадилар.

Қовун сайлида яна қовун ва тарвузни турли шаклларда чиройли қилиб сўйиш усуллари намойиш қилинади. Бизда қовун-тарвузни фигурали қилиб кесишнинг ўнларча усуллари бор. Қадимги даврлардаги деҳқонларимиз бутун қовунни фонус усулида кесиб, ўртасига шам ёқиб дараҳтларга осиб қўйганлар ва остида қовун сайли маросимини ўтказганлар, анъананинг бу қисми негадир ҳозир бажарилмайди.

Қовун сайлининг бавосита пайкалда ўтказиладиган варианtlаридан ташқари шаҳарларда, бозорларда, парк ва боғларда ўтказиладиган оммавий варианти ҳам бор. Бунда турли жойлардан келган қовун миришкорлари ўzlари етиштирган ҳосил намуналарини эл олдида намойиш қиласидар. Созандалар, ҳофизлар, дорбозлар сайилнинг бадиий қисмини қизитадилар, ҳар хил миллий ўйинлар ташкил этилади.

Пазандалар, пуршандалар (сотувчилар), қандолатчилар ўzlари

тайёрлаган анвойи таомларни намойиш қилиш ва сотиш орқали сайилнинг кўнгилдагидек ўтишини таъминлайдилар.

Сайилда турли миллат вакиллари қатнашадилар, шу боисдан бу сайил ёшларни дўстлик, биродарлик, интернационализм руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга моликдир.

**Ҳашар.** Бу издаҳом меҳнатни меҳмондўстлик билан боғлайдиган ажойиб анъанадир. Ҳашар жуда қадимги — ибтидоий жамоа тузумидан, одамларнинг биргаласиб ишлаш ва топганини бирга баҳам кўриш одатларидан мерос бўлиб қолган. Ҳашарнинг бошқа шакллари тўғрисида гапириб ўтдик (анор базми, боз сайли каби), буниси энг катта тури бўлиб, у қўни-қўши, ёр-биродар, қариндош-уруг ва ҳамкасларнинг бажарилиши зарур бўлган барча юмушларида ўзаро ёрдамига, сидқидилдан меҳнат қилишига асосланган.

Ҳашар ташкилотчилари ҳашарчиларга дастурхон тузашлари шарт бўлганлиги учун ҳам биз бу анъанани меҳмондўстликнинг бир шакли сифатида талқин қиласиз.

Ҳашар коллективизмни мустаҳкамлайдиган, ишлани жараёнида ҳазил-мутойиба, асқия билан хушчақчак меҳнат қилиш методи.

Ҳашарнинг ижтимоий аҳамияти катта бўлиб, у алоҳида кишининг уй қуришида кўпчиликнинг ёрдами тарзида ҳам, катта шаҳарлар қуриш тарзида ҳам амалга оширилади. Чунончи, зилзиладан сўнг шаҳри азим Тошкент — СССР даги қардош республикаларнинг ҳашарлари асосида тикланди. Бундан ташқари, ҳашар бирор-бир кишининг томорқасидаги ҳосилни кўпчилик ёрдамида йиғиб олишда ҳам, у колхоз-совхоз далаларидаги ҳосилни йиғиб-теришда ҳам амалга оширилади.

**Пахта байрами.** Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг қарорига биноан Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлмиш бизнинг республикамиздагина ўтказиладиган ҳосил тўйи. Бу айём, тайёргарликнинг боришига қараб, ҳар йили пахта плани бажарилгандан сўнг ҳордик куни бўлиб ўтади.

Янги анъаналардан бири бўлган пахта байрамида колхоз ва совхоз меҳнаткашлари ўзларининг тантанали йиғилишларида йил бўйи қилинган ишларга якун ясадилар, бўлажак вазифаларга режа тушиб оладилар, илгорларга мукофотлар топширилади. Сўнгра эса, тўкин дастурхон устида зиёфат бошланади. Меҳмондорчилик жамоатчилик ҳисобига ташкил этилиб, ўйин-кулги билан давом этади.

Шаҳарларда эса, кўчалар байрамлардагидек безатилади. Пахта ҳосилига багишлиланган концертлар, оммавий сайиллар уюштирилади. Радио ва телевизорда «оқ олтин»га багишлиланган куй-қўшиқлар янграб туради.


**Ўроқ-болға байрами.** Бу ҳам янги анъаналардан бўлиб, ишчи ва деҳқонлар иттифоқининг метиндек мустаҳкамлигини нишонлашга багишлиб ҳар йили бир марта бир неча кун давомида ўтказиладиган байрам. Баҳорда экин-тикин ишлари бошланиши олдидан шаҳарликлар ўзлари оталиққа олган колхоз ва совхозларга, пахтакор дўстларининг ҳузурига ташкилий равишда ташриф буюрадилар. Олимлар лекциялар ўқиса, ўқитувчилар қишлоқ мактабларига бориб тажриба алмашади, врачлар беморларни даволашда кўмаклашса, ишчилар қишлоқ ҳўжалик техникасини ремонт қилишда ёрдамлашади, санъаткорлар эса концерт қўйиб беради. Хуллас, ҳар бир касб-кор эгасига қишлоқда адо этиши учун бирор юмуш топилади. Барча ишлар жамоатчилик асосида — ҳашар-ёрдам тарзида бажарилади. Ишдан сўнг

меҳмондорчиликлар ташкил этилиб, деҳқонлар мезbonлик қиладилар.

Үроқ-болға байрамининг тарбиявий аҳамияти шундаки, одамларга меҳнатни қандай ташкил этишни ўргатади, ишчининг деҳқон билан алоқасини янада мустаҳкамлайди.

\* \* \*

Шундай қилиб, азиз китобхон, биз ўзбек меҳмондўстлик удумининг 26 хилини кўриб ўтдик, бунга яна турли қасб-корлар кунлари ва жамиятда содир бўлган ўзгаришларни нишонлашга қаратилган катта байрам меҳмондорчиликларини кўпсак, анчагина бўлади. Бироқ, гап меҳмондорчилик турларининг кўплигига эмас, балки сифатидадир. Сифати — мазмуни одамларни ахлоқ, одоб, инсонпарварлик, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялайдиган ўзига хос мактаб эканлигидадир.



Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек меҳмондорчилиги-нинг қизлар мажлиси, бешик тўйи, чорлар каби шаклларини адо этиши ни албатта шарт, деб қўяётганим йўқ ёки тавсия ҳам этаётганим йўқ, фақат шундай анъаналаримиз ҳам борлигини билиб қўйган яхши деган маънода кўрсатиб ўтдим, холос.

Ҳозирги кунда тўйларимиз ихчам қилиб, бир кунда, истрофгарчилксиз, ортиқча харажатсиз ўтказилмоқдаки, бу айни муддаодир.

Халқимиз «Давринг даврони — ғанимат, энг азиз меҳмони — ғанимат» деган нақлга амал қилиб, шахсий ҳаётда, жамиятда ва табиатда содир бўладиган ўзгаришларга муносиб меҳмоннавозликни шакллантирган экан, унинг характеристидан қўйидаги меҳмондўстлик белгиларини ҳам ажратиб олиб ташлаб бўлмайди, яъни таниш-билишлар тасодифан учрашиб қолганларида ҳам салом-аликдан сўнг сид-қидилдан: «Чой қуиб бераман», «қани, уйга олиб кетай», «ош дамлаб берай», «буғун мен сизнинг хизматингизда бўлай», «бизникига чиқинг», «бир келиб, хотиржам, бафуржга меҳмон бўлиб кетинг» каби такаллуфлар қилишади. Бизнингча, бу жуда ўринли одат.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, меҳмоннавозлик бу — инсон қадрини улуғлаш, кишиларни бир-бирига дўст, биродар, меҳроқибатли қилиш воситасидир.

Келинг, Муқимий бобомизнинг ушбу сатрларига эътибор берайлик:

Эй, яхшилар, келайлик, бир жойга йигилайлик,  
Ўйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Хуш кечган дам ғанимат, кўп чекма ранжи заҳмат,  
Ўйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Зотан, давримизнинг буғунги даврони ғаниматдир, шу давронга энг азиз меҳмон бўлган барчамиз ҳам ғанимат эканлигимизни асло унутмайлик!




Дўст билан обод уйинг гар бўлса у вайронадир  
ҳам,  
Дўст қадам қўймас эса вайронадир кошона  
ҳам.  
Интизор ҳар уй диловар, дилкушолар  
базмиға,  
Гар қадам қўйса қабоҳат, йиғлагай остона  
ҳам.

Эркин Воҳидов

**ГАШТ ҚИЛИНГ ДОНО БИЛАН,  
УЛФАТИ ЖОНО БИЛАН**

(Содик дўст, яхши улфат орттириш  
хусусида)



## ЯХШИ ДҮСТ – ЖОН ОЗИГИ, ЕМОН ДҮСТ – БОШ ҚОЗИГИ

Меҳмондүстлик ўз номи билан дүстлашиш демақдир. Нақл қишиларича, ёқимли куй, дилрабо қүшиқ кишига руҳий озуқа бўлади. Доно дўст, хуштабиат улфат эса жон озиғи, умр узоқликнинг воситачиси, хушбахтликнинг асосидир.

Носир Хисрав айтганидек:

Дўст дийдорин кўрмоқ — шодлик давоми,  
Дўст бўлмаса қайда юрак армони.


Бинобарин, меҳмондүстлик орқали ҳар ким қанча кўп дўст ортира, шунча яхши. Дўст ортириш инсоннинг инсоний белгиларидан биридир. Маълумки, учар қаш қанотсиз, балиқ сувсиз ҳаёт кечириши мумкин эмас. Уйни пойдеворсиз, чироқни нурсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек, одамни дўстсиз тасаввур қилиш қийин. Инсон учун энг оғир ҳаёт — бу ёлғизлиkdir. Бироқ, одам боласи етимликда ҳам яшайверади, оила қурмай, қариндош-уруг, бола-чақа орттирамай ҳаётини ўтказаётганлар ҳам бўлади, лекин дўстсиз кун кечираётган шахсларни тирик мурда деб ҳисоблаш керак. Шунинг учун ҳам у мурдаки, ҳузур-ҳаловати бўлмайди. Дардини айтиб дардлашадиган, курсандчилигини баҳам кўрадиган, маслаҳатлашадиган, оғир-енгил кунида ёнида бўладиган одами бўлмайди. Дунёдан кўз юмиб кетгач, «бу қандай одам эди?» деб сўровчиларга сидқидиллик билан: «Яхши одам эди» деб жавоб берувчиси топилмаган, дастурхони устида уни яхши сўзлар билан ёдга олувчилари бўлмаган кимсаннинг туғилгани билан туғилмаганининг фарқи йўқ эмасми? Бас шундай экан, меҳмондүстлик дўст ортиришга восита, дўст топиш эса, инсонга хос хислатдир.

Бироқ, ҳар ким дўст ортирар экан, дўсти ким эканлигини билиши мухим. Даражтнинг томири қай томонга йўналганилиги шохларига қараб белгиланади: шохлар ер устида қай томонга ўсган бўлса, томирлар ҳам ер остида ўша томонга ўсган бўлади. Ҳосилнинг қандай бўлиши гулга қараб белгиланади. Қуёш ботаётганда уфқ қизарса, эртага ҳаво очик бўлишидан дарак беради. Шунга қиёс, мезбоннинг кимлиги уйига қелган меҳмонга қараб билинади. Одамнинг яхши-емонлиги гутинган дўстига қараб аниқланади. Халқдаги «Дўстингни кўрсат, сўнг мен сенинг кимлигингни айтиб бераман» деган нақл бежиз айтилмаган.

Одам ҳаммавақт яхши одамларга яқынлашишга ҳаракат қилиши керак. Ҳар бириңиз ёшлиқданоқ ўз тенгимиз билан ўйнаб, ўқиб юрган чоғларда ўртоқлашғанмиз, вояга еттач, улфатлашғанмиз, ҳаёт ва меҳнатда бошдан оғир-енгилликлар, иссиқ-совуқлар ўтганда синашта бўлғанлар билан дўстлашғанмиз. Баъзилари содик дўст бўлиб қолган, баъзилари рақибга айланган. Ҳаёт шунаقا! Бундан доно дўст, шинаванда улфат, ғамгузор ўртоқ орттириш жўнгина иш эмаслиги ўз-ўзидан маълум бўлиб турибди.

Тибиётда шундай даволаш методи бор: бир одамдан қон олиб, касалга қўйилса шифо бўлади. Лекин шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бир одамдан олиниб, беморга қўйилган қон аксинча зарар қилади. Демак қон қонга қўшилмайди. Дўстлашиш ҳам шунга ўхшайди. Бироннинг дили биронникига мос келади ёки аксинча. Ҳар бир кишининг дунёқараси, феъл-атвори, фикрлаши, одамларга муносабати ўзига хос бўлиб, бирон яхши деб ҳисоблаган одамни иккинчи бирон аглаҳ деб баҳолаши ҳам мумкин. Ўзига мос келадиган одамни излаб тозиши мураккаблигидан ҳам Алишер Навоий ушбу байтида шундай деган:

Мени мен истаган сухбатига анжуман этмас,  
Мени истар кишилар сухбатин кўнглим писанд этмас.



**Ривоят.** Бир куни Абу Ҳусайн Абдуллоҳ ибн Сино ўғли вояга етиб, машхур ҳаким бўлиб танилгач, ёнига чақириб насиҳат қилибди:

— Ўғлим, Сиз шаҳзодаларни даволаш учун саройга кўп қатнаяпсиз. Хоҳлардимки, ўзингиз сарой қурсангиз. Бундай сарой жуда кўп — атроф шаҳар ва қишлоқларнинг ҳар бирида битта ё иккитадан бўлиши шарт! Қанча кўп бўлса шунча яхши.

Ўғил «хўп» депти-ю, лекин: «Қайси маблағ эвазига ва қандай саройлар қуриш мумкин?» — деб ўйланиб қолипти.

Орадан бир неча кун ўтгач, Абу Али ибн Сино донишманд мўйсафиднинг олдига бориб:

— Отам кўплаб сарой қуришимни буюрадилар. Нима қилишим керак? Маслаҳат беринг,— депти. Шунда мўйсафид табассум билан:

— Бухорои Шарифга атроф шаҳар ва қишлоқлардан саёҳатчилар, савдогарлар, косиблар ва деҳқонлар жуда кўп келади. Сиз ана шулар орасидан дилхуш, хуштавозе, ҳалол, доно, одамшавандан шинавандаларини излаб топинг, танишинг, меҳмон қилинг, улфатлашинг, дўстлашиб олинг. Яхши одамларни қанча кўп танисангиз, Сиз ҳам айланиб уларнинг ватанларига бориб қолганингизда дўстларингизнинг уйлари Сизнинг саройингиз бўлиб қолади,— деб маслаҳат берган экан.

Мана шу донишманд мўйсафид маслаҳатидан яхши дўст, одамий улфат ортириш нечоғлик аҳамиятли эканлиги кўриниб турибди.

Абу Али ибн Сино одамлар орасида кўп юриб, уларнинг дардига даво, фикрига зиё берди. Кўп шаҳар ва қишлоқларни кезди, унинг дўстлари халқнинг энг жафокаш намояндлари эди.

Ибн Сино дўст ортириш учун одамларга яхшилик, раҳм-шафқат қилиш ва бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қиласликни уқтиради. Олимнинг «Донишнома»сидан «Раҳм-шафқатнинг зарурий ҳақиқатлигини тушунтириш» номли қисмини тўла келтираман: «Бир-бираига ўтиб турувчи яхшилик билан фойдалилик икки хил бўлади: манфаатталаблик ёки олижаноблик асосига қурилади. Манфаатталабликда нимадир берилса, албатта нимадир олинади, олинган нарсанинг барчаси ҳам кўзга кўринадиган нарса бўлавермайди, яъни у яхши ном, севинч, соддалик ва умуман шунга ўхшаш нарсалар бўлиши мумкин. Аслида, барча алмашув содир бўладиган ишларда манфаатталаблик бўлади, гарчи нодон одам алмашувни икки кишининг бир-бираига бўлган муносабатида нарса олди-бердиси деб тушунса-да, мақтov ва ташаккурни алмашув эвази деб тушунмайди. Аммо доно кўнглига ёқкан ҳар қандай нарсани фойдали нарса деб билади.

Раҳм-шафқатга келганимизда, бу алмашув ёки эваз олишга таънмайди ҳамда бирор бир хатти-ҳаракат учун ҳам алмашинмайди. Балки у бирор нарсадан холис ирода асосида яхшилик қилишдан иборатdir.

Зарурий ҳақиқатнинг таъсири ана шундай.

Бинобарин, унинг амалга оширилиши абсолют раҳм-шафқатдан иборатdir» (51.194).

Ибн Сино одамларга ана шундай эвазсиз раҳм-шафқат қилган ва уни барча учун зарурий ҳақиқат деб тушунтирган.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкини, ҳар ким қўлидан келганича халққа хизмат қилса, одамларга яхшиликни рано кўрса — унинг дусти кўп бўлади. Яхши дўст ортирган одам соғлом бўлиши ва узоқ умр кечириши мумкин эканлигига ҳам аллома ўз асарларида ишора берган. Соғлом ва узоқ умр кечириш учун зарурий нарсалардан бири — инсоннинг руҳан тиниқ бўлишидир, дейди у. Бунинг учун эса, ширинсухан, доно, шинавандан одамларга яқинлашишни маслаҳат беради. Негаки, ифвогар, гийбатчи, юзсиз, муноғиқ, калондимоғ, ҳасадчи, худбин, ҳасис, писмиқ, фирибгар, адоваратли шахсларнинг сұхбати лойқа сувга ўхшайди, тиндириб ичилганда ҳам бари бир иллат ютилган бўлади. Жоҳил ва нодон одамга яқинлашсанг, у асабингни бузади, дилозорлик қиласди. Маълумки, юрак-томир касалликларининг келиб чиқишига, аксар ҳолларда ана шу асабни оромдан чиқаридиган дилозорлик сабаб бўлади.

Хурсандчилик ва хафачилик, роҳат ва изтироб, хотиржамлик ва ғам-ғусса каби бир қатор бир-бираига қарама-карши бўлган психолого-гик ҳолатлар юракка салбий ёки ижобий таъсир етказади.

Яхши одамлар билан меҳмон-мезбонлик қилганда, улфатлашганда гап-гапга қовушади, барча хушнуд бўлиб, сұхбатдан қандайдир ҳаловат, эстетик завқ олади.

Донишманд, хушфеъл одамлар билан табиатнинг гўзал жойлари — зилол сувли, соғ ҳаволи, гуллар муаттар ҳид таратаётган жойларда гашт қилиш ва сұхбат қуриш кишини ғам-ғуссадан ҳалос қилиб, хумордан чиқаради. Мавлоно Фурқат ана шундай улфатчиликни орзу қилиб, қўйидаги сатрларни битган:

Гашт қилсанг аҳли дониш бир неча аҳбоб ила,  
Тўла бўлса шишалар доим шароби ноб ила,  
Гул яқоси масканинг, ўлса қанори об ила,  
Бодаи гулранги тортиб ўлтириб одоб ила,  
Ғусса дардин айлабон, дафъи хумор истар кўнгил.

Доно дўстлар билан Ибн Сино исботлаган ва Фурқат орзу қилган шароитда сұхбат қурилса, кишининг умрига умр қўшилади.

Дўст тутинганда писмиқ шахслардан ҳам эҳтиёт бўлиш лозим. Бундай шахс гап ўғирлайди. Тўғрими, нотўғрими, ўз фикрини айтмайди. Писмиқ сизнинг ножёя ҳаракатингиз- хатоларингизни сезса ҳам танқид қилмайди, ютуқларингиздан қувонмайди ҳам. Шу боисдан унинг дўст-душманлигини аниқлаш мушкул. Писмиқнинг кўнгли бамисоли қоронги унгур. Шу унгурнинг ичкарисига кириб шам ёқингиз келади, лекин ҳаво сийраклигидан шам тезда ўчади.

Начораки, шунақа унгурлар ва шунақа кўнгиллар табиатда учрайди. Унгурда бирор ваҳшӣ ҳайвон борми, кўнгилда бир ҳайвоний ҳис борми — билолмай қолаверасиз.

Ҳасадчи, кек-адоватли, бор бўлсанг кўролмайдиган, йўқ бўлсанг беролмайдиган шахслар ҳам дўстликка нолойикдир.

Бахил шахс ҳам бировнинг ютуғини, истеъодини, юксак ахлоқий фазилатларини, обрў-эътиборини, эришган муваффақиятини сира-сира кўролмайди, яхши одамларга ва уларнинг баҳтиёргигига ҳасад, кези келса нафрат билан қарайди. Агар киши ёшликтан эрка, худбин, шахсиятпаст қилиб тарбияланган бўлса, унда албатта баҳиллик хусусияти шаклланади. Бундай хусусиятли шахс гоятда қабиҳ бўлиб, одамлар ўртасидаги дўстона муносабатни ва ҳатто оиласарлардаги аҳилликни қандай қилиб бўлса-да, бузиш пайида бўлади. Ўзбек ҳалқининг ушбу мақолларига бир эътибор берайлик-а: «Яхшининг ҳайрига баҳилнинг боши оғрийди», «Бор бўлсанг кўролмайди, йўқ бўлсанг беролмайди», «Бахилнинг боги кўкармас».

Дейдиларки, бундай шахслар икки нарсадан доим юраги сиқилиб юраркан: бири — ўзининг муваффақиятсизлигидан бўлса, иккинчиси — ўзгаларнинг муваффақиятидан...

Демак, ҳасадчи, кекчи бўлиш ва баҳиллик ҳам бир касаллик экан. Бундайлардан узоқроқ юриш даркор.

Одамнинг одамга ёмонлик қилиши, айниқса, тутинган дўст душманнинг ишини қилиши ҳам оғат. Абу Али ибн Сино дўст танлашда жуда эҳтиёт бўлиш ва душманга яқинлашган дўстдан ҳазар қилишни тавсия этади. У ўз шогирдларига ушбу байт билан насиҳат қилган:

Дўстим душман билан ўлтиришиб бисёр,  
Энди ўлтирмайман у билан зинҳор.

Пархез қыл шакардан заҳари бўлса,  
Пашшадан қоч, кўниш жойи бўлса мор!

Садоқат, аҳиллик, яқдиллик, маслакдошлиқ, ҳамфирлик, тўғрилик, поклик, инсонийлик, меҳрибонлик, зийраклик, самимийлик каби бир қатор инсоний хислатлар мужассамлашган дўстлик — чин дўстликдир.

Чин дўст қидирганда, албатта, доноларга яқинлашмоқ жоизлигининг боиси шундаки, нодоннинг дўстлиги кўкатнинг ҳаётига ўхшайди: тез ўсса ҳам паст ўсади, бир фасл умр кўриб, қовжираб қуриб қолади. Дононинг дўстлиги — бу бамисоли чинор, секин ўсса ҳам баланд ўсади, қуюқ шоҳлайди, бир аср яшаб, соясидан кўпчиликни баҳраманд қиласди.

Эркин Воҳидов ёзганидек:

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, дўст юз минг бўлса оз,  
Кўп эрур бисёри душман бўлса у бир дона ҳам.

Киши ҳаётида тўрт нарсага бехато эриша олса, ўзини бахтли ҳисоблайверсин, дейишади кексаларимиз: доно дўст ортириш, муносиб қаллиқ танлаш, яхши одамлар билан қўшни бўлиш, севган иши-хунари, мутахассислиги билан шуғулланиш. Доно, содик дўст топа олган киши ҳақиқатан бахтлидир.

Дунёда энг катта шодлик — дўстлар билан бирга бўлиш, энг оғир мусибат доно дўстдан айрилиш. Бу фикри Абу Абдулло Рўдакий ушбу байтида шундай куйлаган:

Жаҳоннинг шодлиги йигилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.  
Ҳар қанча бўлса ҳам оламда аччиқ,  
Аччиқроқдир доно дўстдан айрилик.



Мана, «Меҳмондўстлик» деб аталмиш катта кўча бўйлаб саёҳат қилдик.  
Халқимизнинг меҳмоннавозлиқ каби олий фазилатлари, меҳмондорчиликнинг тури-  
ли шакл ва мазмунлари, меҳмон ва мезбонлик шарафига муяссар бўлгувчиларнинг ва-  
зифалари, пазандалик санъати, дастурхон нафосати, одобу ахлоқ, хуштавозелик, салом-  
алик ва дўстлашишнинг хосиятлари ҳақида фикр юритиб, «Меҳмоннома» деб аталмиш  
ниҳонли кўкартиридик.

Умидворманки, сиз азиз меҳмон ва мезбон бўлгувчилар хонадонингизнинг бир чеккасига ана шу ниҳолдан экиб, одоб, одамийлик офтобининг нурлари, урф-одат дарёсининг сувлари билан авайлаб парвариш қиласиз. Эҳтимол, у гуллаб, ахлок, одоб, эътиқод ва нафосат мевалари берар. Ҳосилни оила аъзоларингиз, қавм-қариндошларингиз, ҳамкасларингиз ва ёр-биродарларингиз билан бирга дўстпарварлик дастурхони устида баҳам кўргайсиз.

Уйингиз меҳмон сиймоси билан чароғон, дўст дийдори билан обод бўлаверишини чин қалбимдан истаб қоламан.



---

---

---

## ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

1. МАРКС К. Капитал, 1- том, Т., Ўздавнашр, 1955 йил.
  2. МАРКС К. Экономическо-философские рукописи, 1844 года, Маркс К. и Энгельс Ф. «Из ранних произведений» М., Госполитиздат, 1956 йил.
  3. МАРКС К. Из неопубликованных рукописей. «Большевик», № 11—12, 1939 йил.
  4. МАРКС К. ва ЭНГЕЛЬС Ф. Танланган асарлар, II том, Т., Ўздавнашр, 1959 йил.
  5. МАРКС К. и ЭНГЕЛЬС Ф. Об искусстве. Том I, М., изд-во «Искусство», 1957 йил.
  6. ЭНГЕЛЬС Ф. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Т., Ўздавнашр, 1958 йил.
  7. ЭНГЕЛЬС Ф. Маймуннинг одамга айланиши процессида меҳнатнинг роли. Т., Ўздавнашр, 1956 йил.
  8. ЛЕНИН В. И. Асарлар, 14- том, Т., Ўздавнашр, 1951 йил.
  9. ЛЕНИН В. И. Миллий масала юзасидан резолюция. Асарлар, 19- том (4- нашри).
  10. ЛЕНИН В. И. Миллий масала тўғрисида таңқидий мулоҳазалар. Асарлар, 20- том (4- нашри).
  11. ЛЕНИН В. И. Великорусларнинг миллий ифтихори ҳақида. Асарлар, 21- том (4- нашри).
  12. ЛЕНИН В. И. О культуре и искусстве, М., изд-во «Искусство», 1958 йил.
  13. ЛЕНИН В. И. Ўрта Осиё ва Қозогистон тўғрисида. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1967 йил.
  14. Коллектив. Кулинария. М., Госторгиздат, 1955 йил.
  15. ДЕКЛАРАЦИЯ ПРАВ НАРОДОВ РОССИИ. Сборник Декретов Советской власти, М., Госполитиздат, 1957 йил.
  16. СОВЕТ ИТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИННИГ ПРОГРАММАСИ. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1986 йил.
  17. КПСС XXVII СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИ. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1986 йил.
  18. КПСС О КУЛЬТУРЕ, ПРОСВЕЩЕНИИ И НАУКЕ. Сборник документов. М., Госполитиздат, 1963 йил.
  19. АВИЦЕННА. Даниш-намэ. (Книга знаний.) Госиздат Таджикской ССР, 1957 йил.
  20. БЕБЕЛЬ А. Женщина и социализм. М., Госполитиздат, 1959 йил.
  21. БОЯДЖИЕВ Г. Н. Проблема традиций и новаторства. Сборник «Ленин и искусство», М., изд-во «Наука», 1969 йил.
  22. ВАСИЛЬЕВ Н. П. Воспитание трудящихся в духе социалистического интернационализма и патриотизма (Институт философии АН СССР, материалы научного совещания). 1960 йил.
  23. ГРОНИН Д. А. Полнее и ярче изображать счастье советского человека. (Институт философии АН СССР, материалы научного совещания.) 1960 йил.
  24. ЗА ЗДОРОВЫЙ БЫТ. Т., Объединенное издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1957 йил.
- 
- 
-

- 
- 
- 
25. ИГИТХАНИЯН М. Х. Влияние среды и общественного мнения на нравственное воспитание личности. (Институт философии АН СССР, материалы научного совещания.) 1960 йил.
26. КРУЖКОВ В. С. Ленинские принципы эстетики. Сборник «Ленин и искусство», М., изд-во «Наука», 1969 йил.
27. КОЗЛОВ В. К. О формировании и развитии социалистических наций в СССР. М., Госполитиздат, 1954 йил.
28. ЛИФАНОВ М. И. Материальные и моральные основы социалистического быта. Объединенное изд-во, 1957 йил.
29. МАЗИЯ П. Г. Как мы работаем, учимся и живем. (Институт философии АН СССР, материалы научного совещания.) 1960 йил.
30. МОРДВИНОВ А. Е. О социалистическом содержании и национальной форме советской культуры, М., Госполитиздат, 1951 йил.
31. МОРОЗОВ М. Национальные традиции народов СССР. М., Госполитиздат, 1955 йил.
32. МИШКИН М. И. О моральной ответственности коллектива. (Институт философии АН СССР, материалы научного совещания.) 1960 йил.
33. НАДЖИМОВ Г. Отношение марксизма-ленинизма к народным традициям. Т., изд-во «Узбекистан», 1965 йил.
34. О КОММУНИСТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ. Сборник, составитель Ковалев С. М. Второе издание, М., Госполитиздат, 1966 йил.
35. ОСНОВЫ МАРКСИСТКО-ЛЕНИНСКОЙ ЭСТЕТИКИ. М., Госполитиздат, 1960 йил.
36. ОСНОВЫ КОММУНИСТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ, М., Госполитиздат, 1960 йил.
37. СИНИЦИН В. Г. Рождение коммунистического быта. М., изд-во «Знание», 1960 йил.
38. СКАТЕРЦИКОВ В. К. Проблемы эстетического воспитания. Сборник «Ленин и искусство». М., изд-во «Наука», 1969 йил.
39. СЕЧИН В. В. Интернациональное в национальном. Сборник. «Ленин и искусство». М., изд-во «Наука», 1969 йил.
40. ХАСХАЧИХ Ф. И. Материя и сознание. М., Госполитиздат, 1951 йил.
41. ХАРЧЕВ А. Г. Некоторые вопросы нравственного и эстетического воспитания молодежи. (Институт Философии АН СССР, материалы научного совещания.) 1960 йил.
42. ШЕРМУХАМЕДОВ С. О национальной форме социалистической культуры узбекского народа. Т., изд-во АН УЗ ССР, 1961 йил.
43. ШИШКИН А. Ф. Основы марксистской этики. М., изд-во ИМО, 1961 йил.
44. ВУЛЬФОВИЧ А. М. Основы семейного воспитания детей. Т., Объединенное изд-во, 1957 йил.
45. ГОРДИЕНКО Н. С. О манерах хорошего тона. Т., Объединенное изд-во, 1957 йил.
46. КАЛИНИН М. И. О коммунистическом воспитании. Куйбышевское областное изд-во, 1948 йил.
47. КРУПСКАЯ Н. К. Избранные педагогические произведения. М., Учпедгиз, 1957 йил.

48. КРИЖАН Э. и ОРЛИК Ю. Как себя вести. (О правилах приличия.) Чехословакия, изд-во «Обзор», 1968 йил.
49. ОТА-ОНАЛАР КИТОБИ. Т., Уздавнашр, 1962 йил.
50. ШАМАХМУДОВ Ш. Моя большая семья. «Правда Востока», 18 июня, 1963 йил.
51. ДОМОВОДСТВО. Учпедгиз, Москва, 1958 йил.
52. АБУЛ ФАРАЖ. В мире интересных приключений, изд-во Иностранной лит-ры, 1959 йил.
53. АЙНИЙ С. Шайхурраис Абу Али ибн Сино. Таж. ССР, Душанбе, ФА нашриёти, 1939 йил.
54. БАРТОЛЬД В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия. Соч. том I, М., изд-во Иностранной лит-ры, 1963 йил.
55. БЕРТЕЛЬС Е.Э. Авиценна и персидская литература. М., изд-во «Наука», 1960 йил.
56. БИР СОАТЛИК ХАЛИФА. Т., Ф. Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967 йил.
57. ВОЛЬШЕБНЫЙ МЕРТВЕЦ. М., изд-во Восточной литературы, 1958 йил.
58. ВОХИДОВ Э. Ешлик девони. Т., Ф. Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969 йил.
59. ЖАЛОЛОВ Т. Ўзбек шоирлари. Иккинчи нашри. Т., Ф. Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1970 йил.
60. ЗАНД М. Поэтическое творчество ибн Сины. «Литературный Таджикистан», № 5, 1953 й.
61. ИНАЯТУЛЛАХ КАНБУ. Бехаре данеш. М., изд-во Восточной литературы, 1966 йил.
62. ҚОВУСНОМА. Тузатилган иккинчи нашри, Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1968 й. Оғаҳий тарҷӯмаси.
63. КАЛИЛА ВА ДИМНА. Ф. Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1966 йил.
64. МАХТУМҚУЛИ. Танланган асарлар, Т., ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963 йил.
65. МУҚИМИИ — Танланган асарлар, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1958 й.
66. МУҲАММАДҚУЛОВ А. Дил саковати, «Фан ва Турмуш», 1966 йил, 11-сон.
67. 1001 ҲИКМАТ, тузувчи ва таржимон Шоислом Шомуҳамедов, Т., ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1965 йил.
68. НАВОИЙ А. Ҳамса. Т., ЎзССР ФА нашриёти, 1962 йил.
69. Саъдий ШЕРОЗИЙ. Гулистон. Т., Ф. Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968 йил.
70. СМИРНОВА-РАКИТИНА С. Абу Али ибн Сино қиссаси Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1966 йил.
71. СҮЗ ҚҮРКИ МАҚОЛ. Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1970 йил.
72. УМАР ҲАИЕМ. Рубоийлар. Т., Ф. Фулом номидаги бадий адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил.

- 
- 
- 
73. ҲАБИБИЙ. Мәхмөндүстлик — яхши фазилат. «Совет Узбекистони», 28 апрель 1966 йил.
74. ХОНДАМИР ГИЕСИДДИН. Макаримул ахлок (яхши ҳулқлар). Т., Ф. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967 йил.
75. ШОМАҚСУДОВ Ш., ДОЛИМОВ С. Қенг уйнинг келинчаги. Т., ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1961 йил.
76. ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ. Қутадғу билик. Нашрға тайёрловчи филология фанлари кандидати Қаюм Каримов. Т., ЎзССР «Фан» нашриёти, 1971 йил.
77. ЎЗБЕК КЛАССИК АДАВИЕТИ АСАРЛАРИ УЧУН ҚИСҚАЧА ЛУҒАТ. Т., ЎзССР ФА нашриёти, 1953 йил.
78. ЎЗБЕК ҲАЛҚ МАҚОЛЛАРИ. (Иккинчи нашри). Т., ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960 йил.
79. ЎЗБЕК ПОЭЗИЯСИНГ АНТОЛОГИЯСИ. Т., Ўздавнашр, 1948 йил.
80. ҒАФУР ҒУЛОМ. Шараф қўлёзмаси. Т., Ўздавнашр, 1950 йил.
81. ҲИКАТУЛЛАЕВ Ҳ. Ибн Синонинг «Юрак дорилари» рисоласи. Т., ЎзССР «Фан» нашриёти, 1966 йил.
82. БАБУР-НАМЭ. Записки Бабура. Т., изд-во АН ЎзССР, 1958 йил.
83. ИЗ ИСТОРИИ ОБЩЕСТВЕННОГО БЫТА УЗБЕКОВ. «Советская этнография», № 5, 1963 йил.
84. ИСТОРИЯ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА. том I, Т., изд-во АН ЎзССР, 1955 йил.
85. ИСТОРИЯ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА, том 2, Т., изд-во АН ЎзССР, 1957 йил.
86. КАРЫ-НИЯЗОВ Т. Н. Очерки культуры советского Узбекистана. М., изд-во АН СССР, 1955 йил.
87. КОСВЕН М. О. Очерки истории первобытной культуры. М., изд-во АН СССР, 1953 йил.
88. О МАРКСИСТСКО-ЛЕНИНСКОМ ОСВЕЩЕНИИ ИСТОРИИ И ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА. Т., изд-во АН ЎзССР, 1951 йил.
89. ПРАЗДНИК В НАШЕМ ДОМЕ. (Праздники, обряды, обычаи.) М., «Наука и Религия», № 3, 1967 йил.
90. СОКОЛОВ Ю. А. Ташкент, ташкентцы и Россия, Т., изд-во «Узбекистан», 1965 йил.
91. СУХАРЕВА О. А. Ислам в Узбекистане. Т., изд-во АН ЎзССР, 1960 йил.
92. ТОКАРЕВ С. П. Этнография народов СССР. М., изд-во АН СССР, 1958 йил.
93. АБУ АЛИ ИБН СИНО. Тиб қонунлари. II китоб. Содда дорилар ҳақида. Т., ЎзССР ФА нашриёти, 1956 йил.
94. АБУ АЛИ ИБН СИНО. Тиб қонунлари. III китобнинг 2-томи, Т., ЎзССР ФА нашриёти, 1958 йил.
95. АБУ АЛИ ИБН СИНО. Тиб қонунлари. IV китоб. Т., ЎзССР ФА нашриёти, 1960 йил.
96. БУДИЛОВА Е. А. Учение И. М. Сеченева об ощущении и мышлении. М., изд-во АН СССР, 1954 йил.
97. БРЕЙТБУРГ А. М. Рациональное питание. М., Госторгиздат, 1957 йил.
98. ВЕРЗИЛИН Н. Растения в жизни человека. Ленинград, Госдетиздат, 1954 йил.

- 
- 
- 
99. ГРАШЕНКОВ Н. И. Достижение советской физиологии органов чувства и проблема отражения. М., изд-во АН СССР, 1951 йил.
100. ЗОҲИДОВ А. Тансиҳатлик нималарга боғлиқ. «Фан ва турмуш», № 8, 1971 йил.
101. ИОЙРИШ Н. П. Пчелы и медицина. Т., изд-во «Медицина», 1966 йил.
102. КОЛЛЕКТИВ. Лечебное питание. М., Медгиз, 1958 йил.
103. ЛЕВИН Ю. А. О вреде спиртных напитков. Т., Объединенное изд-во, 1957 йил.
104. МАЖИДОВ Н. М., ГОРДЕЕВА В. Д. Ибн Синонинг неврологик қарашлари. Т., Узбекистон КП МК Бирлашган нашриёти, 1969 йил.
105. МАЛИНОВСКИЙ А. А. Организм человека и его жизнедеятельность. М., Медгиз, 1952 йил.
106. МУҲАММАД ФУЗУЛИИ — Меваларнинг баҳси. (Озарбайжон тилида). «Гянжлик» нашриёти, 1970 йил.
107. ПАВЛОВ И. П. Сборник произведений. II том, 2- книга, М., Медгиз, 1943 йил.
108. ПЕТРОВ Б. Д. ВАШЕ ЗДОРОВЬЕ. М., Медгиз, 1960 йил.
109. ПЕТРОВСКИЙ К. С. Основы рационального питания. М., изд-во «Знание», 1966 йил.
110. ПОКРОВСКИЙ А. А. Беседы о питании. М., изд-во «Экономика», 1964 йил.
111. ПОПУЛЯРНАЯ МЕДИЦИНСКАЯ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ. М., изд-во «Советская энциклопедия», 1968 йил.
112. ТЕРНОВСКИЙ В. Н. Ибн Сина (Авиценна). М., изд-во «Наука», 1969 йил.
113. ШИЛОВ П. И., ЯКОВЛЕВ Т. Н. Справочник по витаминам. М., Медгиз, 1960 йил.
114. АЛЬХАСОВ М. К. Озарбайжон хўраклари. (Озарбайжон тилида.) Боку, «Гянжлик» нашриёти, 1954 йил.
115. АМИНОВ С. Таомхон тоҷики. Душанбе, нашриёти Давлати Тоҷикистон, 1959 йил.
116. АРМЯНСКАЯ КУЛИНАРИЯ. М., Госторгиздат, 1960 йил.
- 
- 
-

## «МЕҲМОННОМА» ЎҚУВЧИЛАРИГА (Сўнгсўз ўрнида)

«Меҳмондўстлик бамисоли бир булоқки, унда дўстлик, ўртоқлик, обамгарчилик, инсонпарварликни шакллантирадиган, шахсан покизалик, тадбиркор-чаққонлик, ахлоқан теран ва турмушга нафосат назари билан қарашни тарбияладиган бир зам-зам қайнайди».

Муаллиф мазкур китобини яратишда ўзининг ана шу фалсафасига бошдан-оёқ содик қолади.

Чиндан ҳам меҳмоннавозлик — олий фазилат. Унда фақат дастурхонни ноз-нечматлар билан тўлдириши, меҳмонга тотли таомлар тортишгина эмас, кишидаги хулқий, нозиктаблик сифатлари ҳам мужассамлашган. Бу ўзбекона фазилатлардир. Ана шу фазилатларни муаллиф ўн қисмдан иборат номалар орқали ўқувчига етказишига ҳаракат қилган. Уларда меҳмоннавозликнинг ўзиға хос хислатлари ҳам, пазандалик санъатию, меҳмон учун тузатиладиган дастурхоннинг нафосати ҳам, меҳмондорчилик таомномаси — ҳар жойнинг ўз таомилига кўра ва ҳар фаслининг масалликларидан турли таомлар тайёрлаш ҳам, меҳмоннавозлик билан боғлиқ бўлган кишидаги ахлоқий, хулқий томонлар — қандай кўришиш, саломлашиш, илтифот қилиш зарурлиги ҳам ўз ифодасини топган.

Муаллиф шу йўл билан адабиётимиздаги мураккаб жанр — номачиликдаги китобини яратган. Маълумки, номачилик, биринчидан, илмий фикрларни публицистик ва бадий жумлалар орқали бәён қилиш бўлса, иккинчидан, муаллиф турли илмий соҳалар бўйича ўз дунёқарашини бир китобда мужассамлаштиришидан иборат. Зотан, «Меҳмоннома»да ўзбек ҳалқининг тарихи, этнографияси, урф-одати, илғор хулқ-атвори, пазандалиги сингари томонлари якқалам қилинган.

«Меҳмоннома» ёшлиаримиз ўртасидаги илғор ва замонавий, янгича урф-одатларни ёшишда муҳим роль йўнайди. У ёш оиласлар учун кундузлик турмушда дастуруламад бўйиб қолишига ишонамиз. Зотан, бу қимматли китобда қамраб олинган масалалар Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг мазкур соҳада кўрсатаётган гамхўрлигига ҳамоҳангdir.

Сирасини айтганда, муаллиф — фалсафа фанлари номзоди, доцент К. Маҳмудов мазкур номани битишига осонликча эришгани йўқ. У узоқ ишлар давомида ўзбек этнографияси, ўзбек таомлари ва миллий үдумлар устида олиб борган изланишлари, шулар хусусида йигирмадан ортиқ китобни яратиш тажрибаси орқали қўлга киритди. Ўйлаймизки, муаллиф ўз олдига қўйган вазифасини ўддалаган. Агар муҳтарам китобхонлар «Меҳмоннома»га ўз муносабатлари — унинг мундарижаси, савияси ва безатилиши билан боғлиқ масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришса, кейинги нашрларида бу қимматли таклифлар инобатга олинади.

Таҳрир ҳайҳати

---

---

---

## К ЧИГАГЕЛЯМ «МЕХМАН-НАМЕ»

(вместо послесловия)

Быть может, лучше всего идею книги, которую вы сейчас держите в руках, выразит такая цитата из нее: «Гостеприимство — это животворный родник, в первозданной чистоте которого будто бы слились воедино дружба и деликатность, доброжелательность и предельное внимание к гостю».

Таково кредо самого автора.

Трудно не согласиться с тем, что гостеприимство — понятие особое, возвышенное. И умение уставить стол яствами — далеко не единственная, а, возможно, и не главная его составляющая. Гостеприимство, безусловно, значительно шире, богаче и полнее, нежели просто готовность ублажить «гастрономические» устремления гостя. Гостеприимство, конечно же, включает в себя и умение встретить гостей, занять их приятной беседой, уделить внимание каждому. И, разумеется, это — знание всех тонкостей кулинарии, секретов приготовления национальных блюд, рожденных фантазией и искусством разных народов.

Своеборзие книги состоит еще и в том, что автор строит ее в жанре «наме» — весьма своеобразном и заслуженно популярном на Востоке. Автор излагает любопытные философские суждения по поводу избранного предмета, широко включая сведения из области этнографии и привлекая богатый арсенал сведений из истории и своеобразной, самобытной кулинарии узбекского народа.

Думается, эта книга сыграет заметную роль в пропаганде передовых обычаяев и традиций. Верится, что она станет настольной книгой в молодых семьях.

Несколько слов об авторе... Карим Махмудов — кандидат философских наук, доцент ТашГУ им. В. И. Ленина. Он не только известный узбекский ученый, но и тонкий знаток национальной этнографии. Его, полные ценных советов, книги, давно и заслуженно получили признание народа, органично вошли в повседневный быт.

Его перу принадлежит более 20 книг на узбекском и русском языках, в том числе — «Узбекские блюда», «Занимателная кулинария», «Хлеб наш наущный», «Пловы на любой вкус», «Мучные блюда», «Узбекская домашняя кухня», «Узбекский плов», «Узбекская кулинария», «Деликатесы Узбекистана»...

«Мехман-наме» вобрала в себя все то лучшее, о чем поведал автор в предыдущих своих книгах, но ко всему этому она еще и обогатилась описанием новых обрядов и традиций, характерных для нашей действительности.

---

---

---

---

*Уважаемые читатели! Издательство «Еш гвардия», редакция этой книги, подготовленной нами совместно с творческим объединением «Нур» («Свет») Ташкентской организации Союза журналистов Узбекистана, и ее автор будут вам очень признательны за отзывы о ней, а также готовы с благодарностью узнать ваши пожелания и советы, которые, мы уверены, помогут продолжить работу по подготовке изданий этой тематики.*

*Редакционная коллегия*

*ИТАКЕН НОМЛАМ — НТАДЖАЛ МАЛ*

*Данное издание опубликовано в рамках проекта «Создание и развитие книгоиздательства в Узбекистане» под руководством Администрации Президента Республики Узбекистан и при поддержке Фонда президентских грантов. Издательство несет ответственность за содержание предоставленных материалов.*

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан ..... 3

### МЕХМОНДҮСТЛИК БҮЛСА ИШИ — ОЛИЙ ФАЗИЛАТЛИ ЎША ҚИШИ

Мехмоннавозлик — олий фазилат .....	8
Мехмон нега хурмат килинади? .....	13
Мехмондүстлик тўғрисида мақол ва ривоятлар .....	17
Мехмондүстлик тўғрисида бирор манба излаб .....	21

### МЕХМОН ҚУТИБ ТОЛМАБСИЗ — УМР БҮЙИ ХОРМАЙСИЗ

Мехмон нега келади-ю, нега келмайди? .....	26
Мехмонга таклиф .....	30
Зиёфатни бошқариш .....	31
Мехмон тоифалари .....	33
Мехмон кутиш .....	34
Бир жойдан иккинчи жойга келган меҳмон .....	37
Хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларга мезбонлик шарафига муяссар бўлганилар учун .....	40
Таомнома .....	40
Хорижий меҳмонларнинг ўз мамлакатларидағи овқатланиш удумини хисобга олиш .....	41
Дастурхон тузаш .....	42
Нон, сомса, яхна овқатлар ва мева-чеваларни жойлаштириш .....	43
Нонушта .....	45
Тушлик овқат .....	45
Кечки овқат .....	46
Мехмонларни жой-жойига ўткизиш .....	47
Кийиниб олиш .....	47
Овқатланиш .....	48
Дастурхон устида сухбат .....	48
Қўл ювиш .....	49
Совға-сувенир .....	50

### ПАЗАНДАЛИК САНЬЯТИ ВА ДАСТУРХОН НАФОСАТИ

Пазандалик санъати .....	52
Таом тайёрлаш илми .....	54
Дастурхон тузаш маҳорати .....	59
Дастурхон нафосати масаласининг қўйилиши ва бир шингил наза- рия .....	62
«Рухий» меъда .....	64
Масадликнинг табиий гўзаллиги нима? .....	65
Таомнинг сунъий гўзаллиги .....	66
Маза сезиш маданияти .....	68
Тил «дарвозабон» .....	70
Маза «спектори» .....	71
Кичик нарсанинг катта илмий асоси .....	73

### ТАОМ ЛАЗЗАТИ — МЕХМОН ИЗЗАТИ

Меҳнат неъматлари .....	76
Нон ва маъзар .....	79
Ширинликлар ва мева-чева .....	89
Яхна овқатлар .....	93

Суюк ош ва шўрвалар .....	97
Куюқ овқатлар .....	106
Чучвара ва мантилар .....	106
Лагмонлар .....	112
Қовурмалар .....	115
Димламалар .....	116
Дўлмалар .....	120
Бўтқалар ва шавалар .....	124
Паловлар .....	128

МЕХМОН БЎЛИБСИЗ — НУРГА ТЎЛИБСИЗ

Мехмон отадан улуг .....	142
Зиёфат пайтида .....	146
Овқатланиш одоби .....	147
Болани дастурхон атрофига ўтиришга ўргатиш .....	151
Мехмон машатпараст бўлмаслиги жоиз .....	154
Хурматим сақлансин десангиз .....	156
Эътиборли бўлинг .....	158

САЛОМ БЕРИШ ФАРЗ — АЛИҚ ОЛИШ ҚАРЗ

Одобиликнинг олий белгиси .....	162
Салом берилмаслик мавриди .....	164
Саломлашишинг бузилиш холлари .....	164
Одамийликнинг оддий белгилари .....	165
Салом сехри .....	168

МЕХМОНДЎСТЛИК СОВФАСИ ВА СОХТА ДЎСТНИНГ  
FOBFACI

Совға-салом муаммоси .....	172
Совға топшириш ва қабул килиш .....	176
Ошнолардан бири .....	178
Хасислик — пастлик .....	180

ҲАМ ДОРУ, ҲАМ ОFY

Социал иллатлардан бири .....	184
-------------------------------	-----

ДАВРНИНГ ДАВРОНИ — ФАНИМАТ, ЭНГ АЗИЗ  
МЕХМОНИ — ФАНИМАТ

Анъаналар — бебаҳо бойлик .....	190
Шахсий хаётдаги мухим воқеаларни бир умр эслаб колишига багишлиган меҳмондорчиликлар .....	194
Ижтимоий хаётда содир бўлган ўзгаришларни нишонлашга багишлиган меҳмондорчиликлар .....	200
Кўнгилли дам олишга багишлиган меҳмондорчиликлар .....	201
Табиатда содир бўлган ўзгаришларга багишлиган меҳмондорчиликлар .....	205
Меҳмондорчиликнинг меҳнат ва ҳосилга багишлиган турлари .....	213

ГАШТ ҚИЛИНГ ДОНО БИЛАН,  
УЛФАТИ ЖОНО БИЛАН

Яхши дўст-жон озики, ёмон дўст бош қозиги .....	222
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	228
«МЕХМОННОМА» ЎҶУВЧИЛАРИГА .....	233
К читателям «Мехман-наме» .....	234

**Махмудов Қарим.**

Меҳмоннома: (Ўзбек меҳмоннавозлигининг нафосати, одоб ва этикодий томонлари тўғрисида мушоҳадалар) (Тахрир ҳайъати: Н. Нарзуллаев (масъул муҳарр.) ва бошк). — Т.:Ёш гвардия, 1989. — 240 б.

Меҳмондўстлик ўз номи билан дўстлашиб демакдир. Одамларнинг иноқ-иттифок, улфат, дўст, биродар бўлишлари меҳмоннавозлик анъанаси орқали шаклланади.

Ўзбек фарзанд кўрса ҳам, уйланса ҳам, бошига мусибат тушса ҳам дастурхон ёзади. Шундай экан, билада асрлардан бўён аяъана тусига кириб келаётган издаҳомларимиз жуда кўп: қизлар мажлиси, никоҳ тўйи, келинчак қўлидан чой, чорлар, бешик тўйи, гап-гаштак, сумалак сайди, гули сурх, акор баами, корхат, туғилган кунни нишондаш, тилло тўй...

Шундай издаҳомларда меҳмонларни кутуб олиш, таомларни тайёрлаш, дастурхон тузаш санъати-сирлари, энг муҳими, меҳмон ва мезон ўзини қандай тутиши ҳақидаги халқ таомиларини муаллиф Карим Маҳмудов атрофлича ўрганди. Ана шу изланишлар самарааси бўлмиш «Меҳмоннома» китоби меҳмоннавоз инсоннага маслаҳатчи вазифасини ўтайди, деб умид қиласмиша.

Текст ўзбек ва рус. тилларидан.

**Махмудов Қарим. Мехман-Наме:** (Книга о гостеприимстве).

ББК 63.5

Научно-популярное издание  
На узбекском языке  
Карим Махмудов  
МЕХМАН-НАМЭ

## (КНИГА О ГОСТЕПРИИМСТВЕ)

Муқовада Ўзбекистон ССР халқ рассоми Чингиз Ахмаровнинг «Олма кўтарган қиз» асаридан фойдаланилди.

Китобни безатишида уста наққос Кобил Қосимов, суратчилар Нельмат Шарипов, Анатолий Кудряшов, Татьяна Степанова, Лидия Шленова, Алексей Жданов, Виктор Майоровлар катнашдилар.

Китобни рассом Мирвосил Одилов безаган  
Мухаррирлар Мубабар Йёлесова, Муборак Фозилова  
Техник мухаррир Ульяна Ким, Вера Демченко  
Муассинчалик Сайдадин Сайдадинов, Магомед Набиев

HE M 9867

Махмуд Карим.

Махмуджонид Мубақ исхомониёнини бирлаш, ораби яшатканни ташкинида куттилди. Махмуджонид (таджик тайъати № 10, наразуддин (исхомид) Абдуллоҳ) из босеке – Тажик гвардия, 1964 – 1980.

Махмуджонид Мубақ исхомониёнини бирлаш, ораби яшатканни ташкинида куттилди. Махмуджонид (таджик тайъати № 10, наразуддин (исхомид) Абдуллоҳ) из босеке – Тажик гвардия, 1964 – 1980.

Теришга берилди 10.07.89. Босишига руҳсат этилди 7.09.89. Р 02773. Формати  $70 \times 100^{\prime} / 16$  бланочно-оффсетная № 1. Босма көнозга «Литературная» гарнитураси оффсет босма усулида босилди. Босма листи 15,0. Шартли босма листи 19,35. Нашр листи 18,10. Шартли кр.-отт. 79,98. Тиражи 125000 (биринчи завод 50.000). Буюртма № 1287. Ваҳоси 5 с.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. 700113. Тошкент, Чилонзор масави, 8-квартал, «Правда» газетаси кӯчаси, 60-уй.

Узбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг оффсет босма фабрикаси. Тошкент, У. Юсупов кӯчаси, 86.